

**Ilm kelajagimiz  
ravnaqidir**

**№-1. 2023**



**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION**



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

*Илм келажасгимиз равнақидир*

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION

*Илмий мақолалар журнали*

N-1 2023



ТАЪСИСЧИЛАР;  
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ  
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**Ҳар чорақда 1 марта чиқади.**

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079  
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil  
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati  
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat  
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVONNOMA N-11-079.**

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat  
xizmatlari portali.  
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

**Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.**

**Ariza raqami: 19051279.**

**НАШР ИНДЕКСИ 190-111.**

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси 28-уй.  
Босишга рухсат этилди: 14.03.2023.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8.  
Босма табағи 16,5. Офсет босма.  
Офсет қоғози. Адади 100.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Буюртма № 18.

Техник ходимлар:  
**Хидиров Холмат**  
**Мамаражабов Ғайрат**  
**Умаров Икром**  
Саҳифаловчи:  
**Қўшоқова Моҳигул**

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти  
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.  
tursunovsafullo12@mail.ru  
Тел: 876 223 07 66.  
+99 891 577 90 50,  
+99 894 200 49 55,  
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**  
**Тарих фанлари доктори, профессор**  
**Термиз давлат университети**

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

**Қобулов Эшболта Атамуродович**  
**Тарих фанлари доктори, Термиз давлат**  
**университети, Педагогика институти директори**  
Журналнинг илмий котиби:  
**Умуркулов Бекпўлат филология фанлари**  
**доктори, Термиз давлат университети**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Марахимов Авазжон  
Тўраев Назар  
Муртазоева Раҳбархон  
Сагдуллаев Анатолий  
Абдуллаев Улуғбек  
Ашуров Адхам  
Дониёров Алишер  
Шамсиддинов Рустам  
Эшов Баходир  
Обломуродов Наим  
Муҳаммадиев Раҳмон  
Эргашева Юлдуз  
Бўриев Очил  
Давлатова Саодат  
Ғоффоров Шокир  
Худойқулов Абдулла  
Пардаев Тошкенбой  
Рахимов Ғанишер  
Холмўминов Жуманазар  
Турсунов Нурулло  
Холмўминов Хусан  
Тўхтаев Абдуғани  
Хайитов Шодмон  
Ирискулов Олимжон  
Саидов Илхом  
Якубова Диларам  
Саидов Бахтиёр  
Акчаев Фаррух

**ЖАМОАТЧИЛИК**

**КЕНГАШИ:**

Турдиев Тоштемир  
Убайдуллоева Барно  
Қурбонова Манзилла  
Раҳмонов Фахриддин  
Ёрматов Фахриддин  
Чориев Рўзимурод  
Қосимов Асрориддин  
Воҳидов Шодмон  
Қодирова Дилбар  
Раҳимов Баходир  
Юнусова Хуршида  
Тўраев Хайит  
Хасанова Нодира  
Бобожонова Дилором  
Эшонкулов Абдужаббор  
Алланов Қилич  
Тилекулов Гаухар  
Аликулов Рустам  
Мирзаев Ибодулло  
Панжиев Нормамат  
Жабборова Шоира  
Чориев Иргаш  
Ҳотамов Очилди  
Турсунов Жавли  
Файзуллаева Мавлуда  
Туропова Моҳдил

# ТАРИХ

## ИБРОҲИМБЕК

Муҳамадиев Раҳмон Омонович  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Тошкент давлат тиббиёт академиясининг  
Термиз филиали офтальмология кафедраси  
профессори, тиббиёт фанлари доктори

Аннотация: Ўзбек миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин намояндаси Иброҳимбек Чақобой Тўқсабо ўғли энг узоқ, яъни 10 йил давомида рус босқинчиларига қарши кураш олиб борди. Миллатимиз озодлигини жондан азиз билган Иброҳимбек ўз ватанидан безиб қўшни Афғонистонда туриб ҳам ватан озодлиги учун курашни тўхтатмади. Бухоро амири Сайид Олимхонни Бухоро амири эмас балким, миллат бошлиғи сифатида унга садоқат билан хизмат қилди. Ўз жонини сақлаб Афғонистон ёки Эрон ҳудудларида қолиб ҳам умр гузарон қилиши мумкин эди. Лекин у осойишта умрдан ватанга садоқатни устун қўйди. Курашларда енгилмаган Иброҳимбекка 100 000 кишилик Совет қўшинлари шарқий Бухорога кириб келди, лекин очиқ жангларда енголмади. Иброҳимбек 10 йил давомида бутун дунё нигоҳида Ўрта Осиё Наполеони номи билан машҳур бўлди. Ватанпарвар Иброҳимбек сотқинлик қурбони бўлди. Ўз жонининг ҳаловатини эмас, унга эргашган ватанпарвар сарбозлар тақдирини ўйлаб, Муқим “командига” таслим бўлди ва бошқаларнинг жонини сақлаб қолди. Орадан 100 йил ўтиб 2021 йилда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев фармони билан Иброҳимбек босмачи эмас балки ватан ҳимоячиси сифатида оқланди.

Калитли сўзлар. Босмачи, миллий озодлик, қизил армия.

Аннотация: Сын Чагобой Токсаб Иброҳимбека, яркий представитель узбекского национально-освободительного движения, дольше всех 10 лет боролся с русскими захватчиками. Ибрагимбек, горячо любивший свободу нашего народа, не переставал бороться за свободу своей страны даже в соседнем Афганистане. Он верно служил эмиру Бухары Сайеду Алим-хану не как эмиру Бухары, а как главе нации. Он мог спасти свою жизнь, оставаясь на территории Афганистана или Ирана. Но он предпочел верность стране.. Непобедимому в боях Ибрагимбеку была переброшена 100-тысячная советская армия Восточную Бухару, Ни в одном сражении Ибрагимбек не был побежден в открытом бою. Вот уже 10 лет Ибрагимбек известен в глазах всего мира как Наполеон Средней Азии. Патриот Ибрагимбек стал жертвой предательства. Он не думал о своей жизни, а беспокоился о судьбе воинов-патриотов, следовавших за ним, и сдался Муқим командиру и спас жизни других. Спустя 100 лет, в 2021 году, указом президента Ш.М.Мирзиёева Иброҳимбек был оправдан как защитник Родины а не басмачи..

Ключевые слова. басмачи, национальное освобождение, Красная Армия.

Abstract: The son of Ibrokhimbek Chagoboy Toksabo, a bright representative of the Uzbek national liberation movement, fought against the Russian invaders for the longest period of 10 years. Ibrahimbek, who loved the freedom of our nation dearly, did not stop fighting for the freedom of his country even when he was in neighboring Afghanistan. He faithfully served the emir of Bukhara, Syed Alim Khan, not as the emir of Bukhara, but as the head of the nation. He could save his life by staying in the territories of Afghanistan or Iran. But he prioritized loyalty to the country over a peaceful life. Undefeated in combat, Ibrohimbek's

100,000-strong Soviet army entered eastern Bukhara, but could not be defeated in open combat. For 10 years, Ibrohmbek has been known in the eyes of the world as the Napoleon of Central Asia. The patriot Ibrahimbek became a victim of betrayal. Thinking not of his own life, but of the fate of the patriotic soldiers who followed him, Muqim surrendered to the «commando» and saved the lives of others. 100 years later, in 2021, by the decree of President Sh.M. Mirziyoyev, Ibrokhimbek was acquitted as a defender of the homeland..

Key words. basmachi, national liberation, red army

Долзарблиги. Миллий тарихимизни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. (Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев)

Мақсад. Рус истилоларидан кейин 1868 йилдан то 1991 йилларгача халқимиз рус истилочилари томонидан камситилиб келинди. Босқинчилар қайси тузум бўлмасин ватанимиз фидойиларини оддий халққа босмачи деб, ватан хоини тамғаларини босиб ҳақиқий тарихни яшириб келдилар. Ватанмиз фидойилари доимий даврий равишда қатоғон қилинди ва аксариятларини отиб ташладилар, узоқ Сибирга сургун қилдилар. Ушбу мақолада Сурхон элининг жонкуяри Ўзбек миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин намояндаси Чақобой тўқсабо ўғли Иброҳимбек фаолиятининг айрим қисмларига тўхталамиз.

Иброҳимбек фаолияти ва унинг оқибатлари. Ўзбек миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин намояндаси Иброҳимбек Чақобой Тўқсабо ўғли ўтганга мана 100 йилдан ошди. Аммо ҳамон у қахрамон тўғрисидаги баҳс мунозаралар сиёсатшунослар, тарихчилар ва оддий халқ орасида тўхтаган эмас. 1931 йилда Қизил армия жосуси узоқ йиллар Иброҳимбек армиясининг масъул котиби лавозимида фаолият кўрсатган Сафар Кассиров жосуслигида қўлга туширилган Иброҳимбекни ватан хоини, қонхўр жаллод сифатида Шўролар даврида бизга ўқитилиб келинди. Мустақиллик йилларининг ҳам қарийб 30 йиллари ўтиб кетди. Ниҳоят миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин намояндаси Иброҳимбек 2021 йил Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев фармони билан айбсиз деб тан олинди, миллатимиз ғурури ва ифтихори халқимиз олдида оқланди. Босмачи эмас элимиз халқимиз учун жон фидо қилган миллий қахрамон сифатида тан олингани барчамизни чексиз хурсанд қилди. Ватан учун жонини аямаган миллат қахрамони Иброҳимбекнинг фаолияти фақат ватан ва миллат озодлиги учун кураши мана 100 йиллардан буён тилларда дoston бўлиб келгани ва бугунги кунда оқлангани бизларни фахрлантиради ва Президентимизга миннатдорчилик туйғуларига тўйинтиради. Қўйида биз миллий қахрамонимиз Иброҳимбек фаолиятига бағишланган қиссамизни ҳикоя қилмоқчимиз.



Иброҳимбек 1889 йил ҳозирги Тожикистоннинг Рудакий районига қарайдиган Кўктош қишлоғида туғилган. Отаси Чақобой тўқсабо Бухоро амирлигида ҳарбий хизматда бўлган. Чақо тўқсабонинг 5 қизи ва 7 ўғли бўлиб, Иброҳимбек унинг

энг кенжаси эди. Боботоғликлар марказдан жуда узоқда яшаганлари учунми, жуда эрксевар халқ бўлишган. Ўйлаганини тилига чиқариб жуда мағрур яшашган. Сомонийлар даврида ҳам, Қорохонийлар даврида ҳам, Суғдлар даврида ҳам жуда эркин умргузаронлик қилганлар. Муғуллар беги Нўғайбек даврида-ку роса даври даврон суришган. Ҳеч кимга деярли бўйсунинмаган. Бухоро амирлигига фақат навкарликка ёлланишган. Навкарликка ёлланганлар ҳам Ҳисор беклигида Душанбе ва шу Ҳисор воҳасида хизмат қилганлар.

Иброҳимбекнинг отаси ўғлига катта миқдордаги мол-мулкни мерос қолдирмаган. У Ҳисор беклигининг маҳаллий солиқ йиғиштирувчиси бўлган. 1920 йилда Бухоро амири Сайид Олимхон Бухорони ташлаб қочганида ҳам айнан Иброҳимбек қанотида жон сақлаган. Кейин Афғонистонга ўтиб кетган. Қизил Армия Бухородан то Душанбегача босиб келгани билан улар фақат шаҳардагина ҳукмронлик қилишган. Қишлоқларда эса оркаш ва мағрур эрксевар Иброҳимбек кўшин йиғиб, халқ озодлик ҳаракатига бошчилик қилган. Кечалари Душанба, Ҳисор, Денов ва Қарши шаҳарларига хужум қилиб, Қизил армияни тор-мор келтираверган. Шу боис, Файзулла Хўжаев ва Михаил Фрунзелар, Иброҳимбек билан сулҳ тузишга мажбур бўлишган. Бутун шарқий Бухоро, яъни ҳозирги Бухородан тортиб Термиз, Ҳисоргача, Қўрғонтепадан то Амударё соҳилларига-ча Иброҳимбек кўлига ўтган. Бухоро амири Сайид Олимхоннинг айтишича, Иброҳимбекнинг нигоҳи шу қадар кучли бўлганки, унга бирорта инсон тик қарай олмаган. Иброҳимбек Бухорода Сайид Олимхон вакили ва Ҳисор беки деб тан олинган. Пойтахт ҳам Ҳисор кўрғонига кўчирилган. Лекин бу шартномага кўра, Бухоро Сайид Олимхон тарафида бўлгани билан Темир йўл шаҳри – Когон Қизил Армия таъсирида қолгани учун, мустамлакачиларнинг манфаатларига мос тарзда бронепоездда қурол-яроқ, самолётлар ва портловчи моддалар ортиб келтирилган. Қизил армия С.Будённий раҳбарлигида 100000 кўшин билан Иброҳимбек билан курашишга келишга мажбур бўлади. Шарқий Бухоро саркардаси Иброҳимбек 4 та бронепоездни ҳам ўлжага олишга улгурганди. Иброҳимбек Афғонистонга Сайид Олимхон олдига бориб келишга мажбур бўларди ва босқинчиларни енгишни кўпинча кечалари амалга оширарди. Айтиш лозимки, Иброҳимбек бу урушларни ўзи амир бўлиши учун эмас, балки амир Сайид Олимхон учун қилган. Ўз қавмидан бир қизни амирга никоҳлаб бериб, то умрининг охиригача садоқат сақлаб келган. 3 марта Афғонистондан Бухоро амирлигини тиклайман, деб Амударёдан ўтиб, Қизил армия билан курашган. У Амир Олимхон обрўсини сақлаш учун, ҳатто Эрон ҳудудларидан ҳам кўшин йиғиб, Совет чегараларига хужум уюштирган саркарда ҳисобланади. Иброҳимбек Бухорони озод қилганида ва Шарқий Бухоро амирлигини тузганида, Туркиянинг собиқ мудофаа вазири Анвар пошшо Усмонлар империяси биринчи жаҳон урушида енгилгандан кейин, Ўрта Осиёга ҳукмдор бўлиш ниятида Амир Олимхонга 40000 кишилиқ армияси билан «ёрдамга» шошилиши керак эди. Лекин Иброҳимбек Анвар пошшонинг бу ниятини пайқаб қолиб, унга кўшилмади. Бу даврларда Қизил армия ҳам Анвар пошшога қақшаткич зарбалар беради. Анвар пошшо Амударёдан ўтаётганида отиб ўлдирилди. Иброҳимбек яна кўшин йиғиш учун, Афғонистонга ўтди. У ерда Ҳабибулло томонидан Афғонистон амири Амоннулохонга қарши ички кўзғолон уюштиради. Бу кўзғолонга Совет ҳукуматининг ашаддий душмани бўлган Англия раҳнамолик қилиб, Иброҳимбек бу қудратли икки мамалакат ўртасида ҳеч кимга айланиб қолди. Совет ҳукумати Афғонистондаги дипломатик муносабатлар орқали афғон амирига Сайид Олимхон ва унинг садоқатли саркардаси Иброҳимбекни ҳимоя қилишни тўхтатишини талаб қилди. Худуд эндигина Англия мустамлакасидан озод этилаётган бу даврда, Афғонистоннинг Совет ҳукумати таклифига рози бўлишдан бошқа чораси ҳам қолмаганди. Халқ озодлик йўлида жон фидо қилишга тайёр Иброҳимбек ўзи туғилган қишлоғи Қўктошга қайтиб келади. Бу манзил Ўзбекистоннинг Узун тумани Боботоғ жамоа хўжалигидаги Оқмачит қишлоғи ёнидан ўтадиган Кофирнахон дарёсининг нариги томонидадир. Ўша даврлар бу худуд Ўзбекистон бўлиб, маркази Шеробод ҳисобланган.



Бобом Мулла Оқмирзанинг узоқ тунлар берган гурунглари ва тоғам Абдуллабойнинг кафиллик беришича, Иброҳимбек совет тузумига қарши ортиқ курашиш бефойдалигини англаб етди. Афғонистондаги сотқинликлардан бешиб, Амударёдан ўтиш олдидан ўз юртига қайтаётган навкарларидан кечирим сўрайди. “Тақдирга тан бериб, ўз уйлариинга қайтинглар, сизлардан мингдан-минг розиман”, деб хайр-хўшлашади. Кейин махсус вакилини (маҳаллий шўро мулла Мамарасул бобо) Сурхондарё вилоятининг ўша вақтлардаги маркази – Шерободга юбориб, НКВД бошлиғи Муқим командирга: “Курашларда енголмадинлар. Ватанни сотиб, амалларга эришдиларинг, русларга асрга тушгандан кўра, энди сен мени асрга олда, болаларимга ва адашган навкарларимга тегманглар. Менинг ўлигим, сенинг етти пуштинга емиш бўлади”, деган экан.

Иброҳимбекни ҳеч бир курашларда енголмай, шундай қуролсиз қўлга туширган Муқим командир: “Ўзини дарёга ташлаб қочаётганида оёғидан отиб, тириклайин асрга олдим”, деб Совет ҳукуматидан мукофотлар олган. Иброҳимбек ўша даврда бутун дунёнинг назарида бўлиб, Ўрта Осиё Наполеони ва Ўрта Осиё Робин Гуди деган лақаблар билан тилларда дoston бўлган.

Осонлик билан қўлга туширилган Иброҳимбек зудлик билан Душанба шаҳрига етказилди ва поездда Тошкентга олиб ўтилади.

Ўн йиллаб бутун Ўрта Осиёни ларзага солган Иброҳимбекнинг асрга олинишидан хабар келиши ўша даврдаги СССР халқ комиссарлар Советининг раиси Иосиф Сталиннинг фавқулодда Москвада сиёсий бюро йиғилишига сабаб бўлди. Туркистон халқи миллий озодлик ҳаракатининг энг машхур ва охирги қаҳрамони Муҳаммад Иброҳимбек 1920 йилдан то 1931 йил 23 июнь ойигача Қизил Армиянинг қўлга тушмас қасоскори бўлгани учун ҳам тезда отиб ташланди.

Ўз она ватанининг озодлиги учун жон фидо қилган Иброҳимбек ва унинг сафдошлари 70 йил давомида “босмачи” деган лақаблар билан бизларга Шўро мактабларида ўқитилиб келинди.

Халқ орасида миллий қаҳромонларимиз “босмачилар” тўғрисида мана бундай аламли ғазаллар юради:

“Босмачимиш”, шундай деган гап бемаъни,  
Тутмайдими бир кун уни беклар қони.  
Ҳар ким сиздай, ўз юртини севса қани,  
Беҳуда қон тўкмадингиз “босмачилар”.

Уйингизда сизни кутди кел деб тўрам,  
Келинчаклар кокиллари тарам тарам.  
Кўнгилга ёр сиғармиди юртинг қарам,  
Жангоҳлардан жилмадингиз “босмачилар”.

Тушунмай ким қарғади, кимлар сотди,  
Ортингиздан гоҳ болалар тошлар отди.

Ёш, деб гина қилмадингиз “босмачилар”,  
Беҳуда қон тўкмадингиз “босмачилар”.

Қайга тарқаб кетган бўлсанг қай замонда,  
Сизнинг асов қонингиз бор қонимизда.  
Унутмайди сизни ҳеч ким Туркистонда,  
Хонларга тенг ҳурматингиз “босмачилар”.

Номинг юртда кўнгилларга чўмилди,  
Юртим ори Иброҳимжон тананг қайга кўмилди.

Иброҳимбекнинг садоқатли кўрбошиларидан бири Оқмачитлик Мустонбек эди. Афғонистондаги ва Ўзбекистондаги сотқинликлардан бешиб, барча навқарларига жавоб берса ҳам, Каллакнинг ўғли Мустонбек Иброҳимбекка садоқат сақлаб умрининг охиригача босқинчиларга қарши курашиб, Чагамлик “дўсти” Жалматнинг уйига меҳмонга келди. Меҳмон “дўстини” яхшилаб сийлаш ўрнига, зудлик билан қизил аскарларга хабарга чопди. Буни сезган Мустон ботир қочиб, Говурганга яширинди. Жалмат йўлбошловчилигида қизил аскарлар Говурганга қувиб келдилар. Босқинчилардан яшириниш учун Мустонбек сирпанчиқ тоба тошлардан сирпаниб кетмаслик учун, иккала оёғининг товонларини кесиб товага ёпиштиришга қон чиқариб, ҳеч ким чиқолмайдиган камарга яширинади. Узоқдан қизил аскарларнинг отган ўқлари Мустонбекка тегмайди. Мустонбек 3 кун мана шу камарда яшириниб, охири 4 кун кечаси камардан пастга тушиб, отаси уйи Оқмачитга шошилди. Боботоғнинг чорраҳасидан ошиб, гугурт сувдан ўтганда Жалмат бошлиқ босқинчилар унинг изига тушдилар. Қурисойнинг ичида Жалмат сотқин уни отиб ўлдирди. Боботоғ миллий озодлик ҳаракатининг охириги қаҳрамонининг умри мана шундай поёнига етди.

Оқмачитлик Мустон ботирнинг отаси Каллак ва онасининг фарзанд доғида куйган дод фарёдларини ҳозиргача Боботоғликлар эслашиб юрадилар.

Мустон аканг ғайирди,  
Тўйдан улоқ айирди.  
Орқадаги душманни,  
Чаппа қилиб қайирди.

Мустон келди тонг вақти,  
Тақимида таёғи.  
Говурганга қамалиб,  
Оёғига мих урди.

Боботоғнинг бодоми,  
Ҳукуматнинг одами.  
Мустон шўрни ўлдирган,  
Жалмат кофир харроми.

Бугун ойга бир бўлди,  
Кийган қўйлак кир бўлди.  
Мустонбекни ўлдирган,  
Мамарасул кўр бўлди.  
(Мулла Мамарасул маҳаллий шўро раиси эди)

Бугун ойга иккиди,  
Кийгангинанг мўккиди,  
(мўкки така терисидан тикилган оёқ кийим)  
Мустонбекни ўлдирган,  
Мамарасул ҳўккиди.

Бугун ойга уч бўлди,  
Туйган палак пуч бўлди.  
Мустонбекнинг арваси, (арвоҳ)  
Арваларга дуч бўлди.

Бугун ойга тўрт бўлди,  
Бўш ёғочлар мўрт бўлди.  
Мустонбекнинг лошини,  
(лош палакнинг қовун тарвузсиз қолиши)  
Эгаллаган қурт бўлди.

Бўгун ойга беш бўлди,  
Пишган палак лош бўлди.  
Мустонбекнинг арваси,  
Арваларга бош бўлди.

Бугун ойнинг олтиси,  
Чўпонларнинг мўккиси.  
Мустонбекнинг ўлиги,  
Қурисойга кўмилди.

Бугун ойнинг жеттиси,  
Кийган кўйлак қирмизи.  
Мусонбекни соғинган,  
Зор йиғлайди энаси.

Бугун ойнинг саккизи,  
Қиз боланинг тўққизи.  
Арвоҳларнинг ҳурмати,  
Зор йиғлайди аммаси.

Бугун ойнинг тўққизи,  
Хум чойнакнин шаммаси.  
Мустонбекни соғинган,  
Зор йиғлайди отаси.

Бугун ойга ўн бўлди,  
Кийгангананг тўн бўлди.  
Мусонбекнинг ўлиги,  
Жанозасиз кўмилди.

Бугун ойга ўнбирди,  
Роса кўйлак кир бўлди.  
Мустон шўрнинг арваси,  
Арваларга тир бўлди.

Бугун ойга ўн иккиди,  
Кийган кўйлак кўк эди.  
Мўлла эшон тополмай,  
Жанозани мўлла тўрғай ўқиди.  
(мулла тўрғай деган қуш бор)

Бугун ойга ўн учдир,  
Чаққан пистаси пучдир.  
Мустон шўрнинг арваси,  
Арваларга дуч бўлди.

Каллак махсимнинг бошқа ўғилларидан ўрчиган болалари ва неваралари ҳозирда Сурхондарё вилояти Узун туманининг Файзова 2 қишлоғида яшайдилар

Ўзбек миллий озодлик қаҳрамони тарихини ўрганиш жараёнида Иброҳимбекнинг чевараларидан бири, ўзини Татьяна Журавлева деб таништирган аёл ҳозир Канадада яшаётганлигини, ҳамда имкон бўлиши билан биз, албатта, мулоқотда бўлишимизни таъкидладилар ва менга кўпдан-кўп раҳматлар айтди.

Шўролар тузуми Иброҳимбек вафотидан кейин 70 йил ҳукм сурди. Иброҳимбек авлодларидан энг кўзга кўринган давлат арбобларидан бири Исмаил Эшмирозов бўлади. У Қўрғонтепа област ижроия қўмитаси раиси, Тожикистон сув хўжалиги вазири ва Тожикистон бош вазирининг биринчи муовини лавозимларида ишлаган. Лекин улар Шўро тузуми даврида давлат сиёсатидан кўрқиб, Иброҳимбек авлоди эканлигини очиқ-ойдин айтолмаганлар.

Хулоса. Ўзбек миллий озодлик ҳаракатининг ёрқин намоёниси Иброҳимбек миллатмиз озодлиги учун 1921 йилдан то 1931 йилгача тинимсиз кураш олиб борди ва Амир Олимхон Афғонистонга қочганидан кейин Шарқий Бухоро ҳукуматини тузишга эришди. Ўз ватанини жондан азиз билган Иброҳимбек ўз ватанидан безиб қўшни Афғонистонда туриб ҳам ватан озодлиги учун курашни тўхтатмади. Бухоро амири Сайид Олимхонни Бухоро амири эмас балким, миллат бошлиғи сифатида унга садоқат билан хизмат қилди. Очиқ курашларда бирор марта ҳам Қизил армияга енгилмади. Қарийб 20 000 кишилик Иброҳимбек қўшинига Совет ҳукумати Семён Будённый бошчилигида 100000 кишилик Совет қўшинларини Шарқий Бухорога юборишга мажбур бўлди. Иброҳимбек 10 йил давомида бутун дунё нигоҳида Ўрта Осиё Наполени номи билан машҳур бўлди. Ватанпарвар Иброҳимбек сотқинлик қурбони бўлди. Орадан 100 йил ўтиб 2021 йилда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев фармони билан Иброҳимбек босмачи эмас балки ватан химоячиси сифатида оқланди.

## СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ «КАТТА ҚИРҒИН» ВАҚТИДА МИЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАРГА ҚАРШИ ОММАВИЙ ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич,  
Термиз давлат университети Жаҳон  
тарихи кафедраси мудири, тарих  
фанлари доктори, профессор

Аннотация: Совет режими Туркистон ўлкасида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлар экан, биринчи навбатда маҳаллий аҳолини тарихан шаклланиб келган миллий ва диний қадриятлари, маънавияти ва миллий мафкурасидан маҳрум этишга ҳаракат қилди. Бу курашлар йўлида шаҳид кетган юртдошларимиз ҳаёти, уларнинг фожиали қисмати ҳамда босиб ўтган шонли йўлини ўрганиш, хотираларни тиклаш ва қадрлаш мустақиллик даври тарихчилари учун муҳим вазифага айланди. Албатта оммавий қатағонликлар ўз-ўзидан келиб чиққан эмас.

Калит сўзлар: миллий зиёлилар, «халқ душманлари», «Катта қирғин», ЎзССР НКВД, «аксиланқилобий исёнчилар», «Учлик», «чет эл жосуслари».

Аннотация: Укрепляя свое господство в Туркестане, советская власть прежде всего стремилась лишить местное население исторически сложившихся национальных и религиозных ценностей, духовности и национальной идеологии. Важной задачей историков периода независимости стало изучение жизни наших соотечественников, павших на пути этих сражений, их трагической судьбы, пройденного ими славного пути. Конечно, массовые репрессии не возникли сами по себе.

Ключевые слова: национальная интеллигенция, «враги народа», «Резня», НКВД СССР, «контрреволюционные повстанцы», «Троица», «иностранные шпионы».

Abstract: While strengthening its rule in Turkestan, the Soviet regime first of all tried to deprive the local population of historically formed national and religious values, spirituality and national ideology. It has become an important task for the historians of the period of independence to study the lives of our compatriots who were martyred on the path of these

struggles, their tragic fate, and the glorious path they traveled. Of course, mass repressions did not arise by themselves.

Key words: national intellectuals, “enemies of the people”, “Massacre”, USSR NKVD, “counter-revolutionary rebels”, “Trinity”, “foreign spies”.

Ўзбекистон тарихида мустабид тузум томонидан ўтказилган оммавий қатағон сиёсатини холисона ёритиш шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Чунки, ушбу сиёсат юрт мустақиллиги, миллий-маънавий қадриятлари ва ғурури учун кураш олиб борган аждодларимизга қарши қаратилган бўлиб, унинг оқибатида жуда кўплаб фидойи инсонлар қурбон бўлдилар. Ушбу тарихий ҳаёт сабоқлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида алоҳида тўхталиб қўйидаги фикрларни баён этган эди: “Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт яшайди”.

1930 йилларда компартия катта сиёсий ўйинларни ишга солиб, бир томондан, миллий кучлар, миллий арбоб ва ходимларни аямай қирғин қилди, иккинчи томондан, советлар томонига ўтганларга умумий авф қилиб, бир оз вақт ўтгач, уларни бирин-кетин қиличдан ўтказиб турди. Совет режими ўзининг ғоясини қабул қилмаган гуруҳ, сиёсий партия, ташкилот ёки уюшмаларни йўқотиш учун уларга турли сиёсий номлар қўйди.

1930 йилларда қатағон қилинган миллий зиёлилар «аксилинқилобий исёнчилар», «халқ душманлари», «чет эл жосуслари», меҳнат мажбуриятини бажармаганлар «зарарқунанда», «саботажчи» каби номлар билан аталганлар. Советларнинг оммавий террор сиёсати нафақат Ўзбекистон, балки СССР дея аталмиш улкан империя аҳолиси бошига ҳам мислсиз кулфатлар келтирди. 1937-1938 йилларда ўтказилган оммавий қирғин сиёсати тарихда “катта қирғин” (русча “большой террор”) номини олди. Унинг кўлами олдинги йилларда бўлиб ўтган қирғинлардан кўра катта эди. “Катта қирғин”га 1932 йилдан бошлаб тайёргарлик қўрила бошланди[1]. Сабаби, 1917-1934 йилларда большевиклар партияси синфий душманлари бўлган монархия тарафдорлари, буржуазия вакиллари, савдогарлар, банкирлар, йирик ер эгалари, қулоқлар, руҳонийлар, ўз сиёсатига қарши чиққан зиёлиларни тор-мор қилишга муваффақ бўлган эди. Бундан кейин большевиклар партиясининг етакчилари, бир томондан И.Сталин ва унинг тарафдорлари, иккинчи томондан Л.Троцкий, Каменев, Зиновьев, М.Рютин, Н.Бухарин етакчилик қилган гуруҳ ўртасида жиддий кураш бошланиб кетди.

Мамлакатда оммавий қирғинга тайёргарлик қўриш учун 1934 йил 10 июлда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қарори билан Умумиттифоқ Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) ташкил этилади. Шу қарорга асосан, ОГПУ Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ)га айлантирилди ва НКВД таркибига киритилади. 1936 йил 26 сентябрда СССР Ички ишлар халқ комиссари лавозимига Н.Ежов тайинланади. Бу вазифада у 2 йил ишлади ва юз минглаб одамларни қирғин қилинишида қатнашди. Айнан Ежов бош бўлган даврда НКВД ялпи қирғин қуролига айланади.

Сиёсий бюронинг 1937 йил 2 июлдаги “Советларга қарши унсурлар тўғрисида”ги қарори кенг кўламли қатағон операцияси - “Катта террор”нинг бошланганлигини англатди. 1937-1938 йилларда амалга оширилган қирғин, Сталин давридаги репрессив сиёсатнинг чўққиси бўлди. Бунда дастлаб, 1920-30-йилларнинг бошларида ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган, маълум муддатдан кейин бирор айби йўқлиги учун озод қилинган кишилар 1937-1938 йилларда қайта ҳибсга олинди ва қатағонга дучор қилинди[2]. Бу қирғинда машҳур партия ва давлат арбоблари, олий рутбали ҳарбийлар, хўжалик ходимлари, зиёлилар ва колхозчилар турли айблар билан қамоққа олиниб жиноий жавобгарликка тортилдилар.

1937 йил ёзида Москвада Н.Бухарин қамоққа олиниши билан у билан яқин алоқада бўлган кишилар ялпи қамоққа олина бошландилар. Улар орасида Ўзбекистоннинг

таниқли давлат арбоблари – Ф.Хўжаев, А.Икромов, М.Шермухаммедов, А.Каримов ва бошқалар ҳам бор эди. Ўзбекистонда оммавий қатағонлар тўлқини авж олди. Жойларда собиқ давлат арбоблари билан бирга ишлаган, суҳбатда бўлган, маслаҳатини олган, ҳатто уларга хайрихоҳ билдирган кишилар ҳам қамоққа олиндилар. Ана шундайлардан бири Малик Қаҳҳор эди.

Малик Қаҳҳорнинг 1931-1936 йилларда самарали меҳнат қилиб, вилоятнинг энг ёш раҳбарларидан бири сифатида танилди. 1937 йилда Сурхондарё округ партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланади. Ўз фаолияти давомида оддий халқни химоя қилди. Одамларни келиб чиқишига қараб суриштирув ўтказилишига қарши чиқди. Оқибатда 1937 йил 2 ноябр кечаси у қамоққа олинди. 2 декабрга қадар давом этган оғир қийноқлардан сўнг Малик Қаҳҳор ўзини “ҳамма айбларимга иқрорман. Бойнинг ўғлиман. Миллионерман. Совет ҳокимиятини ағдармоқчи эдим” деган хужжатга имзо чекиб, 1937 йил 12 декабрида вафот этади[3].

Шерободлик маорифчи, зиёли, ҳуқуқий маданият тарғиботчиси Муродов Холмамат ва унинг ўғли Қурбонмурод 1929 йилда Тожикистонга, Ёвонга кетиб ўша ерда колхоз тузилишида иштирок этишди. Холмамат Ёвонда колхоз раиси, унинг ўғли Қурбонмурод кассир бўлиб ишлади. Муродов Холмамат ўз вақтида Файзулла Хўжаев билан учрашган, унинг маслаҳатларини олган эди. Шунинг ўзи НКВД ходимлари учун етарли бўлди. 1937 йилда Файзулло Хўжаевнинг одами сифатида ҳибсга олиниб, «совет тузумига қарши фаолият юритганлик»да айбланиб, “учлик” қарори билан судсиз отиб ташланди. Унинг ўғли Қурбонмурод ҳам «халқ душмани»нинг ўғли бўлганлиги учун жуда кўп азиятлар чекди[5].

Бойсунлик таниқли давлат арбоби Рамазонов Ҳамронинг (1902-1938) ҳаёти ҳам фожиаи яқунланган. 1921-1922 йилларда Чоржўй милиция бошлиғи, округ комсомол комитетининг котиби, округ ижроқўм Президиуми аъзоси, кейин округ касаба союз раиси вазифасида ишлаган. 1925 йилдан партия аъзоси, маълумоти олий, Сталин номидаги Москва саноат академиясини 1934 йилда битириб муҳандис ташкилотчи ва технолог мутахассислигини эгаллаган, инглиз, ўзбек, тожик, рус тилларини билган. Қамоққа олингунга қадар Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кенгаши Ўзбекистон текстил тўқув Бирлашмаси Бошқарувчиси ўринбосари бўлиб ишлаган. 1937 йил 20 мартда тўлғизилган шахсий варақасида зиёфат учун, режани бажармагани учун, ишлаб чиқаришда яроқсиз мол чиқаргани учун 1935 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси унга қатъий хайфсан эълон қилгани, партия тозаловидан ўтгани, оилалиги, яшаш манзили Текстил комбинати, Социалистик кўчаси, 2-уй экани қайд этилган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилиши Рамазонов Ҳамроқулни олий жазога ҳукм қилган. Ҳукм ўша кун ижро этилган. Сталин ўлиmidан сўнг унга қўйилган барча айблар бекор қилинган ва оқланган[7].

Сурхондарёлик яна бир давлат арбоби, зиёли, миллий манфаатларни химоя қилган Йўлдош Ирисметовнинг тақдири ҳам қайғули кечди. Таниқли зиёли, халқ маорифи ривожига ҳисса қўшган Йўлдош Ирисметов 1897 йили Чимкент шаҳрида туғилган. Дастлаб темир йўл станциясида юк туширувчи, кейинчалик Чимкент, Каттақўрғон, Қарши, Самарқанд партия ва совет ташкилотларида фаолият кўрсатди. 1929-1930 йилларда Республика Марказий Ижроия қўмитасининг котиби. 1937 йил 2 октябрда эса Сурхондарё вилоят партия қўмитасининг котиби бўлиб ишлаётганда қамоққа олинган. Унинг “Акмал Икромов ҳалол инсон”, деган сўзи НКВД ходимлари учун етарли бўлди. 1938 йил 25 июнида бўлиб ўтган Фарғона вилоят судининг махсус ҳайъати унга Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 63-моддаси (қўпоровчилик ҳаракати) ва 67-моддаси (давлатга қарши жиноятларга молик бўлган ташкилотчилик ҳаракати) билан айб қўйилиб, отувга ҳукм қилинди. Аммо орадан маълум вақт ўтар-ўтмас, СССР Олий судининг ҳарбий ҳайъати И.Ирисметовга нисбатан “мурувват” кўрсатиб, 1938 йил 9 октябрда олий жазони 25 йиллик қамоқ билан алмаштирган[4].

Йўлдош Ирисметовнинг тақдири ҳақида кўп йиллар давомида оила аъзолари учун мавҳум бўлиб қолган эди. Ниҳоят, орадан 16 йил ўтгандан кейингина И.Ирисметовнинг вафоти тўғрисидаги хабар оила аъзоларига жўнатилади. 1955 йил 9 декабрь, Молотов вилояти Соликамс шаҳридан келган СССР Ички ишлар вазирлиги,

АМ -244-сонли почта қутиси, 2969-сонли хатида шундай дейилади: “Шуни хабар қиламизки, Ирисметов Йўлдош 1939 йил 7 январда вафот этган. Шу хусусда маълумот олиш учун турар жойдаги фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимига мурожаат этилсин”. Имзо. Таажжубли томони, вафот этганлиги хусусидаги гувоҳномаларда И.Ирисметовнинг юрак хуружидан бандаликни бажо келтиргани маълум этилган. Йўлдош Ирисметов 1958 йил 21 февралда оқланган[4].

Бошланиб кетган йирик террорда сталинчилар ўзларига қарши бўлган кишиларни йўқ қилиш билан бирга қамоқдан чиқиб келган қулоқлар, руҳонийлар, собиқ оқ гвардиячилар, йирик бойлар ва бошқа сиёсий душманларидан ҳам қутулишни режалаштиришди. Шу мақсадда 1937 йил 30 июлда НКВД комиссари Н.Ежовнинг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа аксилсовет унсурларни репрессия қилиш бўйича операция тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруғи чиқарилди. Унга кўра, 1937 йил 5 августидан бошлаб барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол аксилсовет унсурлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш операцияси ўтказилиши буюрилди. Уларни қўлга олиш ишлари Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРларда 10 августдан, Узоқ Шарқ ва Красноярск ўлкаси ҳамда Шарқий Сибирда 15 августдан бошлаш белгиланди[8].

Қатағон қилинувчи кишилар икки категорияга бўлинди:

1) биринчи категорияга юқорида қайд этилган унсурларнинг энг ашаддийлари кириб, уларни тезлик билан қўлга олиш ва ишлари учлик томонидан кўрилган вақтда отувга ҳукм қилиш;

2) иккинчи категорияга нисбатан фаоллар мансуб бўлиб, уларни қамоққа олиб, 8-10 йил муддатга лагерга жўнатиш, улардан аламзадалари ва ижтимоий хавфли бўлганларни учлик қарори билан худди шу муддатларда қамоққа жўнатиш буюрилган эди[9].

“Темир нарком” номини олган Николай Ежов томонидан чиқарилган 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруққа мувофиқ, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бу қатағон қилинганларнинг яқин қариндошларига “халқ душмани”нинг ўғли, қизи, аҳли-аёли, акаси, укаси, қариндоши, дўсти, гумаштаси, думи каби тамғалар қўйилган, ҳар жиҳатдан камситилган, ҳуқуқлари топталган, маънавий хўрланган[7].

НКВДнинг 00447-сонли директиваси ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар халқ комиссарлигининг Сурхондарё округ бўлими “жуда фаол” ишлади. Оқибатда, Сурхондарёнинг кўпгина асл ўғлонлари қирғин қилинди. Жумладан, 1937 йил 25 октябрда “Учлик”(Апресян– ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлик майори, Сегизбоев –Ўзбекистон ХКС Раиси, Шейндлин – ЎзССР прокурори, Яковлев – ЎзССР НКВДси Давлат хавфсизлик бошқармасининг 8-бўлим бошлиғи) томонидан НКВДнинг Сурхондарё округ бўлими томонидан тақдим этилган жинорий ишлар бўйича 26-сонли баённома тузилади. Унга кўра, 101 кишига ҳукм чиқарилган. Шундан 58 киши отиб ташланган, қолганлари 8-10 йилга қамаб юборилган. 1937 йилнинг 3 ноябрида “Учлик” томонидан қабул қилинган 31-сонли баённомага кўра, сурхондарёликлардан 63 маҳбусга жазо тайинланди. Улардан 51 киши отувга, қолганлари 8-10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди[7]. Уларнинг асосий қисми руҳонийлар эди. Ачинарли томони, улар орасида оилавий (ота ва унинг ўғиллари, ака-укалар) отиб ташланганлари ҳам талайгина бўлган.

Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто сургун ёки меҳнат лагерларида жазони ўтаётган кишилар ҳам ҳеч бир асосиз жазога тортилдилар. Чунончи, 1937 йилнинг 28 сентябрида Украина ССР НКВД сининг Каховка райони бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Новиков томонидан Тоғаев Абдуалимининг иши кўриб чиқилади. Тергов ҳужжатида қайд этилишича, Тоғаев Абдуалим 1865 йилда Ўзбекистон ССР, Жарқўрғон районида туғилган, мулла, йирик қулоқ. Украина ССР ЖК 54 — 10, 54 — 11 моддалари бўйича жиноят содир этган. Тоғаев Абдуалим аксилсовет кайфиятида бўлиб, аксилкилобий миллатчи фашистик тўдани ташкил қилган, унинг раҳбарлиги остида аксилкилобий ташвиқот олиб борилиб уруш

тўғрисида, совет ҳокимиятининг мағлуб бўлганлиги ва фашизм ҳокимиятининг ўрнатилганлиги ҳақидаги ифвогарликдан иборат сохта хабарларни тарқатиш билан шуғулланган. Тоғаевнинг озодликда юриши тергов ишларига халақит бериши ва унинг қочиб кетишини ҳисобга олиб, УССР ЖПК нинг 143, 145 ва 156-моддаларига асосан Тоғаев Абдуалимни Херсон қамоқхонасига қамоқда ушлаб туришга қарор қилинган. Ушбу қарор Каховка район прокурорига жўнатилган[10].

1937 йилнинг 15 ноябрида НКВДнинг Николаев областидаги Учлик томонидан Тоғаев ва яна 12 нафар ўзбекистонлик руҳоний биринчи категория бўйича ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Уларнинг тўла оқланиши учун кўп йиллар керак бўлди. Ниҳоят, 1974 йил 24 июлда Украина ССР Херсон область судининг Президиуми қуйидаги таркибда: президиум Раиси — В.Ф.Греков президиум аъзолари — Ю.А.Рогценюк, М.Е.Янкова, прокурор В.У.Шутурминский иштирокида область прокурорининг НКВДнинг Николаев областидаги Учлик томонидан 1937 йил 15 ноябрдаги қарорига нисбатан протестни кўриб чиқди. Прокурор келтирган далил ва хулосаларга асосланиб, суд 1865 йилда Жарқўрғон районининг Жарқўрғон қишлоғида туғилган, Херсон области Каховка районидаги пахта совхозида яшовчи, миллати ўзбек, деҳқон-қулоқ, ўрта маълумотли, оилали, илгари судланмаган Тоғаев Абдуалимга нисбатан 1937 йил 15 ноябрда чиқарилган қарорни бекор қилди ва жиноят йўқлиги учун ишни тўхтатиш ҳақида У-33-49-сонли қарор қабул қилди. У билан бирга 1937 йил 15 ноябрда отувга ҳукм қилинган қолган 12 нафар ўзбекистонлик ҳам оқланади[10].

Худди шундай қисмат Ҳакимов Мулла Воҳиднинг бошига тушган. У киши 1884 йили Сариосиё тумани Киштут қишлоғида туғилган. Руҳоний ва имом бўлганлиги учун ва 1931 йилда махсус посёлкага сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган. 1937 йил 19 сентябрда қамоққа олинган. Ўз ССР НКВДнинг Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3639-сонли иш бўйича аксилинқилобий, миллатчи гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, гуруҳнинг ноқонуний йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. 1937 йил 25 октябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг қарори билан отувга ҳукм қилинган[7].

Мустабид тузумнинг яна бир қурбони Камолов Эгамбердидир. У 1892 йилда Наманган вилояти Чуст туманидаги Каркидон қишлоғида туғилган. Камолов Эгамберди руҳоний ва эшон бўлган. 1931 йилда қулоққа тортилган. Термиз тумани Пахтаобод қишлоқ кенгашидаги Сталин номли колхозда яшаган ва шу хўжаликда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. 1937 йил 27 октябрда қамоққа олинган. ЎзССР НКВДнинг Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 12842-сонли иш бўйича колхозчилар ўрта-сида пахта йиғим теримини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 21 ноябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг қарори билан 10 йил муддатга МТЛ қамоғига ҳукм қилинган[10].

Шерободдаги Зараутсой қишлоғидан бўлган Муҳаммадқул жаллоб ўғли домла Раҳмонқул амир даврида Шаҳрисабз мадрасасида ўқиган, беш қишлоқда беш йилча Шеробод бегининг закотчиси бўлиб хизмат қилган. Совет ҳукумати келганда уни колхознинг ҳисобчиси этиб тайинлашган эди. Шу ишда ўн йилдан кўпроқ ишлади. 1938 йилда қамоққа олинди, роса бир йил Термиз ҳибсхонасида ётади. Аммо, бундай ётишдан кўра қамалганим яхши, деб колхознинг молини ўмардим, хўкизини едим, деган мазмундаги айбдорликни охири бўйнига олади ва олти йилга кесилади[6].

Қамалганларнинг баъзилари илгари миллий-озодлик ҳаракатида қатнашишган эди. Хусусан, Бойсуннинг Дарбанд қишлоғидан бўлган Ғафуров Чоршанби Амир Олимхон замонида қоровулбеги лавозимида ишлаган. 1921 йилда Афғонистонда бўлган. 1928 йилда амир амалдори бўлгани учун ер-мулклари мусодара қилинган. Қулоқ қилинган. 1931 йилда Иброҳимбек қўшинлари сафига қўшилгани учун 3 йилга қамалган. Қамоқдан чиқиб Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Қўтирбулоқ қишлоғида яшаган. 1937 йил 29 августида қамоққа олинган. ЎзССР НКВДнинг Қашқадарё округ бўлимининг 5832-сонли иши бўйича Ғоипов ва Дониевлар билан бирга колхоз тузумини афдариб ташлаш ва эмиграция хусусиятига оид ташвиқот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 17 ноябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг қарори билан Ғафуров Чоршанби 10 йил муддатга МТЛ қамоғига ҳукм қилинган[7].

Хулоса қиладиган бўлсак, мустабид совет режими 1930 йилларнинг охирига келиб миллий кайфиятдаги зиёлилар, руҳонийлар, хофизлар, бахшилар, санъат, адабиёт ходимлари, кўзга кўринган уста-хунармандлар, халқ табобати вакиллари ва юртпарвар кишиларни деярли йўқ қилишга муваффақ бўлди. Қадимги маданият ўрнига янги, пролетар маданияти, коммунистик мафкура ҳукмронлиги ўрнатилди. Одамлар эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. Кимки большевиклар ўрнатган чизиқдан салгина ташқарига чиқадиган бўлса, шафқатсизларча жазога тортилди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Н. “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 21.
2. Ҳасанов Б. Катта қирғиннинг ҳуқуқий ҳужжатлар базаси. –Тошкент, 2014. –Б. 4.
3. Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 145-146.
4. Турсунов С. Юракда қолган армонлар. Қатағон қурбонлари хотираси абадий. // Давр. Замон. Шахс. 2018 йил.
5. Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 104-105.
6. Холмирзаев А. Шўрчида Қурбон намози. “Бақтрия” газетаси. 2010 йил, 8 октябрь. №19.
7. Шамсуддинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Шарқ, 2012.
8. <https://von-hoffmann.livejournal.com/346017.html>.
9. Россия. XX век. Документы. ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1917-1960. Составители: А.И.Кокурин и В.Н.Петров. Научный редактор В.Н.Шостановский. – Москва: Материк. 2000. –С. 96-98.
10. Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 3. –С. 232, 244, 333.

#### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИДА ТАРИХИЙ- МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ

Рахимов Баҳодир Саидмусаевич,  
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи  
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхондарё воҳасида тарихий маънавий меросларимиз, маданий муассасалар, халқ оғзаки ижоди ва шоир-бахшилар фаолияти тарихи ва уларнинг маънавий тарбия жараёнларидаги аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, ўтмиш аجدодларимиз маънавий меросининг ёш авлодлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти масалалари ҳам ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: мутафаккир олимлар, маънавий дунёқараш, урф-одатлар, миллий қадриятлар, фольклор-этнографик санъат, шоир бахшилар, маданий муассасалар.

Аннотация: В данной статье анализируется история нашего историко-духовного наследия, учреждений культуры, народного устного творчества и деятельности поэтов Сурхандарьинского оазиса и их значение в процессах духовного воспитания. Также подчеркивается роль и значение духовного наследия наших предков в воспитании подрастающих поколений.

Ключевые слова: мыслящие ученые, духовное мировоззрение, обычаи, национальные ценности, фольклорно-этнографическое искусство, поэты, учреждения культуры.

Annotation: This article analyzes the history of our historical and spiritual heritage, cultural institutions, folk oral creativity and the activity of poets in the Surkhandarya oasis and their significance in the processes of spiritual education. Also, the role and importance

of the spiritual heritage of our ancestors in the education of young generations is also highlighted.

Key words: thinking scientists, spiritual worldview, customs, national values, folklore-ethnographic art, poets, cultural institutions.

Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларидаги ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётини таҳлил этиш орқали бутун мамлакатимизда юз берган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни ва уларнинг натижалари хусусан маданий жараёнларда амалга оширилган ислоҳотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида жуда катта улкан ютуқларга эришиб, ушбу амалга оширилган ижобий ишларни тарихий нуқтаи-назардан ёритиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Сурхондарё табиати, ер-усти табиий бойликлари, шифобахш гиёҳлари ҳамда оромбахш зилол сувлари билан қадимдан маълум ва машҳурдир. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагича фикрларни билдирган эди; “Шахсан мен Сурхон воҳасида яшайдиган одамларни ҳар қандай синов ва муаммолардан чўчимайдиган, ўзига, ўз куч-қудратига ишонадиган, айтган сўзида турадиган, мард одамлар деб биламан. Бундай олижаноб, бағрикенг халқ, ҳеч шубҳасиз, ўз тақдири, ўз бахтини ўз қўли билан яратишга албатта қодир[1:302].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш, ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат эди. Кишилар тафаккуридаги миллий мустақиллик мафкурасини ҳар томонлама мукамал ривожлантириш, кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириш каби омиллар муҳим ўрин тутади. Албатта бу омилларни янада ривожлантиришда маънавий маданий меросларни ўрганиш, ушбу меросимизни келгуси авлодларга етказиш муҳим ўрин тутади.

Халқнинг маънавий дунёқарашини мукамал ривожлантириш учун аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият манбаларини чуқур ўрганиш, қайта тиклаш, тарғиб этиш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Аждодлар меросини ўрганиш орқали маънавий дунёқарашимизни бойитиш ва ўзликимизни янада чуқурроқ англаш каби эзгу амаллар янада ривожланиб бормоқда.

Ҳар бир халқнинг маънавиятининг бойлиги, унинг келажак пойдеворининг мустаҳкамлигидан далолат беради. Бугунги истиқлол дамларида эзгу қадриятлар ва анъаналаримиз асосида яратилаётган мустақиллик мафкураси ҳам бой маънавий меросимизнинг устундир. Мафкура ва манавиятни бойитишда халқимизнинг асрлар оша асраб ва бойитиб келинган боқий анъаналари ва қадриятларининг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида ўтмишда яшаб ижод этган кўплаб алломаларнинг ҳаётини, меросини ўрганиш, уларнинг асарларини таҳлил қилиш ва нашр этириш мақсадида ҳам қатор ишлар олиб борилди. Мозийга янгича нуқтаи назардан эътибор ҳамда юртимиз ўтмишини ўрганишга бўлган чанқоқликнинг ошганлиги сабабли олим ва адиблар ташаббуси билан ўтмишда ўтган ўнлаб воҳадоларимизнинг номлари халққа етказилиб, уларнинг бой мерослари асарлари нашр қилина бошланди. Ана шундай алломалардан бири Алоуддин Аттор ҳисобланади. Нақшбандий йўналишининг буюк намоёндаларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар)нинг биринчи шогирди ҳисобланган Алоуддин Аттор бой маънавий меросга эга бўлган асарлар ёзиб қолдирган. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси Денов туманида 1994 йилда Алоуддин Аттор мажмуаси ҳамда мақбараси қайта таъмирланиб зиёратчиларнинг муҳим қадамжоаларидан бирига айлантирилди. Маърифат илмининг яна бир машҳур алломаларидан бири Адиб Собир Термизий меросини ўрганиш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан адиб ва шоир Адиб Собир Термизий номини адабийлаштириш ҳамда вилоятда ижод қилаётган қатор ижодкор ва санъаткорларни қўллаб-қуватлаш мақсадида «Адиб Собир Термизий» мукофотини

таъсис этилиши унинг меросига бўлган чуқур эҳтиром рамзи ҳисобланади. Ушбу мукофот ҳар йили мустақиллик байрами арафасида вилоят телевидениясида намойиш этилган кўрсатув, газеталарда эълон қилинган мақола ҳамда театрда қўйилган асарлар, вилоят тарихи, адабиёти ёритилган рисола ва китоблар учун бўладиган танлов ғолибларига бериладиган бўлди[2:92]. 1993 йилда мукофотнинг биринчи соҳиблари сифатида вилоятнинг йирик адиби Менгзиё Сафаров, рассом Турсунпўлат Узоқов ҳамда бахши Шоберди Болтаевлар тақдирландилар. 1994 йилда эса воҳалик шоир Низомжон Парда, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, «Сурхон тонги» газетасининг маъсул котиби Муҳаммаджон Азимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевлар «Адиб Собир Термизий» мукофотининг совриндори бўлдилар [3:25].

Мустақиллик йилларида давомида вилоят маданияти ва адабиёти билан бир қаторда театр санъатида ҳам жадал ривожланиш жараёнига ўтилди. Вилоятнинг санъат даргоҳларидан бири Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрининг репертуарлари ҳам рангба-ранг мавзу ва жанрдаги қатор драматик асарлар билан бойиди. Театр жамоаси ўз ишини янги давр талаблари асосида қайта қуриш жараёнида сахнада ижро қилаётган асарларининг кўпроқ миллий бўлишига ҳаракат қилди. Жуда катта ижодий кучни ўз бағрига олган театр жамоаси ўз репертуарини воҳа ижодкорларининг асарларини сахнага олиб чиқди. Вилоят мусиқали драма театрида таниқли журналист Норқул Ҳайитқуловнинг «Юлдуз сўнди», Исомиддин Отақулнинг «Қамашган кўзлар», Хуррам Мақсадқуловнинг «Садоқатли арвоҳ» каби асарлари сахналаштирилди ва халқ эътиборига ҳавола қилинди. [4:38].

Театрнинг ижодий жамоаси 1993-1994 йилларда шоир ва драматург Низомжон Парда қаламига мансуб бўлган адиб Собир Термизий номли пьесани сахналаштирди. Театрнинг меҳнат севар аҳли бу асар учун 1994 йилда «Адиб Собир Термизий» мукофоти билан тақдирланди [5:18].

1995 йил 5 ноябрда Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланди. Театрда таниқли драматург Машраб Бобоевнинг «Ўчмасин чироқ» номли асари сахнага қўйилди. Театр жамоаси 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда ҳам муносиб қатнашиб «Темур ва Йилдирим Боязид» номли пьесани театр сахнасига олиб чиқишди. Театрда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»лар Мансур Равшанов, Гулнора Равшанова, Мариям Махмудова, Тошмуров Эргашев, Амрулло Нарзуллаев каби тажрибали актёрлар, С.Муқимов, Р.Маматалиев, Х.Орипов, М.Шарипов, З.Боқиева, Е.Мирқурбонов каби ижодкорларнинг меҳнати беқиёс бўлди. [6:335].

Қадимийурф-одатларвақадриятларимизни, фольклор-этнографиксанъатимизни, анъана ва удумларимизни тиклаш ва уларни бойитиш, сайқал бериш, томошабин эътиборига етказиш борасида айниқса катта ишлар қилинди. М.Хайруллаевнинг «Олам сеники», М.Ниёзметовнинг «Қорбобо ва ялмоғиз», М.Қодировнинг «Сеҳрли узук», У.Азимовнинг «Бир қадам йўл», Х.Хурсандовнинг «Қайсар чолнинг қилиғи», «Кампир топайми, дадажон», Э.Хўшвақтовнинг «Қаллиқ ўйини», «Чимилдиқ», О.Салимовнинг «Сеҳрли қоп», Ж.Маҳмудовнинг «Осмондан танга ёққан кун», «Дангсалар салтанати» спектакллари халқимиз томонидан муносиб тарзда кутиб олинди. [7:27].

Халқимиз тарихини, маданиятини, адабиётини ва санъатини сахна асарлари воситасида кенг тарғиб қилиш, миллий давлатчилигимиз тарихини ёритиш, буюк аждодларимиз сиймосини яратишга жиддий эътибор қаратилди. Ёзувчи ва адиб Усмон Азимнинг «Алпомишнинг қайтиши», Шафоат Раҳматуллаев ташаббуси асосида яратилган «Шоҳ ва шоир» спектакллари театр сахнасида намойиш этилиши миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга эътибор ва уларнинг илмий мероси нақадар улуғлигидан далолат берди. [8:35]. Бугунги кунда албатта маънавий маданий жараёнларга эътибор қартилган ҳолда, замонавий андозалар асосида янги санъат саройи ҳамда театр биноларининг қад ростлаши вилоятимизда бу соҳага бўлган юксак эътибор намунаси бўлиб ҳисобланади.

Сурхон воҳаси маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган халқ оғзаки ижодининг

бахшичилик санъати тури ҳам ўзига хос тарихий аҳамиятга эга ҳисобланади. Воҳада ўзбек фольклоршунос олим Х.Зарипов бошчилигида 1929 йилда ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан учрашган Қашқадарёлик Хидир бахши, Бойсари бахши, Ражаб бахши ҳамда Сурхондарёлик Холиёр бахши каби бахши шоирлар ўзларининг бой репертуарлари билан экспедиция аъзоларида жуда бой таасурот уйғотганлар. [9:22] Шунингдек, узоқ йиллар давомида жанубий воҳаларда бир неча ўнлаб шоир бахшиларни етиштириб чиқарган Шахрисабз, Шеробод дostonчилик мактаблари аҳамияти жуда катта бўлиб ҳисобланган. [10:24]

Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабига Сурхондарё вилоятидаги: Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон ва Денов туманлари, Қашқадарё вилоятидаги Гузар, Деҳқонобод туманлари, Туркменистонни Чоршанги тумани, Тожикистонни Қобадийён, ва Шартуз туманларида яшаб ижод этган бахшилар асосан Сурхон бахшичилик мактаби ижодий маҳсулидир. [11:47]. Булар Бахши Шерназар Бердиназар халқда Шерка бахши (1855-1915) номи билан танилган, у ўз навбатида Қосимқўр бахши (XIX асрнинг 2 ярмида яшаб ўтган) дан таълим олган бўлса, Қосимқўр бахши эса Бобо бахши шоирнинг шогирди ҳисобланади. Бобо бахши XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган. Шерназар бахшини шогирдлари: Мардонақул Авлиёқул ўғли, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирзо ўғли, Худойқул Лақай, Эсон Шомурод ўғли ва бошқалар. Алим юзбошини шогирди Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда фольклоршунос олим Ходи Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан «Амир қочди» дostonини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабини асосчиларидан бири Умар шоир Сафар ўғли қарийб 20 та дoston ва юзлаб термаларни ёддан айтган. Ҳозирги Шеробод-Бойсун бахшичилик мактаби бахшилари Шерка бахши, Холёр бахши, Умур бахшиларнинг давомчиларидир. Ҳозирги бахшичиликда Мунчоқ қишлоғидан, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Бахши Болтаев Хомкон қишлоғидан Абдуназар Поёновлар шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари-Шодмон Эгамберди, Урал Рахимов, Йўлдош Сувонов, Бахтигул Бобоева ҳам бахшичилик санъатининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда[12:63].

Биз сўз юритган бахшичилик ва дostonчилик тарихи, унинг маънавий асослари, айни маҳалда миллий кадриятларимиз борасидаги ўрни ва унинг тарихий аҳамияти боғлиқ чамбарчас боғлиқдир[13:24].

Сурхондарё воҳасида миллий урф-одат ва анъналаримизга бўлган эътибор мустақиллик йилларида янада ривожланиб борди. Жумладан Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивалининг ўтказилиши кадриятларимизга эътибор ҳамда ёшларимизда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутиб келмоқда. 2002 йилдан бошлаб ўтказилаётган ушбу фестивалда бир нечта хорижий мамлакатлардан санъатшунос, фольклоршунослар, ва маданият ходимларининг иштирок этиши дунё аҳлининг бизнинг маданиятимиз ҳамда тарихимизга бўлган эътиборидан далолат беради. Бу фольклор фестивали ЮНЕСКО томонидан инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида эътироф этилди. Бу жаҳондаги шундай нуфузга сазовор бўлган манзиллар ичида ўн тўққизинчисидир. Мустақиллик туфайли маънавий кадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам вилоятда маънавият ва маърифатни янада юксалтиришга қаратилгандир. Айниқса «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллик тўйининг 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигида кенг миқёсида нишонланиши вилоят маданий ҳаётида муҳим воқеалардан бири ҳисобланади. Ушбу байрам тантаналарида Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов иштирок этиб, Сурхондарё воҳасининг халқ оғзаки ижоди ҳамда бахшичилик санъати анъналарига юксак баҳо берди. Айнан шу даврда юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан «Халқ бахшиси» унвони таъсис этилиб, бу юксак унвонга биринчи бўлиб Ўзбекистонда Шоберди бахши Болтаев сазовор бўлди. «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллиги муносабати билан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан суратга олинган икки қисмли «Алпомиш» бадий фильмида Сурхондарёлик спорт устаси Азамат али Қаландаров Алпомиш ролини яратди[14:62].

Ўзбек халқи моддий маданиятининг ривожда албатта халқ оғзаки ижоди намуналари шу ўринда бахшичилик санъатининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳар бир бахшилар томонидан куйланаётган дostonларда халқимизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган кўплаб ҳикматли сўзлар ҳамда бебаҳо тарихий мерослар мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни аълоҳида эътироф этиш керакки, халқнинг маънавий дунёқарашини ривожлантириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Жумладан ёшларимиз онггини янада ривожлантиришда, маънавий меросимизни ўрганишга катта эътибор қаратилаётганлиги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз//Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 301-302 бетлар
2. Kholmuminov H. E., Eshmuminov O. Z. HISTORY OF MATERIAL CULTURE OF UZBEK TRIBES (on the example of kungirat relatives) //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 24. – №. 2.
3. Турсунов.С.Н. Сурхон воҳаси моддий маданияти.Т.Шарқ . 2017 йил
4. Kholmuminov H. E., Eshmuminov O. Z. HISTORY OF MATERIAL CULTURE OF UZBEK TRIBES (on the example of kungirat relatives) //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 24. – №. 2.
5. Бўриев О, Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008. – 244 б.
6. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 5-ҳужжат, 2000 йил, 20 январ, 62 бет.
7. Шониёз Сафаров. Термиз ва Термизийлар. Термиз «Жайхун» 1993. 91-92 б.
8. Сурхондарё ВДА 95-ж, 1-р, 25-иш, 225 в.
9. Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг жорий архиви, учунчи китоб, 2000 йил, 18 бет.
10. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О.ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: «Шарқ». 2001. 355-б
11. Сурхондарё ВДА, 95-ж, 1-р, 25-иш, 227 в.
12. Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг жорий архиви, тўртинчи китоб, 2005 йил, 35 бет
13. Курбонов А.Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси моддий маданияти. Т. 2014 йил.Б 22.

#### СУРХОНДАРЁДА СПОРТНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЕТИШИ ВА УНДА УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА)

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,  
Термиз давлат педагогика институти декан ўринбосари,  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу соҳани ривожлантириш мақсадида янгидан-янги спорт иншоотлари барпо етилди. Бу эса нафақат соҳанинг ривожини таминлаб қолмасдан шаҳар инфратузилмасида ўзгаришларга олиб келди ва бу иншоотлар шаҳарлар кўркига кўрк қўшди албатта. Мақолада айни шу жараёнлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Спорт, кураш, стадион, Сурхон спорт мажмуаси, ал-Ҳаким ат-Термизий, имфратузилма.

Аннотация: В годы независимости развитие физической культуры и спорта вышло на уровень государственной политики. Для развития этого направления

были построены новые спортивные объекты. Это не только обеспечило развитие промышленности, но и привело к изменениям в инфраструктуре города, а эти сооружения безусловно добавляли красоты облику городов. В статье говорится об этих самых процессах.

Ключевые слова: Спорт, борьба, стадион, спортивный комплекс «Сурхан», аль-Хаким ат-Тирмизи, инфраструктура.

Abstract: In the years of independence, the development of physical education and sports rose to the level of state policy. In order to develop this field, new sports facilities were built. This not only ensured the development of the industry, but also led to changes in the infrastructure of the city, and these structures certainly added beauty to the appearance of the cities. The article talks about these same processes.

Key words: Sport, wrestling, stadium, Surkhan sports complex, al-Hakim al-Tirmizi, infrastructure.

Мустақиллик йилларида республикада спортнинг турли хилларини ривожлантиришга ҳам эришилди, бунинг самаралари жаҳон миқёсида ўтказиладиган теннис, кураш ва шахмат мусобақаларида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон спортчилари маънавий ва жисмоний баркамолликнинг юқори натижаларига эришиб, қадимий спорт удумлари, урф-одатларини қайта тикладилар. Спортни янада ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йилларида Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спорт ишларини давлат дастурлари доирасида йўлга қўйилиши туфайли воҳа спортчилари ҳам анчагина муваффақиятларни кўлга киритди. 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди[4]. Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватан футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида, 1993 йил 17 январда Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамойилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилинди[1]. 1992 йил Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида ўтказилган халқаро кураш мусобақаларида миллий кураш соҳаси, ат-Термизий хотираси ва алломанинг номи билан бу спорт тури сифатида тикланди. Натижада ўзбек халқининг миллий кураши халқаро спорт турига айланди. Бу миллий кураш тури бўйича мусобақалар ҳар 2 йилда бир марта ўтказилмоқда.

1999 йилда эса Термиз шаҳрида жаҳоннинг халқаро теннис талабларига жавоб берадиган ёпиқ Теннис саройи ва Миллий кураш заллари қуриб ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 271 -сонли Қарори ҳамда «Соғлом авлод йили» комплекс режаси асосида шаҳарлар халқ таълими бўлимларида қатор тадбирлар ўтказилди[5].

Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижада республикада соҳанинг моддий-техник таъминоти анча мустаҳкамланди. Шу даврда шаҳар мактабларида 2010 йил 234, спорт тўғракларида 12500 ўқувчи-ёшлар спорт билан шуғулланди. Масалан, Термиз шаҳрида 2 та стадион, 8 та футбол майдончаси, 3 та сузиш ҳавзаси, 2 та теннис корти, 14 та очик теннис, 19 та волейбол, 14 та баскетбол майдончалари ҳамда қўл тўпи бўйича 10 та майдонча, бошқа спорт иншоотлари мавжуд. Шаҳарда 17 тур бўйича 8 та спорт мактаби иш олиб борди. Уларнинг секцияларига 5925 нафардан зиёд ўқувчи мунтазам қатнашди[6]. Шаҳарда 27 мингдан зиёд киши жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиб, 5 мингдан зиёд шаҳар аҳолиси спорт секцияларига қатнашди. Бу ишда 200 профессионал мутахассислар бошчилик қилди. Курашнинг миллий тури бўйича ал - Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган мусобақа ҳамда Ўзбекистон Президентининг соврини учун спортнинг шу тури бўйича халқаро мусобақалар илк бор Термизда ўтказилгани қувонарли ҳолдир. 1999 йилда Термизда ўтказилган халқаро турнирга Осие номи берилди[7].

Мамлакатимизда 2017 йилда спортга бўлган эътибор давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлди. Ёш авлодни спортга жалб этиш, айниқса, хотин-қизлар спортини ривожлантиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Шу мақсадда нафақат республикамизда, балки вилоятимизда ҳам хотин-қизлар спортга бўлган эътибор кучайиб, ҳатто чекка-чекка ҳудудларда ҳам спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратилмоқда. Сурхондарё вилоятида жами 4344 та спорт иншооти хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 50 фоизидан ошиғи қишлоқ жойларда жойлашган. Мавжуд спорт майдонларининг бир кунлик сиғимлик қуввати 146 минг 375 нафар кишини ташкил этади. Ёш авлоднинг ўсиб-улғайиши йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари олис қишлоқларда ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Чекка ҳудудлардаги қизлар ҳам спортга кенг жалб этилди. Айни пайтда вилоятда 180 минг нафар 5-15 ёшгача бўлган қиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани сўнгги 10 йил ичидаги энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

2017 йилда спорт турлари бўйича 31 дан зиёд республика, Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда вилоятимиз спортчилари иштирок этиб, 72 та олтин, 49 та кумуш, 55 та бронза, жами 176 та медални қўлга киритди. Совриндорларнинг 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, каратэнинг комбат айкидо тури бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ангорлик Покиза Жовлиева олтин медални қўлга киритди. Спортнинг муайтай тури бўйича ёшлар ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида термизлик Мадинабону Қодирова бронза медалга сазовор бўлди. Қолаверса, Бонура Самадова, Дилфуза Муртазоева, Маржона Алимова, Муниса Аҳмадхонова, Камола Азимова, Мавжуда Тоштемирова, Дилдора Нурманова каби спортчи қизларимиз ўзлари танлаган спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлгани қалбимизга ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади.

Вилоятда спортчиларга шарт-шароит яратиб бериш ва рағбатлантириш мақсадида 2018 йил давомида 1 086 200 000 (бир миллиард саксон олти миллион икки юз минг) сўм маблағ ажратилган бўлса, оммавий спорт ва жисмоний тарбия тадбирлари ҳамда спортчиларни мусобақаларга иштирокини таъминлаш мақсадида жами бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 960,2 млн. сўм пул маблағлари ажратилди. Юқори натижага эришган бир қатор спортчилар бошқарма ташаббуси билан 2018 йилнинг 27 октябр куни Термиз шаҳридаги Санъат саройида вилоят ҳокими томонидан муносиб рағбатлантирилди. Хусусан, Дилдора Алиқулова 25 млн. сўм ва 1 дона “Artel-43” телевизори, Шермухаммад Жандриев 20 млн. сўм, Мухсин Хисомиддинов 20 млн. сўм, Гулнора Сулаймонова 20 млн. сўм, Тўлқин Валиев 20 млн. сўм, Бегзод Абдурахмонов 20 млн. сўм, Яҳё Имомов 15 млн. сўм, Бекмурод Олтибоев 10 млн. сўм, Садриддин Сайматов 10 млн. сўм, Барно Мирзаева 10 млн. сўм Аҳмедова Айбиби 1 дона “Artel-43” телевизори, Ситора Хамидова 1 дона “Artel-43” телевизори ҳамда Илматова Рината 1 дона “Artel-43” телевизорлари билан тақдирланишди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги самарали меҳнатлари учун тизимда фаолият юритиб келаётган 3 нафар устоз мураббийлар Ботиров Абдужаббор, Мухаммадиева Сайёра ва Амонтурдиев Бахтиёрларга “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони берилди.

Сурхондарёлик спортчилар кўплаб халқаро мусобақалар ва олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб Ўзбекистон байроғини жаҳон ареналарида кўтаришга ўзларининг улушини қўшди. 2018 йил мобайнида вилоят терма жамоаси спортчилари ўтказилган Жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида ҳамда Халқаро турнирларда жами 804 медалларни қўлга киритдилар. Шундан:

Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида: 685 та медал (228 та олтин, 209 та кумуш ва 248 та бронза);

Осиё, Жаҳон чемпионати ва кубоклари ва халқаро турнирларда: 119 та медал (41 та олтин, 40 та кумуш ва 38 та бронза)лар қўлга киритилди.

2019 йил якунлари кўра спорт турлари бўйича ўтказилган Республика, Осиё ва Жаҳон миқёсидаги мусобақаларида воҳалик спортчилар жами 719 медалларни қўлга киритди. Жумладан, Ўзбекистон чемпионатида 137 та олтин, 164 та кумуш, 162 та бронза, жами 463 та медаллар, Ўзбекистон Кубогига 30 та олтин, 48 та кумуш, 47 та бронза, жами 125 та медаллар, Ўзбекистон турнирларда 21 та олтин, 16 та кумуш,

31 та бронза, жами 68 та медаллар, Осиё чемпионатларда 13 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза, жами 20 та медаллар, Жаҳон чемпионатларда 8 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза, жами 15 та медаллар, Халқаро турнирларда 14 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза, жами 28 та медаллар қўлга киритилди .

2020 йилда вилоят миқёсида 23 404 та спорт тадбирлари ташкил этилган бўлиб, ушбу тадбирларга 1 570 863 нафар аҳоли жалб этилди. Ушбу аҳолининг 321 763 нафари аёллар, 370 873 нафари вояга етмаганлар (18 ёшгача), 733 950 нафар ёшлар (18-30 ёш), 68 132 нафар кекса ёшдаги фуқаролар ҳамда 76 145 нафар касаллиги мавжуд ва семизлик даражаси юқори бўлган фуқаролар ташкил этди. Умумтаълим мактаби ўқитувчилари ва ишчи ходимлари ўртасида 2020 март ойи давомида спортнинг баскетбол ва мини футбол спорт тури бўйича жами 1156 та тадбирда 9638 нафар эркаклар ҳамда жами 1156 та тадбирда 6754 нафар аёллар иштирок этишди. Тиббиёт ходимлари ўртасида 128 та тадбирда жами 2392 нафар ишчи ходимлар ва раҳбарлар иштирок этишди. Олий таълим муассасалари ишчи ва ўқитувчилари ўртасида ўтказилган 100 дан ортиқ спорт тадбирларга жами 1863 нафар ходимлар иштирок этишган .

Сурхондарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфида ҳозирги кунда 15 та шаҳар ва туманларнинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда жами 35 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма тасарруфида 25 та спорт таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 3 таси мактаб-интернат, 4 таси ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, 17 таси болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳамда биттаси болалар-ўсмирлар футбол маҳорати мактабидир. Вилоятда жами 4574 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, шундан 31 та ўйингоҳ, 3758 та спорт майдончалари, 774 та спорт заллари ва 11 та сузиш ҳавзалари спортчи ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Шунингдек, бошқарма тасарруфидаги спорт таълим муассасаларида спорт турлари бўйича жами 525 нафар тренер (шундан 116 нафари хотин-қиз) фаолият олиб боришди. Улар вилоят бўйича 16463 нафар спортчига (3540 нафари қизлар) сабоқ бериб келишмоқда. Спорт турлари бўйича вилоятда 22 та олимпия, 4 та миллий, 19 та ноолимпия спорт турлари, жами 45 та федерация мавжуд. Вилоятда 41 та спорт тури бўйича 8068 та бўлим (сексия) ларда 140 888 нафар (шундан 57 831 нафари хотин-қизлар) мунтазам спорт билан шуғулланиб келмоқда. 2020 йилда спорт турлари бўйича 151 нафар спортчи Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий ва захира таркибига киритилди. 2020 йилнинг I чораги яқунларига қўра вилоят спортчилари республика, Осиё, жаҳон ва халқаро турнирларда жами 92 та медалга (30 та олтин, 25 та кумуш, 37 та бронза) сазовор бўлишди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Сурхон воҳасининг спортчилари дунё спорт майдонларида юртимизнинг байроғини баланд кўтариб, мамлакатимиз спортини юксак даражада ривожланишига ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мустақил Ўзбекистон тарихи, учинчи китоб. –Тошкент: Шарқ,2000. –Б.487.
2. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001. –Б.382.
3. Турсунов С.Н., Пардаев Т., Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари. – Термиз: “Сурхон нашр” нашриёти. 2015. – Б. 204.
4. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси 1993 йил. 12.02. 69 б.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви 80-фонд, 1- рўйхат, 57-иш, 35-варақ
5. Термиз шаҳар хокимияти жорий архиви 2011 йил 3 баённома.–Б.18.
7. Термиз буюк йуллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. –Тошкент: Шарқ, 2001.– Б.72.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МИНГБОШИЛАРИ

Қўзиқулов Икромжон Умаралиевич  
Наманган давлат университети  
“Тарих” кафедраси доценти в.б.,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Мақолада Қўқон хонлиги бошқарув тизимидаги ислохотлар натижасида жорий этилган мингбоши лавозими ҳақида фикр юритилган. Ушбу лавозимида хизмат қилган шахслар ва уларнинг фаолияти ҳамда маҳаллий ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар ва қипчоқлар ўртасидаги сиёсий қурашлар, шунингдек, Мусулмонқул, Алиқули, Ҳаққули каби мингбошилар ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўз ва иборалар:** Қўқон хонлиги, бошқарув тизими, лавозим, хон, мингбоши, амирлашкар, ислохот, сиёсат.

**Аннотация:** В статье ведётся рассуждение о мингбаши, введенное в результате реформ в системе управления Кокандским ханством. Даны сведения о лицах, служивших в должности минбаша и их деятельности, а также о политической борьбе между местными узбеками, таджиками, киргизами и кыпчаками, а также о таких мингбаши, как Мусулманқул, Алиқули, Хакқули.

**Ключевые слова и фразы:** Кокандское ханство, система управления, должность, хан, мингбаши, амирлашкар, реформа, политика.

**Abstract:** The article deals with the position of the mingbashi, introduced as a result of reforms in the management system in the Kokan Khanate. Information is given about the persons who served as Minbashi and their activities, as well as about the political struggle between local Uzbeks, Tajiks, Kirghiz and Kipchaks, as well as about the Mingbashi, such as Musulmonkul, Alikuli, Khakkuli.

**Key words and phrases:** Kokand khanate, system of government, position, khan, minbashi, amir lashkar, reform, politics.

1709 йилда ташкил топган Қўқон хонлиги Олимхон даврида қудратли давлатга айланди. Маълумки, ушбу ҳукмдор даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий соҳаларда бир қатор муҳим ислохотлар ўтказилган. Шу каби ислохотлар Умархон тахтга ўтиргач (1810–1822 йй.), ҳам давом этган. Давлат бошқарувда катта аҳамиятга эга бўлган мингбоши мансаби ҳам айнан, Умархон даврида жорий этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Қўқон хонлигининг маъмурий – бошқарув тизими устида илмий изланиш олиб борган тадқиқотчи Ш. Маҳмудов мингбоши лавозими Умархон даврида, аниқроғи 1810 йилда таъсис этилганлиги ва мазкур лавозимга Шоҳи Марғилоний (Калли Шодий) исмли шахс тайинланганлиги ҳақида маълумот берган [1. 78]. В. В. Наливкин эса ушбу лавозим ҳақида “...ички ишлар вазири ва давлат канцлери оралигидаги лавозим”, - деб ёзган эди.

Қўқон мингбошиларининг хонлик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни катта бўлган. Хусусан, хонлик тарихи йирик мутахассислардан бири бўлган З. Илҳомов “Алиқули амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни” мавзусидаги илмий тадқиқотида энг машхур мингбошилардан бири ҳақида муҳим маълумотлар келтирган. Шунингдек, айрим манбалар ва тарихий адабиётларда Ҳаққули, Юсуф, Мусулмонқул каби мингбошилар ҳақида ҳам айрим маълумотлар учрасада, аксарият мингбошилар ҳақида маълумотлар деярли кам учрайди.

Тарихий адабиётларда Шоҳи Марғилонийдан кейин Юсуф мингбоши ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Хусусан, Мулла Олим Махдум Ҳожининг ёзишича, Умархон тахтга чиққанидан икки йил вақт ўтиб, Калли Шодий Хўжандга ҳоким қилиб жўнатилган, мингбоши лавозимига эса Юсуф Қошғарий тайинланган [3. 82]. Муаллиф уни бўлғуси хон Муҳаммад Алихон (Мадалихон)нинг қайнотаси, деб ёзган эди [3. 89]. Маълумотларга кўра, Юсуф Умархонга садоқат билан хизмат қилган, лекин Муҳаммад Алихон тахтга чиқиши билан уни лавозимидан олиб, Марғилонга ҳоким қилиб жўнатган, мингбошиликка Ҳаққулини муносиб, деб топган. Кўп вақт ўтмай, Юсуф мингбоши ҳаж сафарига жўнаш ҳақида кўрсатма олган ва сафарда

вафот этган.

В. В. Наливкин маълумотларида Мадалихон (Муҳаммад Алихон) тахтга чиққан дастлабки пайтларда Ҳаққули мингбоши хоннинг ёнида бўлган [6. 123]. Демак, Маъсумхон Тўра хоннинг буйруғига кўра, ҳокимиятдан четлаштирилгач Ҳаққули саройда энг туфузли амалдорга айланган.

XIX асрнинг 20- йилларида, Шарқий Туркистон аҳолиси Хитой империясига қарши миллий-озодлик кураши олиб бораётган вақтда, Қўқон хонлиги саройидаги энг нуфузли амалдорлар уларга ёрдам бериш керак, деб ҳисоблаганлар. Лекин, хонга Шарқий Туркистонга қўшин тортиб бориш ва у ердаги мусулмонларга ёрдам бериш кераклиги ҳақида илтимос қилганларида, Мадалихон рад жавобини берган. Орадан кўп вақт ўтмай, Ҳаққули мингбоши хонни Шарқий Туркистонга юришга кўндирган.

Саройда Ҳаққули мингбоши хоннинг энг ишончли одами бўлганлиги туфайли унинг ютуқларига ҳасад қилувчи шахслар ҳам кўп эди. Шундай шахсларнинг 1831 йилда хонга “Ҳаққули Шахрисабзга бадарға қилинган шаҳзода Султон Маҳмуд билан ҳамфикр эканлиги” ҳақида хабар берганидан сўнг мингбоши қатл этилган. Тарихчи Исҳоқхон Ибрат ушбу воқеа Мадалихон ҳукмронлигининг ўн еттинчи йилида юз берганлиги ҳақида маълумот берган эди [2. 296]. Мазкур воқеадан сўнг Қўқон аҳолисининг хонга нисбатан ишончи янада сусайган. Ҳаққулининг қатл қилиниши айниқса, Бухоро амири Насруллохоннинг босқини арафасида катта йўқотиш бўлган.

Манбаларда келтирилишича, яна бир Юсуф исмли шахс Шералихон даврида мингбоши лавозимида фаолият юритган [4. 103]. Аниқлик киритиш керакки, Шералихон даврида мингбоши лавозимини эгаллаган Юсуф Наманган вилоятида истиқомат қилган қирғизларнинг Қирқ ўғил уруғига мансуб бўлиб, бошқарув тизимида катта таъсирга эга эди. У бухороликларга қарши курашда фаол бўлган ва Шералихоннинг тахтга кўтарилишига сабабчи бўлганлардан бири эди.

Шералихон тахтга чиққанидан сўнг қипчоқларнинг таъсири сезиларли даражада ортган. Натижада, ўзбек, тожик, қирғиз ва қипчоқ зодагонларининг ўзаро сиёсий курашлари кучайган. Юсуф мингбоши давлат бошқарувида ўзбекларнинг кўплигидан норози бўлган қипчоқлар исёнини бостириш учун жўнатилган, лекин сусткашликка йўл қўйганлиги учун лавозимидан озод этилган. Юсуф мингбошининг лавозимдан туширилишида маҳаллий тожиклар орасида таъсири кучли бўлган Шоди додхоҳнинг ўрни катта бўлган ва айнан у мингбошилиқ лавозимига кўтарилган. Юсуф хоннинг буйруғига кўра, Марғилонга ҳоким қилиб тайинланган эди. Юсуфнинг пойтахтга қайтишидан хавфсираган Шоди додхоҳ уни йўқ қилишга ҳаракат қилиб, хонни Юсуфнинг давлат учун хавфли эканлигига ишонтирган. Натижада хон Марғилонга Маткарим ясавулни ёрлик билан жўнатиб, Юсуфни қатл эттирган.

Шоди додхоҳнинг ўзи ҳам лавозимда узоқ ўтирмаган. Мусулмонқул сиёсий курашларда рақибларини тўлалигича мағлубиятга учратиб, 1844 йилда мингбошилиқ лавозимига кўтарилган.

Мусулмонқулнинг мингбошилиқка тайинланиши билан хонликда қипчоқларнинг таъсири кучайган. Марғилонда Ўтамбий, Андижонда Кўри Сиддиқ, Наманганда Мирзат, Хўжандда Норбахши, Тошкентда Нормухаммад, Қурамада Шер Қировчи ҳокимлик тайинланган бўлса, саройда Каримқули дастурхончи ва Қулбобо ўдайчи мансабларига кўтарилган эди.

В. В. Наливкиннинг ёзишича, Мусулмонқул қўшин тўплаб, Ўратепани эгаллаш мақсадида сафарга чиққан, лекин кўп уринишларга қарамасдан, у Ўратепани эгаллай олмаган. Бундан норози бўлган қипчоқлар кенгаш чақириб, ушбу масалани муҳокама қилганлар. Қипчоқлар Мусулмонқулга ишончсизлик билдириб, уни мансабидан озод қилганлар ва Облиққа ҳоким қилиб жўнатганлар. Мингбоши лавозимига эса ўзларининг орасидан Мулла Холбекни тайинланган [6. 165]. Фикримизча, қипчоқларнинг ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий жиҳатдан катта кучга эга эканликларига қарамасдан, хоннинг рухсатисиз Мусулмонқулнинг лавозимдан озод этилиб, Мулла Холбекнинг кўтарилиши ишончли эмас. Мазкур масалага Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ойдинлик киритган. Унинг ёзишича, 1846 йилда Мусулмонқулнинг Ўратепани қамал қилиб, талон-тарож қилишидан сўнг хон ва Мусулмонқул ўртасида келишмовчилик пайдо бўлиб, Мулла Холбекни мингбоши лавозимига тайинлаган

[3. 116]. Лекин, орадан бир йил вақт ўтиб, Мусулмонқул Азиз парвоначининг ёрдами билан мингбошилиқ лавозимига қайтарилган. 1848/1849 йилда Мусулмонқул яна лавозимидан озод этилиб, унинг ўрнига Муҳаммадёр додхоҳ тайинганлиги ҳақида маълумот мавжуд [5. 41]. 1848 йилда Мусулмонқулнинг мингбошилиқдан туширилишининг сабаби, Ўратепа воқеалари билан боғлиқ эди. Ўратепа ҳокими Исобек Қўқон хонлиги тасарруфидан чиққанлигини эълон қилиб, марказга бўйсунитдан бош тортган. Мусулмонқул Ўратепага қайта-қайта қўшин тортган ва Исобекнинг амакиваччаси Али Шакурбекни ҳоким этиб тайинлаган, лекин ушбу воқеалар қипчоқларнинг норозилигига сабаб бўлган.

Кўп ўтмай, Муҳаммадёр додхоҳ Мусулмонқулнинг кўрсатмасига кўра, Ҳожи Халфа Сафо эшон томонидан заҳарланиб ўлдирилган ва Мусулмонқул яна мингбоши лавозимини қайта эгаллаган. Мусулмонқулнинг фаолияти 1852 йилгача давом этган. 1848 йилдан 1852 йилгача бўлган давр фақат Мусулмонқул учунгина эмас, хонлик аҳолиси учун нотинч замонлар бўлган. Ушбу даврда Ўтанбий, Нормуҳаммад, Холмуҳаммад додхоҳ, Каримқул дастурхончи, Қулбобо рисолачи каби катта таъсирга эга бўлган қипчоқлар мингбошидан норози эдилар. Шунингдек, хонликда ўзбек, тожик ва қирғиз зодагонлари ҳам марказий ҳокимият мансаблари учун курашмоқда эди.

1852 йилда қипчоқлар мағлубиятидан сўнг Мусулмонқул ҳибсга олиниб, қатл этилган. Худоёрхон Мусулмонқулни давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида ҳурмат қилган, ўз навбатида унинг қатл қилинишини хоҳламас эди. Лекин, кўпчиликнинг талаби билан қатл этишга мажбур бўлган. Р. Набиевнинг ёзишича, мингбошилиқ лавозимига Қосим понсод тайинланган [5. 45]. Лекин, ўша даврда Ўтанбийнинг мингбошилиқка тайинланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд [3. 120]. Қипчоқлар қирғинидан аввал Мусулмонқул Нормуҳаммадни хоинликда айблаб, Тошкентга қўшин тортган эди. Лекин, қипчоқларнинг салмоқли қисми, яъни Ўтанбий, Холмуҳаммад, Каримқул, Қулбобо ва Мусулмонқулнинг душманлари мингбошига қарши қўшин тўплаганлар. Натижада, Мусулмонқул учинчи юришда тор-мор келтирилган ва Учқўрғон орқали Кетмонтепа қишлоғи (ҳозирги Тўқтагул шаҳри)га қочган.

Қипчоқлар хон қўшинига зарба бериш ва ўзларининг таъсирини тиклаш мақсадида Андижон яқинидаги Билқиллама қишлоғида қўшин тўплайдилар, у ерга Мусулмонқулни ҳам чақирадилар. Мазкур жангда қипчоқлар қўшини тўла мағлубиятга учраган. Тошкент воқеаларидан то Билқилламадаги жанг ва қипчоқлар қирғинигача бўлган вақт оралиғида Ўтамбий мингбошилиқ мансабида бўлган.

1853 йилда Россия империяси қўшинлари Қўқон худудларига бостириб кирган вақтдаги воқеалар тасвирланганида, мингбоши сифатида Қосим понсод номи тилга олинган. Фикримизча, Ўтанбий мингбошилиқдан олиб ташланган бўлса-да, хонлик сиёсий тарихида ўз ўрнини сақлаб қолган. 1858 йилда Маллабек хонлик тахтига чиққанида, унинг тарафдорлари қаторида Ўтанбийнинг номи ҳам тилга олинади.

Р. Набиев 1858 йилда Туркистон атрофида қозоқ кўчманчилари кўзғолон кўтарганида, Худоёрхон уларга қарши укаси Маллабек билан бирга қўшинга қўмондон сифатида Шодмонхўжа мингбошини жўнатганлиги ҳақида ёзган эди [5. 52]. Шодмон хўжа исми бошқа манбаларда ҳам учрайди. Лекин мингбоши сифатида тасвирланмаган. Мирза Олим Махдум Ҳожи эса шундай ёзган: “Шоҳмуродхонни хон кўтариб, Шодмонхўжи (Шодмонхожа)ни мингбоши қилибдурлар” [3. 138]. Лекин, Шодмонхожининг мингбошилиқ даври узоққа чўзилмаган кўринади: 1863 йил сентябрда Алиқулунинг маслаҳати билан Султон Сайидхон томонидан қатл этилган [3. 32].

1863 йил 24 июлда Султон Сайидхон ибн Маллахон тахтга ўтирган. Шунда “Алиқули Фарғона амирлашқари бўлиб олиб, ҳамма қудратни ўз қўлига олади” [3. 31]. Ҳақиқатдан ҳам хонлик тарихида унинг ўрни катта бўлган. Шунинг учун турли хил манба ва тарихий адабиётларда Алиқули амирлашқар ҳақидаги маълумотлар нисбатан кўпроқ учрайди. Шунинг учун XXI аср бошларида маҳаллий тарихчи З. Илҳомовнинг диссертацияда Алиқули тўғрисидаги маълумотлар бир тизимга солинди.

1865 йил ёзида бир гуруҳ қирғиз ва қипчоқлар Тошкент мағлубиятидан сўнг Сир-

дарё қирғоғидаги Сарой номли жойда 12 ёшли Худойқулни хон қилиб кўтарганлар, Муҳаммад (Бекмуҳаммад – Мулла Олим Маҳдум Ҳожи) қипчоқ эса мингбоши лавозимига тайинланган [5. 69]. Улар пойтахтга кириб келишган. Менимча, Алиқулининг ўлими, Тошкентнинг йўқотилишидан тушкунликка тушиб қолган Султон Сайидхон уларга қаршилик кўрсата олмаган. В. В. Наливкин Худойқулнинг тахтга чиқишини тасвирлаб, 16 ёшда бўлганлиги, уни Иқинмирза қўллаб-қувватлаганлиги, мингбоши лавозимига Боймат қипчоқ тайинлангани ҳақида маълумот берган эди [6. 203].

Умуман олганда, мазкур даврдаги Қўқон мингбошилари ҳақидаги маълумотлар жуда кам ёки чалкаш. Қўқоннинг охириги мингбошиларидан бири сифатида Абдурахмонни кўрсатиш мумкин. Р. Н. Набиев “Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худояр-хана)” асарида Худоёрхон Абдурахмон Офтобачини мингбоши лавозимига тайинлагани хусусида ёзган эди. Муаллифнинг таъкидлашича, Худоёрхон Мусулмонқулнинг ўлимида ўзини айбдор ҳис қилган, шунинг учун Абдурахмон Офтобачини ўзига яқин олиб юрган ва “ўз айбини ювиш мақсадида кейинроқ уни мингбоши лавозимига тайинлаган” [5. 44].

Умуман олганда, тарихий манба ва адабиётларда Қўқон хонлиги мингбошилари ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Мавжуд маълумотларнинг аксарияти эса чалкаш ёки ноаниқ, бир тизимга солинмаган. Хусусан, Шоди, Шодмонхожа, Муҳаммад, Боймат, Фозилбек қорақалпоқ, Мирзо Аҳмад каби мингбошилар ҳақида маълумотларни топиш қийин.

Мусулмонқулёки Алиқулиамирлашкарни ҳисобга олмаганда, Қўқон мингбошилари шу вақтгача бирор-бир тадқиқот объекти бўлмаган. Мингбоши лавозимида фаолият юритган шахснинг давлат ҳамда халқ манфаатлари учун хизмат қилганликларини ҳисобга олиб, уларнинг тарихини чуқурроқ ўрганиш ва келажак авлодга етказиш фойдадан холи бўлмайди.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмудов Ш. Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий – бошқарув тизими (1709–1876 йй.) Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – 160 б.
2. Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – 336 б.
3. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2009. – 242 б.
4. Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин таворих ул-хавоқин (Султонлар насаби ва хоқонлар тарихи). – Тошкент, 1995. – 128 б.
5. Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (феодальное хозяйство Худояр-хана. – Ташкент: Фан. 1973. – 387 с.
6. Наливкин В. В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – 216 с.

#### АРХИВ БИНОЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Дилфуза Жўраева,  
Сурхондарё вилоят давлат архиви директори

Тарих ҳақиқатларини ёритишда давлат архивларининг ўрни ҳақда аҳамиятли ва беқиёс саналади. Бугунги кунга келиб эса архивлар фаолиятини замонавий технологияларга асосланган ҳолда юритиш чоралари кўрилмоқда. Айни пайтда, ҳар бири битта залворли аҳамиятга эга ҳужжатларни асраб-авайлаш мақсадида юртимиздаги барча давлат архивлари учун талаблар даражасидаги муҳташам бинолар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикасининг келгуси истиқболини кўзлаб ишлаб чиқилган “Янги тараққиёт стратегияси” дастурида мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалар амалга оширилаётган ислохотларни

янада чуқурлаштиришга янгича ёндашувни, юксак билим, ҳаётда синалган тажрибалардан оқилона фойдаланишни, замонавий илм ва билимлардан, ҳосил бўлган кўникмалардан ҳар томонлама унумли фойдаланишни назарда тутганлиги билан ўта аҳамиятлидир. Чунки янгилик яратмай, салмоқли ўзгаришлар ясамай туриб, ривожланиш ва тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу маънода айтганда, тараққиётни таъминловчи барча соҳалар бирдек изчил ва барқарор ривожлантирилиб борилиши зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай давлатда ҳам ҳаётий тажрибалардан унумли фойдаланиш, айниқса, улкан хазина, бемисл манба ҳисобланувчи хазинадан – тарихий аҳамиятга молик воқеалардан, бир пайтлар рўй берган ҳодисалардан, юзага келган янгиликлардан, илм-фан ютуқларидан ҳамиша хабардор бўлиб турмоқ керак. Ана шундай улкан хазина эса асрлар оша архив дея аталмиш ҳужжатгоҳларда сақланади. Табиийки, тарихи неча-неча асрларга бориб тақалувчи нодир қўлёмаларни, бирор шахснинг ҳаёти фаолиятига ёки ишлаб чиқариш соҳаларига, илмий, ўз даврида олиб борилган маданий ишларга оид ноёб ҳужжатларни бир жойга жамлаш, саралаш, кейинги авлодларга бешикаст етазиш учун ишлов бериш, айниқса, сақлаш каби муҳим ишлар архивлар зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай ҳужжатнинг бешикаст сақланишига эришиш учун махсус қурилган ва зарур жиҳозлар билан таъминланган бинолар керак бўлади.

Сурхондарё алоҳида вилоят сифатида ташкил этилган кезларда бу борада аҳвол қандай эди, ҳозирги кунда-чи? Сурхон воҳасида давлат архивларини тегишли шароитлар яратилган бинолар билан таъминлаш ишлари турли даврларда қандай йўлга қўйилганлиги тарихи билан қисқача танишиб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди.

Сурхон воҳаси тарихидан яхши маълумки, 1941 йил 6 мартда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони асосида Ўзбекистон ССР таркибиди бир неча, хусусан, Андижон ҳамда Наманган вилоятлари қаторида бу пайтга қадар Бухоро амирлиги даврида беклик, кейинчалик эса Бухоро областининг жанубий сарҳадларида жойлашган округи ҳисобланиб келинган Сурхондарё воҳасига ҳам алоҳида вилоят область берилди[1].

Ушбу фармон эълон қилинган, янги ташкил этилган областларда давлат архивларини қайта ташкил этиш, сақланаётган ҳужжатларни саралаш ҳамда тартибга солиш ишлари билан бошлаб юборилди. Айни пайтда, вилоят ташкилий қўмитасининг қарорлари асосида давлат архивлари учун алоҳида бинолар ажратила бошлади.

Чунки бу даврга келиб, Сурхондарёда янги ташкил этилган область сифатида ижроия қўмитанинг соғлиқни сақлаш, режалаштириш, сув хўжалиги, молия, алоқа, маданият, маориф, савдо бўлимлари, шу билан бирга, Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг Сурхондарё область архив бўлими ҳам ташкил этилди. Шу тариқа, воҳада 1 та область ҳамда 6 та районда давлат архивлари фаолияти йўлга қўйилди. Область давлат архиви 1 та хонада жойлаштирилиб, 2 та штат бирлиги ажратилди. Натижада бир неча йил давомида область давлат архиви ана шу биттагина хонада фаолият юритиб турди.

Сурхондарёда давлат архиви ишларини юритиш, уни янада кенгайтириш учун шароитлар етарли эмасди, айниқса, у махсус ва алоҳида бинога эга эмас эди. Бунга ўша йиллари Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг Сурхондарё область бўлимини бошқарган давлат хавфсизлик хизмати лейтенанти Артемьевский томонидан Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги томонидан йўлланган № 29036-сонли хат 1943 йил 16 февраль куни давлат архивлари бўлими бошлиғи Ушаковга йўлланган жавоб хатида ҳам кўриш мумкин. У шундай ёзади: “Аввал ҳам маълум қилганимдек, давлат архиви Термиз ўлкашунослик музейининг 3 та тор хонасида фаолият олиб бормоқда. Бу эса нафақат янги ҳужжатларни қабул қилиш имконини бермаяпти, балки мавжудларини сақлашда ҳам маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Архив учун ажратилган бино архив ҳужжатлари каби махфий ҳужжатларни сақлаш (Термиз шароитларида) талабларига мутлақо жавоб бермайди, у бутунлай таъмирлашга муҳтож ҳолатга келиб қолган. Бу бинода стеллажлар йўқ, эски архивда

мавжуд бўлган стеллажлар эса тўлиқ таъмирталаб бўлиб қолган, ҳужжатларнинг кўплигидан қийшайиб ётибди. Ҳужжатларнинг бир қисми эски давлат архивида ва ерда сақланмоқда”[2].

Табиийки, биз бу мисолларни дастлабки пайтларда Сурхондарёда давлат архивларида ишлаётган ходимлар қандай шароитларда фаолият юритганлигини ҳамда мисли хазина саналадиган давлат архивлари учун махсус бинолар ўта зарур бўлганлигини таъкидлаш мақсадида келтираяпмиз.

Шу маънода олиб қараганда, яна бир муҳим ҳужжатдан иқтибос келтириб ўтиш мумкин. Бу ҳужжат Сурхондарёда давлат архивлари фаолиятини, уларга ажратилган биноларнинг яроқлилиқ ҳолатини текшириш мақсадида тузилган махсус комиссия аъзолари томонидан тайёрланган. Жами 62 саҳифалик ушбу ҳужжатда ҳам Термиздаги давлат архиви биноси мутлақо яроқсиз ҳолда эканлиги қайд этилган. Ҳужжатга комиссия аъзоларидан 4 киши – Киселев, Чумаченко, Султанова ҳамда Астаховалар имзо чекишган. Комиссия аъзоларининг хулосасида шундай дейилади: “Архив шаҳар бозори ёнидаги музей ҳудудида жойлашган уч хонадан иборат бинода фаолият юритмоқда. Бино эскирган, кўп йиллардан буён таъмирдан чиқарилмаган. Архивнинг иккита деразаси бор, кўпчилик ҳолларда бу деразалар панжарасиз ва қисман ойнасиз бўлиб, очилиб ётади. Эшиклар ҳам панжарасиз, яроқсиз бўлиб, улар юпқа фанердан ясалган, исталган пайтда хоҳлаган одам архивга бемалол кириши мумкин, яъни эшиклар оддий осма қулфлар билан қулфланади. Архивда махсус кўриқчи йўқ. Қоровуллик ўриндошлиқ сифатида музей қоровули томонидан амалга оширилади, бозор томонидан эса ҳеч ким томонидан кўриқланмайди. Деразалар бозор майдони томонга қараб очилиши туфайли архивда ўғирлик қилиш ёки ёнғин чиқариш учун қулайликлар туғдиради. Ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари кўрилмаган”[3].

Албатта, йиллар ўтган сайин давлат архивларидаги шароитлар ҳам, қониқарли даражада бўлмаса-да, ҳарқалай, бир қадар яхшилана борган. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг архив бўлими бошлиғи Серийга 1945 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари тўғрисида юборилган ҳисоботда ҳам айтиб ўтилган.

Ҳисоботда шундай дейилади: “Шу йилнинг (яъни, 1945 йилнинг) май ойида давлат архиви учун ажратилган бино фойдаланишга яроқли, ҳужжатларни сақлаш шароитлари бор. Бутун вилоят давлат архиви жойлашган бино 6 хонадан иборат, иккита йўлак ҳам бор. Архивда 29 та фонд мавжуд бўлиб, улар №114 йўриқнома бўйича стеллажларда жойлаштирилган. Умумий архив ҳужжатлари сақланадиган хоналарнинг эшиклари қулфланади, лекин панжаралари йўқ. Бино таъмирга муҳтож. Томи лойсувоқ билан қопланган, ёмғирда ейилиб кетаётгани сабабли ҳар йили таъмирланишга муҳтож. Бино уч нафар ўт ўчирувчи ва қоровул томонидан кўриқланади”[4].

Ушбу ҳисобот 1946 йилнинг 18 феввалида тегишли юқори ташкилотга юборилган бўлиб, у ўша даврларда вилоят давлат архивида шароитлар қандай ўзгара бошлаганлигини кўрсатади. Албатта, бу мисоллар вилоят давлат архиви тарихига оид маълумотлардан олинди. Лекин юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўша йиллар вилоят давлат архивининг туманлардаги филиалларини ташкил этиш ишлари ҳам бошлаб юборилган эди. Хўш, туман филиалларида аҳвол қандай бўлган?

Бу борадаги саволларга яна ўша, яъни юқорида эслатиб ўтганимиз Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғига Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг архив бўлими бошлиғи Серий томондан юборилган хизмат хатидан жавоб топиш мумкин: “Ўзбекистон ССР ички ишлар вазирлигининг архив бўлимида Сурхондарё область архив органларида ишга тўсқинлик қилаётган жиддий қийинчиликлар бор. Давлат архиви кейинги икки йил ичида иккинчи марта архив учун ноқулай бўлган бинога кўчирилди. Мавжуд 8 та райондан фақатгина Жарқўрғон районида давлат архиви бор. Қолган районларда ё давлат архивлари ташкил этилмаган, ёки тегишли бинога эга эмас”[5].

Туманларда давлат архивлари борасида ҳавол ҳақиқатан ҳам яхши эмаслигини Жарқўрғон туман давлат архиви бошлиғи Меркулова томонидан

юқори ташкилотларга юборилган хат ҳам тасдиқлайди. Мерқулова 1947 йил 25 майда йўллаган №10/12-сонли хизмат хатида шундай ёзади: “Жарқўрғон давлат архивига тегишли масалани ўрганиб чиқдим. Масалан, архив ҳужжатлари район сельпосига қарашли идорада сақланади. Архив ҳужжатларининг бир қисми шкафларда, бир қисми эса бинога кириш йўлагиди сақланади. Исталган одам бу ҳужжатларни олиши, йиртиши ёки бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин, ҳужжатларнинг кўпчилигини сичқонлар кемириб ташлаган. Мен бу борада у ерда ишлаб турган Эшмуратовага 4 марта учрашдим, ҳужжатларни тиклаш борасида сизнинг 47 йилда юборган № 81/15-сонли кўрсатмангизни бажариш бўйича тегишли маслаҳатлар бердим. Лекин бу топшириғингиз бажарилмаяпти. Ҳужжатлар очиқликда, йиртилган ҳолда аралаш-қуралаш бўлиб ётибди, улар жилдланмаган”[6].

Лекин мана шундай ёзишмалар натижасида Сурхондарё вилоятида давлат архивлари тизимини такомиллаштириш, уларни махсус ва алоҳида бинолар билан таъминлаш бўйича олиб борилган қатор ишлар ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Хусусан, архив ҳужжатлари фонди ҳажми ва таркиби йилдан-йилга орта борди. Бир сўз билан айтганда, Сурхон воҳаси халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган махсус мажмуи шакллантирилди. Бошқача айтганда, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан тўғри ҳамда унумли фойдаланишни ташкил этиш бўйича етарли даражада шарт-шароитлар яратилишига муваффақ бўлинди.

Аммо ҳақиқий ўзгаришлар, айниқса, давлат архивларини шароитлари яхши бинолар билан таъминлаш ишлари давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширилди.

Бунга эса мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни 1992 йилнинг март ойида маҳаллий ҳокимликлар ташкил этилиши муносабати билан эришилди. Хусусан, 2000 йилда Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси қошидаги давлат архив бўлими Сурхондарё вилояти ҳокимлиги архив бўлими деб юритила бошлади. 2004 йилнинг 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида архив иши бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 49-сонли қарори эълон қилинган эса, Сурхондарё вилояти архив бўлими – вилоят архив иши ҳудудий бошқармасига айлантирилган, давлат архивларини нафақат махсус биноларга жойлаштириш, янги бинолар қуриш, мавжудларини сифатли таъмирдан чиқариш, балки архивларни малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари ҳам янада жонлантирилди. Натижада фуқаролар, жамият ва давлат нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган матнли, қўлёзма ва машинкада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография пленкалари, чизмалар, схемалар, хариталар в.ҳ. аҳамиятли ҳужжатларни талаблар даражасида сақлаш имконияти яратилди. Архивларда ишлайдиган ходимлар малакасини ошириш, иш юритишнинг янги замонавий усуллари қўллаш, ишни янги технологиялар асосида ташкил этиш, архивларни зарур техник жиҳозлар ҳамда хавфсизлик ускуналари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди.

Давлат архивлари учун махсус биноларнинг қурилиб фойдаланишга топширилиши эса юқорида айтиб ўтилган жараёнларни юқори савия ҳамда сифатда олиб борилишини таъминлади. Хусусан, Термиз шаҳри марказида Ўзбекистонда ягона бўлган етти қаватли Сурхондарё вилояти давлат архивининг замонавий биноси, вилоятнинг Шеробод, Ангор ва Музработ туманлари марказида қад ростлаган уч қаватли, Сариосиё, Бойсун ва Шўрчи туманларида эса икки қаватли давлат архиви биноларининг қурилиб фойдаланишга топширилиши соҳани янада ривожлантиришга қаратилган муҳим қадамлар бўлди.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

- 1.ЎЗК(б) Андижон шаҳар шаҳаркоми ва меҳнаткашлар депутатлари Андижон шаҳар советининг органи “Коммунист” газетаси. 1941 йил, 9 март №57 (1990).
2. Сурхондарё вилоят давлат архиви. Фонд-334, ёзув-1, сақлов-1. varaқ-2.

3. Сурхондарё вилоят давлат архиви. Фонд-334, ёзув-1, сақлов-3, варақ-114.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви. Фонд-334, ёзув-1, сақлов-4-варақ.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви. Фонд-334, ёзув-1, сақлов-27, варақ-1.
6. Сурхондарё вилояти давлат архиви. Фонд-334, ёзув-1, сақлов-27, варақ-3.

**O‘ZBEKISTON HUDUDIDA ANTIK DAVRIDA KECHGAN  
MIGRATSION JARYONLAR  
(Yuejilar misolida)**

**Eshonqulov Umurzoq Absamat o‘g‘li,  
Jizzax davlat pedagogika universiteti ijtimoiy-gumanitar fanlarda  
masofaviy ta‘lim kafedrasida o‘qituvchisi**

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada Yueji qabilalarning o‘rganilish tarixi, Yueji qabilalarining migratsiyasi, ko‘chishi sabablari, yangi joylarga joylashuvi, yueji qabilalarining etnik tarkibi, to‘g‘risida mulohazalar bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** Migratsiya, xalqlarning buyuk ko‘chish, hun, yueji, Da-yuechji, Katta yueji, Xumi, Shaunmi, Gyushuan, Xise, Dumi, Usun, Sharqiy Turkiston, Turfon, Daxya, Gushuy.

**Аннотация:** В данной статье описывается история изучения племен юэцзи, причины миграции племен юэджи, их переселения на новые места, этнический состав племен юэджи.

**Ключевые слова:** Миграция, великое переселение народов, Хунн, Юэцзи, Да-юэцзи, Большой Юэджи, Хуми, Шонми, Гюшуань, Хисэ, Думи, Усун, Восточный Туркестан, Турфон, Дахья, Гушуй

**Annotation:** This article describes the history of the study of the Yueji tribes, the reasons for the migration of the Yueji tribes, their relocation to new places, and the ethnic composition of the Yueji tribes.

**Keywords:** Migration, the great migration of peoples, Hun, Yueji, Da-yueji, Big Yueji, Khumi, Shaunmi, Gyushuan, Hise, Dumi, Usun, East Turkestan, Turfon, Dakhya, Gushui.

Kishilik jamiyati paydo bo‘libdiki insoniyat turli sabablarga ko‘ra o‘zi yashab turgan makonidan boshqa joyga ko‘chib o‘tishga majbur bo‘lgan fanda bu jaryonlar migratsiya [1.506] (lotincha: migratio-ko‘chaman, joyimni o‘zgartiraman) atamasi bilan tilga olinadi. Insonlar oziq-ovqat izlab, iqlim o‘zgarishlari, tabiyat injiqliklari, o‘zaro urushlar boshqa turli-xil sabablarga ko‘ra o‘zi yashab turgan makonidan boshqa joyga ko‘chishga majbur bo‘lgan Tarixda shunday yirik migratsiyalar yuz berganki natijada yirik davlatlar, imperiyalar vujudga kelishiga sabab bo‘lgan.

Yevroosiyo materigida tutgan jug‘rofiy o‘rni tufayli Markaziy Osiyo tarixning eng qadimgi davrlaridan boshlab murakkab va ko‘p bosqichli mintaqaviy va transmintaqaviy migratsiya jarayonlari jadal borgan hudud sifatida ajralib turadi. Ma‘lumki, aholining bir hududdan ikkinchi hududga ko‘chishi butun tarixiy davrlar mobaynida shaklan ikki xil — doimiy yoki vaqtinchalik ko‘chish tarzida amalga oshirib kelingan[2.312].

Antik va ilk o‘rta asrlarning boshlarida O‘rta Osiyo jumladan, O‘zbekiston Yevroosiyo materigida yuz bergan “xalqlarning buyuk ko‘chishi” davrini chorraxasiga aylanadi. Bu yerda tarixiy yilnomalarda tilga olingan yirik qabilalar uyushmasining va ular bilan bog‘liq bo‘lgan xalqlarning sharqdan g‘arbga, janubiy-g‘arbga va janubga, shimoldan janubga va shimoliy-g‘arbdan janubiy-sharq tomon ko‘chishlari yuz bergan. Ulardan ba‘zilari O‘rta Osiyo hududlarida qolgan bo‘lsa, boshqalari yerli xalqlarning bir qismini o‘zi bilan birga janub va janubiy-g‘arb tomonlarga olib ketgan. Bunga misol sifatida Hindiston va Orol bo‘yi hududlaridan topilgan Farg‘onaga xos tirnash uslubi bilan bezalgan sopol idishlarni (I-II asrlar) keltirish mumkin[3.28].

Antik va ilk o‘rta asrlarda O‘rta Osiyo hududida yirik qabilalarning ko‘chish jarayoni kuchayadi. O‘rta Osiyo hududiga antik davrda kirib kelgan yirik qabilalardan biri Yuejilardir. Bu qabilalar Xitoy manbalarida “Da-yuechji” – “Buyuk” yoki “Katta yueji” deb eslaniladi[4.268].

Xitoy manbalariga ko‘ra, miloddan avvalgi I asrning ikkinchi choragida hozirgi Shar-

qiy Turkistondagi Turfondan janubi-sharqiy hududlarda yashab kelgan yuechji qabilalari qo'shni Hunlar tazyiqi ostida g'arbga tomon harakat qila boshlaydilar. Chunonchi, ular I asrda Ida daryo vohasiga kelib o'rnashadilar. Bu yerlik usunlar (asian)o'z o'rnida yuechjilardan arz qilib, yordamga yana hunlarga murojaat qiladilar. Taxminan miloddan avvalgi 160 yillari yuechjilar hunlarning navbatdagi siquviga bardosh berolmay yanada g'arbga tomon siljiydilar. Albatta, yuechjilarning sharqdan g'arbga tomon ko'chishlari oson kechmagan. Bir tomondan, hunlar tazyiqi, ikkinchi tomondan, mahalliy qabilalar bilan kurash bularning bari yuechjilar uchun katta qiyinchiliklar tug'dirgani tabiiy. Masalan, ular Issiqko'lning g'arbiy hududlarida mahalliy sak qabilalari bilan to'qnash kelganlar. Xitoy mualliflari so'ziga qaraganda, saklar bu janglardan keyin janubi-g'arb tomon chekinishga majbur bo'lgan ekanlar. Shu orada Yuechjilar Usunlar tomonidan mag'lubiyatga uchraydilar [5.59].

Mag'lubiyatga uchragan yuechjilar O'rta Osiyoning janubi tomonga harakat qilib, Daxya (Baqtriya)ni bosib oladilar va Gushuy (Amudaryo)ning shimoliy tomonidan joylashadilar. Katta Xan uyi tarixida ham yuejilar Gushuy daryosining shimoliy tomonidan o'z poytaxtlariga asos solganliklari ta'kidlanadi .

Tadqiqotchilarning fikrlariga ko'ra, yuejilar mil.avv.140-130 yillar oralig'ida Baqtriyaga bostirib kirganlar. Oradan ko'p o'tmay Baqtriyada Katta yueji davlati tashkil topadi. Kichik Xan uyi tarixi malumotlariga ko'ra , Katta yueji hukmdorlari qo'l ostida beshta hokimlik (Xi-xeu) bor bo'lib ular Xyumi, Shaunmi, Gyushuan, Xise va Dumilardan iborat edi. Xitoy manbalaridan xulosa chiqargan ko'pchilik tadqiqotchilar Baqtriya tarixdagi butun yueji davrini uch bosqichga bo'ladilar:

1. Mil.avv.139-125 yillar – Katta yueji Daxya viloyatni bosib oladi, ammo ularning asosiy mulklari Amudaryodan shimolada tomonda edi.

2. Mil.avv.25 yilga qadar – Katta yueji davlatining shakilanishi va keyingi rivojlanishi. Davlatning poytaxti Amudaryodan shimol tomonda bo'lib, janubiy chegarasi Gibin atrofida (Kashmir yoki Qandahor ) edi. Yuejilar bo'ysundirilgan hududlar Xise, Shounmi, Guyshuan, Xyumi, Dumi mulklaridan iborat bo'lib, ular xi-xou (yobg'u) tomonidan birlashtirilgan .

3. Mil.avv.25 yildan keying Katta yueji davlatining inqirozi va yuqorida eslatilgan mulklarning mustaqil bo'lishi Kushon (Guyushuan) yabg'usi Kioszyukyu (Kujula Kdfiz) qolgan to'rtta mulkni birlashtirib Kushon davlatiga asos soladi[6.97].

Mil.avv 130-140 yillarda Markaziy Osiyoga Sharqiy Turkistondagi Turfonning janubi-sharqiy hududlaridan kirib kelgan yuechji qabilalarining soni to'g'risida taniqli olim Azamat Ziyo quydagicha fikr bildiradi Shu o'rinda haqli savol tug'ilishi mumkin: yuechjilarning bir yerdan ikkinchi yerga ko'chishidagi umumiy soni qanchalik bo'lgan? Bir necha marta tilga olganimiz Chjan Syan guvohliklari asosida bitilgan ma'lumotlarda bu haqda shunday deyiladi: yuechjilar 100 000 xonadon, 400 000 kishidan iborat; askarlarining soni 100 000 dan 200 000 gacha. Aftidan, bu yuechjilarning ko'ch-ko'chi boshlangunga qadar bo'lgan nufuziga taalluqdi bo'lishi kerak. Agar haqiqatan ham shunday bo'lsa, u holda yuechjilarning 30 - 35 yil davomidagi og'ir kechmishlaridan so'ng ular ham son jihatdan, ham zarb jihatdan o'z qobiliyatlarini saqlab qololganmikanlar? Masalaning bu tomoniga o'z vaqtida S. P. Tolstov ham e'tibor qaratib o'tgandi. Axir Baqtriyani egallashning o'zi oson emasku? Xitoylik mualliflar qoldirgan ma'lumotlardagi anglashilmovchiliklardan yana biri shundan iboratki, yuechjilar g'arbga tomon odimlar ekanlar, tabiiy ravishda, yo'l-yo'lakay mahalliy siyosiy kuchlar bilan keskinlik munosabatiga kirgan bo'lishi kerak [5.59].

Antik davrda o'zbek etnogenezini o'rganishda muhim muammolardan yana biri-bu Da-yueji qabilalarining O'rta Osiyoning ichki rayonlariga, ayniqsa uning janubiy mintaqalariga kirib borishi bilan bog'liqdir. Tarixda yuejilarni eroniy tilli qabilalar sifatida o'rganib kelindi. Ammo ularning Sharqiy Turkistondan (turkiy til dunyosidan) chiqib Davan, Usturushona va Sug'diyona viloyatlarini oralab, dastlab shimoliy Baqtriyani, so'ng Janubiy Baqtriya va to Shimoliy Hindistongacha kirib borishganlarida, ular turkiyda so'zlashganlar va Movarounnahr aholisining etnik tarkibida turkiy etnos ulushi sezilarli darajada bo'lgan. Ammo bu zamin ijtmoy va siyosiy hayotida eroniy til muhiti hali yetakchilik mavqeiga ega edi. Shu bois, kushonlarning tili jihatidan eroniylashishi tabiiy edi.

Da-yuejilar daslab Baqtriyada Kushon davlati bo'lib birlashgunlariga qadar (100 yil davomida) o'z ona tilida so'zlashgan bo'lishi munkun. Ammo ustun eroniy til muhiti sharoitida mahalliy aholi bilan iqtisodiy, madaniy va etnik aloqalar tufayli ular asta sekin eroniylash-

ganligi tarixiy haqiqatdir. Baqtriyada tashkil topgan kushonlar davlati mamlakatni boshqarishda qadimdan davom etib kelayotgan mahkamachilikda va uning ellinlar tasirida mukammalashgan tizmi bilan uyg'unlashib, yuejilarning eroniylashida kata ro'l o'ynaydi. Shu bois, Kanishka bohtariy tilni davlat tili deb e'lon qilgan, mahkamachilikda yunon yozuvi o'rniga bohtariy yozuvini qo'lashga farmon bergan, pullar kushon podsholari, Baqtriya xudolari rasmlari bilan zarb etila boshlagan. Kushonlar ajdodlari tilini unutib bohtariylashgan (eroniylashgan) bo'lsa ham o'z kelib chiqishlarni unutmaganlar. Rabatak ibodatxonasi yozuvida Kanishka o'zi va ajdodlarini oriy ekanligini eslab o'tadi. Bu ham fikrimizning to'g'ri ekanligidan dalolat beradi[7.229].

Markaziy Osiyoning bu davrdagi xalqlari etnik tarixiga oydinlik kiritishga yordam beradigan ma'lumotlar qadimgi Xitoy manbalarida ham uchraydi. Masalan, "Shitszi" ("Tarixiy solnomalar") asarida Yettisuvdagi Usun va Shimoliy Baqtriyadagi katta yuechjilar xunlar kabi chorvador bo'lib, yaylovdan-yaylovga kuchib yurishi, urf-odatlarini xunlarnikidek ekanligi, Sirdaryo havzasidagi qang'uylar va ularga yaqin bo'lgan Yansay (Orolbo'yi) aholisi yuechjilardek turmush kechirishi, shuningdek, Davandan An Sugacha (Parfiyagacha.-U.M.) aholi turli lahjalarda gapirsada, odatlari o'xshashligi va bir-birini tushunishi qayd etiladi[2.316].

Kushon saltanatining beshigi va dastlabki poytaxti Baqtriya bo'lgan. Ma'lumki, miloddan oldingi 140-130 yillarda Yunon-Baqtriya shohligi ko'chmanchi sak qabilalarining Baqtriya qilgan harbiy yurishlari natijasida qattiq larzaga keldi. Sak qabilasi sharqda ko'chmanchi "katta yueji" qabilalaridan mag'lubiyatga uchragandan so'ng ularning ta'qibi ostida Baqtriya tomon siljigan edilar. O'z navbatida, "katta yueji" qabilasi avval ko'chmanchi xunlar qabilasi, so'ngra usunlar bilan bo'lgan janglarda mag'lubiyatga uchragandan so'ng g'arbga -sak qabilasi yashab turgan yerlarga, keyinchalik Baqtriya yerlariga chekinishga majbur bo'ladilar. Shunday qilib "katta yueji" qabilasi Baqtriya tuprog'ida paydo bo'lib, Baqtriya boy shaharlari va qishloqlari ko'chmanchilarning qalblarida hasad o'tlarini yoqadi. Ko'chmanchilar Baqtriya shahar va qishloqlariga o't qo'yдилar mahalliy aholining butun boyliklarni taladilar. Bu vaqtda Yunon-Baqtriya shohligi tinmay davom etayotgan harbiy to'ntarishlar, suiqasdlar, o'zaro urushlar va ko'chmanchi saklar qabilasining zarbi natijasida ichdan darz ketgan edi. Ular bu gal ko'chmanchilarga qattiq qarshilik ko'rsata olmay yengildilar. Shunday qilib, yuz yildan ko'proq hukmronlik qilgan Yunon-Baqtriya shohligi ko'chmanchilar hujumi ostida quladi. Ko'chmanchilar esa taxminan yuz yildan keyin Buyuk kushonlar saltanatiga asos soldilar[8.5].

Shunday qilib mil.avv 130-140 yillarda Markaziy Osiyoga Sharqiy Turkistondagi Turfonning janubi-sharqiy hududlaridan kirib kelgan yuechji qabilalari Buyuk kushonlar davlatiga asos soldilar. Ular o'zlarining taxminan 400 yillik hukmronlik davrida insoniyat taraqqiyoti tarixida o'chmas iz qoldirdilar. Bu davrda yaratilgan noyob san'at asarlari uning o'tmishdagi qudratidan dalolat berib turibdi. Kushonlar davrida yaratilgan sanat asarlari ko'pgina dunyo muzeylarining ko'rki, o'tmishi avlodlari kushon saltanati hududida yashagan xalqlarning esa obro'si va nufuzi hisoblanadi.

#### FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000. 506-b.
2. Mavlonov.O'. Markaziy osiyoning qadimgi yo'llari Toshkent. 2008. 312-b.
3. Anorbaev.A. O'rta Osiyo etnografiyasidagi bazi-bir dolzarb muammolar «O'zbek xalqining kelib chiqishi: ilmiy-metodologik yondashuvlar, etnogenetik va etnik tarix» mavzusida Respublika ilmiy-nazariy seminar materiallari. Toshkent 2004. 28-b.
4. A.S.Sagdullayev O'zbekiston tarixi. Toshkent. 2019. 268-bet.
5. Azamat ZiyO O'zbek davlatchiligi tarixi. Toshkent. 2000. 59-b.
6. Eshov B. O'zbek davlatchiligi va boshqaruv tarixi. Toshkent. 2012. 97-b.
7. Asqarov A. O'zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi. Toshkent. 2007. 229-b.
8. Pidayev Sh. Sirli kushonlar saltanati. Toshkent. 1990. 5-b.

Raimov Mamasoat Safar o'g'li,  
Termiz davlat universiteti  
Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi

**Anotatsiya:** Tarixiy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, Markaziy Osiyoda mo'g'ullar bosqini arafasida o'troq holda yashab kelayotgan insonlarni o'zida jamlagan navqiron Termiz shahri haqida qadimda juda ko'plab olimlar o'z asarlarida to'xtalib o'tgan. Markaziy Osiyo tarixi va mintaqa xalqlarining madaniy taraqqiyotini Termiz shahri tarixisiz hamda osori-atiqalarisiz tasavvur qilish nihoyatda qiyin. Jahon tarixiga munosib hissasini qo'shgan va qo'shib kelayotgan bu qadimiy shahar o'zining taraqqiyot bosqichida ko'pdan-ko'p hayajonli davrlarni boshidan o'tkazdi, necha ming yillar davomida tashqi dushmanlarning hujumlariga munosib qarshilik ko'rsatib "Madinat ul-rijol" (Mardlar shahri) unvoniga ega bo'ldi. Balki shu sababdan Termiz shahri azal-azaldan jahon tarixchilari va olimlari, ulug'allomalarning diqqat-e'tiborini o'ziga tortib kelgan.

**Kalit so'zlar:** Markaziy Osiyo, Eski Termiz, "Madinat ul-rijol" (Mardlar shahri), Chaganrud, Rui Gonsales de Klavixo, Ibn Battuta, Solixobod, Abulfazl Muhammad Bayhaqi.

**Аннотация:** Исторические исследования показывают, что многие ученые писали о древнем городе Термезе, населенном оседлым народом накануне монгольского нашествия в Среднюю Азию. Крайне сложно представить историю Средней Азии и культурное развитие народов региона без истории и памятников города Термеза. Этот древний город, внесший достойный вклад в мировую историю и продолжающий вносить в нее свой вклад, пережил немало захватывающих периодов в своем развитии и на протяжении нескольких тысячелетий успешно противостоял нападениям иноземных врагов и стал «Мадинат ул» получила название «Рижол» (Город Героев). Возможно, по этой причине город Термез всегда привлекал внимание мировых историков и ученых, великих ученых.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, Старый Термез, «Мадинат уль-Риджал» (Город Героев), Чаганруд, Руи Гонсалес де Клавихо, Ибн Баттута, Салихабад, Абульфазл Muhammad Байхаки..

**Annotation:** Historical studies show that many scholars have written about the ancient city of Termiz, which was inhabited by people who lived in a sedentary manner on the eve of the Mongol invasion in Central Asia. It is extremely difficult to imagine the history of Central Asia and the cultural development of the peoples of the region without the history and monuments of the city of Termiz. This ancient city, which has made a worthy contribution to the history of the world and continues to add to it, has experienced many exciting periods in its development stage, and for several thousands of years it has successfully resisted the attacks of foreign enemies and became "Madinat ul- got the title "Rijol" (City of Heroes). Perhaps for this reason, the city of Termiz has always attracted the attention of world historians and scientists, great scholars.

**Key words:** Central Asia, Old Termiz, "Madinat ul-Rijal" (City of Heroes), Chaganrud, Rui Gonzalez de Clavijo, Ibn Battuta, Salihabad, Abulfazl Muhammad Bayhaqi.

Alouddin Atomalik Juvayniy (1225-1283-yillar) ning "Tarixi Jahonkushoy" ("Jahongir tarixi") asari, Xo'ja Siroj Juzjoniyning "Tabaqoti Nosiriy" asarlaridan mo'g'ullarning Mo-varounnahr-ga yurishi tarixi hamda Termizning olinishi to'g'risida qimmatli materiallar bor. Yana bir qimmatli manba- Rashiddinning "Jome ut-tavorix" asari. Ushbu asarlarda Termizning XIII-XVIII asrlardagi tarixi xususida batafsil ma'lumotlar keltirilgan. Qolaversa, shaharga Chingizxon boshliq mo'g'ul qo'shinlari bosqinlari to'g'risida juda ko'plab qiziqarli ma'lumotlarni uchratish mumkin.

1220-yil kuzida Termiz devorlari yoniga Chingizxon qo'shinlari kelgach shahar halokatga uchradi. Yudorida qayd qilinganidek, shahar mudofaachilari taslim bo'lishni istamadilar. Natijada qamalning o'n birinchi kuni dushman qal'ani hujum bilan oldi. Termiz vayron etildi, aholi qirib tashlandi [2.132].

Mo'gullar istilosidan so'ng Termiz Chig'atoylar davlati tarkibiga kirdi. Lekin shahar

o`rnda tiklanmadi, balki shimoli-sharq tomonga qarab surildi hamda Chag`onrud bo`ylab hududni egalladi. Ibn Battuta xabariga ko`ra, shahar Jayxundan ikki milya masofada joylashgan.

XIII-XIV asrlar Xitoy manbalari ham zeki va undan 10 milya masofadagi yangi Ti-li-mi shahri haqida xabar beradi. Shahar aholisi, atrof joylardagi kabi, bir necha yuz oilalardan iborat bo`lib, chorvachilik bilan shug`ullangan.

Termizning XIII-XVIII asrlardagi tarixi ko`p jihatdan uning hukmdorlari, sayyidlar bilan bog`liq bo`lgan, bu haqida turli davrlarga oid qator manbalarda xabar beriladi.

Islomni qabul qilib, Alouddin unvonini olgan Chig`atoy sulton Tarmashirin hukmronligi davrida (1326 - 1334 yillar) Termizda Alo al- Mulk Xudovandzoda I hokim bo`lgan. Keyinchalik, chig`atoylarning o`zaro mojarolari davrida u to`rt ming kishilik musulmon qo`shini bilan musulmonparastlik kayfiyatidagi Chig`atoy Xalilullox ibn Yasavuriyga qo`shildi (1342/3 - 1343/44 yillar) hamda vazir etib tayinlandi [5.219]. Alo al- Mulk Xalilulloxning muvaffaqiyat bilan olib borgan fath yurishlarida faol ishtirok etib, u bilan Xitoy chegaralarigacha bordi va Olmaliq noibi etib qoldirildi. Keyinchalik Alo al-Mulk xon nazarida tuxmatga uchrab, qatl qilindi [6.56]. Termiz sayyidlari shajarasida ham u Alo al-Mulk shahid deb eslanadi.

1333-yilda Hindistonga keta turib, Termizda to`xtab o`tgan marokashlik sayyox Ibn Battuta ham Alo al-Mulk va uning qarindoshlari bilan tanish bo`lgan. Bu yerda u sayyidlardan biri shayx Azizon zoviyasiga ko`ngan. Shayx Azizon katta yer va bog`lar sohibi bo`lib, boyliklarini ziyoratchilarni bokishga sarflardi. Karomiddin Xudovandzoda Termiz qozikaloni edi.

Ibn Battuta boshdan-oyoq anhorlar kesib o`tgan va yam-yashil bog`lar og`ushidagi, chiroyli imoratlari va bozorlari ko`p bo`lgan yirik shaharni ko`rgandi. Bu yerda go`sht va sut mo`l-ko`l, shirin bexisi va uzumining shuhrati keng yoyilgan edi. Shahar ham- momida bo`lgan sayyoh bu yerning uziga xos xususiyatini qayd etib o`tgan: odamlar uning vatandagi kabi, boshini “tafl” bilan emas, balki qatiq bilan yuvishardi: “Xar bir xammom xodimi o`nlab katta ko`zalarni qatiq bilan to`ldirib quyadi. Xammomga kirgan har bir kishi qatiqni shunday ko`zadan maydaroq idishga olib boshini yuvadi. Qatiq sochni toza va silliq qiladi”.

XIV asrning ikkinchi yarmi - XV asr boshida Termiz Amir Temur davlatining muhim shaharlaridan biri bo`lib qoldi. Uning yurishlarida sayyid Alo al-Mulk I (shahid) ning ikki o`g`li - Xudovandzoda Ali Akbar va Abul Maoliy qatnashishgan, Abul Maoliy 1371-yili Amir Temurga qarshi isyonda ishtirok etgan. Isyon bostirilgan, lekin ruhoniylarga extirom yuzasidan Abul Maoliy jazo sifatida qisqa muddatga quvg`in qilingan, bir yildan so`ng afv etilib, Amir Temurning Xorazmga yurishida qatnashgan. Keyinchalik u Shaxrisabzga ko`chib o`tdi, shu yerda 1455-yilda, ulug` yoshga yetib vafot etdi va jome` masjid yoniga dafn etildi.

Amir Temur 1399-yili Hindiston yurishi oldidan Termizga kelib, shu yerlik sayyidlar mozorlarini, shuningdek Hakim at-Termiziy va Abu Bakr Varroq maqbaralarini ziyorat qilgan. Yurishdan qaytishda Abul Maoliyning o`g`li Xudovandzoda Alo al-Mulk II xonadonida to`xtagan. Amir Temur bu xonadonda 1404-yilda, g`arb yurishidan qaytishda ham to`xtab o`tgan.

Shaharning Amir Temur davriga oid tavsifi 1404-yili bu yerdan o`tgan Rui Gonsales de Klavixo “Kundaligi”da ham mavjud. “Shu kun bu yerga elchilar kelgan bu shahar - Termit katta va aholisi ko`p shahar edi; hech narsa bilan o`rab olinmagan, atrofida bog`lar ko`p va suv mo`l edi. Bu shahar haqida, unga kirgach, hamma vaqt har xil narsa sotilayotgan maydonlar va serodam ko`chalar orqali o`tib, uzoq vaqt yurib, o`z manzilimizga alam bilan kelganimizdan bo`lak hech narsa deya olmayman”.

Amir Temur vafotidan so`ng, vorislari o`rtasidagi toj-taxt uchun bo`lib o`tgan o`zaro kurashga qaramay, Termiz Temuriylar davlatida muhim ahamiyatga ega shaharligicha qolaverdi. 1407-yilda Xalil Sulton muhim strategik joy bo`lgan Eski Termiz qal`asini tiklab, mustahkamladi. Shoxrux hukmronligi davrida (1405–1447-yillar) Termiz Ulug`bekka bo`ysundirildi, Sulton Abu Sa`id (1451 -1469-yillar) vafotidan so`ng esa uning o`g`li Sulton Maxmud mulkiga kirdi[2.79].

XIV asrniig ikkinchi yarmida Termizni Amir Buzurg Termiziy nomi bilan mashxur bulgan Alo al-Mulk III boshqardi. Uning so`nggi Temuriylar bilan qarindoshligi ham bor edi. Amir Buzurgning ikki qizi va nabirasi Abu Sa`idning o`g`illari Sulton Ahmad Mirzo va Sulton Maxmud Mirzoga unashtirilgan edi. XV asr oxirida Termizda sayyid Xusayn Akbar huk-

mronlik kildi.

Zaxiriddin Muxammad Boburning yozishicha, Xusayn Akbar amravachchasi, Sulton Maxmud bilan Xonzoda begim - Amir Buzurg Termiziyning qizining katta o'g'li Sulton Mas'ud Mirzoning maslahatchisi bo'lgan.

Keyingi asrda Termiz Shayboniylar davlati tarkibiga kirdi. XVI asr boshida Shayboniyxon "Madinat ur-rijol"-Termizni boshqarishni qarindoshi Said Muhammad Sultonga topshirdi [2.72]. 1557-yilgacha shaharda shayxulislom lavozimini sayyid Amir Buzurgning nabirasi Amir Abdullo Termiziy egallab turardi.

XIV asrning 30-yillaridan boshlab Termiz Shayboniylarning Balx mulki tarkibiga kirdi va uzoq vaqt mobaynida o'zaro kurashlarga bahona bo'ldi. 1572-yil may - iyun oylarida Abdullaxon qo'shini tomonidan qamal qilinganda Eski Termiz qal'asining baquvvat devorlari manjanaq va naftandoz bilan vayron qilindi. Urushayotgan taraflar sulx tuzishgach, Abdullaxon amakivachchasi Maxmud Sultonni shaharga hokim etib tayinladi, o'zi esa mozorlari, shu jumladan sayyidlarning «munavvar mashxadi va muattar kabrlari» hamda avliyolar qutbi Xoja Muhammad Ali Hakim Termiziy mozorini ziyorat qildi.

XVI asrda Joniylar davrida Termiz Balx viloyatiga qarashliligicha qolaverdi hamda vali-axd mulkiga kirdi.

Balxlik olim Maxmud ibn Valining "Baxr ul-asror" asarida Termiz haqida XVII asrning 40-yillariga oid ma'lumot bor. U Jayxun buyidagi mustahkam devor bilan o'rab olingan sobiq qal'ani shahar deb ataydi. Uning daryoga qaragan janub tomonida darvoza bo'lgan. Shahar devoridan shimolda Hakim at-Termiziy va shayx Abu Bakr Varroqning mozori joylashgan. Shaharning eng muhim qismi Solixobod (Soliobod, Salovot deb ham yuritiladi. — Musarrir) deb atalgan. U yerda hokimning qarorgoxi, bozor, madrasa va katta Jome masjid bulgan. Muallif bir necha yuz yillar davomida Termiz viloyatida shayxulislom vazifasida xizmat qilgan saayyidlar xonadonini eslatib o'tgan. Mazkur davrda sayyid Xoja Muhammad shayxulislom edi.

1646—1647-yillarda, Joniylar bilan Boburiy shaxzoda Avrangzeb o'rtasida Balx uchun kurash borgan davrda Termiz Saodatxon qo'mondonligidagi hind qo'shinlari tomonidan egallandi.

XVIII asr boshidagi manbalarida qo'ng'iroq urug'idan chiqqan va qabilalararo qirg'in qurboni bo'lgan SHERALIXON tasarrufidagi Termizning yaxshi mustahkamlangan qal'asi eslatib o'tiladi. Aholi shoshilinch ravishda shaharni tark etdi. Keyinchalik bir necha o'n yillar davomida Joniylar davlatini yemirgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy tanazzul oqibatida Termiz, ko'plab shaharlar singari, harobaga aylandi. 1758-yili Muhammad Raximxon Mang'it Termizni tikladi, lekin tez orada shahar yana vayron etildi [2.23].

XIX asrning ikkinchi yarmida bu joyda faqat ikkita qishloq Amudaryo bo'yida Pattakesar hamda mo'g'ul Termizining shimoli-sharqiy chekkasida -Solixobod mavjud edi. Solixobod qishlog'ida Termiz sayyidlari avlodi istiqomat qilardi. Eski shaharlar o'rnidagi harobalarni mahalliy aholi Termiz (shahar, qal'a), Shahri G'ul-g'ul (shaharning janubiy qismi, XIII—XV asrlar) va shahri Somon (o'sha shaharning shimoliy qismi) deb atardi. XIX asrning 90-yillarida Pattakesar yaqinida rus harbiylari "Termiz chegarasi" istehkomi barpo etildi hamda katta bo'lmagan va yaxshi rejalashtirilmagan chegara qal'a bunyod etishdi. Hozirgi Termiz uning negizida vujudga keldi.

XX asrning 40-yillarida shahar tarxini va me'moriy shakllantirilgan maydonchalarni "ko'rish" mumkin bo'lgan esa-da, XIII-XV asrlardagi Termiz shahri tarixini tadqiq etish imkoni yo'q. Uni o'rganishda harobalarning sxematik tarxini tuzgan holda, qisqacha topografiy tavsif berish hamda shahar hududidagi bizning kunlargaacha saqlanib qolmagan yigirmaga yaqin binoni o'lchab, tavsiflash bilan chegaralanildi. Biroq katta bo'lmagan ushbu ishlar natijasi hamda yozma manbalardagi ma'lumotlar XIII asr oxiri - XIV asr boshida yuzaga kelgan Termiz shahrining asosiy shakllanish davrlarini kuzatish va uning tuzilishini qisman rekonstruksiya qilish imkonini beradi.

Yangi shahar o'z o'tmishdoshi - Eski Termizga va uzoq vaqt shakllangan qismlar: qal'a, shahriston va raboddan iborat bo'lgan boshqa o'rta asrlar shaharlariga o'xshamasdi. Shu vaqtda asos solingan boshqa shaharlar singari, uning ham istehkomlari yo'q va qisqa muddatga qurilgan edi. Yangi shahar uchun joy tanlash, balki mahalliy ruhoniylar va dunyoviy hukmdorlar - meros yerlari Surxondaryo (Chag'onrud) sohiliga, Eski Termiz qal'asidan

sharqqa tomon 11 kilometr masofada joylashgan Termiz sayyidlariga bog`liq bo`lgandir. Topografik tarixlar tahlili Termiz ularning yerlaridan g`arb va janubga qarab qurib borilganini ko`rsatdi[4.191].

Ibn Battuta va Klavixo ma'lumotlariga ko`ra, shahar ravnaq topgan davr XIV-XV asr boshiga to`g`ri keladi. Bu u yerda o`z zarbxonasi bo`lgani va unda 1307-yildan -boshlab XV asrning dastlabki yillarigacha har yili pul zarb qilingani bilan tasdiqlanadi. Bu tangalarning ters tomoniga Termizning sifati - "Madinat ur-rijol", ya'ni "Mardlar shahri" iborasi zarb etilgan.

Mudofaa istehkomlarining yo`qligi shaharning kengayishiga imkon berdi. Termiz katta maydonni (taxminal 48 kvadrat kilometrni) band etgan hamda uning aniq tashqi chegarasi yo`q edi. U suv bilan yaxshi ta'minlangan hamda bog`-rog`ga burkangandi.

Termizda ko`chalar tarmog`i yaxshi rivojlandi. Ko`chalar atrofiga masjidlar, karvonsaroilar, hammomlar, savdo rastalari joylashgan maydonlarga kelib tutashar edi. Bu yerlar bozor bo`lib, u juda gavjum edi.

Shaharda uylar siyrak qurilgan, turar joylar yaxlit massivlarni tashkil etmas, balki bir-biridan qochirib qurilgan, bog`lar bilan qurshalgan edi. Qurilishda asosan xom g`ishtdan, kamdan-kam hollarda pishiq g`isht ishlatilar, yog`och armatura vazifasini bajarardi. Turar joy va xo`jalik binolari tarkibidagi gumbazli mahobatli mehmonxonalar ajralib turardi.

Bundan ikki yuz yil avval Eski Termizda qurilgan uylar singari, bu yerdagi uylar naqsh va o`yma ganch bilan bezatilmagan. Binolarning ichi sodda edi: devorlar qalin loysuvoq qilinib, ustidan yupqa ganch bilan suvalgan va oq yoki yashil rang berilgan. Hozirgacha saqlanib qolgan Qirqqiz xonaqohi hamda Termiz Sayyidlari xonadoni xilxonasi-Sulton Saodat ham o`sha Termiz hududida, birinchisi-shimoliy qismida bo`lsa, keyingisi ularning meros yeridan g`arbgga nisbatan birmuncha masofada joylashgandi.

Termiz Sayyidlari Amir Temur vafotidan keyin, uning vorislari davrida ham o`z ta'sirini saqlab qolishgan. Lekin shahar nufuzdan mahrum bo`la bordi. Buning muhim ko`rsatkichi-zarbxona ishlamay qolganidir. XVI asrda, Shayboniylar davrida shahar hayoti tanazzulga yuz tutdi. Birmuncha vaqt o`tgach, shahar markazi yana Eski Termiz, qal'a tarafga qarab surilib bordi. Shahar bo`shab, shimolda joylashgan Solihoboddagina hayot saqlanib qoldi. Bu qishloq XX asr boshida ham mavjud edi. Unda Termiz Sayyidlarining ko`plab avlodlari yashab turardi. Hozir uning o`rnida g`arb tomonidan 1914-yilda o`tkazilgan temir yo`l bilan chegaralangan tepalik saqlanib qolgan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abu-l Fayz Bayxaqiy. Istoriya Masuda. Perevod. A.K.Arendsa. M., 1969. C. 325.
2. Botirov I.T.. "Eski Termiz tarixiy manbalarda" – T.: Sharq, 2010.
3. Ibn Xordadbek. Kpiga putey i stran. Izdaniye. I. Velixanovoy. Baku. 1986. S. 66, 68, 133.
4. Termiz – Buyuk yo`llar chorrarasidagi ko`hna va boqiy shahar. Albom – T.: Sharq, 2001.
5. Tursunov S., Umarov I., Pardayev T., Qobilov E. "Termiz tarixi" – T.: Sharq, 2001.
6. G'iyosiddin Ali. Dnevnik poxoda Temura v IndiY. Perevod. A.A.Semenova. M., 1958. S. 127.

#### МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Сангинова Иродахон Неъматуллаевна,  
Денов тадбиркорлик ва педагогика  
институтини таянч докторанти

Аннотация: Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатадиган макони ҳисобланади. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий

анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Мақолада мамлакатимизда маҳаллаларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: маҳалла институти, “Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қабул қилинган Қонун, “Маҳалла” жамғармаси, кўрик танловлари ва спорт мусобақалари.

Аннотация: Махалля – это место, где живут и работают узбеки с единой, исторически сложившейся целью. Это священное место, отражающее уникальные особенности образа жизни, менталитета и общественной жизни узбекского народа, передающее из поколения в поколение его национальные традиции, обычаи, нравственные и духовные ценности. В статье говорится о роли микрорайонов в социальной и духовной жизни нашей страны.

Ключевые слова: институт махалля, принятый Закон «Об органах самоуправления граждан», фонд «Махалля», конкурсы и спортивные соревнования.

Annotation: The Makhalla is a place where Uzbeks live and work with a single, historically formed goal. It has been a sacred place that reflects the unique features of the lifestyle, mentality, and social life of the Uzbek people, passing down their national traditions, customs, moral and spiritual values from generation to generation. The article talks about the role of neighborhoods in the social and spiritual life of our country.

Key words: makhalla institution, the adopted Law «On Citizens’ Self-Government Bodies», «Makhalla» fund, competitions and sports competitions.

Мустақилик йилларида ижтимоий-турмуш таризини юксалишга асосий таъсир кўрсатувчи оила билан боғлиқ муҳим тадбирлар амалга оширилиб, оила тарбиясиги оид давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Оила маҳаллани асосий таянчи ҳамда унинг ўзора алоқаларин боғловчи воситадир. Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, маҳалла оилалардан ташкил топади. Фарзандлар оила бағрида камол топганлари каби оила ҳам маҳалла ичида равнақ топади, нурли келажак сари интилади. Керак бўлса, маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчисидир[2].

Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатадиган макони ҳисобланади. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дин, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта оила ҳисобланади.

Мустақилик йилларида маҳаллаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш масаласида муҳим аҳамиятга эга қонунлар ишлаб чиқилиб, маҳаллада фуқароларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-Моддасида алоҳида фикр изоҳ этилди: “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари, бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”.

Маҳалла борасида олиб борилаётган сиёсат иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутади.

Биринчиси маънавий вазифа бўлиб, у ўзбек халқининг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат.

Иккинчидан сиёсий вазифа бўлиб, маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ таризда тиклаш ва унинг ваколатларини кенгайтиришдан иборат.

Маҳалла тарбиянинг муҳим омил эканлигини ҳисобга олиб 1993 йилнинг 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасида “Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қабул қилинган Қонунда алоҳида қайд этилди. Қонунда

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий ҳаётда ўзини-ўзи бошқариш органларнинг мавқеини ошиб бориши, маҳаллаларнинг миллий кадриятларни тиклаш ва такомиллаштиришдаги аҳамияти, маҳалладаги маъмурий бошқариш тизимида йиғин раислари зиммасига кўпгина вазифаларни амалга оширишдаги бурчлари каби масалалар юклатилди. Ушбу қонун фуқароларнинг сиёсий онгининг ошиб бориши жамият бошқарувдаги иштироки, маҳалла аҳолисининг талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиб 1999 йил 14 апрелда ва 2003 йил 30 августда Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Қонунда белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳалла демократизми, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам принциплари асосида фаолият кўрсатади. Унда маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатди. Ушбу комиссияларнинг асосий, мақсадлари маҳаллани ҳақиқий тарбия, маънавий, намуна мактабига айлантиришдан иборатдир. Унинг иомини элу юртга танитиш, анъаналарининг абадийлигини таъминлашдан иборатдир. Маҳалла катта мамлакатнинг ичидаги кичик бир мамлакатдир, катта давлат ичра кичик давлатдир. Шунинг учун уни бошқарув тизими бўлгани каби, унинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият механизми ҳам асрлар давомида шаклланган. Маҳаллада оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт, ташкилий тадбирлар ўтказилди[1].

Маҳаллада “Ёшлар мустақил ҳаёт остонасида”, “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Оила мустаҳкамлиги кимга боғлиқ?”, “Оила – жамият таянчи”, “Болали оилаларга имтиёзлар”, “Қайнона-келин муносабатларининг ахлоқий-маънавий асослари” каби мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, “Қайнонам – жоним онам”, “Намунали оила”, “Намунали келин”, “Энг яхши маҳалла”, “Энг озода кўча” кўрик танловлари, турли мавзуларда спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кириб бормоқда[2].

Мустақиллик йилларида маҳаллалар жамиятнинг моддий-маънавий асосларини яратишни таянчига айланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий масалаларни ҳал этиб, фуқараолар йиғида демократия тамойилларини шакллантириш, инсон омилни қадрланишига асоси восита бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда “Маҳалла” жамғармаси халқимизнинг урф- одатлари, анъаналари, кадриятлари ва маросимларнинг тиклаш, янада юксалтириш, ўтмиш авлодларимиз одоб-ахлоқ бисотларига амал қилиб, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳамжихатлик, ўзара дўстлик, биродарлик, қўшничилик, муҳтожларга ёрдам бериш каби ўзига хос хислатларни тарғиб қилиш асосида ёш авлодни тарбиялаш мактабига айланди. Маҳалла мамлакатимизда ўзóra соғлом муҳитни яратиш, маънавий-адолат, панд-насихат, катталарни ибрати, ёшларни кексаларга ҳурматини кенгроқ тарғиб қиладиган мерибонлик мактабига асос солди.

Ўзбекистонда Маҳалла – мурувват марказига айланиб фуқораларни мустақил онгини ўсишни ижтимоий омиллари яратилди. Унда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари амалга оширилади. Маҳаллада хотин-қизларнинг манфаатларини муҳофаза этиш, уларнинг давлат ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, турар жойида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маданий турмуш шароитини яхшилаш, баркамол инсонни шакллантиришдаги мавқеини кўтариш борасида муҳим ишлар амалга оширилади. Маҳалла – маънавий-ахлоқий кадриятлар, анъаналар маскани. Чунки қадимдан байрамлар, ҳайит кунлари, тўй-тантаналарда қўни-қўшнилари, беморлар, ёлғиз кексаларни совға-саломлар билан йўқлаш анъана тусига айланиб қолган[2]. Ҳашар йўли билан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларига уй-жой бинолари қуриш, етиштирган деҳқончилик маҳсулотларини йиғиб-териби олиш ва улардан қўни-қўшниларига улашиш, кўчалар, ҳовлилар, маҳалла ҳудуди қабристонлар ва атроф-муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаш-тириш ва тоза-

озода сақлаш, спорт майдончалари ташкил этиш, кўприклар қуриш ва таъмирлаш, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш, маҳаллада яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга жисмоний ва маънавий тайёрлаш–маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги мутасадди кенгашларнинг вазифаси ҳисобланади. Маҳалла шарқона анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни жамоа асосида амалга оширувчи, авлоддан-авлодга етказувчи маънавий маданият ўчоғидир[1]. Маҳалла фаоллари анъанавий, оилавий тўйлар, байрамлар, мотам маросимларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлади. Уларни дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатларсиз, ихчам қилиб ўтказиш, маҳалла оқсоқоли ва махсус мутасадди комиссияларга боғлиқ. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун маҳалла аҳлининг катта-ю кичиги бирдай масъул. Бундай тадбирларда катта-ю кичикка, бою-камбағалга, мансабдору оддий фуқарога бир хил ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Чунки маҳалланинг барча аъзоси ягона, мустаҳкам битта оила ҳисобланади.

Маҳалла ёшларни касб-ҳунарга йўлловчи, ишсизларни иш билан таъминловчи муҳим макондир. Ҳар бир оиланинг ўз касбий сулоласи бўлганидек, маҳалланинг ҳам ўзаро тарихга эга бўлган касб-ҳунар сулоласи мавжуд. Маҳалланинг номланиши айнан шу ҳунар номи билан ҳам аталади. Масалан, зардўзлар маҳалласи, этикдўзлар маҳалласи, дурадгорлар ёки темирчилар маҳалласи ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда ўз имконияти, ҳудудий шароитида келиб чиққан ҳолда зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчилик, бешиксозлик, ганчкорлик, сандиқсозлик, сартарошлик, тўқувчилик, кўнчилик ва ҳоказо касб-ҳунар бўйича кичик корхоналар, тўгараклар ташкил этилган бундай касб-ҳунар корхоналарининг ташкил этилишидан аввало, маҳалла аҳли манфаатдор бўлади[2]. Биринчидан, маҳалла аҳли иш билан таъминланади, иккинчида, ёшлар касб-ҳунар сирларини эгаллаб, меҳнатсеварлик руҳида тарбияланиб борадилар. учинчидан ёшларнинг бўш вақти унумли ташкил этилиб, турли ноахлоқий хатти-ҳаракатларнинг олди олинади жиноятчилик, ичкиликбозлик, чекувчилик, гиёҳвандлик ва ҳоказо. Тўртинчидан, маҳалланинг иқтисодий барқарорлиги таъминланади. Бешинчидан, олинган ортиқча даромад ҳисобига маҳалладаги кам таъминланган, ёш болали оилалар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, беморлар ижтимоий муҳофаза қилинади, маҳаллада ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Маҳаллада ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Бир бола тарбиясида етти маҳалла ота-она каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг негизидир. Хулқ-одоби яхши ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўсидир, ноқобил, ахлоқан номақбул фарзанд эса маҳалла учун қора доғдир. Маҳалладан юртга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли, уларнинг авлод-аждодлари ғурурланадилар. Агар 1999 йил 16 февраль воқеалари иштирокчиларидек, террорист, Ватан, халқ душманлари чиқса, шу маҳалла тарихи бугуни ва эртаси учун лаънат ва исноддир. Бундай маҳалланинг ҳар бир фуқароси, “мен шу маҳалладанман” дейишга ор қилади.

Маҳалланинг тартиб-қоидаси, қадриятларига барчанинг амал қилиши шартдир. Кимда-ким буларга риоя этмаса, ҳурмат қилмаса у маҳаллада ўтадиган тадбирлардан, тўю-маракалардан четлатилади, таклиф этилмайди. Агарда кибру-ҳаво билан кўни-қўшни, маҳалла анъаналарини оёқ ости қилса ёки беписандлик билан муносабатда бўлса, амалдаги қонунларга хилоф иш тутса у маҳалладан чиқариб юборилади. Бу эса маҳалла қонунидаги олий жазодир. Бу жазо ота-онанинг ноқобил фарзандни “оқ қилиш”и билан тенгдир[2].

Маҳаллаларда ўтказиладиган ҳар бир тадбир, ташкилий-тарбиявий иш юзасидан ҳар бир фуқаро ўз нуқтайи-назари, қарашлари, таклиф ва тавсияларини очик,

билдириш ҳуқуқига эгадир. Эркин фикр мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг маънавий пойдеворини ташкил этади. Юқорида маҳалла маънавий-ахлоқий қадриятлар ўчоғи эканига алоҳида урғу берган эдик. Дарҳақиқат, маънавий-ахлоқий тарбия маҳаллада шаклланади, юксалади ва равнақ топади. Бу борада катталар ўрнак, намуна ва ташаббускор бўлишлари лозим. Маълумки, ҳар бир маҳаллада икки ёки ундан ортиқ чойхона бўлади. Бу ўзбекларга хос миллий хусусиятдир. У ерда одамлар ошхўрлик ва чойхўрлик қилиш давомида турли мавзуларда суҳбатлар, фикр олишувлари бўлиши табиий ҳол. Шунингдек, аския ва ҳазил мутойиба гурунлар ҳам бўлади. Бу жараёнда маҳалланинг оқилдоно кишилари баъзи оилалардаги тарбия борасидаги камчилик ва нуқсонларни малол келмайдиган тарзда тилга олишлари асносида тўғри йўлга йўналтиришлари мумкин. Ёхуд маънавий ахлоқий тарбия йўсинида бир-бирларига маслаҳатлар беришлари фойдадан ҳоли эмас.

Шунингдек, тўй-маросимларда ёшларни эл хизматига жалб этиш: меҳмонларга чой ташиш, овқат элитиш, овқат танаввул қилиб бўлгандан сўнг, идиш-товоқларни олишга ўргатиш ниҳоятда муҳимдир. Шу ишларни бажариш давомида ёшлар нимага эътибор бериш, қандай муомала-муносабатда бўлиш кераклигини ўргатиш муҳимдир. Бу ҳар бир ота-онанинг, қолаверса, Маҳалла оқсоқолларининг мураббийлик бурчидир. Бундай маҳаллада тарбияланаётган ёшлар, биринчидан, меҳнатсеварлик одобини, иккинчидан, хушмуомала одобиини, учинчидан, жамоага ҳурмат одобини эгаллайдилар.

Маҳалла – оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган маскандир. Табиийки, оилада баъзан арзимаган нарса туфайли жанжал чиқиши ва бу ҳақда эр ёки, хотин маҳалла кўмитасига мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолатда маҳалла раҳбарлари вазмин, чуқур мушоҳадали бўлишлари лозим. Удар фақат яраштириш йўлидан боришлари керак. Сир эмаски, баъзан хотинга эрининг устидан ишхонасига шикоят қилишни маслаҳат берувчилар ҳам топилади. Бу оила бузилишига йўналтирувчи даъват бўлиб, маҳалла шаънига доғ туширадиган иллатдир. Маҳалла ёшларнинг ахлоқ-одобини тарбиялашда муҳим ролни ўйнайди. Баъзи маҳаллаларда кечқурунлари ёшларнинг чекиб туришларини, қолаверса, оғизларидан хунук сўзларнинг чиқаётганини кўриб хафа бўлиб кетади киши. Маҳалла аъзолари уларни кўришса ҳам кўрмаганга олиб кетишади. Оқибати эса аянчлидир. Кўпгина маҳаллаларда кечқурунлари тинч, осуда, ёшлар эса қўлларини кўксига қўйиб салом бериб ўтишади. Бундай гўзаллик ва нафосат маҳалла фаолларининг ўрнаклиги ва айни чоғда маънавий ахлоқий тарбиясининг натижаси бўлиб, у шу маҳалланинг кўрки ва зийнатидир.

Маҳалла ҳозирги даврда асосий эътиборни таълим-тарбия ишларига ёрдам беришга қаратиши керак. Биз бу ўринда унинг мактаб билан мустаҳкам алоқасини назарда тутаётимиз. Мактаб – маҳалла – мактаб. Таълим-тарбиянинг, шу тузилишга (структура) амал қилиши, шу асосга қурилиши жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Турсунов С.Н. “Ўзбек маҳаллари - маънавиятимиз ифтихори - ғурурига айлансин”. Тошкент., “Yangi nashr”. 2018. 272-бет.
2. Турсунов С.Н. “Маҳалла - мустақил юрт таянчи”. Тошкент., “Мухаррир”, 2012.
3. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004.–605 б.
4. Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида.-Тошкент: Меҳнат, 1995.-72 б.
5. [www.mahalla.intal.uz](http://www.mahalla.intal.uz)

## МАМЛАКАТИМИЗДА ДИНИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ АМАЛИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАРИ

Нуриев Санжар Махмудович,  
Термиз туман хоким ўринбосари,  
илмий тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мамлакатимизда диний ташкилотларнинг хорижий мамлакатдаги диндорлар, диний арбоблар ва диний муассасалар билан алоқаси ҳам Дин ишлари бўйича қўмита орқали амалга оширилади. Мақолада Диний ишлар бўйича қўмитанинг амалий-ташкилий ишлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Диний ишлар бўйича қўмита, диний муассасалар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, диний конфессия.

**Аннотация:** Связь религиозных организаций нашей страны с верующими, религиозными деятелями и религиозными учреждениями зарубежных стран осуществляется через Комитет по делам религий. В статье рассказывается о практической и организационной работе Комитета по делам религий.

**Ключевые слова:** Комитет по делам религий, религиозные учреждения, Управление мусульман Узбекистана, религиозная конфессия.

**Abstract:** The communication of religious organizations in our country with believers, religious figures and religious institutions in foreign countries is carried out through the Committee on Religious Affairs. The article talks about the practical and organizational work of the Committee on Religious Affairs.

**Key words:** Committee on religious affairs, religious institutions, Office of Muslims of Uzbekistan, religious denomination.

Мустақиллик йилларида 60 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Саудия Арабистонига Ҳаж маросимига ва 150 дан ортиқ фуқаролар христиан ва яҳудийлар учун муқаддас бўлган Россия, Греция ва Исроилдаги масканларни зиёрат қилишга муваффақ бўлдилар. Давлат томонидан зиёратчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда - махсус самолётлар ажратилмоқда, уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, хорижий валютани алмаштиришда, ҳамда республикадан чиқиш ва мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришда имтиёзлар берилмоқда. Республикада Қуръони карим, Қадимги Аҳднинг 16 китоби ва Янги Аҳд тўлиқлигича ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Юзлаб масжид, черков ва ибодатхоналар, шу жумладан, Тошкент, Самарқанд ва Навоийдаги православ ибодатхоналари, Тошкентдаги католик костёли, Самарқанддаги Арман черкови қурилди ва таъмирланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон мусулмонлари козиёти, Тошкент Ислом институти, 10 Мадраса ва 2050 масжид фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси исломий ташкилотларнинг марказий бошқарув органи бўлиб, мусулмонларни маънавий бирлаштириш, Республика фуқароларига маънавий қўмак ва хайрия ишларини ташкил этиш билан шуғулланади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси фуқароларга диний аҳкомларни эмин-эркин амалга оширишлари, мусулмонлар бирлиги ва яқдиллигининг кучайтирилиши, Республикада конфессиялараро муносабатларнинг ишлаб чиқилиши ва олиб борилиши юзасидан фаолият олиб боради. Республикадаги диний ташкилотларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида Тошкент Ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлари - мадрасалар очилган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ойда икки марта чиқадиган “Ислом нури” газетаси ва ойлик “Ҳидоят” журналларини чоп этади, идора хузурида мустақил “Мовароуннаҳр” нашриёти фаолият олиб боради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, 15 конфессияга тааллуқли бўлган 181 та ноисломий диний ташкилотлар, шу жумладан, православ, католик, лютеран, баптист, тўлиқ инжилчи, адвентист ва бошқа христиан черковлари, бухоро ва европа яҳудийлари, баҳойлар, кришначилар ва «буддавийлар жамоалари ҳам фаолият олиб бормоқда. Республика Ҳукуматининг барча халқаро ҳуқуқ нормаларига жавоб берадиган Ўзбекистон Респу-

бликаси қонунчилиги асосида олиб бораётган сиёсати натижасида Республика ҳудудида осойишталик, динлараро ва миллатлараро бирлик ҳамда фуқаролар виждон ва эътиқод эркинлиги ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатлатниши таъминланган. Масжидлар, черковлар ва ибодат уйларининг қурилиши, уларнинг давлат рўйхатига олиниши маҳаллий ҳокимиятлар, ўз-ўзини бошқариш органлари ва адлия идоралари томонидан амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида диний ташкилотлар Низомларининг амалдаги қонунчиликка тўғри келишлиги, диний ибодатлар учун мўлжалланган бино ва иморатларнинг санитар ва ёнғин хавфсизлиги шартларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Диний ташкилотларнинг хорижий мамлакатдаги диндорлар, диний арбоблар ва диний муассасалар билан алоқаси ҳам Дин ишлари бўйича қўмита орқали амалга оширилади. Нафақат ислом динига оид ташкилотлар, балки бошқа динларга оид ташкилотлар ҳам қонун доирасида бемалол хориждаги диндошлари билан алоқа қилиб турибдилар.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, диний ташкилотлар бошқа нодавлат ташкилотлар, ўзи ўзини бошқарадиган ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қиладилар. Чунончи, айниқса маҳаллаларнинг масжидлар билан алоқаси самарали кечмоқда, деса бўлади. Ваҳоланки, шуни ҳам қайд этамизки, маҳалладаги аксар оқсоқоллар, кўзга кўринган мўйсафидлар намозхон сифатида масжиднинг қатновчиси, айни вақтда шу инсонлар маҳаллаларнинг турли муаммоларни ижобий ҳал қилишга фаол иштирок этадилар. Маҳаллалардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Аҳоли ана шу тарзда ҳам диний ва ҳам дунёвий масалаларни биргаликда ҳал қилиб келмоқда. Бу жамиятимиздаги ижобий ҳодиса, албатта.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида диний соҳада қатор халқаро анжуманлар ташкил этилди. Жумладан: 1995 йилда “Бир само остида” шиори билан ташкил этилган Халқаро христиан-мусулмон конференцияси бўлиб ўтиб, унинг ишида Жаҳон черковлар кенгаши, турли хорижий черковлар вакиллари иштирок этдилар.

1996 йилда иккита тадбир ўтказилди: - ноябрда Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги кенг нишонланди. Тантаналарда черков тарихида илк бор Москва ва Бутун Русь Патриархи Алексей II Марказий Осиё ҳудудида ташриф буюрди; - декабрда Ўзбекистон Евангель-лютеран жамоаси Марказий Осиёдаги ягона лютеран Кирхасининг 100 йиллигини нишонлади. 2000 йил сентябрида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Дунё динлари тинчлик маданияти йўлида” мавзусида Халқаро конференция бўлиб ўтди. 2001 йилда Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ўзининг 130 йиллигини нишонлади. 2002 йилда Рим-католик черкови католикликнинг Марказий Осиёда қайта тикланганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 август кунисидаги Қарорига мувофиқ республикадаги 15 та маскан - мажмуа, зиёратгоҳ ва мақбаралар Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига ўтказилди. 2003 йилда Самарқанд шаҳрида Арман Апостоллик черковининг 100 йиллиги нишонланди. 2004 йилнинг якунида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Республика Кўрлар жамияти билан биргаликда кўзи ожизлар учун мўлжалланган Брайл шрифтида ёзилган Қуръони карим тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон мазкур хайрли амалиётни амалга оширган жаҳоннинг учинчи мамлакати бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда 24 мингга яқин кўзи ожизлар истиқомат қилмоқда. Эндиликда махсус мактаб-интернатлар, кутубхоналар ҳамда барча истақ билдирганлар мазкур Қуръондан фойдаланишлари мумкин. Мазкур Қуръоннинг нашр этилиши, шунингдек, Тошкент шаҳридаги иккита жоме масжидда кар-соқовлар учун таржима амалга оширилаётганлиги, мазкур амалиётнинг республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этилиши ногирон фуқароларимиз учун ажойиб туҳфадир.

Халқаро АЙСЕСКО ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний кадриятларнинг тикланиши борасида улкан муваффақиятларга эришилганлигининг халқаро миқёсда тан олиниши бўлди. Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти вакили Мустафо Аҳмад Али таъкидлаганидек, “Ўзбекистон ислом ва инсоният цивилизациясининг уйғунлашувини давом эттириб

келмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларда кад кўтарган маданий-меъморий обидалар юқоридаги фикрларнинг далилидир. Бундан ташқари, мазкур минтақа ислом билимларида чуқур илмий из қолдирган буюк имомлари билан ажралиб туради. Улар ўзларининг илмий ва ахлоқий фазилатлари билан машҳур бўлиб, гуманитар соҳада фаолият олиб борган олимлардир»[1]. Мазкур сана муносабати билан Республикада қатор тадбирлар амалга оширилди. 2007 йилнинг 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида хорижлик ва маҳаллий уламолар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида халқаро конференция ўтказилди. Конференция ишида Моварауннаҳрда ислом дини ривож ва буюк ислом олимларининг илмий мероси, ислом уйғониш даври ва теурийлар даврида дунёвий фанлар, санъат ва ҳунармандчиликнинг ривож топиши, Моварауннаҳрда фан марказларининг шаклланиши (Хоразм Маъмун академияси, Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Мир-Араб мадрасаси, Тошкентдаги Қўқалдош мадрасаси ва бошқалар), ислом меъморчилигининг ривожланиш хусусиятлари, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хива, Тошкент ва Марғилон каби шаҳарларнинг қурилиш тарихи, мусулмон анъаналари ва замонавийлик, маънавий тикланиш ва миллий ўзлик масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Муҳокама қилинган мавзулар юзасидан мулоҳазалар ва хулосалар билдирилди.

2007 йил қатор халқаро симпозиум ва конференцияларга бой йил бўлганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, йилнинг IV чорагида ЮНЕСКО томонидан тасдиқланган режага асосан ЮНЕСКО нинг Париждаги штаб-квартирасида Самарқанд шаҳрининг 2750-йиллиги ва Марғилон шаҳрининг 2000-йиллигига бағишланган «Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзуидаги тадбир ҳамда махсус кўргазма ва Ўзбекистон санъат арбобларининг концерта бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўз фуқароларининг виждон эркинликлари бўйича ҳақ-ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланиши йўлида, шунингдек, халқаро шартномаларга асосланган ҳолда ЕХХТ га аъзо мамлакатлар томонидан тасдиқланган ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этишда барча имкониятларни ишга солмоқда.

Умуман олганда, Дин ишлари бўйича қўмита томонидан турли анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил этиш анъана тусига кирган. 2011 йил 3 февраль куни Тошкент Ислам университетида БМТ томонидан эълон қилинган «Динлараро муносабатлар уйғунлиги бутунжаҳон ҳафталиги» доирасида ташкил этилган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Дин ишлари бўйича қўмита ва Тошкент Ислам университети томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли конфессиялар вакиллари, диншунос ва ҳуқуқшунос олимлар, диний уламолар қатнашдилар. Анжуманда сўзга чиққанлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ва унинг манфаатлари энг юксак қадрият деб эътироф этилгани, давлат дастурлари асосида инсонпарварлик сиёсати амалда ҳаётга татбиқ этилётгани, Ўзбекистоннинг кўп миллатли ва кўп динли мамлакатлигини эътиборга олганда бу жамиятда бағрикенглик, тотувлик ва аҳиллик муҳим ўрин эгаллашини таъкидладилар.

Бугунги кунда Республикаимизда 16 диний конфессияга мансуб бўлган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларига эмин-эркин эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Фуқароларнинг миллати, ирқи, динидан қатъий назар барча учун тенг ҳуқуқлар қонун орқали кафолатланган. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик ҳалқимизга хос бағрикенглик ва очик кўнгиллик асосига қурилган муносабатлар оқилона давлат сиёсатининг натижаси эканлиги, шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, турли дин вакилларининг ўзаро бағрикенглик асосига қурилган муносабатлари юртимизда тинчлик, осойишталик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон диний бағрикенглик борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда десак, муболаға бўлмайди. Буни амалдаги воқелик ҳам исботлаб турибди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти вакили Мустафо Ахмад Алининг “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси риводига кўшган ҳиссаси” мавзuidaги халқаро конференциянинг очилиши маросимидagi нутқидан. “Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига кўшган ҳиссаси”. Таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилдаги Ислом маданият пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган халқаро конференция тезислар тўплами. —Т.: 2007. - Б. 14.
2. Ҳуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. -Т.: Тошкент ислом университети, 2006.
3. Ҳасанов А., Мунавваров З., Миноваров Ш., Сирожиддинов Ш. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик - тинчлик гарови. -Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. - 486.

### ҲУКУМАТНИНГ ЭЪТИБОРИ ТУФАЙЛИ БУГУН ЁШЛАР ЭЪТИРОФДА

Каримов Акбар,  
Ўз.М.Т.Д.П. Сурхондарё вилояти кенгаши раиси,  
илмий тадқиқотчиси

Аннотация: Мамлакатимзда ёшлар сиёсати бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртимиз келажаги ёшлар қўлида экан, келажагимиз егаларини соғлом ва баркамол етиб тарбиялашда спорт муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда ҳукуватимиз томонидан ёшлар спортга алоҳида эътибор қаратилган ва спортчиларимиз ҳам бунга муносиб жавоб беришмоқда. Мақолада айни шу жараён Сурхон воҳаси спортчи ёшлари эришган ютуқлар мисолида очиб берилган.

Калит сўзлар: ёшлар, оммавий спорт турлари, «Workout», футбол, Олимпиада, Соғлом турмуш тарзи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Аннотация: Сегодня молодежная политика в нашей стране поднялась до уровня государственной политики. Поскольку будущее нашей страны находится в руках молодых людей, спорт играет важную роль в воспитании наших будущих владельцев здоровыми и всесторонне развитыми. В нашей стране наше правительство уделяет особое внимание детско-юношескому спорту, и наши спортсмены реагируют соответствующим образом. Этот же процесс раскрывается в статье на примере достижений юных спортсменов Сурханского оазиса.

Ключевые слова: молодежь, массовый спорт, « Workout », футбол, олимпиада, ЗОЖ, нормативно-правовые документы.

Abstract: Today, youth policy in our country has risen to the level of state policy. As the future of our country is in the hands of young people, sport plays an important role in raising our future owners to be healthy and well-rounded. In our country, our government pays special attention to youth sports, and our athletes are responding accordingly. The same process is revealed in the article as an example of the achievements of young sportsmen of Surkhan oasis.

Key words: young people, mass sports, «Workout», football, Olympics, Healthy lifestyle, legal documents.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замонталабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3031-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6099-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5148-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5282-сон қарорларининг қабул қилиниши натижасида ёшлар орасида спортни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари янги поғона сари одимлади.

Мустақиллик йилларида Сурхондарёда жисмоний тарбия ва спорт ишларини давлат дастурлари доирасида йўлга қўйилиши туфайли воҳа спортчилари ҳам анчагина муваффақиятларни қўлга киритди.

Сурхондарё вилоятидан етишиб чиққан боксчилар ҳақида сўз кетганда бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, Жаҳон кубоги соҳиби, жаҳон ҳамда Осиё чемпионатлари совриндори, кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби Баҳодир Жалолов ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Баҳодир Жалолов – 1994 йилнинг 8 июль куни Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида дунёга келди. Қизиғи, бокс билан шуғулланишни бошқаларга нисбатан бироз кечроқ, аниқроғи, 7-синфда ўқиб юрган кезлари бошлади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Баҳодир боксдан аввал футбол билан профессионал тарзда шуғулланган. Лекин, вақт ўтиши билан боксга бўлган қизиқиш устунлик қилди. Бокснинг илк сир-асрорларини Чирчиқ олимпия захиралари коллежида ўргана бошлади. Бу борда унга машҳур боксчимиз 2000 йилги Сидней Олимпиадаси бронза медал совриндори, Осиё чемпиони Рустам Саидов ҳамда тажрибали Тўлқин Қиличев мураббийлик қилишди. Биринчи катта мусобақаси 2009 йили Жиззахда бўлиб ўтди. Ушанда у ёшлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

Баҳодир катталар ўртасида уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2013 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада илк маротаба катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2014 йили Олмалиқ, 2015 йили эса Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида ҳам барча рақибларини мағлубиятга учратиб, энг оғир вазн тоифасида юртимизнинг энг кучли боксчиси эканлигини исботлади.

Фаолиятидаги биринчи халқаро мусобақаси 2013 йили Болгарияда бўлиб ўтган. Ўша турнирда Баҳодир Жалолов кумуш медал билан тақдирланди. 2015 йили Россияда ўтказилган Жаҳон Кубогида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ташкил этилган катталар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлди. Рио-2016 Олимпиадаси йўлланмасини эса шу йили Хитойда ўтказилган Осиё-Океания минтақасининг лицензион мусобақасида қўлга киритди. У мазкур мусобақада финалгача мағлубиятсиз етиб бориб, кумуш медал ҳамда олимпия ўйинлари чиптасига эга бўлди. Рио-2016 Олимпиада мусобақаларида эса ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб чорак финалгача етиб борди[3].

Спортнинг футбол тури бўйича ҳам мамлакатимиз истиқлол йилларида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилояти футбол спорти тарихида мисли кўрилмаган, унитилмас воқеалар рўй берди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда.

Сурхон воҳасидан етишиб чиққан машҳур футболчилардан бири Элдор Шомуродов

1995 йил 29 июн куни Жарқўрғон шаҳрида туғилди. У 6 ёшида футбол ўйнай бошлади. 11 ёшида Муборак шаҳрида “Машъал” футбол клуби академиясида таҳсил ола бошлади. 2014 йилдан бошлаб 19 ёшида клубнинг асосий таркибга жалб этди ва ўша мавсумда 10 та ўйинда майдонга тушди ва «Машъал» Ўзбекистон чемпионатида бешинчи ўринни эгаллади. Шу вақтдан бошлаб Элдор Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига жалб этилди. 2015 йил бошида Элдор Тошкентнинг “Бунёдкор” клуби футболчилари сафига келиб қўшилди ва у ерда 2017 йилнинг июнигача ўйнади. Мазкур клуб таркибига 96 та ўйинда майдонга тушиб, 20 та гол ўрди (Ўзбекистон Олий лигаси, Ўзбекистон кубоги ва Осиё чемпионлар лигасида). “Бунёдкор” билан биргаликда Ўзбекистон кубоги финалчисига айланди ва Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медалларини қўлга киритди[1]. 2015 йил якунида ОФК да “Осиёнинг энг яхши ёш футболчиси” номинациясига номзодлар қаторидан ўрин олган бўлса-да, якунда Шомуродов билан тенгдош, ҳамюртимиз Достонбек Ҳамдамов ғолиб бўлди. 2017 йилнинг июль ойида Элдор Россиянинг «Ростов» клубига ўтди ва клуб билан 2,5 йиллик шартнома имзолади. 2019 йилнинг май ойи охирида “Ростов” Шомуродов билан шартномани уч йилга, 7 июнда эса беш йилга узайтирди. 2019 йил август ойида у Премьер-лигада ойнинг энг яхши футболчиси деб топилди. 2019-2020 йилги мавсумда у Россия чемпионатининг 28 та учрашувида 11 та гол ўрди.

Элдор Шомуродов 2020 йил 1 октябрда Италиянинг “Женоа” клубига ўтди. Трансфер суммаси 7,5 миллион еврони ташкил этди. Футболчи “Женоа” клуби билан 2024 йилнинг ёзига қадар шартнома имзолади. Шомуродов Италия чемпионатида Илс Зейтуллаевдан кейин тарихдаги иккинчи ўзбекистонлик футболчига айланди. Шу йили 19 октябрь куни у «Верона»га (0:0) қарши ўйинда асосий таркибда майдонга тушиб, А Серияда дебют учрашувини ўтказди. 30 ноябр куни А Сериянинг иккинчи ярмида “Парма” га қарши уй учрашувида у “Женоа” сафида илк голини урди.

2021 йил 2 августда Элдор «Рома» га ўтди, шартнома сўммаси 17,5 миллион еврони ташкил қилди. 2021 йил 19 август куни Элдор янги клуби сафида Конференция лигаси саралаш босқичи плей-оффида “Трабзонспор” га қарши ўйинда дебют қилди ва у ерда ўзининг илк голини урди ва учрашув римликларнинг ғалабаси билан якунланди[1].

Вилоят спортнинг таэквандо тури бўйича эришилган ютуқлари ҳақида сўз борганда Гулжаной Наимованинг машаққатли меҳнатини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Гулжаной Наимова Абдулло қизи 2001 йил 1 январида Сурхондарё вилояти Узун туманида таваллуд топди. 10 ёшдан бошлаб спорт машғулотларига қатнай бошлади. Ёш бўлишига қарамай тинимсиз меҳнат қилди. Машғулотларга катта қизиқиш билан қатнашиб, таэквандо сирларини пухта ўзлаштирди. Икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2017 йилнинг октябрь ойида Норвегияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашиб, яхши натижаларга эришди. 2017 йили Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида узунлик Гулжаной Наимова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, таэквандонинг WTF йўналишида кумуш медал соҳибасига айланди[5].

2019 йилда вилоятда кўплаб юқори натижаларни қўлга киритган спортчилар етишиб чиқди ва вилоят хокимлиги ва жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамда федерация ҳомийлари томонидан йил якунида муносиб тақдирланди. Жумладан, Бокс бўйича жаҳон чемпиони Жалолов Баходир Исомиддин ўғли, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Нарзиев Жаҳонгир Малоҳиддинович, Г.Алиевнинг 96 йиллигига бағишланган Халқаро турнир ғолиби Халиков Жамоллидин Сирожиддин ўғли, халқаро турнир ғолиблари Абдумуродов Дилшод Абдуқаҳҳорович, Нортажиев Хўжаназар Шерали ўғли, Соатов Миржалол Баходир ўғли, Хайриддинов Асомиддин Хусниддин ўғли, Мамадаминов Фаёзиддин Ботир ўғли, Осиё чемпионати ғолиби Бекова Дилфуза Абдуманнон қизи; дзю-до спорти бўйича Осиё кубоги олтин ва бронза медали соҳиби Маматрахимов Жаҳонгир Назар ўғли, Жаҳон чемпионати олтин медал соҳиби Лутфуллаев Шарафиддин Рустамович, Тўраев Ҳикматилло Достон ўғли; футбол спорти бўйича Шомуродов Элдор Азамат ўғли; қўл тўпи бўйича Ёшлар ўртасида ўтказилган 47-Жаҳон Кубоги совриндори Холмуродов Дилшод Отаниёз ўғли, волейбол спорти бўйича Марказий Осиё ғолиб ва совриндори Ҳамраев Фозил Жафар ўғли; теннис бўйича Ёшлар ўртасида “Тожикистон Опен” халқаро турнир олтин

медали соҳибаси Нормуродова Ситора Сирож қизи; таэквондо-WTF бўйича Халаро “Гран-При” совриндори Ражабов Шохрух Отабек ўғли, Осиё чемпиони Қозимхожиев Нажмиддин Абдужаббор ўғли; каратэ-WKF бўйича жаҳон чемпионати совриндори Муҳаммадиев Қувончбек Алишер ўғли, Алибаев Улуғбек, Сайматов Садриддин Сирожиддин ўғли; енгил атлетика спорти бўйича Жаҳон Универсиада иштирокчилари ва ярим марофон бўйича Халқаро турнир совриндорлари Давлатов Шохрух Сайдулло ўғли, Фадеев Евгений Васильевич, Гришина Вероника Андреевна, Ҳамидова Ситора Жуманазар қизи ҳамда Евросиё У-20 Халқаро турнир шахсий кумуш медали соҳибаси Холлиева Хуршида Бахриддин қизи; Паралимпия спорт турлари бўйича “Гран-При” Халқаро турнир соҳибаси Хуррамова Лобар Абдукаримовна, Жаҳон чемпионати кумуш медали соҳибаси Наимова Гулжаной Абдулла қизи; миллий спорт турлари бўйича Жаҳон чемпионати олтин медаль соҳибаси Хисомиддинов Мухсин Муҳаммадсайдуллаевич, Жандриев Шермуҳаммад Мамаражаб ўғли, Сулаймонова Гулиноҳ Ҳолиёровна, Мўминова Мохинур Азимовна, Осиё чемпионати ғолибаси ва Жаҳон чемпионати совриндори Илматова Рината Ринатовна, Бойназаров Жалолиддин Нариддин ўғли, Мамашаева Ирода Абдурахим қизи, Ҳамраев Шахобиддин Шавкат ўғли, Чориева Менгдона Ғайрат қизи; бошқа спорт турлари бўйича Жаҳон чемпионати совриндорлари Рамазонов Исроил Исмоил ўғли, Узоқова Юлдуз Эшқобил қизи, Осиё чемпионати ғолибаси ва совриндорлари Амирова Шохиста Бахтиёр қизи ҳамда Қудратуллаева Мохирўза Қаҳрамон қизлари тақдирландилар[4].

Хуллас, мустақиллик йилларида ҳукуратимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар амалда ўз натижасини кўрсатмасдан қолмади ва Сурхон воҳасининг спортчилари дунё спорт майдонларида юртимизнинг байроғини баланд кўтариб, мамлакатимиз спортини юксак даражада ривожланишига ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

#### Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. Назиров Б.С. “Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи (XX аср –XXI аср бошларида Сурхон воҳаси мисолида)”. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. –Тошкент, 2022. – Б. 162
2. Турсунов С.Н., Пардаев Т., Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари. – Термиз: “Сурхон нашр” нашриёти. 2015. – Б. 204.
3. Хидиров З. Сурхон спорти муваффақияти сирлари//Денов овози газетаси. 2017 йил 18 октябрь сони. – 2-б.
4. Жисмоний тарбия ва спорт хисоботи. Сурхондарё вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси 2019 йил йиғма ҳисоботи. 7-баённома. 4-5 б.
5. Сурхон тонги. 2017 йил 26 июль. 4-б.

#### СУРХОНДАРЁ МИЛИЦИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Аллаёров Бекзод Эркинович,  
Сурхондарё вилояти ИИБ ходими,  
илмий тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада XX асрнинг бошлари, яъни, октабр тўнтаришидан сўнг Сурхондарё милициясининг ташкил топиши ва шаклланиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Сурхондарё округи, жиноят қидирув бўлими, Ишчи милицияси, ИИХК.

Аннотация: В статье рассказывается о формировании и становлении сурхондарьинского ополчения в начале 20 века, то есть после Октябрьского переворота.

Ключевые слова: Сурхондарьинский район, уголовный розыск, Рабочая милиция, ИИХК.

**Abstract:** The article talks about the formation and formation of the Surkhandarya militia at the beginning of the 20th century, that is, after the October coup.

**Key words:** Surkhandarya district, criminal investigation department, Workers' militia, ИХК.

Бундан 80 йил муқаддам, 1917 йилнинг 25 октябрида (7 ноябрь) Октябрь тўнтариши натижасида, Россияда тарихан янги турдаги давлат-пролетариат диктатураси вужудга келди. Унинг кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифаларидан бири - эски буржуазия ер эгаллигига асосланган давлат аппаратларини, биринчи навбатда эса, жазо аппаратларини синдириб, ўрнига янги тузум манфаатларини кўзлайдган янги идоралар ташкил этиш эди.

Шу сабабдан 1917 йил 28 октябрь (10 ноябрь) куни, яъни ижтимоий ўзгаришдан уч кун кейин собиқ шўролар Ҳукуматининг ваколатига биноан, собиқ Ички ишлар халқ комиссариати “Ишчи милицияси туғрисида” қарор қабул қилди. Бу қарор янги турдаги милиция органларининг ташкил этилганлигини тасдиқловчи дастлабки тарихий ҳужжат эди. Бу қарорда таъкидланишича:

1. “Ҳамма ишчи ва солдат депутатлари советлари, ишчи милицияларини таъсис этадилар.

2. Ишчи милициялари бутунлай ва фақат ишчи ва солдат депутатлари Советлари ихтиёрида бўладилар.

3. Ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятлари ишчи милициясини қуроллан-тиришга ва уларни техника воситалари, ҳатто давлат томонидан бериладиган (давлатга қарашли) қуроллар билан таъминлашга мажбурдирлар.

4. Ушбу ҳонун телеграф орқали ҳаракатга (кучга) киритилади”[1].

Бу қарорнинг асосий мазмуни бутун мамлакатда собиқ Советлар ҳукмронлигининг тўла-тўқис бўлишини таъминлаш ва пролетариат диктатурасини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

ИИХК ўзининг бу қарори билан ишчи милициясини таъсис этишни собиқ Советлар зиммасига юқлар экан, эндиликда жамоат тартибини муҳофаза қилиш идораси, Совет милицияси ташкил этилганлигини ва уларнинг иш фаолиятига собиқ Шўролар раҳбарлик қилишини ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлади.

Россиядаги инқилоб арафасида ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон Республикаларининг кўпгина ҳудудларида Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва чор Россиясининг генерал-губернаторлиги идора қиладиган Туркистон ўлкаси мавжуд эди.

Бизда даставвал инқилоб 1917 йилнинг 1 ноябрида Туркистон ўлкасининг маъмурий ва сиёсий маркази бўлмиш Тошкентда рўй берди. Шу сабабли Туркистонда ҳам Россия ўлкаларидагидек, ишчи милициялари ташкил этила бошланди. Буларни ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш учун Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети 1917 йил 18 ноябрдаги қарорида, барча ишчи ва солдат депутатлари Советларига Қизил гвардия тузишга киришишни таклиф этади. Қизил гвардияга, жумладан, фуқароларнинг шахси ва мол-мулкани муҳофаза қилиш вазифаси ҳам топширилган эди. Шундай қилиб, Туркистонда милиция органи расман 1918 йил 28 январда тузилган[2].

Бухорода эса 1920 йил 1-2 сентябрда собиқ Қизил Армия қисмлари ёрдамида амирлик ағдариб ташланди ва ўша йилнинг 6 октябрида биринчи умумбухоро қурултойи Бухоро халқ Советлар Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди[4]. Ўша даврда Сурхондарё воҳаси ҳам БХСР тасарруфида эди.

1921 йилнинг 13 феврида Қизил Армия Бойсун худуди атрофларида амирнинг 2 минг кишилиқ армиясини тор-мор қилиб, Денов, Юрчи ва Сарийоё районларида ҳам собиқ Шўролар ҳокимиятини ўрнатди.

Собиқ инқилобий кўмиталар дастлабки кунларданок ўз ҳудудларида жамоат тартибини таъминлаш, меҳнаткашларнинг қўлга киритган ютуқларини ҳимоя қилишга фақатгина милиция органларининг қодир эканлигига ишонган ҳолда жойларда милиция идораларини ташкил этишга киришадилар.

Дарҳақиқат архив ҳужжатларига кўра 1920 йилнинг 5 сентябриданок собиқ

Шеробод инқилобий қўмитаси Бухоро Ревкоми раисига милиция тузилганлиги тўғрисида хабар қилиб, ундан милицияни моддий жиҳатдан таъминлаш учун керакли миқдорда маблағ ажратилишини сўраган эди.

Албатта, 1920 йили воҳамиз ҳаётида ниҳоятда оғир давр ҳукмрон бўлиб, халқнинг маълум бир қисми собиқ Советлар томонига ўтган бўлса, иккинчи қисми эса унга қарши кураш йўлига ўтади, натижада оддий халқнинг маълум қисми уруш қучоғида қирилиб кетади.

Шеробод инқилобий кучлар томонидан эгаллангандан кейин, Сурхондарё воҳаси бўйича Советларнинг бошқарув марказига айлантирилган эди.

Бухоро Халқ Советлар Республикасининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у дарҳол социалистик давлат бўлмай, балки маълум ўтиш даврини бошидан кечирди. Шу сабабли давлат идоралари, жумладан, милиция идоралари ҳам шундай жараёндан ўтдилар.

Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлигининг биринчи кунларидан бошлаб тартибни муҳофаза этиш идоралари яратила бошланди. Бу идораларни бошқариш учун республика Ички ишлар халқ нозирлиги ташкил этилди. У марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг барча қарорлари ва фармойишларининг бажарилишини назорат қилар, марказий ва маҳаллий маъмурий бошқариш органлари фаолиятини, милиция тузилишини, қамоқхоналарни бошқарар эди.

Нозирлик таркибида қўриқлаш бўлими таъсис этилиб, унинг зиммасига фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва Республикада ўрнатилган давлат тузумига қарши айрим шахслар ва уюшмалар томонидан қилиниши мумкин бўлган суиқасдларнинг олдини олиш учун милиция маҳкамалари яратиш вазифаси юкланган эди. Қўриқлаш бўлимида учта тармоқ, яъни сиёсий қидирув, жиноят қидирув (жиноятчиликка қарши кураш) ва милиция (фуқароларнинг шахси ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш) бўлимлари бор эди.

Бухоро Республикаси ҳукумати жамоат тартибини мустаҳкамлаш борсида қатъий чоралар кўрди. Республика Халқ Нозирлари Советининг 1920 йил 20 ноябрда чиқарган фармонида шундай дейилган эди: “Инқилобий тартиб ва фуқароларнинг ижтимоий хавфсизлигини ҳимоя қилиш Бухоро Совет республикаси инқилобий ҳукумати томонидан халқ ишчи-деҳқон милициясига топширилганлиги, милиция сафидаги ҳар бир кишидан (у хоҳ командир бўлсин, хоҳ оддий милиция ходими бўлсин) милиция зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун барча куч ва ҳаракатларни ишга солишни тақозо этади”[3].

Ўша даврларда кадрларнинг, айниқса, маҳаллий халқ орасидан чиққан кадрларнинг ўта етишмаслиги республикада, айниқса, районларда милицияни тузишда оғир қийинчиликларга олиб келар эди. Шу сабабли Бухоро Республикаси ҳукумати аҳоли ўртасида милиция ишини ўташ мажбуриятини жорий этишга мажбур бўлди. Аҳоли яшайдиган ҳар бир мавзеда оқсоқолларнинг кузатуви остида бир ёки икки киши танлаб олиниб, тартибни сақлаш уларнинг зиммасига юкланар эди. Мавзелардан сайлаб қўйилган кишиларнинг фаолияти милиция органлари назорати ва ёрдами билан олиб борилар эди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгандан бошлаб Сурхондарё воҳасида ҳам собиқ Совет ҳокимияти органлари ташкил этила бошланди. Жумладан, Термизда собиқ Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун тажрибали командир Гончаренко бошчилигида махсус отряд тузилади. Шеробод беги хавфли вазият яцинлашиб қолганлигини сезгач, қочиб кетади. Аммо ҳокимият аксилинқилобий кучлар қўлида эди. Инқилобчи кучлар 1921 йилнинг баҳорида Шерободни бутунлай қўлга олади ва бу ерда Совет ҳокимияти ўрнатади. Бухоро амирлиги инқирозга учраб, Бухоро Халқ Совет Республикаси асос солингандан кейин, 1921 йил бошларида ғарбий Бухоро ҳудудлари атрофида Абдуназар Мулла (мулла Имом) раҳбарлигида “Кофирларга қарши кураш ва амирликни тиклаш” байроғи остида тарафдорлар бирлашди. “Кофир урислар” билан курашга 600 отлик бирлашиб, улар исломни ҳимоя қилишга отланадилар. Бу ҳаракатга Туркиядан келган сиёсий арбоб генерал Анвар пошшо қўшилиб, Афғонистонда яшаётган Бухоро амирининг хатини раҳбарга топширади.

Анвар пошшо мингга яқин армияси билан келганди, чунки унга амир барча

вакилликни берган эди. У Ўрта Осиёда аксилинқилобчи кучлар билан бирикиб, 1921 йилнинг 8 ноябрида Шарқий Бухоро ерларини ишғол қилади. Сўнг у Совет ҳукуматига ультиматум топшириб, Бухоро, Хива ва Туркистондан Қизил армия қўшинларини олиб чиқиб кетишни ва ўзининг Ўрта Осиё давлатининг бошлиғи деб тан олиншини талаб этади. Айрим маълумотларга кўра у инглиз ҳукумати томонидан ҳам рағбатлантириб турилган. Анвар пошшо Тожикистонга Иброҳим бекни, Сурхондарёга Ҳайит бекни ўзининг вакили қилиб тайинлайди. У қўнғирот, жуз, туркманлар ва дўрмонлардан иборат 1,5-3 мингга яқин танлаган армия билан Душанбега ҳужум бошлайди. Бойсунга Рўзибекни, Деновга Асадуллобойни вакил қилиб тайинлайди. 1922 йил июнида маҳаллий халқ ва Қизил Армия билан жангда Анвар пошшо енгилади, 4 август куни сўнгги ҳал қилувчи жангда ўзи ҳам ҳалок бўлади. 1923 йили СССР ҳукумати ва Афғонистон подшоси ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатилгандан кейин воҳамизда анча тинчлик ўрнатилади.

1926-27 йиллардаги босмачилик деб аталган ҳаракат эса бошқача тус олади. Чунки Афғонистон томонидан чегарадан ўтганлар ҳар хил талончи гуруҳларга бирлашади ва оддий меҳнаткаш халқнинг мол-мулкни босиб олар, янги тузумга зарба беришга ҳаракат қилар эди. Ўша даврда янги ҳукумат томонидан Афғонистонга билиб-билмасдан ўтиб кетган ёки қочиб кетганларга қайтиб келиш, гуноҳларини авф этиш ҳуқуқлари ва алоҳида қарз бериш ваъда қилинди. Шундай вазиятларга қарамасдан, воҳамизнинг қишлоқ ва овулларида соғлом кучларни бирлаштириш, деҳқонларга озиқ-овқат етказиб бериш, уларни уруғлик билан таъминлаш каби ишлар тўхтовсиз давом эттирилди[5].

Янги тузилган қизил аскарлар, кўнгиллик халқ милицияси ва деҳқон отрядлари Анвар пошшо ва бошқа аксилинқилобчи кучларга қарши жон-жаҳдлари билан курашдилар ҳамда бу курашда улар ғолиб чиқдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Шеробод, Бойсун, Ангор, Янги ариқ ва бошқа ҳудудлардаги жангларда мардонавор курашган дастлабки фаоллардан Исмоил Муҳаммедович Табиев, Исмоил Абдувалиев, Николай Васильевич Антонов, Лука Илларионович Браток, Степан Каземирович Гай, Қорабой Тошмуҳаммедов, Дадабола Раҳимов, Шомамади Мираҳмедов, Чори Беркалиев, Анатолий Николаевич Логинов, Ҳасан Амирханов, Аллаёр Мўминовларнинг номларини алоҳида ҳурмат ва эътибор белин тилга олиш ҳамда уларнинг ҳақларига доу қилиш жоиздир.

1924 йилнинг 12 июлида ВКП(б) Марказий қўмитаси “Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор ўша йилнинг кузидаёқ амалга оширилади. Сурхондарё Ўзбекистон ССР Бухоро вилоятига округ сифатида киритилади[6].

1924 йилги 5-умумбухоро Қурултойининг қарорига биноан Сурхондарё милициясининг бошлиғи вазифасига Давронбек Ҳакимбекович Бобобеков, унинг муовини этиб Келим Хужаев тайинландилар.

1925 йил 29 январида Сурхондарё округи ташкил этилиб, унинг маркази қилиб Шеробод шаҳри белгиланди.

Мавжуд кўнгилли милиция отрядларининг бевосита итоат этадиган раҳбар идоралари бўлмаганлиги сабабли ва Халқ Комиссарлари Кичик Советининг 1924 йил 19 майдаги Республикада кўнгилли милиция бўлимларини 1 октябргача тугатиш тўғрисидаги қарорига ҳамда округ ижроия қўмитаси маъмурий бўлимининг 1925 йил 18 август 7-сонли буйруғига биноан, улар маъмурий хўжалик масалалари жиҳатдан округ милиция бошқармасига бўйсундирилади ва амалда, ўша давр ҳаёт тақозосига кўра, Шерободда округ халқ милициясига асос солинади. Жамоат тартибини муҳофаза этиш ва жиноятчиликка қарши кураш кам сонли - 193 кишидан иборат милиция отлиқ отрядлари ва жиноят қидируви хизмати ходимлари зиммасига тушади.

1925 йилнинг 15 июнида Термизда жиноят қидирув бўлими ташкил этилади ва унинг бошлиғи вазифасига Иван Глусов тайинланади. Ўша йилнинг охирида бу бўлим Шерободга кўчирилиб, Термиз шаҳрида Чори Беркалиев бошчилигида беш кишидан иборат жиноят қидируви бўлинмаси тузилади. Бу бўлинма ходимлари ҳаммаси бўлиб 2 дона “наган” билан қуролланган эди. Ўша пайтда Термизда жиноятларнинг очилиши 50-80 фоизни ташкил этган.

Воҳамиз ҳудудининг турли жуғрофий сарҳадлардан иборатлиги ўша йиллари милиция ишидаги асосий оғирликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ҳисобланарди. Бир томони баландлиги 2,5 минг метргача Бойсун, Кўҳитанг, иккинчи томонда Сариосиё районида 3-4 минг метрлик тоғликлар бўлиб, об-ҳавоси ҳаддан ташқари совуқ, бошқа томонда-Афғонистон билан туташ чегара, Тожикистон, Туркманистон ҳудудларига тарқалган сарҳадлар... Буларнинг ҳаммасига улгуриш ўша вақтдаги кам сонли халқ милициясининг фаолиятини ниҳоятда қийинлаштирганди. Бунинг устига, 1925 йили илгари издан чиқарилган Самсонова-Термиз темир йул участкаси тикланди, Душанбе, Шеробод ва бошқа йўналишлардаги отлиқ почта йўллари; пахта тозалаш заводи ва электр станцияси қурилади[7]. Табиийки, бунинг натижасида воҳамизга фуқаролар, улар билан биргаликда ҳар хил мақсаддаги шахсларнинг келиш оқими анча кўпайди. Бу ҳолат ҳам милиция идораларининг фаолиятида анча қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Совет милицияси: 1917-1987 йиллар. Москва. “Юридик адабиётлар”, 1987 йил, 46 бет.
2. Халқ хизматида 75 йил. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 йил, 24-бет. ЎЗСЭ. Тошкент, 1976 йил, 7-жилд, 221-бет.
3. Халқ хизматида 75 йил. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 йил, 29-бет; Совет милицияси: 1917-1987 йиллар. Москва, “Юридик адабиётлар”, 1987 йил, 64-65-бетлар.
3. ЎЗСЭ. Тошкент, 1972 йил, 2-жилд, 528-529-бетлар.
5. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари. Ф-18, Р-1, Ж-99, 75-76-бетлар; ЎЗСЭ. Тошкент, 1971, 1-жилд, 344-бет.
6. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1991 йил, 6-бет.
7. Сурхондарё ВДА ҳужжатлари. Ф-18, Р-1, Ж-99, 76-бет.

#### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Қодиржонов Дилшод Бахтиёрович,  
Термиз давлат университети,  
илмий тадқиқотчиси

Аннотация: Сурхондарё вилоятида жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳамда жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мақолада Сурхондарё вилоятида ёшлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил етиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: ёшлар жиноятчилиги профилактикаси, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, ахлоқ тузатиш ишлари, пробацция, пробацция назоратидаги шахс, ўқув-тарбия муассасаси.

Аннотация: В Сурхандарьинской области осуществлены коренные реформы в сфере борьбы с преступностью и укрепления общественной безопасности, и работа в этом направлении последовательно продолжается. В статье рассказывается о мероприятиях, проводимых по профилактике молодежной преступности в Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: профилактика правонарушений среди молодежи, правонарушения, профилактика правонарушений, исправительная работа, условное осуждение, лицо, находящееся под надзором пробацции, образовательное учреждение.

Abstract: In the Surkhandarya region, fundamental reforms have been implemented in the fight against crime and strengthening of public security, and the work in this direction

is being continued consistently. The article talks about the activities being carried out to prevent youth crime in Surkhandarya region.

Key words: youth crime prevention, delinquency, delinquency prevention, correctional work, probation, person under probation supervision, educational institution.

Мамлакатимиз ҳудудида хавфсиз муҳитни яратиш, фуқароларимизнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш – ҳар доим энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланган.

Муҳтарам Президентимиз ҳар сафар икки муҳим масалага, яъни – тинчлик ва соғлиқни сақлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар.

Сўнгги вақтда Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу нуқтаи назардан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни жиловлаш ишларини “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ташкил этиш - фаолиятимизнинг бош мезонига айланди.

Бугунги кунда, ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараши тубдан ўзгарди.

Уларнинг кундалик хизмат фаолияти рақам ва фоизлар ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифага айланди.

Бугунги кунда, Ички ишлар органларидан жиноятларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ва барвақт олдини олиш талаб этилмоқда.

Жамиятимизда, ҳар-бир оила давлатга бўлган ишонч билан яшаши, маҳаллани жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш, бепарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш — давлатимизда тинч ва осойишта ҳаётни кафолатлашнинг муҳим шарти эканлигини қайта-қайта уқтириб келмоқдалар.

Бунинг учун мунтазам равишда ҳудудлардаги криминоген вазиятни таҳлил қилиб, тезкорлик билан муносабат билдириш бирламчи вазифа этиб белгиланди.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактика-сини амалга оширишда бир қатор давлат органлари ва идоралари, уларнинг ваколати доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлари тизими мавжуд.

Маҳаллаларда пробация назоратида турадиган шахслар ҳамда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини амалга оширишга оид қўйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд, хусусан:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарлик-лар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 84-сонли қарори.

Ҳар қандай жиноят жамият учун хатарли бўлиб, ушбу иллатнинг ёшлар томонидан

содир этилаётгани юрт равнақи ва осойишталигига дахлдор кишини ташвишга солмай қўймайди. Шу боис, келажак авлоднинг тақдири билан боғлиқ бундай муаммолар доимо долзарб аҳамият касб этади.

Бу борада ёшлар ўртасида вужудга келаётган ҳуқуқбузарликлар, уларга имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига электрон ахборот платформа тизимини жорий этиш ва ёшларга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаган-лиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликлар-нинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнининг нисбатан самарасиз эканлиги кутилаётган натижаларга эришиш имконини бермаяпти.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятини ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, туман ва вилоят ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг барча институтлари ҳамда Ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда ташкил этади.

Вояга етмаганлар ва ёшлар билан бевосита ишлаш таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳамда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига вояга етмаганлар ёшлар етакчисининг хабари асосида профилактика инспекторлари томонидан суднинг ажрими, шунингдек, ички ишлар органи ёки марказ бошлигининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилади.

Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларни Республика ўғил (қиз) болалар ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланади ва ўн кун ичида Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга тақдим этилади. Бунда Ёшлар етакчиси томонидан вояга етмаган шахсга ихтисослаштирилган мактабларга жойлаштириш учун тавсиянома бериши мумкин.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактика ишлари Ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар таҳлилларидан келиб чиқиб, улар орасида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари Ёшлар етакчиси ҳамкорлигида идоравий норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар билан Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг «Яқка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш» боби талаблари асосида яқка тартибда профилактика иши ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимнинг узлуксизлиги, умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг мажбурийлиги ҳақида вояга етмаганлар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари Ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда олиб борилади. Мажбурий таълимдан бош тортган вояга етмаганлар аниқланиб, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялари орқали ўқишга қайтариш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, маҳаллаларда ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган тизимли профилактик чора-тадбирлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан ёшлар билан ишлаш масаласи давлат сиёсати даражасигача кўтарилди.

Ёшлар, айниқса вояга етмаганларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни жиловлаш борасида ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, бугунги кунда, 1 минг 234 нафар ёшлар, 38 нафар вояга етмаганлар пробация назоратида турибди, шунингдек 1 минг 494 нафари профилактик ҳисобда, 75 нафари эса соғлиқни сақлаш ҳисобидаги гиёҳванд, спиртли ичкиликка ружу қўйган ва руҳий касалларни ташкил этмоқда.

Улар орасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш, уларнинг маънавий дунёқарашини мустаҳкамлаш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи барча ички ишлар органларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Бу йўналишда, 12 ойда 8 минг 690 маротаба, шу жумладан, 4 минг 980 маротаба таълим муассасаларида, 460 маротаба касб-хунар мактабларида, 70 маротаба олий таълим муассасаларда, 3 минг 175 маротаба маҳаллаларда маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

- ички ишлар органлари кўмагида вояга етмаганларнинг 329 нафари спорт, 343 нафарини факультатив тўғарақларга жалб этилди;

- назоратсиз юрган 3 минг 76 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, уларнинг 709 нафари ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди, ўзбошимчилик билан уйдан кетиб қолган 203 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, улардан 179 нафари ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган.

- ота-она қарамоғисиз қолган 71 нафарига васий ва ҳомийлар тайинланди;

- фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг 23 нафари ишга жойлаштирилди;

Натижада 167 нафар вояга етмаганлар ва 41 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар соғлом турмуш тарзига қайтганлиги учун улар ички ишлар органлари ҳисобидан чиқарилди.

Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг 9 ойида ёшлар томонидан 1 173 та жиноят содир этилган.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни жиловлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоятда, 4 126 нафар ёшлар, 560 нафар вояга етмаганлар назоратида турган бўлса, 2 481 нафари профилактик ҳисобда, 115 нафари эса соғлиқни сақлаш ҳисобидаги гиёҳванд, спиртли ичимликка ружу қўйган ва руҳий касалларни ташкил этади.

Улар орасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш, маънавий дунёқарашни мустаҳкамлаш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи барча ички ишлар органларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ўтган давр мобайнида вилоятда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳамда жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятимизда жиноятчиликни жиловлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш йўналишида муҳокама қилинаётган масалалар - барча бўғиндаги раҳбарларнинг масъулиятини оширишга, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга, жамиятимизда тинчлик-осойишталик муҳитни яратишга хизмат қилиб келмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси.
2. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун. 2016-йил 16-сентябр 3. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармон. 2021 йил 26 март.
4. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 61-сессияси учун “Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” йўналишида жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлари юзасидан маъруза тезислари.

## УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА)

Чориев Жамшид Шокиржанович,  
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи  
Сурхондарё вилояти кенгаши раиси, илмий тадқиқотчиси

Аннотация: Шаҳарлар тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш комплекс тарзда қўйилган бир қатор масалаларни ечимини топиш билан боғлиқдир. Ушбу мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида урбанизацион жараёнларнинг Термиз шаҳри иқтисодий-ижтимоий ҳаётига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: Урбанизацион жараён, Паттакесар, Самарқанд-Термиз ҳарбий почта йўли, савдо-сотик, Термиз шаҳри.

Аннотация: Изучение и анализ истории городов связано с решением ряда сложных задач. В данной статье освещается влияние процессов урбанизации на экономическую и социальную жизнь города Термеза в конце XIX - начале XX веков.

Ключевые слова: процесс урбанизации, Паттакесар, военно-почтовая дорога Самарқанд-Термез, торговля, город Термез.

Abstract: Studying and analyzing the history of cities is related to solving a number of complex problems. In this article, the influence of urbanization processes on the economic and social life of Termiz city in the late XIX - early XX centuries is highlighted.

Key words: Urbanization process, Pattakesar, Samarkand-Termiz military postal road, trade, Termiz city.

Шаҳарлар тарихи масаласи доимо кўп қиррали муаммо тарзида эътироф этилган. Ушбу муаммони ўрганиш жамият тараққиётининг муҳим масалаларини ҳал қилишга хизмат қилиб давлат ва мамлакатнинг тарихий ривожланишининг устувор йўналишларига аниқлик киритирази ва чуқурлаштирази. Шундай экан, шаҳарлар тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш комплекс тарзда қўйилган бир қатор масалаларни ечимини топиш билан боғлиқдир.

Тарихий манбаларнинг ва шаҳар вайроналарининг гувоҳлик беришича, Термиз шаҳри ўзининг икки ярим минг йилдан ортиқ умри давомида уч жойда уч марта қайтадан тикланган: Кўҳна Термиз ёки Кушон Термизи Амударё бўйида милоддан аввалги VII аср ва милодий XIII асрлар (уни Чингизхон вайронага айлантирган), Чингизхон талофатидан сўнг Сурхондарё бўйида, ҳозирги Султон Саодат номи билан аталувчи мақбара атрофида Эски Термиз (XIII-XVIII асрлар), бугунги Термиз шаҳри эса Паттакесар қишлоғи заминида XVIII асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилди.

Ҳозирги Термиз 1758 йилда Сурхондарё бўйидаги Эски Термиздан тахминан 8 километр жанубда Паттакесар қишлоғи ўрнида пайдо бўлди. Паттакесар қишлоғи эски термизликлар томонидан ўтин учун кесиб олинган патта чангалзорларидаги дарахтлар ўрнида очилиб қолган майдонда туркманлар томонидан барпо қилинган еди[3].

Термиз шаҳрининг бу ерда қурилиши инглизларнинг Ҳиндистонни забт этиб, Афғонистон ҳатто, Бухоро хонлигини Чор Россиясига қарши ундаётган бир даврга тўғри келади. Шундай шароитда Россия ўз таъсирини ошириш мақсадида Ўрта Осиёга, жумладан Шарқий Бухорога ҳарбий юришни бошлаб юборди. Шарқий Бухоронинг таркибий қисми бўлган Жанубий Сурхондарёнинг Термиз шаҳри XIX асрнинг охири- XX асрнинг бошларида бир қанча ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни бошидан кечирди.

1873 йилнинг 18 сентябридаги сулҳга биноан, Бухоро Россияга қарам давлат ҳисобланиб, унга бошқа мамлакатлар билан алоқа қилиш ман этилиб, Каркидан Вахш дарёсининг қуйилиш жойларигача бўлган минтақа руслар учун «стратегик» аҳамиятга эга ерлар деб белгиланди.

1888 йилнинг 23 июнида бу шартнома қайта кўрилди ва қўшимчалар киритилди[8]. Шунга асосан, Термизда рус кўрғони қуриш масаласи ҳал этилади. Шунингдек Термизга кўчиб келиши ҳамда товар омборлари, саноат корхоналари, ҳар хил кичик дўконлар, яшаш учун уйлар, кемалар тўхтайдиган жой (пристан) қуриш учун ер-мулк олишга рухсат этилди. Айнан шу шартнома Шарқий Бухоронинг қадим-қадимдан авлиёлар шаҳри ҳисобланган Термиз заминига бу юртларга бегона бўлган «узоқ Европа шамолини», рус моддий ва маънавий маданиятини олиб келишига асос бўлди, десак хато қилмаймиз.

1896 йили баҳорида Самарқанд-Термиз ҳарбий почта йўли қуриш лойиҳаланди. 1897 йил баҳорида шошилиш равишда деҳқонлар кучи билан қурила бошланди. 1900 йилнинг май ойида бир неча ерда бошланган бу иш 1901 йилда тугалланди. Унда Самарқанддан Термизгача 14 та бекат бор эди. 1903 йилда Термизга бу йўл билан эмас балки Чоржўй орқали, кемада генерал-губернатор Иванов келиб-кетиб, почта-телеграф йўл қурилиши билан танишди[2].

Самарқанд-Термиз почта қуришни ва ҳаракатлар туфайли Термизга фуқароларнинг келиши тезлашди. Рус ишбилармонлари Россия билан Бухоро амирлиги ўртасидаги савдо алоқаларини яхши ривожланишидан фойдаланиб, Термизда савдо дўконларини ҳамда корхоналарини тезлик билан очишга, маҳаллий халқдан арзон нарҳда хом-ашё ҳамда деҳқончилик маҳсулотларини сотиб олиб Россияга жўнатишга киришди. Натижада Термизда доимий яшовчи рус фуқароларнинг сони мунтазам тарзда ошиб борди.

1894 йилда Термизда русларнинг йирик ҳарбий кучлари жойлаштира бошланди, шу йили Термизда маҳаллий аҳоли «Тупроққўррон» деб атаган рус кўрғони қурилди[1].

Руслар 1897 йилнинг баҳорида Паттакесарнинг шимолида 40 десятина (ҳозирги Ш.Рашидов кўчасининг икки бетида то Тупроққўрронгача бўлган жой) ерни ҳарбий казарма, уй-жойлар қуриш учун сотиб олади. Шу тариқа Термизда биринчи маротаба Европа кўринишидаги уй-жойлар пайдо бўлади, бу биноларнинг кўпчилиги ҳозирги Ш.Рашидов кўчасининг икки томонида сақланиб қолган.

1891-1906 йилларда рус кўрғони хом-ғишт девор билан айлантириб олинади ва ўзига хос қалъа-шаҳар юзага келади. Шундай қилиб, Термиз Амударё соҳилидаги рус ҳарбий қалъасига айлантирилади. Ҳаммаси бўлиб шу вақтда Термизда 8000 рус яшарди[6]. Термиз ҳарбий шаҳар сифатида тез ривожланиб боради. Чор Россияси Ўрта Осиё ҳудудида вазиятнинг кескинлашуви хавфи борлигини ҳисобга олиб 1892 йилда махсус кенгаш-йиғилиш чақиради ва бу йиғилишда Бухородан Термизгача, Термиздан Ҳисоргача, Термиздан Кўлобгача темир йўл қуриш масаласи муҳокама этилади. Бухородан Термизгача темир йўл қурилиши ҳақида 1910 йил 10 апрелида Россия ҳукуматининг қарори чиқади. Бухоро амири ушбу қарорга ўз розилигини билдириб 1912 йилнинг 15 июнида Россия йирик корхонаси эгаси, муҳандис Ковалевский билан темир йўл қурилиши ҳақида шартномани имзолайди[5].

1913 йили Ковалевский «Бухоро темир йўлини қуриш акционерлик жамияти»ни таъсис этади. Бухоро-Термиз темир йўл қурилиши 1914 йилнинг 16 июнида бошланиб 1916 йилнинг 15 июнида тугалланади. Унинг умумий масофаси 572 верстга тенг эди. Темир йўл қурилишида 7 мингдан кўпроқ киши иштирок этди. Улардан 500 нафари Россиянинг Пенза губерниясидан ёлланган руслар эди[1]. Қурилишда афғонлар, эронийлар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Шунингдек

қурилишда атроф қишлоқлардан келган 6 мингдан ортиқ ўзбек, тожик, туркман иштирок этишди. қурилиш тамомлангандан сўнг уларнинг кўплари темир йўл ишчилари, темирчи, слесар ва бошқа соҳаларда касб эгаллашди ва Термизда муқим яшай бошлашди. Шундай қилиб Термиз XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида шарқ ва ғарб моддий ва маънавий маданиятини ўзида уйғунлаштирган ўзига хос байналмилал шаҳарга айланди.

Бу даврда нафақат Термизда, балки бутун ўлкада ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, рус капиталининг кириб келишига имконият яратилди. Бу даврда Термиз теваарак-атрофга рус товарларини (молларини) тарқатиш марказига айланди, Термизда Россия савдо фирмалари иш бошлади, уларга хизмат кўрсатувчи транспорт жамиятлари юзага келди.

1916 йилги маълумотларга кўра қисқа вақт ичида Термизда минерал сув ва мева шарбати ишлаб чиқарувчи цех иш бошлади. Молия муассаси ва давлат жамғарма кассаси, нефть фирмалари очилди. Термизда жами 28 та савдо-саноат корхонаси, жумладан Матчонбоевларнинг 150 ишчиси бўлган пахта заводи ва Шамсуддиновларнинг мойжувози иш бошлади[4]. Қисқа муддатда Чоржўй-Термиз, Термиз-Кўлоб автойўллари қурилди.

Термизда 1914 йилда цирк эгаси (афсуски исми шарифини аниқлаш имкони бўлмади)нинг ҳиммати билан кўчма электр станцияси ўрнатилди ва биринчи марта 50 лампочка электр шуъла таратди. Термизда турли миллат вакиллари яшасада, уларнинг эътиқодлари, урф-одатлари чекланмади. Масалан, 1906 йилда Термизда ҳарбийлар қурган рус черкови ва унинг олдида биринчи рус мактаби иш бошлаган бўлса, 1916 йилда маҳаллий бой Имомалибой томонидан мусулмон масжиди Мулло Мурчбобо қурилди. Шу йили мусулмонларнинг шиа мазҳаби ихлосмандлари учун (термизлик форслар учун) ҳам масжид қурилади (ҳозирги халқ табобати маркази биноси)[7]. Шуниси диққатга сазоворки, Термиз шаҳрининг моддий ва маънавий маданиятини ривожлантиришда маҳаллий бойлар, савдогарлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшади. Юқорида номи зикр қилинган маҳаллий савдогар Имомалибой ўз маблағлари ҳисобидан шаҳар марказий шифохонасини, шаҳар маданият уйи ва бошқа кўплаб биноларни қуриб берган эди. Кейинроқ Шўролар ҳукуматига бу иморатлар Имомалибой томонидан беминнат топширилди. Имомалибой ўз даврининг маълумотли, уддабурон савдогарларидан эди[6].

Саноат, транспорт, айниқса темир йўл қурилиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши туфайли аҳоли сонининг ошиши юз берди, аҳоли қишлоқдан иш ахтариб келувчилар ҳисобига кўпая борди. Натижада Термиз ҳудудида ҳарбий қалъадан ташқарига чиқиб Шарқий Бухоронинг ўзига хос саноат марказига айланиб борди. Янги Термиз шаҳри пайдо бўлди. Бу шаҳар ўзининг кенг, равон кўчалари, Европа услубига мансуб биноларни, шаҳар аҳолисининг кўпчилигини руслар ташкил қилиши билан Шарқий Бухоро шаҳарлари ичида ажралиб турарди. Хуллас, Термиз ўша даврда Чор Россиясининг Шарқий Бухоро жанубида жойлашган ўзига хос ҳарбий истеҳкомми эди, десак хато қилмаган бўламиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ананьев А.Г. «Шеробод воҳаси ерларини Сурхон суви ёрдамида суғориш лойиҳаси». Тошкент, Туркистон генерал губернаторлиги босмаҳонаси, 1911.
2. Бартольд В.В. «Термиз», Соч, Т. III, М., 1965. 1 423 с.
3. Козловский В.Л. «Термиз шаҳрининг тарихи». Т.: 1962, 12 б.
4. Мирзаев З, Қобилов Э. «Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи» Термиз, 1996, 11-15 б.
5. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. Термиз, «Жайхун», 1993, 47 б.
6. Турсунов С ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида». Т.: «Шарқ» 2001, 45 б.
7. Сурхондарё вилояти давлат архиви материаллари: 58, 77 фондлар.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви материаллари: 58 фонд, 2 рўйхат, 11 варақ.

## ЧИНГИЗХОНАНИ ХОРАЗМ ШОҲЛАР ДАВЛАТИГА ҚАРШИ СИЁСИЙ РЕЖАЛАРИ ВА УНИНГ МАҚСАДЛАРИ

Қаюмов Алишер Тожиевич,  
Сурхондарё вилояти МХХ ходими,  
илмий тадқиқотчиси

Рус шарқшуноси Академик В.В.Бартольд асарлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Чингизхон истилосини Мовароуннаҳрга бошланиш сабаблари ҳамда оқибатларини илк бор таҳлил этди[1]. Шунингдек рус тарихшунос-лигида алоҳида ўрин тутган ва Чингизхоннинг ҳаёти ва сиёсий бошқарув тизими, унинг Ўрта Осиёга бостириб кириши ҳақида қимматли манбаларни тақдим этган Б.Я.Владимирцевнинг асарлари тарихий манбаларни баён этиши билан қўлаб тарихчиларни ўзига жалб этган[2].

Чингизхон истилосининг Мавороуннаҳр аҳолиси тамаддунига салбий таъсири оид манбаларни тарихий-этнографик жиҳатидан ўрганган рус шарқшуноси Н.Я.Бичурин тадқиқотлар мавзунини таҳлил этишда Чингизхоннинг Мавороуннаҳрга истилочилик ҳаракатларнинг стратегия йўналишлари, ўша даврдаги туркий, туркийлашган ва мўғул қабилари, уларнинг урф-одатлари, аъаналари, ўзора бирлашиш сабаблари, уруш олиб бориш тактикаси, мўнғилларнинг жанговар қобилияти, шаҳар ва қишлоқларнинг истилочилар томонидан босиб олиш усуллари ҳамда амалга оширган талончилик ҳаракатлардан халқ бошига тушган кулфатлари ёритиб берилган[3].

Мавороуннаҳр аҳолиси нисбатан Чингизхон раҳбарлигидаги ҳарбийларнинг тутган ҳаракати, маҳаллий мўнғил қабилалари, шунингдек, туркий қабилалар, уларнинг мўнғиллар билан алоқаси тўғрисида маълумотларни Е.И.Кычановнинг маълумотлари тарихшунослик фанига хизмат қилган манбалар мавзунини ёритишга муносиб ҳисса қўшди[4].

Чингизхон ҳокимиятининг шаклланиш ва сиёсий ҳокимияти, унинг дастлабки амалга оширган ислоҳатлари, Мавороуннаҳрга нисбатан истилоси, унда маҳаллий Хоразмшоҳларни муносабати, маҳаллий аҳолини истилочиларга қарши кураши хусусида муҳим тарихий манбаларни ифодалаб берган ҳамда изоҳлаган. Бу масалада Мавороуннаҳрдаги сиёсий жараёнлар, ички низолар, маҳаллий ҳокимият ўртасидаги келишмовчиликлар, шаҳарларнинг иқтисодий ва маданий ҳолати, шундай вазиятда Чингизхон истилосининг бошланишдаги дастлабки ҳарбий ҳаракатлар, унинг оқибатлари ҳақида қимматли маълумотлар тақдим қилган Н.П.Шастина тадқиқотлари мавзу учун алоҳида манба ҳисобланди. Унинг тадқиқотларида, ўзбек халқи тарихда энг аянчли ва оғир йўқотишлар даври бўлган Чингизхон истилоси, унинг бошланғич ҳаракатлар, шунингдек, марказий шаҳарларни истило қилиш жараёнидаги талончилик ва босқинчилик ҳаракатларнинг оқибати муҳим манбалари таҳлил қилиб берилган[5].

Рус шарқшуносларидан Д.И.Тихоновнинг Чингизхон тарихга оид илмий изланишларида Мавороуннаҳрда истилочилик урушларини олиб борган Чингизхон ҳарбий ҳаракатларнинг оқибатлари, ўнлаб йирик маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларнинг маданий тараққиётдан турғунлик ҳолатига тушиб қолиши сабаблари ҳамда юзлаб қишлоқларнинг босқинчилик туфайли тарих саҳнасидан чиқиб кетиши, бунинг натижасида Европанинг Шарқий қисмини мўнғиллар томонидан истило қилиш ва унинг оқибатлари илмий таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради[6].

Л.М.Епифанованинг илмий тадқиқотларда Мавороуннаҳрдаги XIII-XVI асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга ҳам қисман тўхталиб ўтилган бўлиб, бу даврдаги сиёсий инқрозлар, унинг маҳаллий аҳоли бошига олиб келган оқибатлари хусусида фикрлар тақдим этган[7].

Жумладан, ўзбекистонлик тарихчилардан Д.Раззоқовнинг тадқиқотларда XIII-XVI асрлардаги сиёсий жараёнларга қисман тўхталиб ўтилган бўлиб савдо муносабатлар, карвон йўллари ва унинг мўнғиллар истилоси даврда издан чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинган[8]. Шунингдек, Х.Бекмуратовнинг

илмий тадқиқотларда ҳам маълум маънода умумий хулосалар берилиб, XIII-XVI асрлардаги сиёсий вазият ҳамда мўнғил истилосининг Мавороуннаҳрга салбий оқибатлари манбалар йўналишида қисман фикр билдирлган[9].

Тарихчи олим Нисави шундай ёзади, элчилар 2 - марта Хоразмшоҳ Султонни олдиға (1218 йилнинг 2-ярмида) ташриф буюришиб, Иналчукхонни (Ғойирхон) уларга топширишларини ва бу йўл билан тинчлик сақланади деган талабидан Хоразмшоҳ шошиб, қўрқиб қолади. “Унда қўрқув шунчалик кучли бўладики, қўрқувдан ҳаттоки юрагига тушди”, (Нисавӣ, Сийрат ас-султан, араб. Текст, стр. 34, франц. Пер., стр.60; перс. версия, стр.52.) –Хоразмшоҳни нега шундай қўрқув босганидан кейин ҳам, у Чингизхонни талабини бажармади? Нисавининг маълумотича, “Султон, Иналчукхонни, Чингизхонга бериб юборолмасди. Чунки, Иналчукхон (Ғойирхон) (Нисавӣ, Сйрат ас-султан...., араб. Текст, стр. 34, франц. Пер., стр.60; перс. версия, стр.52.) унинг онаси томондан аммакиваччаси эди. Уни элчилар қўлиға топширишни бутун уруғ аймағига бўлган ҳақорат деб тушунади. Шундайича ҳам, Иналчукхонни топшириш жуда ҳам қийин масала эди. Чунки, у кучли ҳимояланган қалъада, бундан ташқари қўл остида 20 мингта яхши қуролланган отлиқ суворийлари бор эди. У жуда кучли қаршилиқ кўрсатиши мумкин эди, ҳамда саройдаги кўпчилик аёнлар уни ҳимоя қилиб чиқарди. Шундан келиб чиқиб, Хоразмшоҳ фақат рад жавобини беради. Нисавий яна қуйидаги маълумотларни тақдим этади, агарда Хоразмшоҳ элчиларга шу рад жавобини бериб қўйиб юборса, Чингизхонга илтифот кўрсатган бўлади ва у яна кучлироқ талабларни ўртаға ташлашидан қўрқиб, ҳеч қандай гуноҳи йўқ, элчиларни қатл қилишни амр қилади, шундай қилмаса уруш бўлиши аниқ дейди.

Ушбу ҳолатдан кўринадики, Муҳаммад Хоразмшоҳ урушға осонликча рози бўлмайди, балки юзаға келган шарт-шароитдан мажбур бўлади. Нисавийнинг ёзишича, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг уруш олиб бориши учун ҳеч қандай аниқ режаси бўлмайди. Нисавий ўз маълумотида шуни алоҳида таъкидлаб; Хоразмшоҳ томонидан 3 та асосий хатоликка йўл қўйилган дейилади:

1. У, Самарқанд атрофини 12 фарсангли (Т.е. около 78-80 км. Такая стена должна была защитить не только город, но и его сельскую округу.) баландликда ҳимоя девори қуришға ва бунинг учун зудлик билан халқдан (30.03.1218 й. дан 18.03.1219 й. гача) ер солиғини йиғимини талаб қилади. Лекин, Муғуллар келгунча юқоридаги шаҳар ҳимояси билан боғлиқ қурилиш ишлари амалға оширилмайди.

2. Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзига қарам давлатлардан ўлпон йиғишни (19.03.1219 й. дан 7.03.1220 й. ча) шунингдек, ( 10.04.1217 й- 29.03.1218й.) даги ўлпонларни йиғиштириб олишни талаб қилади, аммо бу ҳам амалға ошмайди. Агар ушбу сумма йиғилганида, улкан қўшин жамлаш учун маблағ йиғилар, ҳамда бундай катта куч билан Муҳаммад Хоразмшоҳ байроғини кўтариб, чегарагача бориш мумкин бўларди. Агар Хоразмшоҳ бу кўнгилли аскарларини тўплагунча кутганида эди, мисли кўрилмаган катта қўшин тўплаш имкони мавжуд бўларди. Бу орада Хоразмшоҳ Султон жанг қилиш учун ўз қўшинларини Жайхунни (Амударёнинг) орқасига чекинишға мажбур қилади.

3. Чингизхонни урушға отланганини ва йўлга чиққанини эшитган Хоразмшоҳ ва унинг қўшинлари Мовороуннаҳр (Нисавий, Сийрат ас-султан...., араб. Текст, стр. 35-37, франц. Пер., стр. 61-63; перс. версия, стр. 53-54. Там же приведен список городов, в которых были размещены гарнизоны, их численность и имена их начальников.) шаҳарларига жипслаштирмасдан ҳаммасини битта нуқтадамас балки унинг аксини, яъни гарнизон кўринишида тарқоқ ҳолатда жойлаштиради.

Нисавининг фикрича, бу Хоразмшоҳнинг энг катта хатоси эди. Агарда Хоразмшоҳ бутун бошли гарнизондаги қўшинларини бир жойға тўплаган вақтда жамики кучини бир нуқтаға йиғиб, мўғул босқинчиларига қарши кураш олиб борганида тарих умуман бошқа томонға ўзгарарди. Чунки, у Муғулларни, худди лочин қуш-чумқуқни тутиб олгани каби, уларни (татар) ер юзидан (Нисавӣ, Сйрат ас-султан...., араб. Текст, стр. 35-37, франц. Пер., стр. 61-63; перс. версия, стр. 53-54. Там же приведен список городов, в которых были размещены гарнизоны, их численность и имена их начальников.) бутун илдизи билан юлиб ташлаган бўлар эди.

Агар Хоразмшоҳ, бутун феодаллардан тузилган кўнгилли қўшинларини бир мушт

қилиб, мўғулларига қарши қақшатғич зарба берганида, у бу урушда албатта ғолиб бўларди, худди шу таклифни Хоразмшоҳга имом Шихаб ад-дин Хиваки (Ибн ал-Асир, Ал-Камиль фи-т-тарих, стр. 237; СМАЗО, т. I, стр. 6). ҳам айтган, дейди, тарихчи олим Нисави.

Доссон ва Бартольдлар (С.Д`Охссон, Histoire des Mongols, t. I, стр. 212; В.В.Бартольд, Туркестан..., стр. 472-474.) шундай маълумот беришади, Хоразмшоҳ бир нуқтадан туриб катта қарши хужум бериш режасини рад этади, сабаби у ўз қўлидаги тобъе қўшин лашкарбошларига ишонмасди. Хоразмшоҳ бир нарсадан жуда қўрққрди, у агарда бир куч бўлиб Чингизхон қўшинларини тор-мор қилганида ҳам, келажақда ушбу ғолиб қучган қўшин айнан ўзи ва династиясига қарши тиф қўтаришидан ва айниқса жанг вақтида баъзи бир феодал тобъе зодагонларни душман томонига ўтиб кетишидан чўчийди. Айниқса, бу факт ўз тасдиғини топади, яъни феодаллардан баъзилари душман томонига ўтиб кетишади. Чингизхон томонидан уюштирилган иғвогарликларидан кейин, Хоразмшоҳнинг қўл остидаги тобъе феодал зодагонларидан Турк вилояти (билад ат-турк) (Это были степи тюркских кочевых племен, в источниках именовавшиеся тогда Туркестаном; точнее, имелись в виду степи между Яиком и низовьями Сыр-Дарья.) вазиринаинг ноибни Бадрад-дин Амид очикчасига Чингизхон томонига ўтиб кетади ва отасини Хоразмшоҳ томонидан қатл этилгани боис ундан қасос олишни маълум қилади.

Чингизхон ушбу ноибдан Таркан хотуннинг амир-қариндошлари томонидан ёзилганидек, сохта хатларни ёзишни буюради ва унда улар ўзларининг қабилалари номидан хизматларини таклиф қилганлигининг алоҳида кўрсатади, ҳамда улар Чингизхон нима хоҳиш тутса шу истагини бажаришга ваъда қилишганликлари кўрсатилади.

Ушбу аснода ёзилган хатлар, Хоразмшоҳ давлатига турк-мусулмон “жосуси” орқали етказилади. Хоразмшоҳга ушбу хатлар мазмуни маълум бўлгач, у саросимага тушиш билан ишонч ҳосил қилади ва қўшинларини шаҳар ва вилоятларини (Нисавй, Сйрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 37-38, франц. Пер. 63-65; рес. Версия, стр. 55-56. Нисави говорить, что измена Амида имела место после взятия Отрара монголами, но, видимо, это произошло еще раньше, как думает и В.В. Бвртольд (“Туркестан..., стр. 474), судя по тому, что, по словам Нисави, именно эти фальшивки побудили хорезмшаха рассредоточить свои военные силы. А это решение было принято им в начале войны.) ҳимоялаш учун тақсимлашга қарор қилади.

Чингизхон иғво йўлини бошқа усулларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Хоразмшоҳни қўшинлари кучларини бўлиб ташашга қаратилган энг самарали усулларни ишга солади. Нисавининг ёзишича, 1219 йилнинг декабрь ойидан 1220 йилнинг февраль ойлари оралиғида Чингизхон ўзининг энг ишончли “жосус” ларидан бири (келиб чиқиши Ўрта Осиёлик) Донишманд Хожибни, Хоразмшоҳ Муҳаммадни онаси Таркан хотунни ҳузурига жўнатади ва унга, “ мен, сен билан уруш олиб бормоқчи эмасман, менга ўғлинг Муҳаммад керак, агар мен қўйган талабларимга рози бўлсанг, мен сенга тегмайман ва мабодо талабларимни бажаришни лозим топсанг, сенга совға тариқасида Хоразм ва Хуросонни бошқарувини қолдираман”, деган таклифни етказдиради. Аммо Таркан-хотун бунга ишонмайди. Тез орада Чингизхонга, Хоразмшоҳ ва унинг онаси Таркан-хотун ҳамма бойликлари, оила аъзолари ва канизакларини олиб, Амударёнинг (Это произошло в апреле (по Джувейни) или а мае (по Джуджзвани) 1220 г.) нариги томонига утиб Мазандаранга (Нисавй, Сйрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 38, франц. Пер., стр.65; перс. версия, стр. 56-57.) қараб йўл олишганлигини, ҳамда Хоразмга йўл очилганлиги маълум бўлади. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг соф асл сулолага асосланган ва нодавлат ниятларига олиб борувчи ҳалокатли режаси қўшинларни пассив мудофаага чорлади. Муҳаммад Хоразмшоҳ, уруш бошланишидан жуда ҳам асабий, қўрқоқ бўлиб қолганди, бунинг оқибатида у ўта умидсизликка тушиб қолади, - бу эса, Хоразмшоҳнинг уруш вақтида бирорта бир фаол иштирокини таъминламади. У фақат қўрқувда бўлгани боис, бошқарувни йўқотганди.

Юқоридаги манбалардан шулар маълумки, Чингизхон жуда ҳам кўплаб савдогарлардан ва унинг томонига ўтиб кетган феодал задогонлардан тузилган

“жосус” ларига эга бўлиб, улар орқали Хоразмшоҳнинг аскарларининг ҳозирги аҳволи ва унинг давлатида яшаётган халқнинг ижтимоий аҳволидан ва улар билан Султон Муҳаммад ўртасидаги муносабатлардан яхши хабардор эди. Шунингдек, у томонидан (Чингизхон) жўнатилган элчилар тинчлик тўғрисидаги таклифи бу шунчаки Хоразмшоҳни қарах ҳолатга келтириб, қўнглига таскин беришдан иборат бўлиб, бу вақтда Мўғуллар қўшинларининг асосий қисми Шимолий Хитойни забт этишга йўналтирилган эди. 1219 йилга келиб, Чингизхон, Цзинь империясини тор-мор қилиб, унинг катта ҳудудларини босиб олганди. Энди, Чингизхон бемалол “Ғарб давлатларига” юриши мумкин эди. Ҳатто, В.В.Бартольд ҳам, “Чингизхон, Хоразмшоҳ Султонига нисбатан тинчлик сулҳи тузилганида ҳам, бунинг асл моҳиятида, барибир Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатига босқинчилик юриши, кечроқ бўлса ҳам амалга ошиши эҳтимолдан холимас, деб маълумот беради. (Ўтрор тўқнашуви)

Аммо, яна Бартольд ўйлайдики, ушбу йилларда (1217-1218) Чингизхонда бундай интилишлар бўлмагандир, балки у умуман Хоразмшоҳни (В.В. Бартольд, Туркестан., стр. 467.) заиф томонини билмагандир. Таҳлилларни кўриб чиқилса, Чингизхон ўз “жосус” ларини ва душман томонидан унга хизматга ўтганларни “Ғарбий давлат” ларни истило қилиш мақсадида, олиб борган ҳатти-ҳаракатларини бир қисмидир.

Уруш бошланишида Чингизхон бекорга катта қўшин тўпламаганди, чунки у Хоразмшоҳнинг (В.В. Бартольд, Туркестан., стр. 467.) катта куч қудрат тўплагани тўғрисида маълумотларга эга эди.

Биринчидан: у марказий куч ва душманнинг феодал-парчаланиб кетган ҳолати қанчалик заиф бўлмасин, маҳаллий қаршилик жуда ўзар бўлиб қолишни олдиңдан кўрди; иккинчидан: шубҳасиз кейин Чингизхоннинг режаларида нафақат Ўрта Осиёни босиб олиш. Бу Ғарбий Осиё ва Шарқий Европани забт этишнинг дастлабки босқичи бўлиши керак эди.

Буни 1220 йилнинг ёзида, ўз қўшинлари Амударё орқали ўтиб, кетгандан сўнг дарҳол Чингизхон Эроннинг Шимолий қисмини, Шарқий Закавказьяни ва Шимолий Кавказни вайрон қилган Жэбэ ва Субэдей каби лашкарбошилар қўмондонлиги остида 30 минг кишилик аскарларга эга корпусни юборганлигини, аланларни, қипчоқларни жангда таслим қилиб, Калка, Қрим, Қуйи Волгада русларни енгиб, ҳозирги Қозоғистон даштлари орқали 1224 йилда Мўғулистонга “ўз юртларига” қайтишади. Ушбу юборилган отрядлардан шуни кўриш мумкинки, ушбу ҳудудларни босиб олиш учун жуда ҳам пухта тайёргарлик кўришган. Агар шунақа режа бўлмаганида, 4 йиллик рейд юришларини мазмун моҳияти йўқ эди.

Шундай қилиб, ҳали Шарқнинг забт этилмаган давлатлари Иртишгача, Орол денгизи, Амударё бўйларини Чингизхон катта ўғли Журжи ва унинг авлодларига ҳада қилди.

Чингизхон ва Хоразмшоҳ ўртасидаги можаро тарихда яна бир асосий эпизод билан тўқнашамиз. Ҳали Чингизхон тириклигида шундай миш-мишлар тарқалган эдики, Аббосийлар Халифаси ан-Носир, унинг қабулига ўз элчисини жўнатиб, ушбу элчидан Хоразмшоҳга ҳужум қилишга бошлайдиган тўхматга тўла маълумотларни етказдиради. Тарихчи Ибн-ал-Асир, Халифа ан-Носир тўғрисида шундай ёзади, яъни агарда бу ҳақиқатан юз берган бўлса, айнан ан-Носир, Мўғул-татарларни мусулмонлар мамлакатига ҳужум қилишга ундовчи вазлар билан Чингизхон ҳузурига элчисини жўнатгани бу ўта катта гуноҳ бўлиб, (Ибн ал-асир, Ал-Камиль фи-т-тарих, т. I, стр. 287. Ср. С. D`Ohsson, Histoire des Mongols, стр. 211; А.Мюллер, История Ислама, пер, Н.А. Медникова, т. III, СПб., 1896, стр. 223. Посольство Халифа к Чингисхану могло быть в 1217г., когда войска хорезмшаха шли на Багдад.) умуман кечириб бўлмас ҳатти-ҳаракатдир. Шунингдек, Мирхонд (XV-аср) ҳам, Халифани элчисини Чингизхон ҳузурига боришини таъкидлайди. Тарихчи Макризи (1442 й) эса, бу ҳолатни (Мирхонд, История Чингисхана, изд. ELOV, Paris, 1841, Стр. 102-104 (перс. текст) и бир асос сифатида баён этган. Аммо, Бартольд бу асосларни афсона деб билади. Чунки, Мирхонд ҳам, Абу ал-Асир ҳам эшитганларини маълумот тариқасида қолдиришган. Бироқ улар воқеликдан кейин, ижод қилишган бўлишсада, улар бизгача етиб келмаган маълумотлар ҳақида баён қилувчи-манбалардир. Бироқ, буни асосли воқеликни исботи деб қабул қилиб бўлмасада, ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади. Халифа Носир

- суънний мусулмонлар бошлиғи сифатида эътироф этилсада, у Хоразмшоҳ билан уруш қила туриб, Найман хони Кучлукхон “куфир” билан иттифоқ тузишдан ҳам уялмасди, ўз вақтида “Кучлук” хонни забт этган ҳудудидан мусулмонларни хўрлаб, ҳайдаган бўлса ҳам, ўз ўрнида Хоразмшоҳ ҳам ан-Носирни Халифа сифатида унинг диний давлатини тан олмасди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад, Халифадан унинг ҳукмронлик қилаётган давлатини тортиб олиш пайида бўлиб, уни ўзининг қўл остидаги тобеларидан деб билиб, “Алилар” имоми деб биларди. Аммо Ан-Носир Халифа, Мўғуллар истилоси бунчалик кенг миқёсда бўлишини тасаввур ҳам қилмаганди. Охир оқибат Бағдод ҳам забт этилиб, Халифат тугатилди.

В.В. Бартольд ҳақ эди, унинг маълум қилишича, Чингизхон иғво билан суғорилган миш-мишларга таянмаган. Аммо Халифанинг элчилари (агар улар бўлган бўлса) Чингизхонга, Хоразмшоҳ давлати ички ва ташқи ҳолати, қудрати билан боғлиқ маълумотни ҳақиқатан етказилган бўлса ва бу маълумот воқеаларни жиддий тус олишига ёрдам бергандир. Демак, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, Хоразмшоҳ урушни тарғиботчиси бўлмаган, у умуман уруш қилишдан қочган. Нима бўлганда ҳам Хоразмшоҳ ҳолатдан келиб чиқиб иш тутган. Демак, урушни тарғибот-ташвиқотчиси – Чингизхон, деган хулоса пайдо бўлади. У воқеликга шундай ёндошадики, ҳамма айбни Хоразмшоҳга ағдариб, мусулмон аҳолига ўзини Ислом динига душман эмаслигини кўрсатмокчи бўлади.

Ғарбий Европа тарихчилари (С. D`Ohsson, Histoire des Mongols, t. I, стр. 212 и сл; А.Мюллер, История Ислама, т. III, стр. 223-226.) нинг таъкидлашича, улар Хоразмшоҳни – қўрқоқликда, иродаси сустигида ва жанг санъатидан ўқувсизлигида айблашади. В.В. Бартольднинг фикрича, бу қарашлар Хоразмшоҳга нисбатан асоссиздир. (В.В. Бартольд, Туркестан..., стр. 474.) Энди тарихга назар ташлаб бироз ўзимиздан тахминларни қўшсақ, охириги 15 йилда Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзининг бошқарувида иродали, мақсадга интилувчан ва энергияси жўшган ҳукмдор сифатида ўша даврнинг сиёсий оламига кириб келган шахсдир. Шунини айтиш жоизки, у ичидан парчаланаётган, заифлашиб бораётган ҳукмрон давлатни бошқараётган эди. Айниқса, ўздан кучлироқ давлат билан тўқнаш келишни ҳеч хоҳламасди. А. Мюллернинг фаразларича, Мўғуллар билан Хоразм давлати ўртасидаги уруш-муқаррар эди. Айниқса, бу уруш Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ўлиmidан кейин бўлиб ўтганида (Хоразмшоҳнинг охириги ҳукмдори Жалолиддин, Ғарбий Эрон ва Закавказьеда 1231 й. ча турган) у умуман бошқача кўриниш (А.Мюллер, История ислама. т. I. стр. 223.) олган бўларди. Лекин, Хоразмшоҳларнинг алмашиши кечаётган тарихий жараёнларга ўз таъсирини ўткази олмасди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. В.В.Бартольд. Образование империя Чингис-хана, - ЗВОРАО, Т. X, вып. I - IV, 1897, стр. 105 - 119. В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч. II, СПб., 1900. В.В.Бартольд. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927, стр. 85.
2. Б.Я.Владимирцев, Чингис-хан, Берлин - Пг. - М., 1922. Б.Я.Владимирцев. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм, Л., 1934, стр. 7-8.
3. Н.Я.Бичурин. История первых четырех ханов из дома Чингисова. СПб, 1829, стр. 40.
4. Е.И.Кычанов, Э.В.Шавкунов. Дальний Восток в XIII - XVI веках. – «История Сибири» (Макет), (Новосибирск), 1965, стр. 639.
5. Н.П.Шастина. Шара Туджи. Монгольская летопись XVII АЕКА, м.-л., 1957, стр. 57-58 (текст) и стр. 10-142 (перевод).
6. Д.И.Тихонов. Хозяйство и общественный строй Уйгурского государства. X-XIV вв., М-Л, 1966, стр. 58.
7. Л.М.Епифанова. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России. - Т.: Фан. 1965.
8. Д.Раззоқов Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари. (XIX асрнинг 60 - 90 йиллари): Тарих фанлари номзоди дис...автореф.-Т., 1994;

9. Х.Бекмуратов Туркистон ва Рум муносабатлари тарихидан. Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни // Республика илмий-назарий конференцияси маърузалари.-Т.:Фан. 1996.6 70-76; ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий алоқалари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1999. №1-2. Б. 56-59.

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА РИВОЖЛАНИШИДА ТОШГУЗАР-БОЙСУН-ҚУМКЎРҒОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ

Худойбердиев Ўткир Тошмурадович,  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши ва унинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни манбаларга асосланган ҳолда таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Буюк ипак йўли, стратегик, геосиёсий, Тошгузар, Бойсун, Қумқўрғон, акциядорлик, транзит.

**Аннотация:** В статье на основе источников анализируется строительство железной дороги Ташгузар-Бойсун-Кумкурган и ее роль в экономике Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** Великий шелковый путь, стратегический, геополитический, Ташгузар, Байсун, Кумкурган, доленое участие, транзит.

**Abstract:** The article analyzes the construction of the Tashguzar-Boysun-Kumkurgan railway and its role in the economy of the Republic of Uzbekistan based on sources.

**Key words:** Great Silk Road, strategic, geopolitical, Tashguzar, Boysun, Kumkurgan, shareholding, transit.

Тарихдан яхши маълумки, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимизнинг Марказий Осиёда табиий-географик, ҳарбий-стратегик, геосиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўрни бениҳоя муҳимдир. Яхши биламизки, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл тармоғи мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тектурасининг асосий бўғинига айланиб, энг арзон кўп юк ташиш имконини берадиган ва йил давомида бир меъёрда ишлаш имкониятини ҳам яратади. Мазкур транспорт тармоғининг воҳамизда қурилишининг ўзига хос тарихи бор. Бугунги кунда, ушбу темир йўл мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг локомотивига айланди. Бошқача айтганда, савдо, транзит, чегаралардан ўтиш борасида рақамли иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда тараққиёт стратегиясини қабул қилишда, шубҳасиз, ривожланишимизга хизмат қилади. Шунингдек, транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришда ҳам янги имкониятларни очиб беради.

1990 йилларнинг бошларида мамлакатимиз жанубини ягона темир йўл тармоғига улаш долзарб вазифага айланди. 1992-1998 йилларда турли илмий-техникавий ишлар олиб борилди. Темир йўл ўтадиган йўналишлар белгилаб олинди. Темир йўл қурилиши уч босқичда ўтказилди. Дастлаб, 1998 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси ўз ҳисобидан “Тошгузар-Деҳқонобод” йўналишини, 1999 йилда эса “Бойсун-Қумқўрғон” линиясида йўл қурилишини бошлади[1].

Темир йўлнинг учинчи босқичи энг қийин участкаларига тўғри келгани учун Япония ҳукуматининг имтиёзли кредитларидан фойдаланилди. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун 2001 йил 16 июлда Япония томонидан грант ажратилди. Лойиҳа ишлари якунлангач, 2003 йил 2 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги 43-сонли қарори чиқди. Қарорга кўра, “Тошгузар-Деҳқонобод” ва “Бойсун-Қумқўрғон” участкалари бўйича 2003-2005 йилларда давлат бюджети маблағлари (20%) ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясининг ўз маблағлари (80%) ҳисобига “Деҳқонобод-

Бойсун” участкаси бўйича 2004-2007 йилларда жалб этиладиган Япониянинг узоқ муддатли инвестициялари ҳисобига босқичма-босқич қурилиши белгиланди.

2004 йилнинг октябрь ойига келиб “Тошгузар-Дехқонобод” ва “Бойсун-Қумқўрғон” участкаларидаги қурилиш ишлари ўз ниҳоясига етди. Иш билан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов Тошгузарга келди. Бу ерда поездда ўтириб Дехқонободгача бўлган ҳудудда қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Қурилишнинг кейинги босқичини амалга ошириш учун 2004 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янгитемир йўл линияси қурилиши лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 559-сонли Қарори чиқди. Ушбу қарор қурилишининг энг оғир участкаси бўлган Бойсун-Дехқонобод йўналишини қуришга қаратилган бўлиб, унда Япония ҳукумати томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларини жалб этиш кўзда тутилди.

Бу темир йўл 33 ойда, яъни муддатидан икки йил олдин қуриб битказилиб, 2007 йил августида фойдаланишга топширилди. Қурилиш давомида 5 та вокзал, 7 та темир йўл станцияси, 8 та разъезд, 37 та кўприк барпо этилди. Бу кўприкларнинг 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилди. Темир йўл тармоғининг 81 километрида Марказий Осиёда битта бўлган узунлиги 234,2 метрли улкан кўприк қурилди. Баланд тоғ устидаги қоятошлар табиий ҳодисалар туфайли тушиб, поезд вагонларига зарар етказмаслиги учун битта усти ёпиқ галерея қурилди[2].

Дарҳақиқат, темир йўл қурилиши Ўзбекистон тарихидаги оламшумул тарихий воқеа эди. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2007 йил 22 августидаги ПФ-3911-сонли Фармонида кўра, “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўли қурилишида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ишчи-хизматчилар мукофотланди. Ушбу темир йўл линиясининг очилиш маросими 2007 йил 24 август куни Дарбанд станциясида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳам иштирок этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясидан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида” ги 2007 йил 26 октябрдаги ПҚ-717-сонли Қарорига кўра, қайд этиб ўтилсинки, 2007 йилнинг 1 сентябрига келиб «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси биринчи босқичининг қурилиши якунланди, натижада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаб турувчи ягона ва яхлит темир йўл коммуникациялари тизими шаклланди. Мазкур ҳудуднинг бой минерал-хом ашё ресурслари конларини самарали ва комплекс равишда ўзлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор ҳамда жадал иқтисодий ўсиш ва инсонлар фаровонлигини ошириш, экспорт салоҳиятини ўстириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларига, энг аввало Трансафғон темир йўл коридори орқали, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистоннинг транзит ҳаракатидаги ролини ошириш билан тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш имконияти пайдо бўлди.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линиясидан самарали, ишончли ва бехатар фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

2007 йилнинг 15 сентябридан бошлаб «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ишчи комиссияларининг далолатномаларига мувофиқ «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси орқали юк ташиш поездларининг тўхтовсиз ҳаракати очилган;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси томонидан юкларни темир йўл орқали ташиш тарифлари келишиб олинган;

«Россия темир йўллари» ОАЖ лойиҳалар ва сметаларни экспертиза қилиш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасидаги «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишининг айрим масалалари бўйича эксперт хулосаси олинган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси объектларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор чора-тадбирлар белгиланган.

2. Поездлар ҳаракатини вагонларга техник ишлов бериш ва тайёрлашни, локомотив бригадалари ишини, йўлларга ва йўл хўжалигига хизмат кўрсатишни, сигнализация ва энергия таъминоти тизимини ташкиллаштиришнинг аниқ тартибини назарда тутувчи «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси орқали юк ташиш поездларининг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этишнинг муваққат тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги 559-сонли қарори билан тасдиқлаган тармоқ жадвалига мувофиқ «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси объектлари қурилишини компаниянинг ўз шахсий маблағлари ва Япония халқаро ҳамкорлик банкининг кредит маблағлари ҳисобидан таъминласин;

мураккаб тоғ шароитларида темир йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш масалаларида тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий лойиҳалаштириш ташкилотини жалб этган ҳолда қабул қилинган техник ечимларнинг ишончлилигини ва объектлардан фойдаланиш хавфсизлигини аниқлаш бўйича лойиҳанинг мустақил экспертизасини ўтказсин.

4. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси қурилишининг боришини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Республика комиссияси раиси (Мирзиёев) ҳамда қурилатган темир йўл линиясида лойиҳа ечимлари ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия раиси (Йўлдошев):

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилиши масалалари бўйича қабул қилинган ечимларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин;

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси объектлари қурилиши ҳамда қурилиш ва фойдаланиш қоидалари ва стандартлари талабларига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

5. Худуднинг мураккаб табиий шароитлари ва ишлар доимо ҳаракатда бажарилишини эътиборга олиб, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси тўлиқ қуриб битказилгунга қадар, мазкур темир йўл линиясидан фойдаланишда бевосита банд бўлган барча тоифадаги ходимлар иш ҳақига Қашқадарё вилояти бўйича 1,4 ва Сурхондарё вилояти бўйича 1,3 миқдорида коэффициент белгилансин.

6. Объектнинг тўлиқ қурилиб битказилиши ва белгиланган тартибда Давлат комиссиясига топширилишига қадар, бўшайдиган маблағларни ташкилий даврда темир йўл янги участкаларини обод қилишга мақсадли йўналтирган ҳолда, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси орқали юкларни ташишдан оладиган даромади бўйича фойда солиғидан ҳамда Республика йўл фондига ажратмалар тўлашдан истисно тариқасида озод қилинсин.

7. Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда янги темир йўл линияси бўйлаб ишончли хавфсизлик ҳудудини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин [3].

“Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясидан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида” ги 2007 йил 26 октябрдаги ПҚ-717-сонли Қарорига асосан, янги очилган темир йўл икки йил давомида фақат ички юкларни ташиш учун хизмат қилди. Шу давр мобайнида, унинг имкониятлари ва хавфсизлик даражаси ўрганилди. Ниҳоят, 2009 йил 22 августидан эътиборан Тошкент-Термиз йўналишида илк поезд қатнай бошлади. Унгача, Сурхондарё вилояти аҳолиси бошқа вилоятларга фақат автобусларда ва енгил автомашиналар билан қатнар эдилар.

Сурхондарё вилоятининг мамлакат ягона темир йўл тизимида боғланиши бу ердаги табиий бойликларни ўзлаштириш имконини берди. Вилоят иқтисодиётини янада

ривожлантириш ҳудудга чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун аввало транспорт харажатларини камайтириш лозим эди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 февралдаги ПҚ-1712-сонли қарорига мувофиқ Термиз-Қарши темир йўлини электрлаштириш бошланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 327,6 млн АҚШ доллар бўлиб, иш жараёнида 6 та Тошгузар, Деҳқонобод, Оқробот, Бойсун, Қумқўрғон №165-разъезд таянч нимстанциялари қурилди. Таянч нимстанциялар мураккаб об-ҳаво шароитларида барпо этилди. Шунингдек, ушбу участка замонавий сигнализация ва алоқа тизими билан таъминланди. Бундан ташқари, қурилиш ва контакт симларига хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Термиз локомотив депоси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, чет элдан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланди[4].

Ниҳоят, 5 йил давом этган қурилиш ишлари якунланиб, 2018 йилнинг 9 январидида электрлаштирилган Қарши-Термиз темир йўл участкасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Умумий узунлиги 325 километрдан иборат, ушбу линияда эндиликда дизель ёнилғиси билан ишловчи тепловозлар ўрнига замонавий электровозлар ҳаракатланади.

Бу эса йўловчи ва юкларни ташишда транспорт харажатларининг учдан бирга қисқартириш билан бир қаторда, ташиш имкониятларини бир неча мартаба оширади. Чунончи, олдин бир локомотив билан ўртача 25 та вагон ташилган бўлса, замонавий электровозда бу кўрсаткич ўртача 45 та вагонни ташкил этади. Ёки эски турдаги битта локомотивда 2200 тоннага қадар юк тортилган бўлса, замонавий электровоз билан 3700 тонна юк ташилади. 2018 йил 20 мартдан бошлаб эса Ўзбекистон темир йўллари “Тошкент-Термиз” йўналишида йўловчи ташийдиган электропоезд қатновини йўлга қўйди[5].

Мамлакатимизнинг тараққиётида транспорт тизими га берилган эътибор, айниқса, ушбу соҳада илмий-техника ютуқларини кенг қўлланилиши, ишчи-ҳодимлар малакасини доимий равишда ошириб туриш заруриятига эҳтиёжни ошириб борган. Бунинг сабаби, юқори малакали тоифага эга бўлган ишчилар янги техниканинг ички тузилиши ва ишлаш жараёнини пухта ўзлаштириши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини яратишган. Сурхондарё вилоятида кадрларнинг малакасини оширилиши транспорт ташкилотларига биргина 1995 йилда 21.727 млн. сўмлик фойда келтирган. Кейинги йилда бу рақам яна икки бароварга ошган[6].

Шуниси эътиборга моликки, 1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларининг ташкил этилиши билан Сурхондарё вилоятида транспорт соҳаси учун ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрловчи ўқув юртлари очила бошланган. Айниқса, ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларининг очилиши ниҳоятда муҳим ҳисобланган. Ушбу коллежлар вилоятда транспорт тизими учун керак бўлган мутахассисларни тайёрлаган. Масалан, 1998-2012 йилларда вилоят бўйича жами 9 та ихтисослашган ўқув юртлари ташкил этилган. Булар:

1. Ангор қишлоқ хўжалик ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
2. Бойсун қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
3. Бойсун транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи;
4. Жарқўрғон Какайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи;
5. Термиз транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежи;
6. Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
7. Қумқўрғон қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
8. Олтинсой транспорт касб-ҳунар коллежи;
9. Шеробод транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи[7].

Мазкур коллежларда автомобиль ва темир йўл транспорти бўйича иккита йўналиш очилиб, талабаларга чуқур билим берилган. Талабаларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташлари учун барча шароитлар яратилган. 2011-2015 йиллар ичида ушбу ўқув юртининг 624 нафар битирувчиси бевосита транспорт соҳасига тўғри келган[8].

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ҳам транспорт соҳаси

мутахассисларини тайёрлаш бўйича катта ютуқларга эришилган. Буни биргина, 2001-2009 йилларда Бойсун туманидаги транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ҳамда тумандаги бошқа коллежларни битирган ёшларнинг 320 нафари туман темир йўл қурилиш бўлимига ишга жойлашдилар. Биргина Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши Бойсуннинг транспорт йўлаги сифатидаги маъқеини кескин оширди. Айниқса, Бойсун туманининг Дарбанд қишлоғи ҳудудида мактаб биносининг қурилиши, янги вокзал ва станцияларнинг барпо этилиши натижасида 400 га яқин коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш имконини яратди[9].

Хулоса қиладиган бўлса, мустақиллик йилларида транспорт ходимларининг турмуш даражаси анча кўтарилди. Транспорт тизими учун керакли бўлган кадрлар тайёрлаш тизимли асосда йўлга қўйилди. Тизимда малакали, билимли, замонавий фикрлайдиган мутахассислар сони кўпайди. Йўловчилар транспорт соҳасида ўзлари учун мақбул вариантни танлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса одамларнинг муаммосини тезда ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди. Сурхондарё вилояти транспорт тизимида замонавий транспорт воситалари пайдо бўлди. Аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш сифати яхшиланди. Темир йўл тармоғида битта турдаги локомотив ўрнига, замонавий электровоз билан юк ташиладиган бўлди. 2018 йил 20 мартдан бошлаб эса Ўзбекистон темир йўллари “Тошкент-Термиз” йўналишида йўловчи ташийдиган электропоезд қатновини йўлга қўйди.

Мамлакатимизда транспорт соҳасида, айниқса темир йўл тармоғининг ривожланиб бориши, Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл тармоғи вилоятда юк ташишни бир неча баробарга арзонлаштирган бўлса, шу билан бирга маҳаллий аҳоли орасидан иш ўринларини яратишга имконият яратиб берди. Бу эса темир йўл тармоғи ўтган ҳудудларда савдо-сотик, маиший хизмат ва бошқа янги сервис хизматларини ҳам юзага келтирди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви, 1999 йил декабрь, 12-баённома, 15-варақ.
2. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви, 2007 йил сентябрь, 1-баённома, 8-9-варақлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясидан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-717-сонли Қарори. “Халқ сўзи”. Т., 2007 йил 26 октябр.
4. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви, 2018 йил январь, 4-баённома, 18-19-варақлар.
5. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви, 2018 йил январь 4-баённома, 20-варақ.
6. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 70-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 6-варақ.
7. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг жорий архиви, 2012 йил. 2-ҳужжат, 1-баённома, 14-16-варақлар.
8. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг жорий архиви, 2015 йил. 6-ҳужжат, 2-баённома, 32-варақ.
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 83-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 10-сон, 115-модда.

# ЭТНОГРАФИЯ

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АНЪАНАВИЙ ГИЛАМДЎЗЛИГИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Очил Бўриев,  
Қарши давлат университети профессори,  
тарих фанлари номзоди.  
Фотима Тўхтамишева,  
Қарши давлат университети ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси анъанавий гиламдўзлигидаги трансформация жараёнлари этнография маълумотлари асосида ёритилган.

Калитсўзлар: Қашқадарё, воҳа, Қарши, Шахрисабз, Жейновхудудлари гиламдўзлик, трансформация жараёнлари, ўтроқ, ўзбек, тожик, туркман, араб, мустақиллик.

Аннотация: В данной статье на основе этнографических данных освещены процессы трансформации традиционного ковроткачества Кашкадарьинского оазиса.

Ключевые слова: Кашкадарья, оазис, Каршинский, Шахрисабзский, Джейновский районы ковроделия, трансформационные процессы, оседлый, земледелие, узбеки, таджики, туркмены, арабы, независимость.

Annotation: In this article, based on ethnographic data, the processes of transformation of the traditional carpet weaving of the Kashkadarya oasis are highlighted.

Key words: Kashkadarya, oasis, Karshi, Shakhrisabz, Dzheynovsky districts of carpet weaving, transformational processes, settled, agriculture, Uzbeks, Tajiks, Turkmens, Arabs, independence.

Ўзбек халқи азалий миллий қадиятларини маънавий бойлиги сифатида янада теранурганиш ва бойитиш ниҳоятда долзарбдир. Ўзбекистонда тарихий қадриятлари анча яхши сақланган этнохудудлардан бири саналган Қашқадарё воҳасида азалий халқ ҳунармандчилигининг анъанавий гиламдўзлик тури анча тараққий этган эди.

Гилам бадий тўқимачилик буюми сифатида энг асосий уй жиҳозларидан бири ҳисобланади. Гиламлардан, асосан хона ерига (полига) тушаш, деворга осиб, хонани безатиш, илиш кабилар учун фойдаланилади. Ўзбек хонадонини гиламсиз асло тасаввур қилиш қийин, албатта.

Гиламчилик – гилам тўқиш касби, бадий хунармандчиликнинг етакчи соҳаларидан бири саналиб, аждодларимиз жуда қадимдан шуғулланиб келишган. Хоразмдаги археологик қазишмалар вақтида милоддан аввалги 11 минг йилликка оид гиламлар топилган (Бу ҳақда қаранг: ЎЗМЭ, 3-ж; - Т., 2002. Б. 9-12)

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилганидек: “гилам-форсча туксиз гилам, палос. Одатда жун, ипакдан тўқилиб, ерга полга тўшаладиган ёки безак учун хона деворига осиб қўйиладиган уй жиҳози, бадий тўқимачилик гилами” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1-ж; -Т., 2006. Б.501). Шунингдек, халқимиз шеvasида гилам-боф, гиламдўз, гиламчи, гилам тўқувчи, гилама, гиламдўзлик, гиламчилик, гилам тўқиш, гилам қуйиш, гилам кесиш каби терминлар қулланилади.

Ўзбекларда гилам билан боғлиқ турфа удумлар мавжуд. Масалан, қўни-қўшничилик таомили ҳамда гап пайтида “гилам сотсанг қўшнингга сот, бир учида ўзинг ўтирасан” деб айтилади. Шунингдек гилам доимо эзгулик тимсоли бўлиб, “Учар гиламлар” ҳақида эртак ва ривоятлар сақланган.

Тарихга назар ташласак, қадимги Оссурия, Бобил, Мидияда кейинроқ эса Эрон, Ҳиндистон ва Туркиядаги тўқилган гиламларнинг донғи кетган эди. VII асрда қўлёмалари гилам тўқиш санъати ўша даврларда Ўрта Осиёда ҳам ривожланганлигидан далолат беради. V-VII асрларда Ўрта Осиёдаги йирик шаҳар-

лардан Хитойга турли хил гиламлар сотилган. Хусусан Нахшаб (Насаф) воҳаси гиламлари Хитойда харидоргир бўлган. VII-XI асрларда Хоразм, Бухоро, Самарқанд воҳаларида тўқилган жойнамозлари хорижга чиқарилган.

Ўрта Осиёда IX-XI асрларда ҳам гиламдўзлик санъати ниҳоятда тараққий этган. Мўғуллар ҳужуми даврида эса бу санъат тури инқирозга юз тутган. Кейинчалик Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида бу соҳа яна ривожланган. Хориждан келтирилган ҳунармандлар маҳаллий устахоналарда ишлашган. XVIII-XIX аср бошларида Бухоро воҳаси ва Фарғона водийсида гиламдўзлик санъати тараққий этган. Бу ҳудудларда гиламдўзлик ўзининг бежирим нақшлари юқори сифатли тўқилиши ва техникаси билан алоҳида ўринга эга бўлган.

XX аср бошларида Кўқон, Самарқанд, Андижон, Бухоро шаҳарлари гиламдўзлик маркази ҳисобланган. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Ургут, Нурота, Андижон, Қарши, Шаҳрисабз гиламлари ўзига хослиги билан ажралиб турган (Бу ҳақда қаранг: С.Булатов. Гилам тўқиш санъати - Ўзбек халқи амалий безак санъати -Т., 1991. Б.334)

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида тўқилган гиламлар ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида ҳамда Фарғона водийсида гиламдўзлик анча тараққий этиб, ўзига хос этнолокал хусусиятларига ҳам эгадир. Ўзбек халқи анъанавий гиламдўзлиги ҳақидаги баъзи маълумотлар М.Ф.Гаврилов, В.Г.Мошкова, К.Шониёзов, С.Булатов, А.С.Уралов, А.Ҳақимов, О.Бўриев, С.Давлатова, Э.Гюль, С.Абдуқодиров каби муаллифлар асарларида учрасада, лекин ҳанузгача илмий тарзда тўлақонли ўрганилмаган (Гаврилов М.В. Ткацкое искусство узбекской женщины- Народное хозяйство Средней Азии -Т., 1927. № 1-2; Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии в конце XIX-начала XX в -Т., 1970. Шаниязов К. Узбеки-карлуки -Т., 1964; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа -Т., 1974; С.Булатов. Гилам тўқиш санъати - Ўзбек халқи амалий безак санъати -Т., 1991. Б.334-338; А.С.Уралов. Гиламчилик –мўъжиза яратиш санъати -Т., 1996. Б. 106-111; А.Ҳақимов. Қашқадарё вилоятининг ҳунармандчилиги - “Мозийдан садо”, 2008 йил 4-сон, Б.2-7; О.Бўриев. Қашқадарё воҳаси гиламдўзлиги: анъанавийлик ва замонавийлик - ҚарДУ хабарлари, 2011 йил 1-сон, Б. 54-56; С.Давлатова. Жанубий Ўзбекистон ҳудуди гиламдўзлиги анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари - Ўзбекистонда археология ва этнология фанларининг тараққиёти ва исикболлари -Т., 2012. Б.136-142; Э.Гюль. Қўнғирот гиламлари - “Мозийдан садо”, 2004 йил 1-сон, Б.11; С.Абдуқодиров. Жиззах воҳаси гиламдўзлиги анъаналари ва трансформациялар (тарихий-этнологик тадқиқот) Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс...-Термиз, 2022)

Ўрта асрларда Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари аҳолиси савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ишлари билан кенг куламда шуғулланишган.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий минтақалари сингари Қашқадарё воҳасида анъанавий гиламдўзлиги қадимдан ривожланиб келганлиги сабабли ҳудудда соҳа бўйича анъаналарни сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни ажоддан -авлодга етказиш, соҳани кенг тарғиб қилиш ва янада кенгайтириш мақсадида илмий тадқиқот қилиш ниҳоятда долзарбдир.

Қашқадарё воҳаси аҳолиси (ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва араблар) инсоният маданий тараққиётининг энг муҳим соҳаси саналган ҳунармандчилик билан ҳам донг таратган. Воҳадаги Буюк ипак йўли тармоқлари орқали хорижий мамлакатлар маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилишнинг кенг имкониятлари вужудга келган. Айниқса, ўрта асрларда Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари аҳолиси савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ишлари билан кенг кўламда шуғулланишган.

Бухоро хонлиги даврида Қашқадарё воҳасида, асосан пахта, ипак, қорақўл, шойи-адрасдан тикилган хотин-қизлар кийим-кечаклари, шунингдек, наққошлик, кулолчилик буюмлари, намат (кигиз) хорижга сотилган. Аҳолиси утроқ ва ярим утроқ яшаган воҳанинг Чироқчи, Яккабоғ, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз, Қамаш, Косон, Касби ва бошқа туманлардаги моҳир гиламдўз аёллар ўз санъатлари билан донг таратишган.

Гиламдўзлар, асосан, аёллардан иборат бўлиб, уларга хизмат ҳақи тўланмаган,

кўпинча, гиламни қизлар ҳашар йўли билан ҳам тўқишган. Воҳанинг Муборақ, Миришкор, Касби, Косон, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаша каби туманларида гиламдўзлик кенг ёйилган. Воҳада бўлган хорижий савдогарлар араби, шол, қоқма, ғажари номлари билан машҳур бўлган гиламларни сотиб олишган. Воҳа бозорларида гиламдўзлик маҳсулотлари учун алоҳида тимлар ажратилган (О.Бўриев. Кўрсатилган асар. Б.54). Бундан 10 йиллар муқаддам Миришкор туманида Жейнов қишлоғида Жанубий Кореялик этнографлар араби гиламларга жуда қизиқишган, сувенир сифатида туя жунидан тўқилган жойнамоzni сотиб олишган эди.

Воҳада гиламдўзлик асрлар оша ривож топиб, ўз анъаналарига эга бўлган. Чорвадор ўзбек, туркман ва араб аёллари, асосан гиламдўзлик билан шуғулланишган. Гиламдўзлик турларига бозори гилам, қиз гилам, олача гилам, жулхирс, жойнамоz, ўтов учун тасмалар (белпи, тезик, тармоқ), дастурхон, хуржун (тароқи хуржун), бўғжома напрамач (мапрач), нон қоп, ойна халта, туз халта, қошиқ халта, айрон тўрва, чакмон, эркаклар асосан чавандозлар шими (чолвор), от жули, айил кабилар киради (М.Ҳамидова. Кўрсатилган асар. Б.13)

Қашқадарё воҳасидаги ўзбек, тожик, араб ва туркманлар асрлар оша биргаликда баҳамжиҳат яшаб келишади. Мазкур вилоят учун маданий ландшафтнинг ўзига хослиги этнослараро алоқаларда акс этган бўлиб, бу ҳунармандчилик, хусусан гиламдўзлик локал хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Масалан, Шаҳрисабз ҳудудида жун ипдан тукилган гиламларга эҳтиёж катта бўлган. Гилам тўқиш Шаҳрисабзнинг кўпгина қишлоқларда кенг ривожланган соҳалардан бири бўлган (Шаҳрисабз: минг йиллар – мероси -Т., 2002. Б. 56, 100)

Ўрта Осиё хусусан Қашқадарё воҳасида сўнгги ўрта асрлар ҳунармандчилигида кенг тарқалган соҳалардан бири қулигул чевар аёлларнинг машаққатли меҳнати маҳсули гиламдўзлик соҳаси санъат сифатида жуда қадрланган. Ва бу соҳа билан, асосан аёллар шуғулланишган.

Гиламдўзликни эгаллаш учун қиз гилам тўқишни ёшлик пайтларидан бошлаб ўрганиб, камида 15 ёшида ҳақиқий чеварга айланган. 7-9 ёшли қизалоқлар чархда ип йиғириш малакасини эгаллаб, 12-14 ёшида уста аёлга шогирд тушишган. 20-25 ёшида тўқишни ўзлаштириб олишган ва 30-35 ёшида эса тажрибали гиламдўз ҳунармандга айланишган. Асосий хом ашёси қўй, эчки ва туя жунидан ҳисобланган гиламдўзлик воҳадаги ўзбек, туркман ва арабларда кенг тарқалган.

Воҳада бўлган хорижий савдогарлар «араби», «шол», «қоқма», «ғажари», номлари билан машҳур бўлган гиламларни сотиб олишган. Шу боисдан ҳам бугунги кунда АҚШ, Англия, Франция, Япония, Туркия, Россия давлатларида, Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе шаҳарлари музейларида тўқилган нафис безакли гиламлар сақланмоқда.

Воҳада гиламдўзлик асрлар оша ривож топиб, ўз анъаналарига эга бўлган. Қарши воҳасидаги чорвадор ўзбеклар, туркманлар ва араблар аёллари, асосан, гиламдўзлик билан шуғулланишган.

Бу гиламдўзлик турларига бозори гилам, қиз гилам, олача гилам, жулхирс, жойнамоz, утов учун тасмалар (белтош, тезик, тармоқ, айил), дастурхон, хуржун, (тароқи хуржун), бўғжома, напрамач (мапрач), нон қоп, ойна халта, туз халта, қошиқ халта, айрон турва, чакмон, эркаклар (асосан чавандозлар) шими (чолвор), жул, айил кабилар киради.

Академик К.Шониёзов қўйи Қашқадарёдаги Қарлуқ, Қамаша ва Жейнов қишлоқлари араби, патли холли, қоқма гиламлари билан машҳурлигини қайд этган (Шаниязов К. Узбеки- карлуки -Т., 1964 с.81; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа -Т., 1974.с. 210, 240)

Қашқадарё воҳасида қўлда тўқилган гиламлар чидамлиги ва нафислиги билан алоҳида ажралиб турган. Бу гиламлар нафақат воҳада хонликда қолаверса қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. Воҳа бозорлари гиламчилик учун алоҳида бозор (гилам бозор) ёки тимлар мавжуд бўлган (М.Ҳамидова. Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX-XX аср бошлари- Т., 2009. Б.62-63)

Ҳозирги даврда қўйи Қашқадарёнинг йирик қишлоқларида (Кожар, Патрон, Денов, Фазли, Камаша, Мўғлон, Миришкор, Жейнов, Чандир, Помуқ, Хужаҳайрон,

Оброн, Пўлати) гиламдўзликда ўзига хос анъаналар асрлар оша ўз локал хусусиятини анъанагина сақлаб келмоқда.

Дала этнографик кузатувларимизга кўра, қуйи Қашқадарёдаги Қарлуқ, Қамаш ва Жейнов қишлоқлари аҳолиси араби, патли, қоқма гиламлари билан машҳур бўлган. Бу гиламлар нафақат воҳада, қолаверса, кўшни ҳудуд ва мамлакатларда ҳам тараққий этган.

Айниқса Жейнов қишлоғидаги араби гиламларнинг донғи дунёга кетган. Ушбу қишлоқда булажак келинлар томонидан тўқиладиган жиҳизи- «қиз гилам» энг бежиримлиги ва нафислиги билан ажралиб туради. Ўта дид билан ва санъаткорона тўқилган бу гилам келинлар сепидан асосий ўринни эгаллаган. Ушбу гилам эса келинчак хонадонининг энг эъзозли ва табаррук мероси ҳисобланиб, авлодларга мерос бўлиб ўтган. Бу гиламни сотиш ёки совға қилиш умуман мумкин бўлмаган. Қамаш ва Жейнов қишлоқларидаги хонадонларда ҳозир ҳам уч-тўрт аждодлардан мерос бўлиб келаётган «қиз гилам» ларни кўплаб учратиш мумкин. Ахборотчи Жейновлик маҳалла фаоли М. Миргулованинг маълумотича, Жейнов қишлоғида қуйидаги турдаги гиламлар тўқилган: яғлови, жеҳизи, хишли, харам, тойир бойи, партавуз, бозори. Туя жуни муқаддас саналиб, 2,4 меҳробли жойнамозлар тўқилган. Келин бўлажак қайнота ва қайнонасига жойнамоз тўқиб берган (Дала ёзувлари, 2020 йил июнь)

Қашқадарё воҳасининг Қарши чўлида яшовчи чорвадор араблар ва туркманлар Қамаш, Жейнов, Чандир қишлоқларида яшашиб, ҳозирга қадар ҳам бу асрий анъаналарини ҳам давом эттириб келмоқдалар. Улар тўқиган гиламдўзлик буюмларига бозор гилам, қиз гилам ва жулхирс гилам, араби гилам, қоқма гилам, жун гилам, патсиз палослар, турли буюмлар солиб қўйиладиган гиламдан қоплар, халта тўрвалар, хуржун ва бошқаларни киритиш мумкин (С.Давлатова. Кўрсатилган асар. Б.136-142.)

Қашқадарёда шол гилам, патли гилам, жулхирс, араби гилам, ғажари гилам, хуржун тўқиш кабилар кенг расм бўлган. Гиламдўзликнинг энг йирик марказларидан бири бу воҳанинг Жейнов қишлоғи бўлиб, бу ҳудудда ўрта асрларда кўчириб келинган араблар яшашади. Ҳозирги даврда улар маҳаллий аҳолига тобора сингишиб кетмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан улар ўзларини анъаналарини сақлаб қолишган. Қариялари эса араб тилида бемалол сўзлаша оладилар. Бу ерда, асосан, қадимий ҳисобланган жиҳизи - гиламлар тўқилади ва сақланади. Қишлоқда тўқиладиган (жиҳоз гилами)ни «қиз гилам» деб аташади. Чорвачилик узоқ йиллар давомида воҳа аҳолиси, ҳусусан ўзбеклар, туркманлар, араблар ва қорақалпоқлар учун асосий ва сердаромад бўлган. Воҳанинг Қамаш, Хужаки, Жейнов қишлоқларида гилам тўқиш ривожланган бўлиб, бу ерда «араби гилам» деб юритиладиган патсиз гиламлар тўқилган. Бу гиламларда кўчманчи чорвадор халқларнинг ўзига хос маданияти акс этган. Гиламлар, асосан қўй жунидан тўқилган.

1985 йил май ойида ҳозирги Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Давлат Этнография музейи (собик Иттифоқ халқлари Давлат этнография музейи) Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари бўлими мудири рус элшуноси Б.С.Гамбург Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғидаги «қиз гилам» нинг ниҳоятда қадрли эканлиги ҳақида ниҳоятда тўлқинланиб сўзлаб берган эди (проф.О.Буриевнинг шахсий архивидан).

XIX-XX аср бошларида воҳада гиламчилик маҳсулотлари ўзининг юқори сифати ва нақшларининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб турган. XIX аср охиригача гиламлар табиий буёқлар билан буялган, сўнгра эса анилиндан (нил буёқи яъни кўк буёқ) фойдаланилган. Гилам учун, асосан қўй, шунингдек эчки, туя жуни баъзи ҳоллардагина зиғир, пахта ва ипак толалари ишлатилган.

Воҳа гиламчилигида дашт аҳолининг удумлари давом эттирилиб, геометрик нақшлар, қисман анъанавий ислимий безаклар қўлланган.

Воҳанинг Касби туманидаги Қатағон қишлоғида, асосан баҳор ва ёз фаслларида гилам тўқилган. Гилам тўқиш яхши, омадли ва ҳосиятли кунлар-чоршанба, пайшанба кунлари бошланиб, бу «гилам қўйиш» дейилади. Гилам тўқиш ҳашарига қўни-қўшни ва яқин қариндош аёллар таом тайёрланиб, дастурхони билан келишган

(“дастурхон узатиш”) ва кўмаклашишган (“қўл солишиш”). Орадан 10-15 кун ўтгач, гилам тўқиш тугагач (яна хосиятли кунда) кайвони аёллардан бири охири қисмини кесиб берганки, бу «гилам кесиш» деб номланади.

Ҳозирги даврда ҳам қадри тушмай келаётган гилам тўқиш турли усул ва хилма-хил андозаларда тўқилиб, улардан энг машҳури «араби гилам» ҳисобланади. Бу гиламни Ўрта Осиёда тарқалиши араблар истилосидан бошланганлиги сабабли ҳам шу ном билан аталади.

Шунингдек, ўзбек ва араби гиламларининг ўзаро фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Араби гиламларда жонзодлар рамзини ифодаловчи зооморф белгилар безак сифатида ишлатилмайди. Лекин кўчманчи туркий халқлар маданиятида эса аксинча жонзотларни тасвирлаш анъанаси қадимдан мавжуд бўлган.

Гилам тўқиш учун қўйнинг баҳорги қирқим жуни («тирик жун») дан 14-16 кг ип йигирилиб, камалак рангида (7 хил рангда) бўялади. Бу ранглар турли хил жило бериш, товланувчанлиги ва кишини ўзига мафтун этувчи нақшлар билан алоҳида ажралиб туради. Кузги жун, «ўлик жун» дейилиб, сифати баҳор чиқишида паст бўлади). Воҳанинг хўжалик фаолияти чорвачиликка ихтисослашган қўнғирот, қатағон, сарой, кипчоқ, уз, араб, туркман каби этник жамоалари қўй, эчки, туя жунидан чакмон (“бахати”, “босма”, “қоқма”, “тивити”, “силкима” рангига қараб эса “кўк чакмон”, “малла чакмон”, “оқ чакмон”) ва кебанак, палос, хуржун, турва, халта каби буюмлар тайёрлаганлар.

Гиламучун жунни саралаш, ювиш, титиш, йигириш яъни уни ипшаклига келтириш (калава қилиш) билан, асосан хотин-қизлар уй шароитида шуғулланганлар. Жун аввало, ювиб, титилган лозим бўлса буялган. Жунни титишда махсус тайёрланган оддий савачўпларда фойдаланилган.

Савачўплар дарахт ёки юлғун новдасидан тайёрланиб, ҳар савачўпнинг узунлиги 1,5-2 метр бўлган. Жун 6, 8, 10 жуфт дона савачўплар ёрдамида саваланган. Жунни титаётган аёл савачўпнинг жуфт миқдорини ҳар икки қўлига олиб турган ҳолда жунни гоҳ ўнгга, гоҳ чап қули билан савалагач дағал жун анча майинлашган. Шунингдек жун қўлда ҳам титилиб, майин ҳолатга келтирилган. Титилган жун йигирилиб, калава тайёрланган. Жун урчуқ (қуйи Қашқадарё воҳаси қарлуқларида атанок) ёрдамида йигирилган. Эркаклар кўпинча чиллик билан ипни йигирганлар.

Гилам тўқиш мосламаси «араби гилам дўкони» деб аталган. Ўрик (зардоли) ёки тут ёғочдан тўртта тахтадан тўрт бурчак шаклида мослама ясалади. Тўқишда махсус тароқдан фойдаланилган.

Гиламни тўқишда тўқув дастгоҳи деворга осиб қўйилади ёки ерда ҳам тўқилади. Гиламга нусха туширишнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари эса арча «нақши» деб аталса, кўпчилиги «тароқи» нусха ёки «атиргул нақши» номлари билан машҳурдир.

Воҳанинг баъзи қишлоқларида (Қатағон, Қарлуқ, Хитой ва х.к) жулхирс тўқиш ҳам расм бўлган ва бу анъана ҳозиргача ҳам давом этиб келмоқда. Шунингдек воҳада хуржун, жойнамоз, чолвор, пайтава турли тўрвалар ҳам тўқилган.

Воҳанинг Чироқчи туманидаги Чиял қишлоғида гиламчилик анъаналари давом эттирилиб келинмоқда. Жундан тўқилган гилам қишда иссиқ бўлади. Қирқшоҳли, араби, жулхирс холи гиламлари ранги, нақши билан ажралиб туради. Айниқса, майда шох жулхирс, туятовон жулхирс гилам турлари кенг тарқалган. Чиял қишлоғининг қайси бир хонадонига борманг инсон соғлиги учун табиий фойдали маҳсулотлардан тайёрланган гиламлар билан безатилишини кўришимиз мумкин. Қишлоқ қизларининг сепида гилам бўлмаса, сеп ҳисобланмаган. Шу боиси қизи бор хонадон яхши ният билан туя ва қўй жунидан бўғжома тўқиб сандиққа жойлаб қўяди. Бўғжомага кўрпа-ёстиқлар ҳам солишган. Қизлар сепига икки дона, йигит уйланса бир дона бўғжома берилган. Чироқчи гиламдўзлиги тажрибасини Араббанди қишлоғидаги ҳунарманд Санобар Қўлдошева тажрибасини Япониялик тадқиқотчи Соно Фумото бевосита 2-3 йил шу қишлоқда яшаб ўрганди.

Тарих саҳифалари шоҳидлигича, Россия ҳукумати томонидан гиламдўзликни ривожлантириш мақсадида махсус фармон ҳам қабул қилинган. Ушбу фармонда янги гиламдўзлик устахоналари очиш, марказлар, кўрғазмалар ташкил этиш,

гиламдўзлик устахоналарига назоратчилар тайёрлаш, сифатсиз бўёқлар, жумладан анилиндан фойдаланишни тақиқлаш каби бандлар мавжуд. Гиламдўз аёлларга ҳақ ҳам тўланган. (М.Ҳамидова Кўрсатилган асар Б.63)

XX асрда гиламдўзлик ўзига хос тараққий этди. Совет даврида артеллар тузилиб, халқ уста аёллари жалб этилди. 40-50 йилларда гиламдўзлик марказлари ташкил этилди. 60 йиллар охирида артеллар бирлаштирилиб, янги гилам корхоналари ташкил топди. Гиламдўзлик саноати ривожлана бошлади. Мустақилликдан сўнг гилам саноати корхоналарига хориж технологияси ва асбоб – ускуналари келтирилди ҳамда қўшма корхоналар фаолият юрита бошлади. Айниқса, касаначилик орқали гилам тўқишга эътибор кучаймоқда.

Воҳада ажодлари ярим ўтроқ яшаган ҳудудларда ўзбеки, араби ва туркмени гиламлар тўқиш кенг тарқалганлиги гиламдўзликда анъаналарни анча уйғунлашганлигини кузатиш мумкин. Содир бўлган этник- маданий жараёнлар натижасида воҳа аҳолиси маданияти, жумладан гиламдўзликдаги анъаналари симбиози шаклланимоқда (А.Ҳакимов Қашқадарё вилоятининг хунармандчилиги -“Мозийдан садо”, 2008 йил 4-сон, Б.2-7)

Воҳада гиламдўзлик бўйича, асосан, Қарши ва Шахрисабз мактаблари шаклланиган. Аждодлари кўнғирот, сарой, манғит, ўз каби қавмлар авлодлари гиламдўзлик анъаналари ҳозирги даврда ҳам ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради.

Демак, Қашқадарё воҳаси гиламдўзлик минтақадаги бошқа ҳудуд гиламдўзликдан буткул фарқ қилмасида, ўзига хос ишлаб чиқариши, рангларининг берилиши, тўқилиш услуби ва техникаси, ҳаттоки номланишида ҳам алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу эса ўз-ўзидан бу алоҳида гиламдўзлик мактабини ўзига хос этноҳудудий жиҳатларини намоён этади ва бу ҳудудда гиламдўзлик мактаби анъаналари ҳозиргача сақланиб қолган.

Кўриниб турибдики, саноатнинг ривожланиши анъанавий гиламдўзликка ҳам таъсир кўрсатиб, соҳа бўйича оқсоқликни ва муаммоларни кўзатиш мумкин. Лекин ҳар қандай фабрикада ёки корхонада тўқилган гилам қулда яратилган анъанавий гиламга тинглаша олмайди. Гиламдўзлик анъаналарини жамият иқтисодий ва маънавий ҳаётида ҳам ўрни мавжудки, бу турфа удум ва анъаналарнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. Шу боисдан ҳам гиламдўзлик анъаналарини қайта тиклаш давр талабидир.

Айни даврда Қашқадарё воҳасида ҳам гиламдўзлик цехлари, марказлари, кластерлари ташкил этилмоқда, воҳа бўйича мактаблар анъаналари тикланимоқда. Қашқадарё воҳасидаги гилам тўқиш ва у билан боғлиқ турфа удумлар асрлар оша сайқалланиб келмоқда. Ҳозирги замонавий хонадон уйларини гиламларсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, гиламлар билан уйларимиз гўзал, шинам ва хонадонимиз файзлидир. Ана шу шинамлик, гўзаллик асрлар давомида ажодларимиз томонидан яратилган. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда, мазкур воҳада гилам тўқиш ва у билан боғлиқ турфа удумлар асрлар оша такомиллашиб, боқийлигича қолиб келмоқда (А.С. Ўралов. Гиламчилик – мўъжиза яратиш санъати - Т., 1995. Б.111)

Хонадонимиз безаги ҳисобланган гилам учун жунни саралаш, тозалаш, йиғириш, бўйаш, тўқиш учун зарур асбоб-ускуналарни урнатиш, гилам тўқиш ва тикиш билан турфа урф-одатлар ва удумларни тарих-этнография маълумотлар асосида илмий тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир мадҳ этганидек:

Зар гиламлар тўқийсиз нур тўқиб кўзингиздан.

Ҳар қатим, ҳам бўёқда нишон бор ўзингиздан.

Кўклардек барки ял-ял, сиз шундоқ санамларсиз,

Уйлар безаксиз қолур, шу попуқ гиламларсиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ:

1. Гаврилов М.В. Ткацкое искусство узбекской женщины - Народное хозяйство Средней Азии -Т., 1927. № 1-2;
2. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии в конце XIX-начала XX в -Т., 1970.
3. Шаниязов К.Узбеки-карлуки -Т., 1964; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа -Т., 1974 с. 210, 240
4. Булатов. С. Гилам тўқиш санъати - Ўзбек халқи амалий безак санъати -Т., 1991. Б.334-338
5. Ўралов. А.С. Гиламчилик –мўъжиза яратиш санъати -Т., 1996. Б. 106-111
6. Бўриев. О. Қашқадарё воҳаси гиламдўзлиги: анъанавийлик ва замонавийлик-ҚарДУ хабарлари, 2011 йил 1-сон, Б. 54-56
7. Давлатова. С. Жанубий Ўзбекистон ҳудуди гиламдўзлиги анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари -Ўзбекистонда археология ва этнология фанларининг тараққиёти ва исқиқболлари -Т., 2012. Б.136-142
8. Гюль. Э. Кўнғирот гиламлари - “Мозийдан садо”, 2004 йил 1-сон, Б.11
9. Ҳақимов А. Қашқадарё вилоятининг хунармандчилиги -“Мозийдан садо”, 2008 йил 4-сон, Б.2-7
10. Ҳамидова. М. Қашқадарё воҳаси хунармандчилиги тарихи (XIX-XX аср бошлари) - Т., 2009. Б.62-63
11. Абдуқодиров. С. Жиззах воҳаси гиламдўзлиги анъаналари ва трансформациялар (тарихий-этнологик тадқиқот) Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс...-Термиз, 2022)
12. ЎЗМЭ, 3-ж; - Т., 2002. Б. 9-12
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1-ж; - Т., 2006. Б.501
14. Дала ёзувлари, 2020 йил июнь.
15. проф.О.Буриевнинг шахсий архивидан.

## ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В СИСТЕМЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И РЕЛИГИОЗНЫХ ТРАДИЦИЙ УЗБЕКОВ

Ақчаев Фаррух Шавкатович,  
проректор Жиззахского ГПУ, доктор  
философии по историческим наукам, доцент  
Шералиев Жамшиджон Умиджон ўғли,  
студент Жиззахского ГПУ

Аннотация. В данной статье описываются сложные в течение веков национальные и религиозные традиции узбекского народа, обычаи и праздники, ценности, идеи народного устного творчества, семейные отношения и размышления о гармонизации национальной системы образования и религиозных верований, связанных с воспитанием детей в народных представлениях.

Ключевые слова. Духовно-нравственное воспитание, национальные и религиозные традиции, пословицы, песни, сказки и эпосы, семейные отношения, подростковый возраст, идеальная личность.

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган миллий ва диний анъаналари, урф-одат ва маросимлари, қадриятлари, халқ оғзаки ижоди наъмуналари, оилавий муносабатлари ҳамда халқона қарашларида фарзанд тарбияси билан боғлиқ миллий тарбия тизими ҳамда диний эътиқод уйғунлашуви тўғрисидаги мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар. Маънавий-ахлоқий тарбия, миллий ва диний анъаналар, мақол, кўшиқ, эртақ ва дostonлар, оилавий муносабатлар, ўсмирлик даври, идеал шахс.

Abstract. In this article, the national and religious traditions, customs and rituals, values, examples of folk art, family relations and national views of the Uzbek people, which have been formed over the centuries, the national education system and the harmony of religious beliefs are described.

**Keywords.** Spiritual and moral education, national and religious traditions, proverbs, songs, fairy tales and epics, family relations, adolescence, ideal personality.

Вопросы духовно-нравственного воспитания при своей актуальности обостряются на каждом этапе развития общества в период обновления социального прогресса, подъема на новый уровень, в период, когда происходят качественные изменения. Поскольку подъем общества на качественно новый уровень требует дальнейшего повышения духовности, нравственности, только через воспитание прививаются высокие духовно-нравственные качества каждому члену общества. Взамен повышается социальная активность человека, меняется духовно-нравственное воспитание. В то время как это еще больше ускоряет дальнейшее развитие общества.

Учитывая, что духовно-нравственное воспитание является основой высокой духовности, а высокая духовность является основой любого государства, недаром в нынешнем новом Узбекистане дальнейшая пропаганда наших национальных ценностей и развитие высоких духовно-нравственных качеств у молодежи поднялись на уровень государственной политики. Действительно, как отмечал президент Ш.М. Мирзиёев, - «...когда телом общественной жизни является экономика, ее душой и изюминкой является духовность. Мы опираемся на эти два прочных столпа в построении нового Узбекистана, а именно на сильную экономику, основанную на рыночных принципах, и сильную духовность, основанную на богатом наследии наших предков, национальных и общечеловеческих ценностях»[1, 4 с]. Эта задача, в свою очередь, также составляет основу новой идеологии, которая обязана и необходима для интеграции в сознание нынешней молодежи в единое целое, для реализации в различных формах образования и воспитания.

Одной из важнейших семейных практик в историческом развитии человечества является оставление потомства. Именно поэтому одним из бесценных качеств женщины считалось то, что у нее были дети. Такие благородные намерения, как любовь к ребенку, уважение к многодетным семьям, желание избавления семьи от крепостного права, являются выражением национальной духовности узбеков, и счастье иметь детей издавна считается высшим счастьем в народе.

Принимая во внимание роль и значение нашего богатого материального культурного наследия, национальных ценностей, формировавшихся веками как уникальное богатство нашего народа, задача сохранения и передачи их будущим поколениям в условиях, когда борьба за обретение человеческого сознания и мышления в сегодняшнюю эпоху глобализации становится все более уместной.

Благодаря этому, было создано множество пословиц, песен, сказок и эпосов выражающих бесконечную радость и огромную духовную силу ребенка человеку [11, 54 с]. В частности, такие пословицы, как “Болалиқнинг бели чинор, боласизнинг бели синар”, “Болалик уй бозор, боласиз уй мазор”, “Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи”, воплощают отношение и привязанность нашего народа к детям.

Наблюдая за традициями нашего народа, связанными с воспитанием ребенка, можно сделать вывод, что пожилые люди в семье начинают выбирать ребенку имя не только исходя из методов воспитания в ситуации, связанной со взрослением ребенка, но и исходя из народных представлений о том, что возможен тот факт, что каким человеком родившийся в семье малыш станет в будущем, зависит от присвоенного ему имени, - они начинают с выбора имени для него на основе народных представлений. Идея о том, что в имени с древних времен присутствует отсылка к судьбе у народов оазиса, руководствующихся точкой зрения соразмерности при наречении ребенка, все еще жива. . Следовательно, считается, что удачно выбранное и данное имя малышу воплощает его судьбу, человек напоминает свое собственное имя. Результатом стало появление идеи о том, что среди нашего народа есть «характерные» и «неспецифические», хорошие и плохие имена, и было понятно, что малыш будет страдать от различных заболеваний или смерти детей в семье, наличия различных дефектов в организме ребенка, и, более того, от его имени будет зависеть будущее счастье ребенка. Имя, данное малышу, стало не просто средством различия, названия человека между собой, но и средством защиты, спасения,

влияния на его воспитание, защиты его от различных напастей. Благодаря этому к работе по наречению имени ребенку в нашем народе издавна подходили с особой ответственностью. Если в семье один за другим умирали дети, то ребенку давали такие имена, как: Турсун, Ёлмас, Ёнғар, Турғуной, Маҳкам.

Некоторые дети рождались с какими-то лишними отметинами на теле: родинкой, родничком, лишним пальцем и другими признаками. Было понятно, что если эти дефекты и признаки не принимаются во внимание при присвоении имен детям, они представляют опасность для здоровья, жизни, будущего брака ребенка. Считалось, что дети рождались с такими нюансами, и им давали имена, составленные от имени этих недостатков. Среди них есть имена Холбой, Анора, Тожибой, Ортиқвой, Бувизиёда, Ёрол, Норбой и другие. [8. Дала ёзувлари]

Представители разных национальностей, исповедующих ислам, проживающие в нашей стране, также давали особые имена младенцам, родившимся в результате их обетов в святых местах и святынях, которые верили, что ребенок будет защищен от различных неприятностей в своей будущей жизни. Примерами таких имен являются Хазраткуль, Пиримкуль, Худжамберди, Пирниоз.

В целом, в большинстве вышеперечисленных имен акцент был сделан на концепции рождения ребенка с определенной божественной силой, что в свое время также стало важным в их воспитании.

Высокая ответственность старшего поколения при уходе за детьми и их воспитании является характерной чертой узбекского народа. Это начинается с ухода за ребенком со времени появления чиллы. Хранящийся обычай «чилла» для родившей матери и родившегося ребенка, хорошо сохранился во всех регионах нашей страны. Следует отметить, что после родов беременной женщины, с целью особого ухода за молодой матерью и новорожденным, у многих народов мира существовали традиции защиты и консервации в течение определенного периода времени. Следовательно, у узбеков есть период «чилла», направленный на уход за родившей женщиной и ее ребенком в течение сорока дней [2, 79 с]. Эта традиция, отмечают местные жители, играет важную роль в том, что ребенок растет физически и психически здоровым.

В узбекских семьях за маленькими детьми ухаживают в бешике (колыбели) до полутора-двух лет. Мать, которая много лет работает преподавателем, сказала, что ее дети лежали в кроватке до 2-летнего возраста, а забота и воспитание их детей в большей степени были обязанностью ее свекрови [6. Дала ёзувлари]. Если говорить вкратце, свекрови несли большую ответственность перед своими внуками, и поэтому считалось, что дети в первую очередь принадлежат им. Молодым матерям не подходило избивать своих детей на глазах у свекрови или тестя. Но у свекровей, то есть у бабушек было принято быть вовлеченными в дела детей. Родители не принимали близко к сердцу, когда бабушка с дедушкой делали им выговор. Молодые родители также считали, что, несмотря на то, что они родили ребенка, представители старшего поколения были более ответственны за воспитание своих детей, и признавались, что у них также было больше прав перед ребенком.

Само собой разумеется, что по мере того, как ребенок растет и развивается, увеличиваются и его возможности, и когда он подходит к концу каждого возрастного этапа, требования, права и обязанности, установленные обществом, остаются несовместимыми со способностями ребенка, то есть ребенок становится подавленным требованиями, предъявляемыми обществом. В результате возникает противоречие между требованиями, правами и обязанностями общества, которые дети ставят перед возрастной стадией, нормами морали и возможностями ребенка. Кризис, который возникает на подростковой стадии периода - возникает из-за конфликтов между требованиями такого общества и возможностями ребенка [3, 238 с].

«Подростки, - писал П.И.Левентуев, - «хотя они хорошо осознают необходимость послушания, они не могут мириться с командованием в частности, видя в нем самоуничтожение, изо всех сил борясь за свои «собственные права» на независимость» [10, 27 с]. Наш народ, имеющий многовековой опыт воспитания подрастающего поколения, также не сталкивался с большой частью проблем подросткового возраста, по-

сколько давал надлежащее воспитание с учетом изменений в подростковом возрасте. В.Я. Титаренко отмечал: «Даже если необходимо учитывать влияние физических процессов, присущих подросткам, неправильно связывать изменения в поведении подростка только с ним» [12, с. 14]. Как отмечалось выше, в узбекских семьях многие родители признают сложность воспитания ребенка в возрасте 13-14 лет. Некоторым родителям трудно усилить контроль в это время. Другие говорят, что в возрасте 15-16 лет необходимо осторожно обращаться с детьми. В это время стоит обратить внимание на то, кто является товарищами как мальчика, так и девочки. Поэтому правильная организация свободного времени занимает важное место в воспитании подростка.

Поскольку в узбекском традиционном воспитании моральное подражание формируется с детства, подростки относятся с уважением к взрослым. Эта особенность характерна не только для узбеков, но и для всех народов Центральной Азии, что было отмечено другими исследователями [9, с. 10]. В традициях воспитания, подобных этой, основное внимание уделялось воспитанию детей в вежливой манере. Ругань оскорбительными, бесстыдными словами, особенно тот факт, что эта ситуация совершается на глазах у женщин, общественности, считается чем-то чуждым нашему традиционному национальному характеру.

Хотя многие аспекты просветительского содержания, связанные с уходом за детьми в современных узбекских семьях, в настоящее время объединены, они занимают видное место в традициях, связанных с воспитанием детей, а именно, в предоставлении трудового воспитания большему количеству детей, обучении их манерам и морали и поддержании иерархического баланса между членами семьи. Известно, что у народов Востока его положение определяется не только при обращении, но и в зависимости от положения человека, состава подаваемой ему пищи и многих других подобных ситуаций. В большинстве семей взрослые и дети не сидят на месте. Особенно в многодетных семьях такую ситуацию можно наблюдать часто, следует сказать, что семейное положение занимает важное место. По словам информатора, поскольку у них в семье 12 детей, взрослые в течение лета сидели отдельно от маленьких. Но зимой все собирались в одном месте. [4. Дала ёзувлари].

Отделение детей от взрослых на самом деле имеет образовательное содержание, которое особенно наблюдается, когда прибывают гости. В наших наблюдениях установлено, что причина, по которой детей не сажают перед гостями, заключается в том, что «когда как уже детская распушенность раздражает гостя, с другой стороны, взрослые разговаривают с гостем на разные темы, а это связано с тем, что разговоры не соответствуют возрасту детей» [7. Дала ёзувлари]. Традиционно мальчикам и девочкам не выделяли отдельную комнату для спального места, пока дети не достигали подросткового возраста. Только с момента подросткового возраста мальчики максимально отделяются от девочек. Исследования, проведенные по всем вилоятам, показывают, что при семейном воспитании исламские обычаи прививались ребенку с раннего возраста. Например, понятия «увол» (проступок), «савоб-гуноҳ» (воздаяние-грех) объяснялись детям с младшего возраста с помощью различных повествований. Роль бабушки и дедушки в этом была велика. «Увол» - это акт причинения напрасного ущерба чему-то или существу, которое считается почти священным. Например, убийство горлицы - это «увол». Наступить на хлеб - «увол» и т.д. Савоб - благородные поступки. Совершение этих благородных деяний приведет человека в рай. Напротив, гуноҳ - это плохие поступки, которые нельзя совершать. Те, у кого много гуноҳов (грехов), попадут в ад. В большинстве традиционных семей наиболее важные небольшие суры, такие как «калимай шахадат», «Фатиха», «Ихлас» и другие, заучивались детьми устно. И это послужило в них не только религиозному воспитанию, но и тому, что они выросли верными общечеловеческим ценностям.

Также в традиции воспитания разделяется негативное отношение к физическим наказаниям детей, особенно маленьких. В народе также есть поговорка, что «ақли етмаганнинг қўли етади» («того рука дотягивается, у кого нет ума»). Физическое наказание девочек также строго осуждается. Многие считают, что если бы отец дал своей дочери хотя бы пощечину, он был бы несчастен. Однако в народном

образовании наказание также входит в метод воспитания, поэтому принято слегка физически наказывать мальчиков старше 5-6 лет за их неправильные дела. Иногда были случаи, когда хотя и не били, но использовали прутья в качестве «запугивания» [6. Дала ёзувлари].

В целом, в традиционных семьях узбекского народа телесные наказания осуждались, и в большинстве из них наказание не доходило до битья. Во многих семьях, которые мы исследовали, мать всегда говорила на Вы со своими детьми. Только говорила на ты в случаях гнева. Это сильно влияло на детей. Если дети не хотели выполнять какую-либо работу, мать не сопротивлялась им, а говорила: «Хорошо, дитя мое, если ты этого не сделаешь, я скажу твоей сестренке сделать это за тебя, но сможешь ли ты спокойно пить чай и есть хлеб», ребенок выполнял ту же работу из от стыда [7. Дала ёзувлари]. Это свидетельствует о том, что в узбекском семейном воспитании уделяется внимание пробуждению совести ребенка, формированию чувства гордости, стыда.

В качестве заключения стоит отметить, что воспитание детей было и остается одним из основных видов поведения, жизненных мечтаний человечества. Несмотря на то, что традиции и обычаи нашего народа меняются, приспосабливаясь к требованию времени, в результате наших личных наблюдений и социологических исследований стало ясно, что среди нашего народа по-прежнему сохраняются этнопедагогические тенденции в вопросах рождения и воспитания подрастающего поколения.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Мирзиёев Ш.М. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик - миллий ғоямизнинг пойдеворидир. Издательство «Tasvir». - Ташкент – 2021.-Б.4
2. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Ташкент, 2007.- Б.79.
3. Воҳидов М. Болалар психологияси. – Ташкент: Ўқитувчи, 1982.-Б. 238
4. Дала ёзувлари Ғаллаорол тумани Хонимқўрғон қишлоғи. 2021 й.
5. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти туманлари 2022 й.
6. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани 2022 й.
7. Дала ёзувлари. Жиззах шаҳри Наврўз маҳалласи. 2022 й.
8. Дала ёзувлари. Ш.Рашидов тумани. Олмачи маҳалласи. 2021 йил.
9. Кон И.С. Психология юношеского возраста. – Москва: Просвещение, 1979.-С.10.
10. Левентуев П. Сложный период детства. –Ташкент: Ёш гвардия, 1967. –Б.27
11. Миртурсунов З. Педагогика узбекского народа.–Т.: 1973.-Б.54.
12. Титаренко В. Семья и . –Москва: Мысль, 1987.-С.14

#### ЧОРВАДОРЛАР МАДАНИЯТИНИНГ АРХЕОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРДА АКС ЭТИШИ (Жиззах воҳаси мисолида)

Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович,  
Жиззах давлат педагогика университетининг ўқитувчиси,  
тарих фанлари бойича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада конкрет археологик тадқиқотларга таянган ҳолда тадқиқотчининг Жиззах воҳасининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одатлари ва маросимлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Калит сўзлар: Чордара, Кўксувтепа, Такатош, Сузмойилота, Нахражсой, Ширинсой мазорқўрғони, Қоплон ота, Сиғомсой, Ғулбо, чорвачилик, яйлов, чўпон, пода, от, туя, қўй, эчки, қорамол.

Аннотация: В данной статье на основе конкретных археологических изысканий представлено мнение исследователя о традициях и обрядах, связанных со скотоводством Джиззакского оазиса.

Ключевые слова: Чордара, Коксувтепа, Такатош, Сузмойлота, Нахрайсой, Ширинсой Мазаркурғони, Каплан ота, Сигомсой, Гульбо, домашний скот, пастбище, пастух, стадо, лошадь, верблюды, овца, коза, крупный рогатый скот.

Annotation: In this article, based on concrete archaeological research, the researcher's opinion about the traditions and rituals related to cattle breeding of Jizzakh oasis is presented.

Key words: Chordara, Koksuvtepa, Takatosh, Suzmoyilota, Nakhrajsoy, Shirinsoy Mazarkurgoni, Kaplan ota, Sig'omsoy, Gulbo, livestock, pasture, shepherd, herd, horse, camel, sheep, goat, cattle.

Тараққий этган миллатларнинг ўз тарихини яхши билиши ва қадрлаши, тарихий ёдгорлик ва обидаларини эъзозлаши, кўз қорачиғидек асрашининг кўпгина сабаблари бор. Бу энг аввало, тарих инсоният пайдо бўлганидан то ҳозиргача давом этиб келаётган ижтимоий жараён ойнаси эканлиги билан боғлиқдир. Иккинчидан эса бутун инсоният шу тарихга қараб, ўз ўтмиши ва борлигини англайди, келажак режаларини белгилайди.

XXI асрга ривожланишнинг замонавий тараққиёт йўли билан кириб келган, бой маданияти ва бебаҳо маънавиятига эга бўлган ўзбек халқи ўзининг минг йилликлар қаърига кириб борган тарихий ўтмиши билан алоҳида ўрин эгаллайди[1:255].

Дарҳақиқат археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, чорвачилик анъанавий хўжалик юритишнинг энг қадимги кўринишлари ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган. Соҳа хусусида сўз юритар эканмиз, чорвадорларнинг турмуш тарзи ва ушбу машғулот билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар этнографик материаллар асосида тадқиқотчиларимиз томонидан маълум даражада ўрганилган. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, чорвачилик билан боғлиқ қадимий диний тасаввурлар ва эътиқодий қарашлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилмаган. Зеро, қадимги даврлардан, яъни жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошлангандан буён чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда халқнинг ҳайвонот оламига бўлган муносабати акс этган. Шу билан бирга, инсон ва табиат, одамзот ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатлар, кишилик жамиятининг бир неча минг йиллик меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳаёт тажрибалари, макон ва замонга бўлган муносабати, маънавий қарашлари ва шубҳасиз, ўша давр диний эътиқоди унда мужассам.

Маълумки, миллий қадриятлар ота-боболаримиз томонидан яратилиб, асрлар давомида сайқал топган. Бугунги кунгача етиб келган чорвачилик соҳалари, у билан боғлиқ урф-одатлар, ёзма манбалар ҳамда халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўзбек халқи тафаккурининг буюк ютуғидир.

Халқнинг кундалик турмуш тарзида ўзига хос мавқега эга бўлган чорвачиликнинг Жиззах воҳасидаги тарихий асосларини тадқиқ этиш бугунги кун ўзбек давлатчилиги тарихини ёритишда тарих фанининг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим микроэтнографик минтақа ҳисобланади. Воҳанинг қулай географик ўрни ва Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналарнинг уйғунлашган ҳолда шаклланишига сабаб бўлган.

Чунончи, воҳадаги Мирзачўл чўли ва Туркистон тоғларининг шимолий ёнбағирларидаги даштликлар чорвачилик хўжалигини тараққий этиши учун турли табиий ресурсларга бойлиги билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам кишилик жамиятининг илк босқичларидан бошлаб воҳанинг тоғ водийлари аждодларимиз томонидан фаол ўзлаштирилган деб бемалол айта оламиз. Бунга Жиззах воҳаси Фориш туманининг “Чимқўрғон” жамоа хўжалиги ҳудудидан топиб ўрганилган, ўрта палеолит даврида яшаган неандерталь одамлар томонидан қайроқтошдан ишланган ва ўлчами 54 x 53 x 21 мм бўлган нуклеус-тош ўзаклар қолдиқларини[2:5], Чордара, Кўксувтепа шаҳарчалари атрофларидан ҳамда Еттисой воҳасидан топилган ўрта палеолит давридан то тош даврининг якунловчи босқичи - неолитгача бўлган даврга оид археологик ашёларни[3:51-55], шунингдек Тузкон кўли атрофлари,

Қолгансир шўркўли ғарбий қисмлари ва Хон – Чорвоқ дарасидан неолит даврига оид чақмоқтошдан ясалган тош қуроллар ҳамда бронза даврига тегишли сопол буюм парчаларини мисол келтиришимиз мумкин. Мазкур қадимий ашёлар ушбу воҳа ҳам ўлкамизнинг бошқа ҳудудлари каби илк одамзод излари билан боғлиқ ибтидоий тарихга эга эканлигидан далолат беради.

Жиззах воҳаси асосан Сангзор-Зомин минтақасида жойлашган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари водийлари оралиғида жойлашган. Минтақанинг умумий ер майдони 21.1минг км.га тенг бўлиб, республика умумий ер майдонининг 4,5 фоизини ташкил этади[4:593]. Минтақа ҳудуди шимол ва шимолий-шарқдан Мирзачўл, ғарб ва шимолий-ғарбдан Нурота тизмалари, жанубдан Туркистон, Моргузар тоғлари билан чегараланади[5]. Вилоят тоғли ҳудудларига Бахмал, Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Янгиобод туманлари ҳамда Ш.Рашидов туманининг тоғли ҳудуди киради. Мазкур ҳудуднинг умумий ер майдони 17,0 минг км. ташкил этади. Балки шунинг учундир, қадимдан бу кенг ҳудудлар чорвачилик билан шуғулланган аждодларимиз томонидан фаол ўзлаштирилган.

Чунончи, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ва Фориш туманлари воҳанинг жануб, жанубий-ғарбий қисмидаги Туркистон, Нурота тизмалари ҳамда Молгузар, Қўйтош, Ғўбдунтоғ, Қароқчитоғ тоғлари оралиғида ва ён бағирларида жойлашган туманлар ҳисобланади. Мазкур туманлар Жиззах вилояти умумий майдонининг 76,7 фоизини эгаллаган ҳолда, жами аҳоли нинг (2001 йилда 974,8 минг киши) 42 фоизини ўзида қамраб олган [6:119-120]. Сангзор-Зомин минтақасидаги йирик қишлоқлар асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган бўлиб, Мўғол, Сартюз, Ойқор, Оққўрғон, Боғишамол Сангзор водийсида, Ғўбдун, Кўкбулоқ, Мирзабулоқ ва бошқа қишлоқлар эса Ғаллаорол текислигида, шунингдек Ғаллакор, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Қораобод, Эшбулоқ сингари бир қанча қишлоқлар Зомин ва Нурота тоғ олди ҳудудларида тасмасимон қўринишда шаклланган[7:36-39]. Қишлоқларнинг бундай ҳудудий ташкил топгани аҳоли катта - кичик сой ва дарёлар атрофида, деҳқончилик ва боғдорчилик учун қулай бўлган сувга яқинроқ бўлган ерларга жойлашишга интиланган деган хулосага келишимизга имкон беради.

Воҳада жойлашган археологик ёдгорликларда (Нуртепа, Хонтепа, Қалиятепа ва бошқалар) аниқланган меъморий иншоотлар: ертўла, ярим ертўла ва ер усти иншоотлари ҳам сўнгги бронза, илк темир даврларида бу ерда кўчманчи аҳолининг ўтроқлашув жараёни бошланганлигидан далолат беради. Табиийки, қадимдан воҳа ва унинг атрофидаги даштликларда яшовчи чорвадор аҳолининг Жиззах воҳасидаги маданий тараққиёт жараёнларига таъсири катта бўлган[8:72]. Бу аҳоли аввало, Евросиёнинг бепоён кенгликлари ва бу улкан ҳудудларда яшовчи кўчманчилар олами билан кучли боғланган эди. Мавсумий тарзда кўчувчи чорвадорлар узоқ шимол ўлкаларигача борар, қишда эса қишловларига қайтиб, Жиззах воҳасининг деҳқончилик воҳалари ва ҳатто жанубий минтақалар билан ҳам боғланиб турган. Антик даврда кечган ижтимоий-сиёсий ва экологик вазият билан боғлиқ улкан миграция жараёнлари кўплаб кўчманчи чорвадор аҳолининг воҳа ва унинг атрофларига кириб келишини тезлаштирган.

Тадқиқотчи олимларнинг таъкидлашича, антик ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудига тил ва яшаш тарзи жиҳатидан ўлка халқларидан кам фарқ қилувчи турли хил номлар билан аталувчи туркий – сармат, юечжи, хун, усун, эфтал, хионий, кидарий, турк ва бошқа қабилалар кириб келган. Уларнинг маълум гуруҳлари Жиззах воҳасининг чорва учун қулай мавзеларида қолиб ўзларининг анъанавий хўжалигини юритишда давом этганлар. Улар ўтли яйловларни излаб, асосан тоғолди дашт зоналари, тоғ дарё ва жилғалари водийлари бўйлаб, ҳали маҳаллий ўтроқ ва чорвадор аҳоли томонидан ўзлаштирилмаган ҳудудларда ўрнашганлар[9:72-74]. Мазкур қабилалар ихтисослашган хўжалик юритиш анъанасини давом эттириб, нафақат яйловли чорвачилиги, балки металлургия ва примитив деҳқончилик билан ҳам шуғулланаверган.

Уструшона мозорқўрғонларини тадқиқ этган археолог олимларнинг таъкидлашича, ўрганилган моддий ашёлар ва дафн маросимларида, қадимги даврда кириб келган чорвадор аҳоли моддий ва маънавий маданиятига мансуб хусусиятлар

кузатилади. Бу пайтда Ўрта Сирдарё бўйи минтақаси, жумладан Жиззах воҳасида ҳам маҳаллий анъаналар асосида тайёрланган ашёвий манбаларда сифат ўзгаришлари кузатилиб, кўчманчиларга хос хусусиятлар, баъзан эса тўлиқ кўчманчиларга тааллуқли буюмлар учрай бошлайди. Буни ўлка халқлари уй-рўзғор буюмларидан тортиб дафн удумларигача бўлган барча соҳаларда кузатиш мумкин. Эътироф этиш жоиз, воҳада яшовчи чорвадор аҳоли хўжалигида эса яйлов чорвачилиги асосий ўринни эгаллайди.

Биобарин, Жиззах воҳаси ҳудудининг жанубий ва ғарбий томонлари тоғ ва тоғолди минтақаларидан иборат бўлиб, овчи ва кўчманчи чорвадор халқлар яшаши учун жуда қулай. Шу жиҳатдан бу ҳудудлар қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор аждодларимиздан мерос қолган кўплаб археологик ёдгорликларга бойдир. Археолог олимларимиз томонидан аждодларимизнинг қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келганлиги улар томонидан қолдирилган қоятош тасвирлари орқали ҳам аниқланмоқда.

Олимларимиз томонидан олиб борилган дала археологик қидирув тадқиқотлари натижасида Моргузар тоғининг шимолий ён бағрида, Сайхонсой дарасидаги Такатош манзилдан қоятошларга ўйиб ишланган 1000 дан ортиқ расмлар галереяси ўрганилган. Улар бир неча даврий босқичга мансуб бўлиб, унинг энг қадимгилари неолит ва бронза даври билан, кейингилари эса антик ва ўрта асрга оид[10:22]. Бу ердаги қоятош расмларида ов манзараси, кўплаб ёввойи ва уй ҳайвонлари, диний маросимлар ижроси ва бошқалар тасвирланган. Ушбу ибтидоий ва қадимги санъатнинг нодир намуналари бизга Жиззах воҳаси ҳудудида чорвачилик соҳаси қадим илдизларга эга эканлигидан гувоҳлик беради.

АрхеологтадқиқотчилартомониданШарофРашидовтуманиЖилли-ғуллиқишлоғи шимолий томонидаги тоғ ва қирлардаги Сузмойилота қоятошларида, Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Нахраж қишлоғининг Нахражсой (Каттасой) дарасидан, Фориш тумани Эски Фориш қишлоғи юқорисидаги Юқорисой (Сойиболо) дарасидан ҳамда Учма қишлоғидан оқиб ўтувчи Учмасойга туташ бўлган Сиғомсой каби йирик сой ва даралар атрофларидан кўплаб янги қоятош расмлари ёдгорликлари рўйхатга олиниб илмий муомалага киритилган[11:54-57]. Мазкур қоятош расмларида тасвирланган ёввойи ҳайвонлар тоғ ва тоғ олди ҳудудларида қадимда ва ҳозирги кунда ҳам яшаб келаётган ҳайвон турлари бўлса, хонаки ҳайвонлар ўтган узоқ даврлар мобайнида инсоният томонидан қўлга ўргатилган ҳайвонлар сирасига киради.

Ушбу ёввойи ҳайвонлар турига ибтидоий буқа, ибтидоий сигир, тоғ эчкиси, архар, жайрон, сайғоқ, асл буғу, ёввойи от, кулон, ёввойи чўчқа шунингдек, йиртқич ҳайвонлардан шер, йўлбарс, гепард, леопард, бўри, тулки, чиябўри ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Қояларда баъзан илон ва қуш тасвирлари ҳам учрашини кузатиш мумкин[12:77]. Улардан воҳанинг қадимги даврлардан чорвадор аҳоли учун унумдор ва кенг яйловга эга, қулай масканга айланиб борганлиги маълум бўлади. Чунки, қадимги даврларда Нурота тоғ тизмаси ҳудудларида йирик тўқайзорлар, қамишзорлар ва чала саҳролар ястаниб ётган ёхуд бу тизмага Қизилқум саҳроси туташ бўлганлиги боис, уларнинг яшаши учун қулай шароитлар мавжуд бўлган. Бу ҳаққоний омилларни қадим аждодларимизнинг қоятошларда акс эттирган ажойиб тасвирлари ҳам бизга исботлаб турибди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда Жиззах воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотларда чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ маълумотлар кўп ўрганилмоқда. Маълумки, кўчманчи чорвадор қабиаларда кишиларнинг вафотидан сўнг “у дунёда яшаши” ҳақидаги тасаввур кенг ёйилган. Шу тасаввурлар асосида марҳумни нариги дунёда кузатиш маросимида қабрга, майит билан бирга унинг ҳаётлигида ишлатган уй- рўзғор буюмлари, кийим-кечаги, қуро-яроғи, безаклари ва нариги дунёда истеъмол қилиши учун идишларига ҳар хил таомлар солиб қўйиш одатлари кузатилади[13:46]. Бундай қабрлар мазорқўрғон деб аталиб улар асосан кўчманчи чорвадорларга тегишли эканлиги аниқланган. Бу каби қабрларга марҳумнинг касб-кори билан боғлиқ буюмлар қўйилган бўлади. Ушбу дафн буюмлари чорвачилик тарихини этнографик жиҳатдан ўрганишда муҳим манбадир.

Археолог тадқиқотчи В.Ф.Гайдукевич томонидан ўрганилган Ширинсой

мозорқўрғонидаги иккинчи қабрда иккита жасад-балоғат ёшидаги аёл ва ёш бола дафн этилган. Жасаднинг боши ёнида сопол косача (пиёла), бел атрофида дисксимон тўқа, чап томонидан эса пичоқ парчалари ва узунлиги 6,7 см.ли қайроқтош, тос суяги қаршисидан эса қўй суяклари топилган[14: 337]. Тадқиқотчи Ф.Э. Тошбоев томонидан ўрганилган Зомин тумани Ғулбо мозорқўрғонидаги қабрда иккита жасаднинг бош томони ўртасига қўй суяклари қўйилган[15:43-45].

Воҳани кўп йиллардан буён тадқиқ этаётган А.А.Грицина томонидан ўрганилган Сағаноқ мозорқўрғонидаги буюмлар ёнидан қўйнинг бош суяги бўлаклари қайд этилган[16:78]. В.Ф.Гайдукевич тадқиқ этган Ширинсойдаги 28-қабрда, Ф.Э.Тошбоев томонидан ўрганилган Беккелди ва Қамиш мозорқўрғонларида тутқичида қўй (қўзи) тасвири акс эттирилган сопол хурмачалар ўрганилган. Воҳанинг етакчи археологи М.Ҳ.Пардаев томонидан Жиззах шаҳри ҳудудида жойлашган Пардакултепа ва Комилбоботепа ёдгорликларида ҳам чорвачилик билан боғлиқ материаллар тадқиқ қилинган. Ёдгорликларда бурама шохли қўчқор ҳайкалчалари, қўй калласи рамзи акс этган 10 га яқин қозон тагликлари қайд этилган. Бу топилмалар моҳиятини чуқур илмий таҳлил қилган М.Ҳ.Пардаев уларни, “қўчманчи чорвадор халқлар билан алоқадорлигини” таъкидлайди[17:42-43].

Шунингдек, М.Ҳ.Пардаев томонидан Ш.Рашидов тумани Ёйилма маҳалласида ўрганилган хумли қабрнинг уст қисми (жасад суяклари юқориси) га қўйнинг бош суяги солиб дафн этилганлиги ҳам қайд қилинган[18:261]. Бу каби топилмаларга М.Ҳ.Пардаев: “қўй тимсоли билан боғлиқ топинчи фақат бошқа регионлар маънавий маданиятидан эмас, балки, тотемизм билан боғлиқ туркий халқлар асотир (миф)ларидан ҳам изламоқ керак. Аслида, мил.авв. I минг йилликнинг сўнги чорагидан Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида “Қовунчи маданияти” шаклланади ва қўшни деҳқончилик воҳаларига кучли таъсир кўрсатди. Араблар босқинигача Ўрта Осиёда ҳукм сурган турли туркий сулолалар (юе-чжилар, хунлар, эфталит ва Турк ҳоқонлиги) даврида бу кенг қамровли тасир ичида қўй топинчи билан боғлиқ қарашлар ҳам кенг ёйилган... Бу каби топилмалар уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган”, - деб баҳо беради[18:262].

Чорвачиликнинг қўйчилик соҳаси воҳа аҳолисининг энг қадимий машғулотларидан бири эканлиги аجدодларимизнинг диний маънавий ҳаётида ҳам ўз аксини топган. Археологларимиз томонидан мозорқўрғонларда ўрганилган кулолчилик идишларидаги зооморф дастали сопол идишлар, қўчқор тасвири акс этган қозон тагкурсилар, қабрлар ва остадонлардаги қўй суяклари тақинчоқва бошқа буюмлардаги қўй шаклидаги тасвирлар воҳада қўй култи анча кучли бўлганлигини кўрсатади. Манбаларда антик даврда Жиззах воҳасини ҳудудларини ҳам ўз тасарруфида сақлаган қанғуйларнинг зороастризм динидаги худолардан бўлган Фарн илоҳига сиғинганлиги таъкидланади[19:6]. Бу худо, яъни Фарн илоҳаси қўй кўринишида деб қабул қилинган. Мозорқўрғонларда учрайдиган қўй суяклари, унинг рамзи ёки кулоллик идишларидаги қўй тасвирлари воҳа чорвадорлари хўжалигида қўйчиликнинг юқори мавқе касб этганлигини, унга тўқинлик ва барака тимсоли сифатида қаралганлигини билдиради. Қўй билан боғлиқ маросимларнинг кўп учрашига сабаблардан яна бири, иссиқ иқлимли бу дашт минтақаларда яшовчи аҳоли хўжалигида майда (ушоқ) моллар (қўй, эчки) кўпчиликини ташкил этган ва шунга боғлиқ ҳолда қўй култи анча кучли бўлган деган хулосага келишимиз мумкин.

Халқимизнинг бугунги кунда ҳам табаррук зиёратгоҳларидан бири бўлган Шимолий Уструшона (Зомин) ҳудудида жойлашган Қўчқор ота зиёратгоҳи ёки унинг қарама қарши томонидаги тоғда жойлашган Қоплон ота зиёратгоҳлари ва у ердаги дарахтга осиб қўйилган улкан қўчқор шохлари ҳозирги кунда ҳам қўчқорни илоҳийлаштириш билан боғлиқ қарашлар аҳоли орасида сақланиб қолганлигини кўрсатади[20:48]. Қадимий ўлкамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Жиззах воҳаси аҳолиси орасида ҳам қабристонларга, зиёратгоҳларга ва ҳатто уйларга ҳам қўчқор шохлари (қўй ёки бошқа ҳайвонларнинг калла суяги)ни илиб қўйиш одати ҳамон сақланиб қолган. Бу шох ва каллаларнинг тутган вазифаси ҳақида, барча қишлоқ аҳолиси орасида бир хил тушунча мавжуд бўлиб, унга кўра бу шохлар ўша жойни ва унда яшовчиларни ёмон кўздан ва турли офатлардан сақлар экан[21].

Воҳа археологияси бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бораётган Ф.Э.Тошбоев томонидан ўрганилган Ғулбо мазорқўрғонларидаги 1, 2, 4 қабрларда аждодларимизнинг жасадларни отда кетаётганга ўхшаш ёки ярим отлиқ кўринишида, оёқлари тиззадан йиғилиб икки томонга ёйилган “отлиқ-чавандоз” ва “ярим отлиқ ҳолат”да дафн этиш одати ўрганилган[22:23-26]. Тадқиқотчи Ғулбо ёдгорлиги 2- қабридаги жасад ёнига барча жанг қуроллари қўйилиб дафн этилган марҳум – суворийнинг қийшайиб “ярим отлиқ” (от устида бир ёнга оғиб ўтириши, “қозоқча ўтириш”) кўринишида дафн этилганлиги, унинг ўзумрининг катта қисмини от устида ўтказганлигига ишора деб таърифлайди ва уларни марҳумларнинг ҳаётлари давридаги касб-корлари ва от топинчи билан боғлиқ деган хулосани илгари суради[22:24]. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир пайтнинг ўзида чорвачилик билан шуғулланиб юрган суворийнинг нафақат ўзи моҳир, баҳодир бўлган, айти пайтда уларнинг отлари ҳам ниҳоятда жанговор бўлган.

Тадқиқотчи А.Холматов томонидан ўрганилган Сузмойилота, Нахраж ва Сиғомсой қоятошларида ҳам дашт кўчманчи чорвадор халқлар ҳаётида муҳим ҳисобланган суворийлар тасвирлари ҳам кўплаб учрайди. Улар отда ёки туяда кетаётган ҳолатларда чизилган[23:14]. Жумладан, отлиқлар турли хил кўринишларда тасвирланган бўлиб, реалистик, ярим реалистик ва схематик тарзда ишланган. Суворийлар рассомлар томонидан эгар-жабдуқли от устида ва қўлларида юган билан ёки эгар-жабдуқсиз, фақатгина қўлларида юган ушлаган кўринишларда тасвирланган. Баъзи ҳолатларда улар от устида эгар-жабдуқсиз ва югансиз ҳам тасвирланган. Демак, воҳа аҳолиси учун йилқичилик ҳам чорвачиликнинг қадимий соҳалардан бири бўлган.

Сузмойилота қоятош тасвирлари орасида ибтидоий ҳўкиз (буқа) тасвирининг акс этиши ҳам биз учун муҳим аҳамиятга эга. Ёввойи буқа тасвири қадимги моҳир рассом томонидан реалистик ва ярим реалистик кўринишларда йирик бошли, узун шохли, калта бўйинли, елкадор (ўркачли), узун белли, вазмин танали, думининг учи попукли кўринишда уриб-чўкичлаб ишланган. Бу расмларнинг усти қуёш нури таъсирида куйиб-униқиб, тошнинг асл юзаси сингари қорайиб кетган. Бу эса бизга унинг Сузмойилота қоятош расмлари орасидаги энг қадимий тасвирлардан бири эканлигидан далолат беради [24:15]. Шунингдек, баъзи зооморфолог олимларнинг фикрига кўра, бу каби ёввойи буқа (ибтидоий буқа)лар мил.авв. I минг йиллик арафасида қирилиб кетган. Қадимги рассомлар ўзлари кўрган-билган ҳайвон ва улар иштирокидаги манзараларни реал тасвирлаганлигини ҳисобга олсак, бундай ёввойи буқалар Жиззах воҳасида бронза даврида яшаганлиги маълум бўлади.

Фикр-мулоҳазаларимизнинг давоми сифатида яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, этнографик маълумотлардан маълум бўлишича, ҳар бир чорвадор оиланинг хўжалигида қадимдан қорамол сақланган. Ҳар бир хонадонда тўқислик тимсоли сифатида уларга атаб алоҳида жой оғилхоналар қилинган. “Қовунчи маданияти” соҳиблари, жумладан уструшоналикларда ҳам машҳур ҳинд эпоси “Маҳобхарата”да таъкидланган ҳўкиз (қора мол)га сиғиниш билан боғлиқ одатлар ҳам мавжуд бўлган[25:16]. Қорамол-ҳўкизни илоҳийлаштириш қадимда мавжуд бўлиб, у “Гопатшоҳ” тимсолида ҳам акс этган. Одам ҳўкиз – танаси ҳўкиз, юзи одам тасвирининг кўплаб учраши Ўрта Сирдарё бўйи халқларининг йирик шохли ҳайвонларни илоҳийлаштириши билан боғлиқ анъанавий маросимларидан бири ҳисобланади[26:133-141]. “Гопатшоҳ” атамаси уч компонентли сўз ҳисобланиб, биринчи икки компонент “Авесто”даги “гао-пати” - “чорва ҳокими”, учинчиси эса анча кейинги паҳлавийча қўшимча бўлиб “шоҳ”, “подшоҳ” маъноларини беради.

Таъкидлаш лозимки, Уструшона чорвадорлари хўжалигида қорамоллар сони унчалик кўп бўлмаган. Бу аввало кўп сонли қорамолга озуқа йиғиш муаммоси билан боғлиқ ҳамдир. Қорамол (ҳўкиз) культига оид қарашларда қадимдан мавжуд бўлган Гопатшоҳ образи муҳим ўрин тутиб, у анъанавий йирик шохли ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган. Антик даврга келиб, ҳомий ва қўриқловчи ҳайвон тимсоли ҳосилдорлик ва экинларни сув билан таъминловчи ҳўкиз култи билан аралашиб кетган[27:140]. Ҳўкиз култи мўл-кўлчилик ва ёғингарчилик ҳомийси сифатида қадрланган. Тадқиқотчи А.Хўжаевнинг ёзишича қадимги хитой манбаларида “нгузие”, “рузие” атамалари давлат номи сифатида ишлатилган. Аммо бу атамалар

“ўғуз” ёки “ғуз” сўзидан келиб чиққан. “Ўғуз” сўзи эса ҳозирги ўзбек тилида илоҳий ҳўкиз маъносини англатган бўлиб, у ўтмишда қувват, қудрат рамзи сифатида ишлатилган ва Рузие давлати аҳолисининг тотеми бўлган[28:21].

Жиззах воҳасидаги “Қовунчи маданияти”га оид ёдгорликларда ҳўкиз тимсоли уй ўчоғи билан боғлиқ тарзда учрайди. Бу ҳолатда, ҳўкиз (қорамол) оилани ҳар хил бало-қазолар ва етишмовчиликлардан асровчи уй худоси билан қиёсланган. Кўп ҳолларда ҳўкиз шохига ўхшаш уй ўчоғи махсус ўрнатилган ва унга ҳомий руҳнинг озиқланиши учун кичик тўйнуқча қолдирилган. Аксарият ўчоқ тагликлари “Гаопатшоҳ” ва унинг аёл шаклидаги кўринишида ифодаланган. Ҳўкиз култи билан боғлиқ қарашлар (номи аталмасида) ҳозирги пайтгача сақланиб қолган.

Этнограф олим Адҳамжон Ашировнинг ёзишича “Андижонда агар қурғоқчилик бўлиб, ёмғир ёғмаса, мазорда мол сўйиб қурбонлик қилинган ёки ХХ асрнинг 70-йилларига қадар Сирдарё суви тошган вақтда дарёга бағишлаб турли ҳайвонлар (ҳўкиз, қўй, қўчқор) қурбонлик қилинган” [29: 82].

Биз кўриб чиқаётган уструшонликларда эса бунинг аксини кузатамиз. Аҳоли томонидан ёмғир ёғиши ва сувнинг мўл бўлиши ниятида қилинадиган худойи (қурбонлик) ва дарвешоналарда “ҳосилдорлик ва тўкинлик мўл бўлсин”, деган мақсадда асосан, ҳўкиз сўйилади. Уструшоннинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳўжалигида мавжуд чорвага эътибор қаратсақ, ҳозирги пайтда ҳам жониворлар сони кўплиги бўйича кўпчилики ушоқ моллар – қўй, эчки, кейин қорамол ёки йилқи ташкил этади.

Санъатшунос олим Л.И.Ремпелнинг ёзишича, афсонавий биринчи буқа сув тошқинлари билан боғлиқ бўлиб, унинг танасидан доривор ва зиравор ўсимликлар, унинг уруғидан эса барча фойдали ҳайвонлар пайдо бўлган экан[30:22]. Умуман олганда, ҳўкизнинг сув тошқинлари билан анъанавий боғлиқлиги шарқ халқларининг қадимги динларида ёрқин акс этган[31:32]. Биз ҳўкиз култининг сув билан боғлиқлигини кейинги давр анъаналарида ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, Андижон ўзбекларида агар қурғоқчилик бўлиб, ёмғир ёғмаса, мазорда мол сўйиб қурбонлик қилинган[32:170].

Жиззах воҳасида ўрганилган мазорқўрғонларда дафн одатларини этнографик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, жасадни ёнига ҳайвон суяклари қўшиб дафн этиш кўп учрайди. Демак, воҳа чорвадорларида вафот этган уруғдошини “нариги дунё”га кузатишда унинг ҳаётлигида шуғулланган касб-кори билан боғлиқ буюмлар, ҳаётий фаолиятида муҳим аҳамият касб этган ва кейинчалик илоҳийлаштирилган жониворлар ёки уларнинг баъзи аъзолари (баъзан рамзлари)ни ва қурбонлик сифатида сўйилган жонлиқларни қўшиб дафн этиш ҳам кенг ёйилган. Қабрга қўйилган ёки қурбонлик сифатида келтирилган чорва молларини жасад билан кўмиш анимистик ва тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ ҳисобланади. Бунда анимистик тасаввурлар тирик мавжудотлар руҳга эга ва у эгасининг вафотидан сўнг ҳам йўқолиб кетмайди, табиат-коинот руҳлари ва қудратли худолар мавжудотларни бошқаради деган тасаввурларга таянилган бўлса, тотемистик қарашларда одамнинг турли хил бало-қазолардан сақланиши учун ўша ҳайвоннинг илоҳий хусусиятларига ишонч мавжуд бўлган.

Жиззах воҳасидаги мазорқўрғонларда қайд қилинган қўй, эчки, от, қорамол ит, бўри каби ҳайвонларнинг суяклари ва улар билан боғлиқ дафн удумлари бу ўлкада яшаган халқларда ҳар хил ҳайвонлар билан боғлиқ тотемистик қарашлар кучли бўлганлигидан гувоҳлик беради. Уструшона чорвадорларида тоғ такасини илоҳийлаштириш ёки (унинг рамзи сифатида бўлса керак) оддий уй ҳайвони – така билан боғлиқ илоҳий тасаввурлар кенг ёйилган. Тоғ такасини илоҳийлаштириш жуда қадимдан мавжуд бўлиб, у сак қабилаларида кенг ёйилганлиги Б.А.Литвинский тадқиқотларида кўрсатиб ўтилган[33:144-149]. Халқимиз орасида ҳозиргача сақланиб қолган ибтидоий тасаввурларга кўра, ёвуз жин така қиёфасида намоён бўлади. У билан боғлиқ ҳар хил воқеий ҳикоялар қадим илоҳий тасаввурларнинг давоми сифатида бугунги кунда ҳам учраб туради[34].

Яна шуниси эътиборлики, Уструшонада ўрганилган ёдгорликларда ит суяклари жасад ёнида, остадонларда ёки қабрдаги идишларда қайд этилган. Бу ҳолат ушбу жониворнинг муқаддас саналганлигини ва аҳоли удумларида ит тотеми билан

боғлиқ тасаввурлар антик даврдан бошлаб кенг ёйилганлигини кўрсатади. Қадимдан итга одамзодга нисбатан беқиёс садоқат, илоҳий қудратга эга деб қаралган. Шунга боғлиқ ҳолда нафақат чорвадор, балки ўтроқ аҳоли урф-одатларида ҳам итни илоҳийлаштириш билан боғлиқ маросимлар кўп учрайди. Уструшонанинг итни муқаддаслаштириш билан боғлиқ дафн одатлари қатор археологларимиз томонидан ўрганилган.

Масалан, В.Ф.Гайдукевич томонидан илмий изланишлар олиб борилган Ширинсой мазорқўрғонидаги 14 - қабрдаги уч оёқли идишга ит (ёки бўри)нинг жағ суяги солинган. Тадқиқотчи Тошбоев томонидан ўрганилган Ғулбо 2-мазорқўрғонида эса ғарбдаги эркак жангчи бош томонига ит суяклари қўйилган. Хожайи Сероб I мазорқўрғонида ҳам итнинг найсимон суяги, пастки жағ суяги ва иккита тиши қайд қилинган. Хонтепа (Сирдарё вилояти Ховос туманида) ёдгорлиги атрофидан эса аввал қуёшда қуритилиб, ундан кейин хумга дафн қилинган ит суяклари топилган[35:27]. Жиззах вилояти, Зомин туманида Бошпишоғор қишлоғидаги Тўрткўлтўбатепа ёдгорлигининг жанубий ён бағрида ёдгорликдан 150 м масофада шурф қазиш ишлари чоғида, ўрача ичида ит бош суяги ва унинг юқорисида тўнкариб қўйилган кичик ҳажмли хурмача аниқланган[36:77]. Жиззах воҳасида ўрганилган бу каби маълумотлар ит билан боғлиқ маросимларни кенгроқ таҳлил қилишга ундайди. Вафот этган одам билан итни биргаликда дафн этиш мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан буён маълум. Бу удумларни “Авесто”да таъкидланган, итнинг ўлиmidан кейин унинг мақомини инсонга тенглаштирилиши ҳақидаги диний аҳком билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган археологик топилмалар, санъат асарлари, халқимиз орасида учрайдиган чорва билан боғлиқ маросимлар чорвачилик хўжалигининг Жиззах воҳасида қадимги даврданоқ кенг ёйилганлигидан гувоҳлик беради. Демакки улар негизида аждодларимизнинг қадим ўтмишданоқ чорва молларини эъзозлаб кўпайтириб келганлиги сезилади.

Хулоса қилиб айтганда, археологик изланишлар, мазорқўрғонларда ўрганилган чорва билан боғлиқ дафн удумлари орқали қадимги Жиззах воҳаси аҳолисининг ижтимоий, сиёсий, моддий ва маънавий ҳаёти ҳамда турмуш тарзи ҳақида ғоят қимматли маълумотларни бизга тақдим қилади. Юқорида санаб ўтилган дафн маросимларида яшаш манбаининг асоси бўлган жониворлар билан боғлиқ урф-одатларнинг учраши-чорвадор аҳолининг ўз хўжалигидаги чорва молларига нисбатан алоҳида эътибор қаратганлигининг исботидир. Яна шунингдек қабрга жасад билан бирга қўмилган жониворлар ёки уларнинг рамзий тимсолида эса аҳолининг хўжалик ҳаёти билан боғлиқ турли анъаналарнинг бевосита шоҳиди бўлишини мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. Т.: “Янги аср авлоди”, 2014.
2. Сайфуллаев Б.К. Палеолит долины реки Зерафшан и северо – восточных Кызылкумов (техико – типологическое исследование). Афтореф. канд. ист. наук. Самарқанд, 2003.
3. Анарбоев И.А. Древности Голодной степи. // ИМКУ №4. –Т.: 1963.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. III том. — Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. -Т.: 2005.
5. Ҳайдарова С.А. Жиззах вилояти тоғли ҳудудлари қишлоқларининг ривожланиш хусусиялари. // [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).
6. Тожиева З., Астанақулов З., Асқархўжаев Р. Жиззах вилояти тоғ ва тоғолди туманлари геодемографик вазиятидаги баъзи муаммолар. // Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари (Илмий-амалий конференция материаллари). –Т.: 2002.
7. Бобобеков А.Д. Тоғ ва тоғолди минтақаси аҳолиси этноиктисодига табиий-шароит ва этноэкологик омиллар таъсири. // Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари (Республика илмий конференция материаллари).1-қисм Самарқанд. 2018 .

8. Пардаев М.Х. К вопросу об эволюции планировки замков - рабатов в Северо-Западной Уструшане // Тез, докл. науч. конф. посвящ. 80-летию акад. Я.Г. Гулямова. -Т.: 1988.
9. Тошбоев Ф.Э. Антик даврдаги миграцияларнинг Уструшона аҳолиси дафн маросимларида акс этиши. // “Тафаккур зиёси”, №3. Жиззах, 2019.
10. Хужаназаров М. Наскальные изображения Северо – Восточного Узбекистана. // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Л., 1985.
11. Холматов А.Н. Нурота тоғи қоятош расмлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Т.: 2019.
12. Холматов А.Н., Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари // Археологические исследования в Узбекистане. Самарқанд, 2018.
13. Тошбоев Ф.Э. Уструшона мазорқўрғонлари конструкцияси ва уларни шаклланиши ҳақида. // Ўзбекистон археологияси. №1 (18). 2019.
14. Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане // СА. –М.: 1952. – №26.
15. Тошбоев Ф.Э. Уструшона чорвадорларининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ диний тасаввурлари. // “Тафаккур зиёси”. Жиззах давлат педагогика институти илмий-услубий журнали. Жиззах, 2018.
16. Грицина А.А. Изучение курганов в Сырдарьинской области // ИМКУ – Самарқанд : 1997.
17. Пардаев М.Х. Қўй ва бўри руҳига сифинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // ЎИФ (ОНУ). – Т.: Фан, 1995.
18. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, 2016.
19. Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн. Душанбе, 1968.
20. Акчаев Ф.Ш. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари (этносоциологик тадқиқот) тар. фан. фал. док. (PhD) учун ёзилган диссертация. Т.: 2020.
21. Дала ёзувлари. Абдулла гўрков. 1949 йил Зомин тумани Шўрча қишлоғи.
22. Тошбоев Ф.Э. Отлар билан боғлиқ удумлар ўзбек халқининг қадимий қадрияти сифатида. // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси № 6 (52) Самарқанд, 2008.
23. Холматов А.Н., Хўжаназаров М. Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари. // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозиргача). Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2020.
24. Холматов А.Н., Хўжаназаров М. Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари... -Б. 15.
25. Филанович М.М. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках... – С. 16.
26. Богомоллов Г.И. Образ Гопатшаха в Чаче // ИМКУ № 35. Т.: 2008.
27. Богомоллов Г.И. Образ Гопатшаха в Чаче // ИМКУ № 36. Т.: 2008.
28. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников) Т.: 2010.
29. Аширов А.А. Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ мифологик қарашлари ва урф-одатлари // Ўзбекистон тарихи. № 1. 2018.
30. Ремпель Л.И. Цепь времен: Вековые образы и бродячие сюжеты ... - С. 22.
31. Қаранг: Андрианов Б. Бык и змея ( У истоков культа плодородия) // Наука и религия. -1972.
32. А.Аширов. Ўзбекхалқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар. (Фарғона водийси материаллари асосида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: – 2008.
33. Литвинский Б.А. Древние кочевники «Крыши мира»... – С. 144-149.
34. Дала ёзувлари: Абдурахим Сулаймонов 68 ёшда. Жиззах вилояти Арнасой тумани Туркистон СФУ да яшайди.
35. Пардаев М.Х. Отчёт об археологическом изучении памятников истории материальной культуры в зоне орошения и освоения земель Кизилинского массива за 1985-1987.

36. Мамиров О.У. Илк ўрта асрларда Уструшона аҳолисининг зоолатрик саждалари (археологик ва этнологик материаллар асосида). “Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозиргача)”. Жиззах, 2020.

## СУРХОН ВОҲАСИДАГИ ЮЗЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНИК ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Дуланов Отабек Юлдашевич,  
Термиз давлат университети  
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада Сурхон воҳасидаги юзларнинг ҳудудий жойлашуви ва этник тарихи ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** юзлар, Сурхон воҳаси, ўзбек уруғлари, Қарға, Иярчи, Кўса, Потас, ҳудудий жойлашуви, этник тарихи.

**Аннотация:** В статье рассматривается территориальное расположение и этническая история ликов в Сурханском оазисе.

**Ключевые слова:** лица, Сурханский оазис, узбекские роды, Кроу, Иярчи, Коса, Потас, территориальное расположение, этническая история.

**Abstract:** The article deals with the territorial location and ethnic history of faces in the Surkhan oasis.

**Key words:** faces, Surkhan oasis, Uzbek clans, Crow, Iyarchi, Ko'sa, Potas, territorial location, ethnic history.

Юзлар қўнғиротлар каби ўзбекларнинг энг катта уруғларидан бири бўлиб, Сурхон воҳасида уларнинг қарапчи ҳамда туркман-юз гуруҳлари яшайди. Улар асосан Шўрчи, Олтинсой, Денов ва Узун туманларида истиқомат қиладилар.[7.Б.203]

Юзларнинг Марказий Осиёга келиши, ижтимоий турмуши ва хўжалиги ҳақида ўз даврида Н.А. Маев, Н.А. Аристов, В.В. Бартольд, В.И. Липский, Л.П. Потапов, И.П. Магидович, Х. Дониёров, Б.Х. Кармишева каби олимлар ўз ишларида тўхталиб ўтганлар. Х. Дониёров «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» китобида Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотлар асосида юзларнинг қарапчи, марқа боласи, режаб боласи каби уч гуруҳини келтириб ўтади. [2.Б.86]

Б.Х. Кармишеванинг таъкидлашича, туркман-юзларнинг Сурхон-Ҳисор воҳасига келиб қолиши борасида учта қараш мавжуд: биринчиси, қўнғиротлар каби «орқа юртдан»; иккинчиси, авлодлари юрти Ўратепа ва Нуротадан. Соҳибқирон Амир Темур даврида Сурхон воҳасида Туркман дашт мавжуд бўлиб, ривоятларга қараганда, Туркман дашт Амир Темур отасининг қўрғони бўлган; учинчиси, Султон Санжар мозий томонидан юзта туркман кўчириб келтирилган. Шунинг учун улардан тарқалган авлодлар юз (жуз), яъни туркман-юз деб номланган. [6.Б.323] Сурхон воҳасидаги юзлар ўзларининг ота-боболари Жиззах ва Самарқанддан кўчиб келганлигини айтишади. Х. Дониёровнинг таъкидлашича, самарқандлик юзларнинг авлод-аждодлари асли Ҳисор-Кўлобдан келган. [2.Б.86]

1924 йилги аҳоли рўйхатига асосланиб И. Магидович қуйидаги маълумотларни тақдим этади. Ўзбек уруғлари орасидан «Қирқ юз» деган уруғлар иттифоқини (бирлашмасини) ажратиб, уларни қандайдир ҳарбий маънога эга бўлган уруғлар иттифоқининг қолдиғи, деб ҳисоблайди ва бу иттифоқдаги баъзи гуруҳларни ҳам кўрсатиб ўтади: марқа (Кофирниҳон воҳасида), хитой-юз (Қоратоғдарё водийсида), қорапчи (Сурхондарёнинг юқори оқимида), қирқ (Қашқадарё ва Самарқандда) ва юз (Самарқандда). И.Магидович этнографик ҳисобот маълумотларига таяниб, юз уруғининг Фарғона, Хўжанд ва Тошкент вилоятларида ҳам истиқомат қилганлигини таъкидлайди. Биз ўз тадқиқотимизда бу уруғлар иттифоқини қуйидаги илмий асосланган бўлимларга ажратиб ўргандик. Қорапчи ва марқадан ташқари, сўров натижаларига асосланиб, биз юз уруғи таркибига яна иккита уруғни киритдик: вахтама-

ли (ёки бахтамғали) ва жилонтамғали. Сўровлар натижасида бу икки уруғ яна майда даҳаларга бўлиниши аниқланди:

#### Юз-жилонтамғали

- |          |                |
|----------|----------------|
| 1. Қарға | 5. Болахўр     |
| 2. Иярчи | 6. Йўрға       |
| 3. Кўса  | 7. Боғанали    |
| 4. Потас | 8. Қоратамғали |

[13.2021].

Қайд этилган кесовли ва қозийёқли уруғлари хусусида Н.Ф. Ситняковский тузган ўзбекларнинг қўнғирот уруғи генеалогик жадвалида қозийёқли ва кесовли вахтамғали қабиласи таркибида, кўса эса қўштамғали таркибида кўрсатилади, қозийёқли эса, биз юқорида қайд этганимиздек, қўнғирот уруғи таркибида гавдаланади. И. Магидовичда ҳам қозийёқли қўнғирот уруғи таркибига киритилган. Юз уруғининг майда гуруҳларига ҳам одамларнинг лақаби бўйича номлаш одат бўлган. Шўрчи тумани Қўлтепа ва Тўла қишлоқларида истиқомат қилувчи 81 ёшли Бердиев Тойир ва 72 ёшли Исмоилов Хурсандлар берган маълумотларга кўра, юз уруғи таркибида қўйидаги майда гуруҳлар ёки лақаб билан айтиладиган уруғ-қариндош жамоалари бўлган: 1. Халфабачча (устага тааллуқли бола, шогирд). 2. Юнғабачча (жун босган бола). 3. Сарибачча (сарик бола, сарик кишининг боласи). 4. Кўса (соқоли йўқ). 5. Банғибачча (наша чекадиган кишининг боласи). 6. Калбачча (сочи йўқ кишининг боласи ёки сочи йўқ бола) ва ҳоказо.

Юз уруғи тўғрисидаги маълумотлар қадимий манбаларда учрамайди. Ёзма манбаларда на турк, на мўғул қабилалари таркибида бу уруғ ҳақида фикр юритилмайди. Хусусан Сурхондарёга қандай келиб қолганликлари ҳақида ҳам аниқ илмий этнографик манбалар ҳозирча тўлиқ ёритилмаган. Фақатгина ўзбекларнинг юз уруғи XVII асрдан бошлаб Бухоро, Самарқанд, XVII асрдан бошлаб Хўжанд ва Ўратепада яшаган аҳоли таркибида яшаганлиги баъзи бир манбаларда қайд этилган. Қайд этилган маълумотларга асосланиб ҳамда тадқиқот ва сўровлар натижасига таяниб, юз уруғи Сурхондарё вилоятига Бухоро ва Самарқанд ҳудудларидан кўчиб келиб жойлашган, деган мулоҳазани билдириш мумкин. Чунончи бу борада юқорида эслатиб ўтилган Шўрчи туман Тўла қишлоқ фуқароси Исмоилов Хурсанднинг маълумотига кўра, қачонлардир юз уруғи «Қирқ юздан» ажралиб чиққан ва Жиззахдан кўчиб келган. Бошқа далилларга келсак, уларнинг шеваси, бизнинг қузатувларимизга қараганда, қўнғиротларнинг шевасидай, яъни улар ҳам «ж»лаб кипчоқ лаҳжасида гапиришади.[14.2021]

Вахтамғалининг алифли уруғи Жиндибулоқ (Олтинсой тумани)да, кесовли уруғи Ободон, Толли (Шўрчи тумани) ҳамда Ҳазорбоғ (Денов тумани)да, жорикбош уруғи Ялти ва Совжиронда, қозоқ уруғи Миришкор ва Олатемирда, қўштамғали уруғи Култепада, қозоёқли уруғи Хўжасоат, Қумпайкал, Тўхтамиш, Лўкка (Олтинсой туманида), бўгажили уруғи Ҳайрабод (Денов тумани)да ва бошқа ҳудудларда яшайдилар. [12.2019]

Жилонтамғалиларнинг кўса уруғи Тўла, Олатемир (Шўрчи тумани), Пахтакор, Иккираз, Дегрез (Олтинсой тумани), иярчи уруғи Охунбобоев, патос уруғи Хидиршо, Дуғоба, Иккираз, Мормин, Сайрак, Қоратепа, Жолти, Мўминқул (Олтинсой тумани) да, болахўр уруғи А. Сафаров фермер хўжаликлари уюшмаси (Шўрчи тумани)да, Сайрак (Олтинсой тумани)да, қарға уруғи Толли фермер хўжаликлари уюшмасида, йўрға уруғи Ижтимоиёт фермер хўжаликлари уюшмасида, боғонали уруғи 8-март фермер хўжаликлари уюшмаси (Денов тумани)да, Боштепа (Шўрчи тумани)да, қоратамғали уруғи Регар атрофларида яшайдилар.

Вахтамғали уруғининг юқорида 8 уруғга бўлинишини таъкидлаган эдик. Вахтамғалининг алифли уруғи беш ота алифли деб – бўкай, какувот, бешботир, болхи, чулуққа бўлинган.

Қозоқ уруғи тўрт ота қозоқ деб – кўк калабош, кирмоли, ўнтўрт, гўрға сиғмасга бўлинган.

Қозоёқли уруғи ўн ота қозиёқли деб – туяжақ, кўрновуз, ҳайитқорақош, галаҳая, қовчин, олчин, паритўп, куябош, калтўп, гўрховга бўлинган.

Кесовли уруғи тўққиз ота кесовли деб – халфабачча, калбачча, қозибачча, сарибачча, жунбачча, чолишбачча, ойнақўз, гўрга сиғмас, бадирга бўлинган.

Уруғларнинг бу каби номланишида ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар сабаб бўлган. Масалан, қозоёқли деб номланиши ҳақида халқ орасида шундай ривоят мавжуд: «Сирдарёда бир подшо бўлиб, қозиси билан ер-сув масаласида тортишиб қолади. Аҳолининг маълум қисми қозини қўллаб-қувватлайди. Подшо қозини ўлдирмоқчи бўлганда, подшоликда хизмат қиладиган бир киши қозига подшонинг ниятини айтади. Шунда қози ўзининг тарафдорлари билан тунда подшолик ҳудудидан қочади. Ҳозирги Сурхондарё ҳудудларига келиб жойлашади. Қозоёқлилар қози билан келган кишилар авлодидир». [13.2019] Юзнинг катта уруғларидан яна бири бу қаробчи уруғи бўлиб, қаробчилар Олтинсой туманининг Обшир, Чуқур Обшир, Жобу, Дегрез, Овчи, Зардақўл, Тўхтамиш, Чинор, Бодиҳаво қишлоқларида, Шўрчи ва Денов туманларининг Охунбобоев фермер хўжаликлари уюшмасида яшайдилар.[14.2022]

Қаробчи деб номланиши ҳақида шундай ривоят бор: «Амир замонида 40 та қароқчи бўлиб, бу қароқчилар амир ясовуллари томонидан қўлга олинади. Қароқчиларни ўлдиртиришга амирнинг кўзи қиймайди. Чунки уларнинг ҳар бири бир юртга бек бўладиган соғлом, бақувват йигитлар бўлган. Шундан сўнг амир буларнинг ҳар бирини бир қишлоққа бошлиқ қилиб жўнатган. Шундан тарқалган бу уруғ қароқчи сўзининг бузилиб талаффуз қилинишидан қаробчи деб аталиб кетган». [12.2019] Қаробчилар бир неча уруғга бўлиниб, гардон, чичқоқ, холмат, кўкан, ашурбек, жаҳастуби, гадойхўжа уруғларидан иборат. Қаробчиларнинг Сурхон воҳасига келишини Сўфи Оллоёр билан боғлайдилар. Қаробчилар у киши билан бирга Каттақўрғондан келишган деб, эътироф этишади.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Асқаров А. А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015. – 680 б.
2. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Тошкент, 1968. –Б. 86.
3. Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.
4. Жабборов И. М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнотарихий лавҳалар). – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 208 б.
5. Ситняковский Н.Ф. К генеалогической таблице узбекского рода Кунгирад // ИТОР-ГО. Т. VII. –1907. – С. 17.
6. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 323 с.
7. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. 1. Бухара. –Ташкент: Гос. Изд., 1926. –С. 203.
8. Норбоев Н. Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳақида. – Тошкент: ИРИЦ, 1997. – 86 б.
9. Турсунов С.Н. Ўзбекистонда этник қадриятлар ва миллий-маданий мерос. // профессор-ўқитувчиларининг илмий назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: Университет, 2000.
10. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент, 2001. –384 б.
11. Шониёзов К. Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 462 б.
12. Дала ёзувлари. 2019 йил. Шўрчи тумани Шалдиरोқ қишлоғи
13. Дала ёзувлари. 2020 йил. Шўрчи тумани Тўла қишлоғи, 2020 йил. .Олтинсой тумани Дегрез, Жобу, Тўхтамиш, Обшир, Чуқур Обшир, Зардақўл, Чинор, Бодиҳаво қишлоқлари. 2019 йил. Денов тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги.
14. Дала ёзувлари. 2019 йил. Олтинсой тумани Чуқур Обшир қишлоғи.

## СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ВА КЎЧИБ КЕЛГАН ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ЎЗИГА ҲОСЛИК ВА АНЪАНАВИЙЛИК

Эшмўминов Озодбек Зиёдулла ўғли,  
Термиз давлат университети  
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Анъанавий уй-жойлар қурилиши ўтмишини ўрганиш моддий маданият тарихида муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқларнинг маданийлашиб боришини белгиловчи омиллардан бири - бу ўша халқнинг шаҳарлари ва қишлоқлари қиёфасидир. Бизнингча, уй-жойлар қурилиши моддий маданиятни белгиловчи омиллардан биридир. Минтақа заминида яшаб келувчи халқлар ўз ўтмишида қанчадан-қанча ўзгаришларни бошидан кечирган бўлса, улар-ўсган макон, яъни хонадон, уй-жой ҳам шундай ўзгаришларни босиб ўтган. Мақолада Сурхон воҳаси аҳолиси ва кўчиб келган фарғоналикларнинг уй-жой қурилишида ўзига ҳослик ва анъанавийлик ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўз ва иборалар:** Сурхон воҳаси, фарғоналиклар, уй-жойлар, хонадон, ўзига ҳослик ва анъанавийлик.

**Аннотация:** Изучение истории строительства традиционных домов занимает важное место в истории материальной культуры. Потому что одним из факторов, определяющих культурное развитие народов, является образ городов и сел этого народа. На наш взгляд, жилищное строительство является одним из факторов, определяющих материальную культуру. Народы, проживающие в регионе, пережили в своем прошлом много изменений, поэтому и место, где они выросли, то есть дом, дом, тоже претерпело такие изменения. В статье приведены сведения о самобытности и традиционности жителей Сурханского оазиса и жителей Ферганы, перешедших на домостроение.

**Ключевые слова и фразы:** Сурханский оазис, ферганцы, жилища, жилище, самобытность и традиционализм.

**Abstract:** The study of the history of the construction of traditional houses is important in the history of material culture. Because one of the factors determining the cultural development of nations is the image of the cities and villages of that nation. In our opinion, housing construction is one of the factors determining material culture. The peoples living in the region have experienced many changes in their past, so the place where they grew up, that is, the house, the house, has also gone through such changes. The article provides information about the originality and traditionality of the residents of the Surkhan oasis and the residents of Fergana who moved to the house construction.

**Key words and phrases:** Surkhan oasis, Ferghana people, houses, house, originality and traditionalism.

XIX аср бошларида Сурхон воҳасида кечаётган этномаданий жараёнларнинг мазмун-моҳияти, ривожланиш ҳолати ушбу даврда юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ эди. Бошқача қилиб айтганда, у ёки бу этнос ҳаётида юз бераётган ҳар бир ўзгариш табиий равишда мазкур этнос маданияти, хусусан, моддий маданиятида ўз ифодасини топган. Ўрганилаётган даврда Ўрта Осиё, жумладан, Сурхон воҳаси этносларининг анъанавий турар жойлари ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолаётганлиги билан изоҳланади. Сурхон воҳасида яшаётган турли этник жамоалар, хусусан, кўчиб келган фарғоналикларнинг турар жойларида уларнинг тури ва кўринишлари ҳамда ички жиҳозланишида юз бераётган ўзгаришлар бир сўз билан айтганда бу соҳадаги инновациялар ҳудудда кечаётган турли омиллар, жумладан, этномаданий ва этноҳўжалик алоқалари таъсирида ривожланиб борди. Таъкидлаш ўринлики, айни вақтда анъанавийлик анча барқарор эди.

Аҳолининг анъанавий уй-жой қурилиши моддий маданият тарихида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин халқларнинг тараққий этиб, юксалиб, бир сўз билан айтганда маданийлашиб боришини белгиловчи омиллардан бири унинг шаҳарлари ва қишлоқлари қиёфаси ҳисобланади. Доимо уй-жойлар қурилиши аҳоли

маданиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланиб келинган. Сурхон воҳасида яшаб келган аҳоли қанчадан-қанча ўзгаришларни бошидан ўтказган бўлса, улар яшаган турар-жойлар ҳам шундай такомиллашиб борган.

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг бир қисми турғун яшаб келган бўлса, иккинчи қисми ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик билан шуғилланган[6].

Табиий-географик шароит турар-жойлар қуришда муҳим аҳамият касп этган. Уй-жойларнинг асосий вазифаси инсонларни ташқи муҳит, табиат ҳодисаларидан (ёмғир, қор, шамол ва ҳ.) асраш учун қурилган. Шунинг учун қадимдан усталар уй-жой қуриш учун олдин мақбул жой танлаб, шамолнинг эсиши, қуёшнинг чиқиши ва ботиши каби омилларни ҳисобга олиб қуришган. Инсонлар уй-жой қуришда усталарнинг кўп йиллик тажрибасига суянишган. Татқиқотчилар XX асрнинг 50-60-йилларидагина уй-жойлар қуришда табиий муҳитнинг муҳимлиги илмий исботлаб берилган[2]. Уй-жойлар мавсумий, доимий ва вақтинчалик турларга бўлинади. Бино қурилишидан олдин ундан келгусида фойдаланиш манфатлари тўлиқ ҳисобга олинган[4].

XVIII асрда тоғ ҳудудларида тош, хом ғишт, гувала „бўри калла“ дан шаппати деб номланган деворлар билан қурилган доимий тураржой уй-томлар ва хўжалик бинолари вужудга келган. Ховлининг атрофи деворсиз ўтов уйлар мажмуидан иборат эди. Чўлларга нисбатан тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўтроқлашиш эртароқ бошланиб доимий тураржойлар нисбатан олдинроқ қурила бошланган[1]. Ҳудуд аҳолиси иккинчи жаҳон урушидан сўнг ёппасига уй-томлар қура бошлаган. Демак ярим ўтроқ ўзбеклар яшаган қишлоқларда XX аср бошларида пахса уйлар қурила бошланган. Сурхон воҳасида асосий тураржой сифатида уй томларга ўтиш 1950-йилларда тўлиқ амалга ошган[1].

Аҳоли турар-жойлар барпо этишда ҳудуднинг табиий-географик шароитидан, турмуш-тарзидан келиб чиққан ҳолда ёндошган. Чорвадор аҳоли асосан чайла, каппа ва ўтовларда яшаган бўлса, ўтроқ аҳоли пахса уйлар чайлалар ва ўтовларда истиқомат қилишган. Узун тумани Янги куч маҳалласида дала татқиқотлари олиб бориш жараёнида суҳбатдошимиз Соллиев Мухаммадjon отанинг сўзларига кўра 1928-йил водийликлар кўчириб келтирилганда бу ҳудудлар ғиша, тўқай ва қамишзор бўлган. Ён-атрофдаги маҳаллий аҳоли (асосан чорвадорлар) ўтовларда, капаларда истиқомат қилишган. Кўчиб келганларга ҳечқандай шароит яратилмаган. Водийликлар дастлаб қамишдан каппалар, чайлалар қуриб яшашган, айримлари маҳаллий аҳоли ташлаб кетган ўтовларда истиқомат қилишган. Фақатгина 1934-йил иккинчи раис Мадимар бобо ташаббуси билан Қоратегинлардан бўлган пахса урувчи усталарни олиб келиб қишлоқнинг барча оилалари учун пахса уйлар қурдиради ва 1935-йил уйларнинг усти тўлиқ ёпилади. Уйларни ёпишда дарё бўйидаги тол дарахтининг шоппалардан фойдалинилади. Айрим ҳолларда Россиядан ҳам ёғочлар олиб келинган. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси қишлоқни Мадимар ота қурдирган деб келишади. Тураржойларнинг қурилишида табиий-географик шароитдан келиб чиқиб турлича қурилган. Фарғона водийсида уйлар пахсадан қурилиб тепаси текис ёпилиб торт томонидан сув тушадиган қилиб тахтадан нов қилиб ёпилган. Воҳада эса уйлар томи ўртаси баланд қилиб икки ёнга сув оқиб кетиладиган қилиб ёпилган. Сабаби қор ва ёмғир сувлари топланмасин деб томи қия ёпилган. Уйларнинг усти ҳар йили сомон сувоқ қилиб турилган. Фарғона водийси аҳолиси уй тепасига ҳар йили туз сепишган, натижада бегона отлар ва сомаон ичидаги буғдой уруғлари униб чиқмаган. У даврларда шифир, туника махсулотлари бўлмаганлиги учун уйга чакки ўтиб, аҳоли чакки ўтган жойларга доим идишлар қўйиб ўтиришган. Уйларнинг деразалари бўлмаган, дераза ўрни ёғоч билан ёпиб қўйилган. Водийликлар ўзлари билан сандаллар олиб келишган. Оила сандал атрофида ўтириб, сандал устига дастурхон солиб ёш болалар туршаклар еб отиришган[7].

Сурхондарёвилояти Термиз тумани «Тинчлик» маҳалласида яшовчи суҳбатдошимиз 66 ёшли Турсунов Юсуфjon Ҳалимовичнинг сўзларига кўра водийликлар уйларни қуришда асосан гувала „бўри калла“ дан шаппати деб номланган деворлар билан қурилган доимий тураржойлар қуришган[8].

Шимолий Сурхон воҳасида дастлабки пахсали уй қурилиши қоратегинлик усталар томонидан бажарилган, кейинчалик маҳаллий усталар ҳам бу хунарни ўрганишган[3].

Ўрганилаётган ҳудудда уйлар дастлаб сувга яқин ҳудудларда дарёлар, булоқлар, сойлар бўйларида қурилган, қурилишда асосан маҳаллий хомашёлардан фойдаланилган. Тураржойлар қуришда аҳоли кўп жихатларга эътибор қаратишган. Уйлар иссиқ бўлиш учун асосан қуёшга қаратиб эшиклари шамолга тескари қилиб, дарвозаси кўп ҳолларда йўлга ва ариқларга қаратиб қурилган. Уйларнинг томини ёпишда ёғоч (хари) тоқ ёпилган. Дахлизларга учтадан бештагача, меҳмонхоналарга ети, тўққиз, ўн бир базида ундан ҳам кўпроқ ёғоч (хари) ишлатилган. Уй тепасига қамиш тўшалиб лўмбоз қилинган. Ҳар йили ёмғир суви ювиб кетмаслиги учун, сомон лой билан суваб турилган. Уйлар дастлаб бир ёки икки хонали қилиб қурилган, XX аср бошларидан бошлаб икки –уч хонали, базан, ундан ҳам кўп қилиб қурилган.

Воҳада уйларни иситишда асосан сандалдан кенг фойдаланишган. Сандал томонлар тенг, тўрт оёқли курсидан иборат бўлиб, у асосан хонанинг ўртасига ердан ўйилган тўртбурчак чуқурча устига ўрнатилган. Сандал тагидаги чуқурча ичига кўмир, ўтин (асосан ўрик, тут дарахти ўтини) чўғи қуйилиб, сандал устига катта кўрпа тўшалган, сандал атрофига оила аъзолари умумий кўрпага ўралиб ўтирганлар, сухбат қуришган, овқатланишганлар, пахта, жун титишган, урчуқ йиғиришган ва умумий кўрпани ёпиб ўтиришган[5].

Уйларнинг қурилишида маҳаллий аҳоли ва водийликлар бир-бирларидан андоза олган ҳолда табиий-географик шароитдан келиб чиққан ҳолда ўзлари учун қулай уйлар қуришга интилишган.

Сурхон воҳаси бўйича тадқиқотлар олиб борган олимлар томонидан воҳа аҳолисининг манзилгоҳларини табиий-географик жойлашуви бўйича қуйидаги уч гуруҳга ажратиб кўрсатганлар:

биринчи гуруҳ – воҳанинг текислик қисмида анча аввал ташкил топган аҳоли манзилгоҳлари бўлган шаҳар ва қишлоқларни киритиш мумкин. Маълумки, водийнинг ушбу қисми қадимданоқ ўзлаштирилган бўлиб, аҳолиси асосан, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган;

иккинчи гуруҳ – ушбу гуруҳга тегишли аҳоли маконлари тоғолди текислик қисмида ҳамда дарё ва сой қирғоқларида жойлашган;

учинчи гуруҳга эса тоғ дараларида ташкил топган манзилгоҳларни киритиш мумкин. Мазкур манзилгоҳлар вақтинчалик, яъни кўпроқ ёз мавсумига мўлжалланган бўлиб, у асосан чорвасини боқаётган у ёки бу уруғ вакиллариининг кўчма ўтовларидан ташкил топган овул типидagi турар жойлар ҳисобланган.

Жанубий Ўзбекистон аҳолиси XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўтроқлик ва кўчманчилик тараққиётининг турли ижтимоий-иқтисодий босқичларида эди. Шу боисдан уларнинг турар жойлари ҳам турли кўринишда бўлган.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Бўриев О. ва бошқалар. “Ўзбек халқи боқий қадриятлари” (Этнотарихий лавҳалар) 86-89 бет
2. Воронина В.Л. “Жилище народов Средней Азии и климат” // “Жилище народов Средней Азии и Казахстана” -М.: Наука, -1982. - С.48. Жилина А.И. “Традиционные поселения и жилище узбеков Южного Казахстана” Ўша жойда .- С.137.
3. Қурбонов А. “Шимолий Сурхон воҳаси этнографияси” - Т.: - Янги нашр -2014. - Б.49
4. Турсунов. С.Н. ва бошқалар. “Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси” - Т: - А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутибхонаси, - 2006. - Б.104.
5. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Махмадиёрова Н.С . “Сурхондарё этнографик макон” -Т., - Академнашр, - 2012. - Б. 79.
6. Шониёзов К. “Ўзбек халқининг шакилланиш жараёни” Шарқъ, 2001-й. Б. 257.
7. Дала ёзувлари 2022-йил. Солиев Муҳаммаджон 74 ёш. Узун тумани Янги куч қишлоғи.
8. Дала ёзувлари 2022-йил. Турсунов Юсуфжон 64 ёш Термиз тумани Тинчлок маҳалласи.

## МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҲЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қаршиев Ислон Махмараҳим ўғли,  
Термиз давлат университети Жаҳон  
тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳаётида термачилик, овчилик, чорвачилик, дехқончиликка оид меҳнат тажрибалари билан бирга ўйинлар шакллана бошлаган. Мақолада миллий халқ ўйинларининг тарихий-ижтимоий ва маиший-хўжалик хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: миллий халқ ўйинлари, «дўл», «тиқмоқ», «ошиқ», «ганош», «боболтака», «чиркаш», «оқ теракми-кўк терак», «қувлашмачоқ», маиший-хўжалик хусусиятлар.

Аннотация: С древнейших времен игры стали формироваться в жизни человека вместе с трудовыми занятиями, связанными с оленеводством, охотой, животноводством, земледелием. В статье говорится об исторических, социальных и экономических особенностях национальных народных игр.

Ключевые слова: народные народные игры, «град», «тикмоқ», «ашиқ», «ганош», «боболтака», «чиркаш», «тополь белый-голубой», «кувлашмачак», особенности быта.

Abstract: From the earliest times, games began to be formed in human life together with labor experiences related to herding, hunting, animal husbandry, farming. The article talks about the historical, social and economic characteristics of national folk games.

Key words: national folk games, «hail», «tikmoq», «ashik», «ganosh», «boboltaka», «chirkash», «white poplar-blue poplar», «kuvlashmachak», household features.

Анъанавий халқ ўйинлари омманинг ижодий меҳнати натижасида вужудга келиб, минг йиллар давомида турли хил кўринишларда оммалашиб, этноснинг ижтимоий ҳаёти, миллий хусусиятлари, қолаверса маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Чунончи, анъанавий халқ ўйинлари аҳолининг ижтимоий турмушида, хусусан оммавий сайл ва мусобақаларда, тўй ва бошқа маросимларда ўтказилган бўлиб, ўйинлар ўтмиш ёзма ёдгорликларида ва халқ ўйинларига бағишланган баъзи манба ва адабиётларда ўз аксини топган. Манбаларда энг қадимий ўйинлар сифатида овчилик ва дехқончилик ўйинлари тилга олинади [9.Б.6-12]. Шунинг учун ҳам анъанавий ўйинларнинг келиб чиқиши, тарихи, келажак авлод тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги этнология фани учун долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, анъанавий халқ ўйинларини тўплаш ҳамда илмий таҳлил қилиш ўзбекларнинг келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган қадимий ва илғор анъаналарини тиклашда ҳил қилувчи аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан унутилган халқ ўйинларини тўплаш ва қайта тиклаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий халқ ўйинларининг ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва камол топтиришда ўрни беқиёслигини ҳисобга олиб Алпомиш ўйинлари Республика фестивали Термизда, ҳамда Жиззахда республика хотин-қизлари учун «Тўмарис» фестивали, спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича ҳар йили туман мусобақалари, икки йилда бир марта Республика фестивали ўтказиш белгиланган [14].

Тарихий келиб чиқишига кўра, ўзбек халқининг анъанавий ўйинлари Марказий Осиёда қадимдан истиқомат қилиб келатган туркий халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, қолаверса бадиий тафаккури ҳамда эстетик қарашлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, қадимдан дехқончилик, чорвачилик ҳамда овчилик билан шуғулланиб келган халқлар томонидан яратилган кўпгина маросим ва удумларнинг айримлари вақтлар ўтиши давомида анъанавий ўйинларнинг шаклланиши учун эстетик асос вазифасини ўтай бошлаган. Масалан, овнинг барорли бўлиши, кўпроқ ўлжаларни қўлга киритиш мақсадида ўтказилган овдан олдинги удумлар, тотем – аждодлардан кўмак сўрашнинг ўзига хос машқ амалларини ўз ичига олган маросим рақслар асосида даврлар ўтиши билан овчиликка хос бўлган анъанавий ўйинлар

юзага келган. Ўз навбатида деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши икки анъана, яъни баҳорда меҳнат мавсумига кириш ва кузги ҳосилни йиғиштириш билан боғлиқ маросим ва байрамларни юзага келтирган. Айниқса, ёз бўйи меҳнат қилиб, баракали ҳосил етиштирган деҳқонлар хурсанд бўлганидан ўзига хос хирмон тўйини ўтказиб, унда меҳнат жараёнларини ўйинлар орқали акс эттирган. Бу «Меҳнат ўйинлари» яхши кайфиятда, байрам ҳолатида ўтган [8.Б.71].

Умуман олганда, энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳаётида термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончиликка оид меҳнат тажрибалари билан бирга ўйинлар шакллана бошлаган. Онгли меҳнат ва тажриба асосида турли ўйинлар пайдо бўлган бўлиб, махсус илмий адабиётларда кўпгина илмий тадқиқотларда халқ ўйинларини тўрт асосий гуруҳга – жанговар, ишқий, тақлидий ва ижтимоий ўйинларга ажаратилади [2.Б.33]. Бошқа тадқиқотларда эса халқ ўйинларини иккита асосий гуруҳ – драматик, чаққонлик ва мувафаққият асосида вужудга келган ўйинларга бўлинади. Шунингдек, ўйинлар вертикал, яъни тик ва горизонтал, яъни тўғри чизиқ йўналиши бўйича кичик гуруҳларга ажратилади[3].

Ўзбек халқи ўйинлари ва уларнинг таснифи борасида мулоҳаза юритадиган бўлсак, ҳанузгача илмий адабиётларда умум қабул қилинган тасниф мавжуд эмас. Шу боис, биз тадқиқотда Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий ўйинларини учта гуруҳга бўлиб таҳлил қилдик:

- 1) бирор предмет асосида ўйналадиган ўйинлар: «дўл», «чиллик», «арғимчоқ», «тиқмоқ», «ошиқ», «ганош», «кўрпа ёпти», «кўчмоқ», «оқ суяк», «ғирбайди» ва ҳоказо;
- 2) предметсиз ўйналадиган ўйинлар: «боболтака», «чиркаш», «бекинмачоқ», «оқ теракми-кўк терак», «қувлашмачоқ», «зим-зиё» ва ҳоказо;
- 3) ўртада бирор шарт қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинларга кураш, кўпқари каби ўйинлар киради.

Бу анъанавий халқ ўйинлари шуниси билан характерлики, айрим ўйинлар мавсумий ўйинлар бўлиб, қиш фасли ўтиб, баҳор фасли келиши билан ўйналса, айримлари йил давомида ҳам ўйналган.

Тадқиқ этилаётган ҳудуд аҳолисининг анъанавий ўйинлари нафақат болалар, қолаверса, катталар ўйинларига ҳам бўлинган. Бу анъанавий халқ ўйинлари ёшларни жисмоний бақувват, сергак, кўрқмас бўлишига, уларнинг ақлини ўстиришга, тез фикрлашга ўргатишга, топқир, зукко бўлишига ўзига хос ўрни бор бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

Анъанавий халқ ўйинлари тарихий-генитек жиҳатдан қадимги туркий халқлар анъанавий ўйинлари билан ўзакдошдир. Чунончи, қадимий туркий ўйинларнинг бир қисми бугунги ўзбек анъанавий ўйинлари замирида анъана сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Хусусан, бу борада Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган ўйинлар фикримиз далилидир.

Қадимги ўйинлар йиллар ўтиши билан янгича ном билан атала бошлаган. Чунончи, Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, «Йалингу» деб номланган ўйинда жориялар дарахт шохларига арқон боғлаб, шу арқонга ўтириб учиб ўйнаганлар [4.Б.289]. Бу ҳозирги даврдаги анъанавий халқ ўйинларидан бири бўлган «арғимчоқ» ва «ҳалинчак» ўйинидир.

Анъанавий халқ ўйинларидан «Қора кўрдим» ўйинига мос ўйинларидан бири «Қорағунг» [5.Б.261]. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган. Ўйинда она боши сайлаш, яшириш, ютқазган бола шерикларини қаерда эканлигини аниқлаши каби шартлар борлиги билан «бекинмачоқ» ўйинига ўхшайди. Ўйин фақат тунда ўйналиши ва шерикларини излаётган бола яширинган ўйинчини кўрганда «қора кўрдим» деб таъкидлаши билан бу ўйин бекинмачоқ ўйинидан фарқ қилади.

Шунингдек, Маҳмуд Қошғарий ўзининг мазкур асарида «ўт бандал» номли анъанавий халқ ўйинини ҳам изоҳлаган. Одатда чўқмоқли таёқ билан човгон ўйинида копток урилган. Болалар эса бундай чўқмоқли таёқларнинг учини ёндириб, кечаси бир бирларига ўқталиб ўйнаганлар. Ана шу ўйин «ўт бандал» деб аталган [6.Б.445]. Маҳмуд Қошғарий бошқа ўйинлар ҳақида ҳам тўхталиб, ёнғоқ билан ўйналадиган «ўн тўрт» [7.Б.452]. ўйинини изоҳлаб берган. «ўн тўрт» ўйинида ерга қўрғончага ўхшатиб, тўрт чизиқ тортиб, унга ўнта эшик қилишган. Ана шу шаклга тош ёки

ёнғоқ ташлаб ўйнаганлар. Тўрт чизиқ ва ўнта эшик чизилганлигига кўра ўйин номи «ўн тўрт» деб аталган.

Воҳа аҳолисининг анъанавий ўйинларидан яна бири «тўпиқ» ўйини бўлиб, бу ўйинда «ушоқ мол» гўшtidан пиширилган таом истеъмол қилинган вақтда косасидан тўпиқ суяги бор гўшт чиққан одам бир илож қилиб, ана шу суякли гўштни шерикларидан бирортасининг қўлига тутқазса олса, у киши тўпиққа ютқазган бўлади. Тўпиқни асосан ёғли гўштга ўраб беришган, айрим ҳолларда нон орасига солиб ҳам узатишган.

Тўпиқни билмасдан олиб қўйган киши тўпиқ берган кишига «тўпиққа ютқазган» ҳисобланади. Ўйин шартига кўра ютилган киши тўпиқни давра олдидаги одамлар олдида ютиб юбориши ёки ёнида ҳаммиша сақлаб туриши лозим бўлган. Ўйинда ютган киши хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойида тўпиқни сўраса ютилган киши ўйин шартига кўра топиб бериши керак бўлган. Шу боис, ютқазган киши тўпиқни доимо ёнида кўтариб юрган. Айрим кишилар бу суякни тешиб, ёнларига ёки бўйинларига тақиб юрганлар. Ўйин шартига кўра тўпиқ исталган вақтда сўралганда кўрсатилса ютган ҳисобланади. Аксинча эса ютилган ҳисобланиб, ўртага қандай шарт қўйилган бўлса, бажаришга мажбур бўлган. Воҳа аҳолисининг кўпчилик қисми дехқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шуғулланганлиги боис кўпинча бир мол сўйиб, зиёфат бериш шарт қилиб белгиланган. Албатта, сўралган тўпиқни бера олса, тўпиқ берган киши ютқазган ҳисобланиб, ўзи ўша ўйинда иштирок этганларга ўйин шarti бўйича зиёфат қилиб берган.

Бугунги кунгача воҳанинг айрим ҳудуд аҳолисининг нафақат болалар, балки ёши катта кишилар орасида ҳам давом этиб келаётган сўз ўйинларидан бири бу «тарабар тили» [1.Б.33] ўйини бўлиб, ўйинда гуруҳларга бўлинишган. Бу ўйиннинг ўзига хос усуллари шундан иборатки, ҳар бир сўз таркибидаги бўғинларнинг жойи ўзгартирилади. Масалан, «ётган эдим» сўзидаги бўғинларнинг ўрни ўзгартирилса, «ганёт дим» сўзи ҳосил бўлади. Бундай бўғинларнинг ўрни ўзгартирилганда сўзлар тез талаффуз қилинганда, бошқа гуруҳ аъзолари ҳеч нарсани тушуна олмаган.

Ҳозирги кунгача сақланиб келаётган анъанавий халқ ўйинларидан бири «ҳалинчак учиш» ўйини бўлиб, асосан баҳор фаслида йигитлар ва қизлар, қолаверса, келинчаклар мевали дарахтлар (асосан ёнғоқ, ўрик (зардоли) дарахтлар мустаҳкам бўлганлиги учун)га арқон боғлаб, ҳалинчакларда учганлар. Ҳалинчак учиш ўйинининг анъанавий тарзда ўтиб келиши, халқимизнинг қадимдан ўтроқ яшаб дехқончилик билан шуғулланиб келаётганлигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Боровков А.К. Аист и связанные с ним приметы и поверья у местного населения //Сб. научного кружка при востфаке САГУ. Вып. I. – Ташкент, 1928. – С. 33.
2. Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР. – М. - Л.: Академия, 1933. – С. XXIII - XXIV.
3. Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР. . . – Б. XXIV.
4. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. III жилд. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 289.
5. Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. –Б. 261.
6. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I жилд. –Тошкент: Фан, 1960. –Б. 445.
7. Маҳмуд Қошғарий. Кўрсатилган асар. –Б. 452.
8. Қорабоев У. Халқ ўйинларининг шаклланиши ҳақида // Этномаданият. –Тошкент, 2003. – Б. 71.
9. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 6-12.
10. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997. – 43 б.
11. Турсунов С.Н. Ўзбекистонда этник қадриятлар ва миллий-маданий мерос. – профессор - ўқитувчиларининг илмий назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: Университет, 2000.
12. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент, 2001. –384 б.
13. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Тошкент, 2004. – 608 б.
14. Халқ сўзи. 1998 йил 13 ноябрь; 1999 йил 29 ноябрь.

## GILAMCHILIK SAN'ATI TARIXI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI

Mallayev Dilmurot Tursunmurodovich  
Termiz davlat universiteti  
Jahon tarixi kafedrası o'qıtuvchısı

**Annotatsiya:** O'zbekiston miqyosida gilamchilik san'ati tarixi, gilam turlari, gilamchilik maktablari, gilamchilikda qo'llanilgan naqsh turlari yoritilib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Tukli gilam, tuksiz gilam, julxirs, taqir gilam to'quv dastgohlari.

**Аннотация:** освещены история коврового искусства Узбекистана, виды ковров, школы ковроделия, виды узоров, используемых в ковроткачестве.

**Ключевые слова:** шерстяной ковер, безшерстный ковер, джулхирс, лысые ковроткацкие станки.

**Abstract:** the history of the art of carpet making in Uzbekistan, types of carpets, schools of carpet making, types of patterns used in carpet making are highlighted.

**Key words:** wool carpet, woolless carpet, julxirs, bald carpet weaving looms.

Gilam to'qish san'ati xalq hunarmandchiligining keng tarqalgan turi bo'lib, ko'p asrlik milliy an'ana va uzoq tarixga ega. Gilam to'qish badiiy to'qish hunariga kiradi. U qadimdan ayollar orasida keng tarqalgan hunar sifatida mashhurdir. Gilam to'qish san'ati ayniqsa chorvachilik bilan shug'ullanadigan ko'chmanchi xalqlar orasida keng tarqalgan. Gilamning paydo bo'lgan vaqtini aniq aytish qiyin, chunki gilamlarning asosiy xom ashyosi bo'lgan ipak, jun kabi tabiiy tolalar vaqtlar – o'tishi bilan chirib, qadimgi gilamlar saqlanmagan. Eng qadimgi gilam mil. av. VI-V asrlarga oid bo'lib, Tog'li Oltoydan topilgan, abadiy muzloqda bo'lgani uchun yaxshi saqlangan.

Olimlarning taxminiga ko'ra, u ahamoniylar davri forslari yoki O'rta Osiyo qabilalari orasida tayyorlangan. Mazkur gilamning hajmi 1,8 x 2 m bo'lib, naqsh mujassamoti handasaviy shakllar, nilufar gullardan iborat, keng hoshiyalariga otlıq chavandozlar, xoldor bug'ular tasviri tushirilgan.

Sharq gilamlarining paydo bo'lishi haqida aniq ma'lumotlar yo'q. ehtimol, Kichik Osiyoning aholisi to'quv texnikasini qadimgi misrliklar tomonidan qabul qilgan bo'lishi mumkin. Arab xronikalarida naqshli gilamlar haqida hikoya VII asrga borib taqaladi, ammo bugungi kungacha saqlanib qolgan eng qadimgi gilamlarning qoldıqlari faqat XIII asrga taalluqlidir. Sharqona gilam to'qishning haqiqiy ravnaqi ancha keyinroq, faqat XV-XVI asrlarda musulmon olamining tobora kuchayib borishi bilan birga madaniy darajasi va san'ati, xususan, gilam to'qish san'ati o'sib borgan davrga to'g'ri keladi. Venetsiyalik savdogarlar bilan bo'lgan jonli savdo aloqalari Sharq san'atining ushbu namunalarini Yevropaning barcha poytaxtlariga yoydi, shuning uchun biz ularni ko'pincha O'rta asrlar Yevropa rassomlarining rasmlarida ham ko'rishimiz mumkin.

Bu san'at juda qadim zamonlardan beri rivojlanganligini yozma tarixiy manbalar va arxeologik topilmalar isbotlab berdi. Xorazmdagi arxeologik qazishlar paytida milloddan avvalgi 1-ming yillikka mansub gilam namunasi topilgan. V-VII asrlarda O'rta Osiyodagi ko'pgina shaharlardan Xitoyga har xil gilamlar olib borib sotilgan. VII asr qo'lyozmalari VII-XI asrlarda Xorazm, Samarqand va Buxoro o'rtasidagi ba'zi shaharlarda kichik-kichik joynamoz gilamchalar to'qilib, chet mamlakatlarga sotilganligini tasdiqlaydi.

XI-XII asrlarda O'rta Osiyoda, shu jumladan O'zbekistonda gilam to'qish san'ati juda rivojlangan. Qadimgi va ilk o'rta asrlar gilamlariga oid ma'lumotlar yozma manbalarda saqlangan. Saljuqiylar davrida gilamlar ko'plab tayyorlangan va Misr, Hindiston, Xitoyga olib borib sotilgan. Mo'g'ullardan oldingi davrlarda turkiy qabila bo'lmish o'g'uzlarning gilamdo'zlik buyumlari dong chiqargan. Temuriylar davrida eroniy va turkiy an'analar uyg'unlashtirilgan gilamdo'zligi hamda XVI asrdan boshlab Movarounnahrda dashti qipchoq o'zbek qabilalarining gilamdo'zlik buyumlari keng tarqalgan. Ushbu turkiy xalqlar gilamdo'zlik an'alarining tarixiy mutanosibliği O'zbekiston milliy gilamdo'zligining etnomadaniyati asoslarini tashkil etadi. XIII asrda mo'g'ullar O'rta Osiyoni egallab olganligi sababli O'rta Osiyoda, jumladan O'zbekistonda ham gilam to'qish san'ati inqirozga uchraydi. XIV asrning ikkinchi yarmida O'rta Osiyoning Amir Temur qo'liga o'tishi bilan bu soha yana rivojlanadi. Har

xil xorijiy mamlakatlardan gilam to'quvchi ustalar olib kelinadi, gilam to'qish ustaxonalari tashkil etiladi.

O'rta asrlarda gilamchilik uch yo'nalishda: ko'chmanchi va yarim ko'chmanchi chorvador qabilalarda, o'troq (qishloq yoki shahar) aholi orasida hamda saroy ustaxonalarida rivojlandi. O'zbekistonda gilamdo'zlik va kigizdo'zlik xalq hunarmandchiligining qadim turlaridan biri hisoblanadi va yarim ko'chmanchi (chorvachilik) tarzda hayot kechiruvchi jun mahsulot (asosan qo'y va tuya)lariga juda boy mahalliy qabilalarning asosiy mashg'uloti bo'lgan. Qo'lda gilam to'qish nihoyatda sermashaqqat ish, to'quvchidan qunt, did va mahorat talab qiladi. XVIII-XIX asrlarda Buxoro va Qo'qon xonliklarida gilam to'qish san'ati tez sur'atlar bilan rivojlandi. Bunda gilam tayyorlash o'zining naqshi, yuqori sifatli to'qilishi, bo'yalish texnikasi bilan ajralib turdi. XX asrga kelib gilamchilik o'ziga xos tarzda taraqqiy etdi, gilamchilik markazlarida gilam to'qish rivojlandi, artellar tuzilib, ularga xalq ustalari jalb qilindi, ularda bir xil naqshli, yuqori sifatli gilamlar, shuningdek, mayda ro'zg'or buyumlari to'qildi.

Shuningdek, bu davrda murakkab patli gilamlar mashinalarda to'qiladigan bo'ldi. Pat bog'laydigan maxsus dastgohli korxonalarda gilamlari shlab chiqarila boshlandi.

30-yillarning 2-yarmidan mavzuli va tasvirli gilam namunalarini yaratishga urinishlar bo'ldi. Gilamchilik markazlarida Kavkaz gilamlari, an'anaviy turkman gilamlari kabi birmuncha soddalashtirilgan gilamlar ishlab chiqarildi, faqat Samarqand gilami (julxirs) o'zining an'anaviy uslubini va rangdorligini saqlab qoldi. 40-50-yillarda gilamchilik markazlari (Samarqand, Kitob, Xiva, Andijon, Termiz, Shahrisabz) tashkil etildi, mahalliy ustalar shogirdlar tayyorladi, qadimgi an'anaviy naqshlar tiklandi. Rassom va hunarmand ustalar hamkorligi natijasida muvaffaqiyatlarga erishildi. Amaliy va mahobatli san'at an'alaridan unumli foydalanilib, dastlabki yangi nusxa Xorazm gilami va unga xos bo'lgan feruza rang zamin yaratildi. 60-yillarning oxirida mayda artellar birlashtirilib, yangi gilamchilik korxonalari tashkil etildi, mohir ustalar shu korxonalarda mehnat qila boshladi. Olmaliq, Samarqand, Xiva, Forish, Shofirkon va boshqa joylardagi fabrikalarda an'anaviy naqsh mujasamoti va badiiy jihatdan ijodiy boyitilgan nafis gilamlar tayyorlandi. Hozirda gilamchilik Farg'ona vodiysida, Qashqadaryo, Surxondaryo, Sirdaryo viloyatlari, Qoraqalpog'istonda rivojlangan. Shuningdek, Samarqand, Urgut va Xorazm ham gilamchilik markazlaridir. Uyda to'qiladigan an'anaviy gilamchilik hunarmanchilikning bir turi sifatida rivojlanmoqda. Samarqand va Buxoro ipak gilamlari ham keng tarqalmoqda. An'anaviy gilamchilik rivojiga Usto birlashmasi va Hunarmand uyushmasi munosib hissa qo'shmoqda. O'zbek gilamchiligi o'zining milliy an'alarini saqlagan holda yangi tajribalar bilan boyitilmoqda. Xiva, Andijon, Samarqandning patli, Shahrisabzning taqir gilamlariga hozir ham ehtiyoj katta. Shu bilan bir qatorda gilamlar muzeylarimizning va xalqaro ko'rgazmalarning doimiy ekspozitsiyasiga aylanib bormoqda.

Gilamlarning uzun va qisqa patli, patsiz gilam, julxirs, taqir gilam kabi turlari; gilamdo'zlik buyumlarining esa bog'joma, joynamoz, xurjun, to'rva, jabduq, o'tov kabi turlari mavjud. Qo'lda to'qilgan gilamlar hajmiga qarab 3 guruhga bo'linadi: kichik – 3x2 m, o'rtacha – 3x2 m dan 6x2 m gacha, katta – 6x2 m va undan katta gilamlar. Gilamning to'qima gulli (guli tasviri gilam to'qish jarayonida gilamning teskari tomoniga o'tqazib to'qiladigan), bosma gulli (to'qib tayyorlangan gilamga guli bo'yab bosiladigan) turlari keng tarqalgan.

To'qilish usuliga ko'ra patli va patsiz gilam turlari farqlanadi. O'zbekistonda ko'pincha xurjun gilamlar ham to'qilgan. Xurjun – yuk tashish uchun mo'ljallangan, gilamga o'xshab to'qilgan qo'shaloq xalta. U jun, paxta ipidan to'qiladi. Xurjunni ot, eshak, xachir, tuya ustiga ba'zida odamlar yelkasiga tashlab yuradi. Unga har xil buyumlar, oziq-ovqatlar solinadi. U O'rta Osiyo, Kavkaz xalqlari o'rtasida keng tarqalgan. Turkman xurjunlari juda chiroyli va sifatli to'qilishi bilan ajralib turadi. Xurjunlar ko'pincha geometric naqshli qilib to'qiladi.

O'zbekiston hududida tayyorlanadigan gilamlar asosan uch xil uslubga asoslanadi:

1. Junni ipga aylantirmasdan to'g'ridan-to'g'ri zichlash (presslash) uslubida yaratiladigan kigizlar.
2. Junni ipga aylantirgan holda mato to'qish uslubida (janda, olacha, arabi va boshqa) to'qiladigan patsiz gilamlar.
3. Murakkab shakldagi bezaklar qo'llaniladigan patli gilamlar, kigizlar gilam tayyorlashning birinchi uslubiga mansubdir.

Kigiz bosish san'ati qadim zamonlardan beri rivojlanib kelayotgan xalq amaliy san'ati turlaridan biri. O'zbekistonning qaysi joyida xalqlar chorvachilik bilan shug'ullangan bo'lsa, shu yerda kigiz bosish sohasi keng tarqalgan. Bu san'at turi O'rta Osiyo va Qozog'istonda qadimdan rivojlanib kelgan. Ota-bobolarimiz kigizni yerga bo'yra ustidan solishgan, o'tovlarni o'rashgan, qalpoq, piyma va boshqalarda ishlatishgan. Ayrim hollarda guldor, chiroyli kigizlar badiiy buyum sifatida ishlatilgan. Surxondaryo hamda Qashqadaryo viloyatlarida qoraqo'y va chaydim kigizlar, Xorazmda esa takya namat xillari bor. Dastlab gilamlar qo'lda, keyinchalik maxsus dastgohlarda to'qilgan. Ilk o'rta asrga oid gilamlar bezaklarida yo'lbars va tuya izlari, olma guli, uzum zangi, tuya bo'yni, qalqon, o'simliklar ifodalangan, ayniqsa hayvon shoxi tasviri keng tarqalgan. O'rta Osiyo gilamlari uchun mujassamotining berkligi, markaziy maydonning naqshli hoshiya bilan o'ralganligi (yo'l-yo'l naqshlar bundan mustasno) xos bo'lgan. Naqshining aniqligi, go'zal bo'lishi va ranglarining uyg'unligi ularning badiiy qiymatini oshirgan. Asosiy rang qizil rang va uning 2-3 xil turlari bo'lib, ko'k, qora, oq, sariq ranglar ikkinchi darajali bo'lgan. Ranglarning mohirona ishlatilishi bilan ifodali tasvir hosil qilingan. Bir naqsh qismlarini turli ko'rinishlarda bo'yalishi bilan rang-baranglikka va jozibadorlikka erishilgan.

O'rta Osiyo gilamlari uchun xos bo'lgan, naqshning aniqligi, go'zal bo'lishi va ranglarning uyg'unligi ularning badiiy qiymatini oshirgan. O'zbek gilamlarining o'rtasiga asosan turunj yoki doira naqshi ishlanadi. Shuningdek, girih naqshli gilamlar mavjud bo'lib, uning eng ko'p tarqalgan joyi Markaziy Osiyodir. O'zbekiston gilamlariga keyinchalik zamonaviy naqsh elementlari masalan, bolta, paxta, paxta chanog'i va boshqalar kirib keldi. Geometrik bezak bilan bezatilgan gilamlar asosan ko'chmanchi qabilalar tomonidan yaratilgan, biroq gilamning geometrik naqshlari hozir ham ayrim qishloqlarda saqlanib qolgan. Dastlabki gilamlar hamasida geometrik naqshli bo'lib, o'simliksimon naqshli gilam namunalarining payo bo'lishi XVI asr boshlariga to'g'ri keladi. Geometrik naqshli gilamlarning motivlari deyarli xotiradan tushiriladi. Gilamchilikdagi kompozitsiyalar quyidagi islmiy va geometrik naqsh elementlaridan tashkil topadi.

O'zbekistonning turli viloyatlarida turlicha gilamlar to'qiladi. O'zbekistonda gilamchilik asosan Xorazm, Samarqand va Farg'ona maktablariga bo'linadi.

Vodiy gilamchilik maktabining shakllanishi Qo'qon xonligi rivojlangan davrlarga to'g'ri kelib, keyingi davrlardagi to'qilgan gilamlarda ayni shu maktabning uslublarini ko'rish mumkin. Gilamlar taxtadan iborat bo'lgan yotiq va tik holatdagi dastgohlarda to'qilgan.

XX asrning 20-30 yillariga kelib esa bu yerda gilamlar nafaqat dastgohlarda, balki gilamchilik korxonalarida to'qish yo'lga qo'yiladi. Andijon gilamlarining pati qisqa, qalin va mayin bo'lgan. Andijon gilamlari o'zining chidamliligi, pishiqligi, aniq qizil-ko'k koloriti bilan farq qiladi. Farg'ona gilamlari asosan qizil va to'q ko'k rangdano'qiladi. Qo'qon gilamchilik maktabiga asosan paloslar xosdir. Palosning gilamdan farqi tuklari yo'qligida bo'lib, u qo'y va tuya junidan, echki qilidan tayyorlanadi. Bugungi kunda ham ba'zi hududlarda bu an'ana tarixiy va zamonaviy uyg'unlikda takomillashib bormoqda.

Samarqand gilamchilik maktabiga asosan Samarqand, Buxoro va Nurota viloyatlarida to'qiladigan gilamlar xosdir. Buxoro gilamlari o'zining rang-barangligi, hajmining kattaligi, patining uzunligi va chiroyli naqshlari bilan ajralib turadi. Samarqand gilamlarining markaziga qalqon deb nomlangan turunj, chetiga esa alohida alohida naqshlar ishlanadi. Gilamlar hoshiyador estetik jihatdan bejirim ishlangan bo'ladi. Samarqandning rangdor uzun patli – julxirs (ayiq teri) gilami o'ziga xosligi bilan ajralib turadi.

Nurota gilamlari esa o'zining uzun patliligi, siyrakroq to'qilishi bilan ajralib turadi. Qo'lda to'qilgan gilamlar o'zining chidamliligi, nafisligi, tabiiyligi va sifati jihatidan ajralib turadi. Bunday gilamlar o'n, hatto yuz yillab xizmat qilishi mumkin.

Xiva gilamlari tarixi ancha qadimiy bo'lib, o'z uslubi va yo'lga ega. Ular o'zining o'simliksimon, geometrik naqshi, qirmizi va feruza ranglarining o'ziga xosligi, bejirimligi, tabiiyligi va sifati bilan ajralib turadi.

Italiyalik mashhur sayyoh Marko Polo (XIII asr) Markaziy Osiyoga sayohati haqida yozgan kitobining 21-bobini Xiva gilamlariga bag'ishlab, Bilasizmi, bu qadim, ko'hna sha-

harda shunday nozik va nafis, bejirim va go'zal gilamlar to'qilar ekanki, bunday gilamlarni dunyoning boshqa joylarida uchratmadim. Qizil, ko'k, jigar rang gilamlar o'zining chiroyi bilan emas, pishiq-puxta, chidamliligi bilan ham ajralib turadi, – deb yozgan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. S.N. Tursunov, T.R. Pardayev, G.O'. Ahmedova O'zbekiston janubiy hududlarda madaniy va amaliy sa'nat yodgorliklari tarixi. Termiz. 2017.
2. S.T. Tusunov va boshqalar. Surxon vohasi moddiy madaniyat tarixi. Toshkent. 2013.
3. S.T. Davlatova O'zbekistonning janubiy hududlari an'anaviy hunarmandchiligi tarixiy jarayonlar kontekstida Toshkent. 2018.
4. S.Bulatov. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati. Toshkent. 1991.
5. S.Bulatov. O'zbekiston san'ati tarixi. Toshkent.1991.
6. Sh. L. Mamasoliyeva. Xalq hunarmandchiligi. O'quv qo'llanma. Samarqand. 2021.

#### ҚИЗ УЙИДАГИ ТҶЙОЛДИ АНЪАНАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Шамсиева Зилола Аскарловна,  
Термиз давлат университети  
таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро воҳаси никоҳ тўйидан олдин бўлажак келин, яъни қиз хонадониде ўтказиладиган айрим маросим ва удумлар ҳақида сўз юритилади. Хусусан, Бухородаги яҳудийлар ва тожиклар орасида кенг тарқалган “ҳинобандон”, “қошчинон”, “ҳамбомбарон” каби “кичик” тўйолди маросимлари, расм-русумлари тарихий-этнографик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар ва иборалар: “ҳинобандон”, “қошчинон”, “ҳамбомбарон”, “гармоба”, “қошчин”, Наврўз, “либоспўшон”, “келиншаванда”, зардуштийлик, ислом дини, О.А. Сухарева, Н.П.Лобачева, А. Мардонова, Т.Емельяненко.

Аннотация: В данной статье рассказывается о некоторых обрядах и ритуалах, которые проводятся в доме невесты, т.е. девушки, перед свадьбой Бухарского оазиса. В частности, с историко-этнографической точки зрения анализируются «малые» свадебные обряды, такие как «хинобандон», «кошчинон», «хамбомбарон», распространенные у евреев и таджиков в Бухаре.

Ключевые слова и фразы: «хинобандон», «кошчинон», «хамбомбарон», «гармоба», «кошчин», Навруз, «либоспушон», «келиншаванда», зороастризм, исламская религия, О. А. Сухарева, Н. П. Лобачева, А. Мардонова, Т. Емельяненко.

Abstract: This article describes some of rituals that are held in the bride's house, i.e. girls, before the wedding party in the Bukhara oasis. In particular, from the historical and ethnographic point of view, “small” wedding ceremonies, such as “khinobandon”, “koschinon”, “hambombaron”, common among Jews and Tajiks in Bukhara, are analyzed.

Key words and phrases: “khinobandon”, “koshchinon”, “hambombaron”, “garmoba”, “koshchin”, Navruz, “libospushon”, “kelinshavanda”, Zoroastrianism, Islamic religion, O. A. Sukhareva, N. P. Lobacheva, A. Mardonova, T. Emelianenko.

Бухоровоҳаси аҳолисиникоҳ тўйидастлабки босқичида ўтказиладиган маросимлар қаторига келин танлаш (тож. “духтар бини”, “духтаркави”), совчилик (тож. “хўскори”), ширинихури (ўзб. ширинлик ейиш), нонсиндириш (тож. “ноншиканон”), оқлиқ кесиш (тож. “парчабурон”), жавобберди, рўмолберди, ҳайитлик этиш (тож. “ийдонабари” ёки “ийди”) каби маросим ва урф-одатларни киритишимиз мумкин.[1] Бундан ташқари, никоҳ тўйидан олдинги “кичик маросимлар” тизимидан “ҳинобандон”, “қошчинон”, “саршўён”, “ҳамбомбарон” каби расм-русумлар ҳам ўрин олган.

Бухоровоҳаси аҳолисиникоҳ тўйидастлабки босқичида ўтказиладиган маросимлар қаторига келин танлаш (тож. “духтар бини”, “духтаркави”), совчилик (тож. “хўскори”),

ширинихури (ўзб.ширинлик ейиш),нон синдириш(тож. “ноншиканон”),оқлик кеси ш(тож.”парчабурон”),жавобберди, рўмолберди, ҳайитлик этиш(тож.”ийдонабари” ёки “ийди”) каби маросим ва урф-одатларни киритишимиз мумкин.[1] Бундан ташқари, никоҳ тўйидан олдинги “кичик маросимлар” тизимидан “ҳинобандон”, “қошчинон”, “саршўён”, “ҳамбомбарон” каби расм-русумлар ҳам ўрин олган.

Воҳани этнографик нуқтаи назардан ўрганган О.А.Сухарева[2;172-176], Н.П.Лобачева[3;39-49], А.Мардонова[4;32] Т.Емельяненко[5;64] тадқиқотларида ушбу “кичик”маросимларнинг ХХ асрда ўтказилганлиги ҳақида баъзи маълумотлар учрайди.

Бухоро воҳаси қадимий ҳаммомларида ювиниш анъанаси тарихчи Наршахий асарида қайд этилган. Фақат арабча сўз-“ҳаммом”(бухорочасига “ҳамбом”) ўрнида Наршахий эскитожиктилидаги“гармоба”(ўзб.“иссиқсув”)терминидан фойдаланган. ХХ аср бошларида Бухорода 18 та ҳаммом бўлиб, улардан 9 таси эркаклар, 8 таси аёллар ҳаммоми, биттасида эса ҳам эркаклар, ҳам аёллар учун махсус хоналар бўлган. Ҳаммомларнинг асосан ярми аёлларга тегишли эканлигининг ўзи Бухорода улардан фойдаланиш қанчалик даражада оммалашиб кетганлигидан гувоҳлик беради. Бухорода никоҳ тўйидан олдин бўлажак келинни тантанали равишда ҳаммомга элтишган ва бу удум тожиклар(тож. “ҳамбомбарон”) ва яҳудийлар орасида кенг тарқалган.О.А.Сухареванинг қайд этишича, бу удум, айниқса, эронийларнинг бой хонадонларида риоя этишган.[6;64]

“Қошчинон”(ўзб. “қош териш”) удуми ҳам никоҳ тўйидан олдинги урф-одатлар тизимида алоҳида ўрин тутган. Воҳада никоҳ тўйигача қизларнинг қошларини теришлари таъқиқланган, яъни қиз боланинг қоши терилмаганлиги унинг турмуш қурмаганлиги белгиси ҳисобланган.[7;89] Ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда, “қошчинон” удуми белгиланган кунда қизнинг онаси ўз уйида ис чиқариб, уни қўни-қўшниларга тарқатган. Қизнинг қошини терадиган аёл (тож. “қошчин”)га эса қизнинг онаси мурод кунига етганлиги учун ва миннатдорлик белгиси сифатида нон, ширинлик ва бир қўйлаклик совға қилган. Қизнинг қоши терилганлиги унинг келинлик мақомига эришганлигидан дарак беради.[8]

“Ҳинобандон” маросими ҳам никоҳ тўйидан олдин қиз хонадонидида ташкил қилинган. “Ҳинобандон” атамаси, асосан, Бухоро воҳаси тожиклари ва яҳудийлари орасида кенг тарқалган бўлиб, бу маросим республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди. Хоразм воҳасида “ҳинобандон” “ҳина ёқар” – “ҳина ёпар”, “қиз йиғнар”, “қиз йиғар”, “қиз жийар” каби атамалар билан номланган.[9;41] Этнограф олима А. Мардонова “ҳинобандон” маросими фақат никоҳ тўйидан олдин эмас, балки Наврўз ёки қизларнинг мучал тўйлари арафасида ўтказилишини ҳам таъкидлаб ўтади. [10;32]

“Ҳинобандон” маросими никоҳ тўйидан 3-4 кун олдин келиннинг уйида ташкил қилинган: Келин уйида қизнинг барча дугоналари, яқин қариндошлари тўпланиб, давра қилишган. Шунда кайвони хотин бир неча боғлам ҳина олиб, уни сувга ивитган. Ҳино тайёр бўлгунга қадар хонадон аҳли чимдирма, доира чалиб, қўшиқ айтишган ва рақсга тушишган. Ҳинони қизлар аввало, келиннинг қўлларига, оёқ товонларига турли нақшинкор безаклар чизиб қўйишган. Сўнгра навбат билан қизлар бир-бирларига ҳина қўйиб чиқишган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу маросимда Бухоро тожиклари қуйидаги қўшиқни хиргойи қилишган:

Имшаб чи шабе шаби ҳино бандон аст,  
Лабҳои ақиқи у таги дандон аст.  
Хайратзадаи таомули аждодон,  
Гирён дилакаш вале лабаш хандон аст!  
Имшаб хино мебандем, бадастеҳош мебандем  
Агар ҳино набошад, оби тилло мебандем.  
Таржимаси:  
Келинг, бу ажиб окшом қўлга ҳина қуямиз  
Ақиқ лабли, садафли тишли гўзаллар  
Аждодимиз кадим урфин қиламиз

Калби гирён ,лаби хандон гўзаллар  
Бу кеч ҳина боғлаймиз, қўлларига боғлаймиз  
Агар ҳина бўлмаса, тилла суви боғлаймиз.[11]

Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, ушбу маросимда бўлажак келин дугоналарига ва давра аҳлига ўзининг келинлик либосларини бирма-бир кийиб кўрсатган. Ушбу удум воҳа тожиклари орасида “либоспўшон”(ўзб. “кийим кийиш”) деб аталган.[12] Маросим якунида хонадоннинг кекса аёли ёки отинойи ўтган аждодлар руҳига дуойи фотиҳа ўқийди. Қизнинг онаси эса ушбу маросим сўнгида келиннинг қўлларига ҳина қўйган кекса аёлга нон, ширинлик ва матони ҳадя қилган. [13]

Хоразм воҳаси никоҳ тўйини тадқиқ этган Н.М.Маткаримова ҳинанинг зардуштийликдаги олов култи билан боғлиқ эканлигини, унинг ранги, қўлни қиздириши каби ҳолатлар ўз-ўзидан оловни эслатишини айтиб ўтган.[14;40] Ислом динида ҳина ўсимлиги муқаддас ўсимликлар қаторида туриши манбаларда айтиб ўтилган. Хусусан, Носируддин Рабғузий ҳина ўсимлиги Момо ҳавонинг тўкилган кўз ёшларидан униб чиққанлигини таъкидлаб, бунни қуйидагича ҳикоя қилган: Одам Ҳиндистондаги Анжалус деган ердаги Сарандиб тоғига тушди. Ҳавво Жида тоғига тушди. Иблис Басрага тушди, шу боис исфахонликлар бахил бўлур. Одам ва Ҳавво яланғоч ғолдилар, Иблис малъун бўлди, Илоннинг чиройли сурати айниди, қорнини судраб юргувчи, аччиқ тупроқ егувчи бўлди. Одам тушган жойида беҳад хўнг йиғлади, юз йиғоч (тахминан 9 км келадиган масофа борлиги)лик ерда унинг кўз ёшидан дарахтлар унди, жилға ва булоқлар кўз очди. Одамнинг ёши томган ерда ўт-ўлан, аччиқ-чучук дориворлар унди. Ҳаввонинг кўз ёши томган ерда қалампирмунчоқ, сунбул, хина, ўсма ўсди. Улар қиёматгача Одам фарзандларига мерос бўлиб қолди. [15;10] Демак, ҳино ўсимлиги нафақат зардуштийлик, балки ислом динида ҳам муқаддас деб тан олинган ва ҳаттоки тўйолди келинларнинг қўлларига айнан шу ўсимликдан нақшлар чизишган.

Бугунги кунда ҳина ўсимлигидан дунёнинг кўплаб бошқа халқларида турли мақсадларда фойдаланилади. Айниқса, Ҳиндистон, Покистон, Шимолий Африка ва араб мамлакатларида ҳам анъанавий равишда танани безаш учун ишлатилади. Гуллаш даврида ҳам тўпланган барглари қурутилиб, майдаланиб, кукун ҳолатига келтирилади ва бўёқ сифатида фойдаланилади. Ўзбек аёллари сочларига жило бериш мақсадида хинани қатиқ ёки озгина узум сиркаси билан аралаштириб ювишган. Бунинг натижасида сочлари қазғоқдан холи бўлиб, офтобда қизғиш ялтироқ тус олган. Маълумотларга қараганда, араб халқларида ҳинадан нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам оқарган соч-соқолни бўйишда фойдаланган. Саҳрои Кабирда яшовчи бадавийлар хинанинг совутувчи таъсир кўрсатиш хусусиятини билишган. Ҳиндистоннинг Рожастон, Панжоб ва Гужарот ҳудудларида яшовчи аҳоли эса ҳинадан жазирама офтобдан сақланишда фойдаланган. Ҳина орқали қўл панжасига, пешанага туширилган турли нақшлар орқали теридаги фаол нуқталарга таъсир ўтказиб, терини даволашган. Славян халқларида ҳина Форс кўрфазидан олиб келинганлиги учун жуда қиммат турган. Табиатан малласоч бўлган рус хонимлари сочи қизғиш тус олиши учун ҳина кукунини майдаланган қалампирмунчоқ билан аралаштириб, иссиқ сувда эритиб, сочга суртишган.[16;672]

Бухоро воҳасида ҳам кекса онахонларнинг айтишича, аҳоли ҳина ўсимлигидан офтоб уришида, иситма чиққанида, битларга қарши восита сифатида, бел оғриқларининг олдини олиш мақсадида, қазғоқни йўқотиш учун фойдаланилган. Ҳина, ёзда пашша ва чивин каби нохуш ҳашаротлардан қутулиш учун барги қурутилиб, уйнинг бурчакларига осиб қўйилган.[17]

Демак, Бухоро воҳасида қиз уйида тўйдан олдин ўтказилган ўтказиладиган маросимлар, амал қилинган удумлар нафақат никоҳ тўйи компоненти, балки хотин-қизлар саломатлиги, гўзаллиги, анъанавий қадриятларга садоқат, қизларга хос одоб-ахлоқ, иффат, ҳаё-ибони тарбияловчи восита ҳамдир. Афсуски, ушбу удумлар бугунги кунда ўз аҳамияти ва ўрнини йўқотиб бормоқда. Дала тадқиқотлари маълумотларига кўра, баъзи оилалардагина келиннинг қўл-у оёқларига никоҳ тўйдан олдин

ҳина қўйилади, аммо маросим қилиб ўтказилмайди. Бугунги кунда “қошчинон”, “ҳамбомбарон”, “ҳинобандон” удумларини уйда ўтказиш ўрнига келин бўлгувчи қиз (тож. “келиншаванда”) гўзаллик салонлари хизматларидан фойдаланиши табиий ҳолга айланган. Бу, албатта, аҳолининг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган маънавий-маданий ўзгаришлар, яъни анъанавийликдан, миллий ўзига хосликдан узоқлашиш ва қадриятларга энгил-елпи қараш оқибатидир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дала маълумоти. Бухоро шаҳар Шербудин маҳалласи, Сувчилар кўчаси. 2019-йил.
2. Сухарева О.А. Свадебные обряды таджиков г. Самарқанд а и некоторых других районов Средней Азии. — Советская этнография (далее - СЭ). Сб. статей, III. М., 1940.
3. Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // Кр. сообщ. Ин-та этнографии. Вып. 34.-1960.
4. Азизаи Мардон, Юсуф Ражабзода Қурбоний. Зиробод тўйлари (маросим ва удумлар). “Бухоро” нашриёти. -2004.
5. Сухарева О.А. Бухара XIX — начала XX в. (позднефеодальный город и его население). М.: Наука, 1966.
6. Сухарева О. А. Бухара. XIX — начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). М., 1966.
7. Аланна Э. Купер. Ритуалы в состоянии перемен: сватовство и брак у бухарских евреев. Перевод с английского Марии Храмовой. /Иудаизм после СССР. №3(33).-2015.
8. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Тагбандбофон маҳалласи. 2023-йил.
9. Маткаримова Н.М. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари ( XX аср ва мустақиллик даври. Тарих фанларидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Нукус. – 2020.
10. Азизаи Мардон, Юсуф Ражабзода Қурбоний. Зиробод тўйлари (маросим ва удумлар). “Бухоро” нашриёти. -2004.
11. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Афшормаҳалла. 2023-йил.
12. Дала маълумоти. Бухоро вилояти, Гиждувон туман, Гаждумак қишлоғи. 2023-йил.
13. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри Авшормаҳалла. 2023-йил.
14. Маткаримова Н.М. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари ( XX аср ва мустақиллик даври. Тарих фанларидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Нукус. – 2020.

# ЮРИСПРУДЕНСИЯ

## ОВ ҚИЛИШ ВА ОВ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Пўлатов Баҳодир Абдуназарович  
Термиз давлат университети  
Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ  
назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ов қилиш ва ов хўжаликлари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси ва унинг жамиятдаги аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар ўз ифодасини топган бўлиб, ов қилишга оид қонунчиликни замон талаби асосида такомиллаштиришга доир бир қатор асослантирилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** экология, ов қилиш, фауна, овчилик хўжалиги, экологик ҳуқуқбузарлик, браконьерлик, ҳайвонот дунёси, ов мавсуми, овчилик ресурслари, ов маҳсулоти, экологик ҳуқуқий чора тадбирлар.

**Аннотация:** В данной статье высказываются некоторые соображения о правовых основах регулирования охотничьего хозяйства и его значения в обществе, а также дается ряд обоснованных научно-теоретических и практических рекомендаций по совершенствованию законодательства об охотничьем хозяйстве исходя из потребностей времени.

**Ключевые слова:** экология, охота, животный мир, охотничье хозяйство, экологическая преступность, браконьерство, животный мир, охотничий сезон, охотничьи ресурсы, охотничья продукция, эколого-правовые меры.

**Annotation:** This article expresses some considerations on the legal basis for the regulation of the hunting economy and its significance in society, and also gives a number of sound scientific, theoretical and practical recommendations for improving the legislation on the hunting economy based on the needs of the time.

**Key words:** ecology, hunting, wildlife, hunting economy, environmental crime, poaching, wildlife, hunting season, hunting resources, hunting products, environmental and legal measures.

Бугунги кунда мамлакатимизда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган изчил ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, -деб кўрсатилган”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [2] ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси [3] нинг бир қатор бандларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш масалалари белгиланганлиги иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш учун бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Айниқса бу соҳада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланиб 2020 йилнинг 8 июль куни Ўзбекистон

Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги[4]Ўзбекистон Республикаси Қонуни биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи энг асосий ҳуқуқий асослардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон фаунаси таркиби 15 мингдан зиёд умуртқасиз ҳайвонлар, 709 турдаги умуртқали ҳайвонлар шу жумладан, 109 турдаги сут эмизувчилар, 470 турдаги қушлар, 64 турдаги судралиб юривчилар, 63 турдаги балиқлар ва 3 турдаги амфибиялардан иборат бўлиб, янги нашрга тайёрланган Ўзбекистон Қизил китобига жами 206 турдаги ҳайвонлар киритилган.

Ўзбекистон ҳудудида ов мавсуми 1-сентябрдан бошланади ва 31-январгача давом этади. Бугунги кунда республикада 35 дан ортиқ овланадиган жойлар мавжуд бўлиб, уларда ҳайвонларни отиш ва ушлашга рухсат берилади.

Бугунги кунга қадар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишга қаратилган ов қилиш ва овчилик хўжалиги соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинади. Бу ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли қарама-қаршилик ва талқинлар, мураккабликларни келтириб чиқариб келаётган эди. Боз устига соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ёввойи ҳайвонлар ҳолати устидан давлат мониторингини олиб боришнинг самарали тизими мавжуд эмас эди. Шунингдек, овчилар ва ов хўжаликларининг ҳуқуқи, мажбуриятлари қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги овланадиган ҳайвон ресурсларининг ҳолатини аниқлашга, улар популяцияси давлат мониторинги тизимининг ривожланишига, мамлакатимизда овланадиган ҳайвон турларининг сони ва овланиш ҳажмларини, уларнинг репродуктив ҳолатини ўрганишга тўсқинлик қилаётган эди.

2021 йил май ойи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан “Браконерликка қарши курашиш ойи” деб, эълон қилинди. Қўмита браконьерлик, балиқ ва ҳайвонларни ов қилиш ва ўлдириш, шунингдек, ўсимлик дунёсидан ноқонуний фойдаланиш ва дарахтларни кесишга қарши курашиш учун кўпроқ ҳаракатларни амалга оширишини айтди. Ойнинг натижаси қувонарли бўлмади. Давлат экология қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, бир ой давомида табиатга нисбатан 629 та қонун бузилиши ҳолати аниқланди. 465 ҳуқуқбузарга 421,9 миллион сўм (тахминан, 42 минг АҚШ доллари) миқдорида жарима солинган. 345 та ҳуқуқбузарлик учун табиатга етказилган зарар 690 миллион сўм (тахминан, 68 минг \$) ҳисоблаб чиқилган. 215 та ҳуқуқбузарлик учун 195,5 миллион сўм (19 минг \$) миқдорида жарима ундирилган, шунингдек, 143 та ҳолатда табиатга етказилган зарар 242,8 миллион сўм (24 минг \$)га тенг. 107 та ҳуқуқбузарлик учун жарима солиш ва табиатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида 1 миллиард 892 миллион сўм (180 минг \$) миқдоридаги йиғилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим этилган[5].

Шунингдек, амалиётда ноқонуний ов қилиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар ҳам учраб туриши ижобий ҳолат эмас. Масалан: Навоий вилояти Конимех тумани Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси давлат инспекторлари томонидан ўтказилган назорат рейд тадбирида фуқаро М.О. томонидан Навбахор тумани “Оқ олтин” ва “Қоражон” МФЙ ҳудудидан ўтадиган каналдан электр қармоқ ёрдамида 13 дона карас ва 6 дона лаққа балиқни овлаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 90-моддаси 4-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, туман жиноят ишлари бўйича судига юборилган ҳамда 11 миллион 866 минг сўм табиатга етказилган зарар белгиланган.

Яна бир ҳолат, Навоий вилояти Экология бошқармасининг Айдар-Арнасой қўллар тизимининг сув объектларини муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган тезкор назорат гуруҳи давлат инспекторлари томонидан назорат рейд тадбири ўтказилган. Назорат рейд тадбири давомида Нурота туманида яшовчи А.Ж. балиқ овлаш тақиқланган даврда синтетик тўр воситасида ноқонуний равишда 2 дона товон балиқларини овлаганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 90-моддаси 4-қисми билан тўпланган ҳужжатлар Нурота тумани жиноий судига юборилиб, унга нисбатан табиатга етказилган зарар миқдори белгиланган[6].

Иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири туризмни ривожлантиришда ҳам соҳа истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ов туризми имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, хусусан хорижий сайёҳларни овчилик соҳасига жалб этиш орқали давлат бюджетига валюта тушумларини ошириш, ов ҳайвонларини етиштириш, тиклаш ва кўпайтириш орқали эса, сарфланадиган харажатларни молиялаштириш имконияти юзага келади.

Юқорида таъкидланган масалаларнинг ҳуқуқий ечими ўз аксини топган Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланган 7 та боб 43 та моддадан иборат “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни катта аҳамиятга эга.

Мазкур қонуннинг нормаларида мавжуд халқаро талаблар, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланилаётган, қонуности ҳужжатларида белгиланган ҳамда замон талабига жавоб берадиган қоидалар инobatга олинган ҳамда моддалар тўғридан-тўғри амал қилишига эътибор қаратилганлиги ўта муҳимдир.

Эътиборли томони шундаки, қонунни тайёрлаш жараёнида халқаро конвенция ва битимлар, шунингдек Германия, Франция, Япония, Россия, Беларус, Полша каби давлатларнинг соҳага оид қонунчилик амалиёти ўрганилганлиги ҳам замонавий аҳамият касб этади.

Хитойда 2016 йилда катта пандалар йўқ бўлиб кетаётган тур мақомидан чиқарилиб, заиф турга киритилган. Сабаб панда овлаганларни ўлим жазоси кутади. Натижада пандалар сони Хитой ёввойи табиатида 1 минг 864 тага етган. Хитой ҳукумати 2025 йилга қадар ёввойи табиатдаги пандалар сонини 18 фоизга кўпайтиришга қарор қилди. Бу режага кўра, яна ўн йилдан кейин ёввойи табиатдаги пандалар сони 2 минг 200 тага етади. Айни дамда Яна 422 панда махсус марказларда боқилади. Катта панда ҳайвонларнинг йўқолиб бораётган турига кирган бўлиб, Хитой давлати томонидан Қизил китобга киритилган ва муҳофазага олинган. Бундан ташқари, панда Хитой рамзи ва фаҳри ҳамдир. Шу сабабли ҳам Пекин дипломатиясида алоҳида ўрин тутаяди. Бу ҳайвонларни бошқа мамлакатларга юбориш анъанага айланиб қолган, айрим ҳолларда уни “панда дипломатияси” деб ҳам айтишади. Пандалар дунё ҳайвонот боғларига сотилмай, балки 10 йилгача ижарага берилади. Агарда панда ўлса, ҳайвонот боғи Хитой ҳукуматида катта миқдорда товон тўлайди.

Германияда сутэмизувчиларни ўлдирганлик учун жаримадан ташқари 3 йилгача қамоқ жазоси, Қизил китобга киритилган жониворларни ўлдирганлик учун 6 йил ва ундан юқори озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Ҳар бир фуқаро нафақат бошқа шахсга, балки ҳайвон ва қушларга тазйиқ ўтказиш, қийнаш ва ўлдириш ҳолатлари бўйича давлат ва ноавлат ташкилотлини судга бериши мумкин. Масалан 2016 йили зоокўнгиллилар Германиянинг 20 та ҳайвонот боғини фламинго қушларининг чиб кетмаслиги учун қанотларини кесганликлари учун судга беришган эди.

Туркияда уйсиз ҳайвонларни ўлдирганлик учун 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Қизил Китобга киритилган жониворлар учун эса 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси мавжуд [7].

Дунёнинг кўплаб давлатларида табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкилотлари жамиятчилик назоратида. Европанинг деярли барча мамлакатлари, Осиёда Туркия, Япония, Хитой, Сингапур, Индонезия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси каби қатор давлатларда Халқаро ва мамлакат қизил Китобига киритилган жониворларни овлаш, ўсимликларни териш қатъиян тақиқланган. Балки шунинг учун ҳам Евгений Широковга ўхшаган овчилар Марказий Осиё давлатларида арзимаган пулга лицензия сотиб олиб, бизнинг табиатимизга қирон келтиришар. Бунга эса негадир қонунчилигимиз ва Ватанга нисбатан меҳри бўлмаган, фуқаролик позицияси шаклланмаган раҳбарлар ҳам йўл қўйиб бермоқда.

Қабул қилинган мазкур қонунда фойдаланилган тушунча ва атамаларни турлича изоҳ этилишини истисно этиш ҳамда қонун ҳужжатида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўллаш мақсадида “ов қилиш”, “овчилик хўжалиги”, “овчи”, “овчилик ресурслари”, “ов маҳсулоти” каби тушунчаларнинг моҳияти алоҳида

моддаларда очиб берилган. Шунинг билан бирга овчилик ресурслари ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш йўллари, ёввойи ҳайвонларнинг сони ҳамда тутилган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олишни амалга ошириш, ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш ва уларнинг сонини тартибга солиш, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота бўйича ариза бериш муддатларига оид нормалар ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Қонуннинг “Ов қилишни амалга ошириш” деб номланган 4-бобида ов қилиш турлари, рухсат этилган ҳамда таъқиқланган ов қилиш қуроллари ва усуллари, ов қилишнинг хавфсизлик қоидалари, ов қилиш мавсуми ва муддатлари, овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш ёки тутиб олиш шартлари, чет эллик фуқаролар учун ов қилишни ташкил этиш туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши, ғайриқонуний ов қилишни (браконерлик) аниқлаштирувчи моддалар баён этилганлиги янги ҳолатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ушбу қонунда овчилик гувоҳномаси, ёввойи ҳайвонларни тутишга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир рухсатномалар, овчилик йўлланмаси (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ким томонидан қай тартибда берилиш шартлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган.

Зеро, ушбу қонуннинг “Овчилик хўжалигини юритиш” деб номланган бобида овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома ҳамда техник-иқтисодий асоснома материаллари асосида амалга оширилиши, овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқини тугатиш шартлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасига доир нормалар ҳам белгиланганлиги ижобий ҳолдир.

Шунингдек, мазкур қонун ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлса-да, бир қатор моддаларда ёввойи ҳайвонлар сонини уларнинг яшаш жойлари доирасида сақлаб туриш, кўпайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш мажбуриятлари белгиланмоқда. Жумладан, 11-моддасида ёввойи ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, 12-моддасида ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш, 14-моддасида ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш ёввойи ҳайвонларнинг сонини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилиши, овчилик хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида ёввойи ҳайвонларни табиатга мослаштириш ёки улардан бошқа мақсадда фойдаланиш учун кўпайтириш, ёввойи ҳайвонларнинг такрор кўпайтирилишини таъминлаши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мазкур қонуннинг амалиётга кенг татбиқ этилиши мамлакатимиз ҳудудларида ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, ёввойи ҳайвонларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва тутиш нормаларини тартибга солиш устидан давлат назоратини кучайтириш, ов туризмининг ривожлантирилишига ҳамда ов хўжаликлари ҳолатининг яхшиланишига имкон бериб ушбу соҳани ҳуқуқий асосини ўзида ифода этади.

Умуман олганда, ов қилиш билан боғлиқ бўлган устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни: биринчидан-ўқув-таълим жараёнига тажрибали олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиб, ушбу соҳага оид қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларни кенгроқ тушунтириш; иккинчидан- ноқонуний ов қилиш жараёнида етказилган зарарни қоплаш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини янада ривожлантириш; учинчидан- ов қилиш ва ов хўжаликлари фаолиятини юритишда илғор халқаро юридик тажриба ва замонавий талаблар асосида олиб бориш; тўртинчидан- ов қилиш ва ов хўжаликлари фаолиятини замонавийлигини таъминлаш мақсадида, ов қилишга оид қонунчиликни замон талаби асосида такомиллаштириш; бешинчидан-келажакда

қабул қилиниши мумкин бўлган “Экология кодекси”да ҳам ов қилиш билан боғлиқ муносабатлар ўз ифодасини топиши ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этишга ижобий ёрдам бериши мумкин.

Хуллас, тирик табиат бу бир бирига узвий боғлиқ бўлган занжирдир. унинг биттагина халқасининг узилиши бошқа турларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Бугунги кунда табиат муҳофазаси фақатгина экоташкилотлар эмас, балки ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Шунинг ёддан чиқармаслик лозимки, Она сайёрамиз фақатгина инсоннинг яшаши учун яратилмаган зеро, инсон табиат билан уйғунликда яшасагина табиат ҳам унга хайрихоҳ бўлади, аксинча эса тирик организм сифатида у ҳам инсониятдан ўч олишга қодир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2021.
2. “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4477/3867-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.07.2020 й., 03/20/627/1047-сон
5. Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва қушлар: уларга ким ёрдам беради? // <https://sangzor.uz>.
6. Табиат зараркунандалари жазоланди. <https://uza.uz/uz>.
7. <https://sangzor.uz>.

#### МАДАНИЙ ВА АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Шоймардонов Ботиржон Норкелдиевич  
Термиз давлат университети  
Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ  
назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик, уларга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ айрим масалалар илмий-назарий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида ушбу соҳа қонунчилиги талабини бузган тақдирда амал қилишга доир нормаларни такомиллаштириш юзасидан асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: археологик ёдгорлик, тарихий мерос, маданий мерос, маданий бойлик, тарихий объектлар, археологик ёдгорликка етказилган зарар, “Маданий мерос” кодекси.

Аннотация: В данной статье с научно-теоретической точки зрения анализируются некоторые вопросы, связанные с ответственностью за нарушение требований законодательства о охране и использовании объектов культурного и археологического наследия, возмещением причиненного им вреда. В результате анализа выработаны обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию норм, которыми необходимо руководствоваться в случае нарушения требований законодательства в данной сфере.

Ключевые слова: археологический памятник, историческое наследие, культурное наследие, культурные ценности, исторические объекты, повреждения археологического памятника, кодекс «Культурное наследие».

Annotation: This article analyzes from a scientific and theoretical point of view some issues related to liability for violation of the requirements of the legislation on the protection and use of objects of cultural and archaeological heritage, compensation for the harm caused to them. As a result of the analysis, reasonable proposals and recommendations were developed for improving the norms that should be followed in case of violation of the requirements of the legislation in this area.

Key words: archaeological monument, historical heritage, cultural heritage, cultural values, historical objects, damage to the archaeological monument, code «Cultural Heritage».

Бугунги кунда мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимизни ўрганиш, кенг тарғиб этиш ёшларда қандай буюк зотларнинг, дунё илм-фани ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларнинг авлоди, бетакроп мерос вориси эканидан фахрланиш туйғусини кучайтириш, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида, “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”,-деб таъкидланган”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь 2020 йил “Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи”да “Буюк аждодларимизнинг бетакроп ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”,-деб алоҳида таъкидлаган эди”[2].

Зеро, ҳозирги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни, юртимиздаги тарихий обида ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги[3], Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 16 июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги[4] қонунлари айнан шу йўналишдаги ишларни тизимлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришга бағишланган. Шунингдек, моддий маданий мерос объектлари мамлакатимиз туристик имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб, бу жиҳат кўп ҳолларда эътибордан четда қолган. Мазкур қарор асосида соҳада давлат назоратини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти ва ҳудудларда унинг бошқармалари ташкил этилди[5]. Шунингдек, қарорга кўра 2019-2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинган эди.

Шуни алоҳида, қайд этиш жоизки ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида тарихий-маданий қийматида кўра киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланади ҳамда уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари

Департамент ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори айтилган мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлиб, унда кўра моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг миллий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди[6].

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолияти ташкил этилди, уларнинг қонун ҳужжатлари бузилишига оид муурожаатлари Департамент ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан мажбурий тартибда давлат назорати шаклида текширилади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аниқланса, жамоатчи инспекторлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан пул мукофоти билан тақдирланиб, бу бир рағбатдек кўринади, аммо аслида эса бу мутахассисларнинг масъулиятини янада ошириш ва одилонани ишлаши учун яратилган имкониятдир.

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти томонидан 8 минг 208 та объектнинг рўйхати тасдиқланган. Шундан, археология ёдгорликлари 4 минг 748, архитектура ёдгорликлари 2 минг 250, монументал санъат ёдгорликлари 678, диққатга сазовор жойлар эса 532 тани ташкил этади. Аммо муурожаатлар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада ҳам баъзи камчиликлар учраб турибди. Шу боис ҳам объектларни қайта текшириш, ўрганиш ва рўйхатлаштиришда Маданият вазирлигига аниқлик киритиш, тушунтириш бериш ҳуқуқи берилганлиги ҳам амалиёт учун ўта муҳимдир [7].

Аксилкоррупция агентлиги ўрганишларига кўра, археологик ёдгорликларга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни учратиш мумкин.

Масалан: Бундан бир неча йил олдин Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳокимлиги “Вардонзе қўрғони” археологик ёдгорлиги ҳудудининг бир қисмини фермер хўжалигига яйлов сифатида фойдаланиш учун бериб юборган. Натижада ёдгорлик ер майдонининг 1,8 минг квадрат метр қисмига шикаст етказилган.

Бухоро вилоятидаги “Вардонзе қўрғони” археология ёдгорлиги ҳудудига зарар етказилаётгани бўйича келиб тушган муурожаат Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Миллий археология маркази, Маданий мерос агентлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда ўрганиб чиқилган.

Агентлик ахборот хизматининг маълум қилишича, ўрганиш жараёнида Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги “Тўймурод Холмурод ўғли” фермер хўжалиги раҳбари А.Қ. тегишли идораларнинг хулосаларини олмасдан объектнинг муҳофаза ҳудудини оғир техника ёрдамида суриб, ер қазиб, ер тузиш, экин экиш ва мелиорация ишларини амалга оширгани аниқланган. Жумладан, тадбиркор ариқ қазиб, фермер хўжалиги ер майдонини археология объекти муҳофаза майдони ҳисобидан кенгайтирган.

Бу эса объектнинг Рабод қисми маданий қатлами йўқотилиши, ҳудуддаги саксовул дарахтларининг нобуд бўлиши ҳамда ер қарида сақланиб келаётган қадимги тарихий топилмаларнинг йўқотилишига сабаб бўлган. Тегишли “Ҳужжатларга кўра, объектнинг ер майдони ва муҳофаза ҳудуди туман ҳокимлигининг 2013 йилдаги қарорига асосан 124 гектарни ташкил этган. Аммо 2015 йилда ҳокимлик қонунчиликка зид равишда, тегишли идораларнинг хулосаларисиз объект ҳудудини 76 гектар этиб белгилаган.

Шунингдек, қисқартирилган ер майдони фермер хўжалигига яйлов сифатида фойдаланиш учун берилган, бироқ амалда фермер уни экин майдонига айлантириб юборган”, дейилади агентлик баёнотида.

Ўрганиш якунида археология ёдгорлигининг Рабод қисми ер майдонининг 1 минг 800 квадрат метр қисмига шикаст етказилиши оқибатида давлат манфаатларига 26 миллиард 730 миллион сўмлик зарар етказилганлиги аниқланган.

Тўпланган ҳужжатлар асосида ҳолат юзасидан Бош прокуратура томонидан Жиноят кодексининг 132-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ҳамда жиноят иши дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш учун Бухоро вилоят прокуратурасига юборилган.

Маълумот ўрнида: IV-XV асрларга оид ушбу объект давлат муҳофазасида бўлиб, моддий маданий мероснинг қўчмас мулк объектлари миллий рўйхатида 603-рақам билан моддий маданий мерос объекти сифатида рўйхатга олинган[8].

Шунингдек, Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимлиги мансабдорлари тумандаги “Култепа” археология ёдгорлигига тегишли бўлган 2 гектар ер майдонини тадбиркорларга сотиб юборгани, бунинг оқибатида маданий мерос объектига 1 триллион 587 миллиард 600 миллион сўм (тақрибан 147 миллион доллар) миқдорида моддий зарар етказилгани ҳақида айрим мисолларни ҳам келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарорининг 11-бандига кўра, объектни Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш бўйича 2021 йил 4 октябрда ЮНЕСКО га таклиф киритилганлиги ҳам ижобий ҳолдир.

Шу билан биргаликда амалиётда маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилмаслик ва улар тўғрисидаги қонун талабларини бузиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Масалан: Бош прокуратура матбуот хизмати хабар беришича, прокуратура идоралари томонидан маданий мероснинг қўчмас мулк объектларида ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш бўйича ўтказган назорат тадбирларида республика бўйича жами 108 та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма қурилгани аниқланган. Таъкидланишича, ушбу тадбирлар натижаси бўйича маданий мерос объектлари ҳудудида қурилган 7 та ноқонуний қурилмалар, жумладан, Сурхондарёда “Зартепа” (I-V асрлар), “Карвонтушди” (I-VI), “Исмоилтепа” (I-VIII) ва “Мангузартепа” (I-IV), Қашқадарёда “Тўртқўлтепа” (I-VI) археология объекти, Хоразмда “Қибла тозабоғ” (XIX) архитектура ёдгорлиги ҳудудидаги ноқонуний қурилмалар буздирилди. Шунингдек, 71 та объектда қурилган 76 та ноқонуний қурилмани буздириш юзасидан мутасадди идоралар томонидан ёзма кўрсатмалар берилиши таъминланган, 44 та маданий мерос объектидаги 63 та ноқонуний қурилмаларни буздириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилган. Зеро, Термиз туманида жойлашган “Мангузартепа” археология ёдгорлиги (I-IV аср) устига уяли алоқа оператори томонидан ноқонуний ўрнатилган антенна қурилмаларини буздириш бўйича судга даъво аризаси киритилган. Бундан ташқари, ноқонуний қурилма қурган 26 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган[9].

Шунингдек, “Маданий мерос агентлиги ва Прокуратура идоралари билан биргаликда ўтказилган текширувда 108 та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма қурилгани маълум бўлди. Шундан 42 таси Сурхондарёда, 23 таси Самарқандда, 17 таси Тошкент шаҳрида, Бухоро ва Хоразмда 13 тадан, Тошкент вилоятида 12 та, Андижонда 6 та, Наманган ва Қашқадарёда 5 тадан, Жиззахда 4, Фарғонада 3 та, Навоий, Сирдарё ва Қорақалпоғистонда 1 тадан маданий мерос объекти ҳудудида аниқланган. Қайд этилишича, ўрганишлар натижасида 7 та ноқонуний қурилма бузилди. 71 та объектда қурилган 76 та қурилмани буздириш юзасидан ёзма кўрсатма берилди. Яна 63 та ноқонуний қурилмаларни буздириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди. Шунингдек, маданий мерос объектида ноқонуний қурилма (бино) қурган 26 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Маълумот учун, “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 198-5-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларига риоя қилмаслик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача яъни 810 минг сўм, мансабдор шахсларга эса 3 баравардан 5 бараваргача, яъни 1 млн 350 минг сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади [10].

Яна шундай нохуш ҳолатлар кўплаб учраб туриши давом этмоқда. Бош прокуратуранинг хабар беришича, прокуратура органлари томонидан мутасадди идоралар билан биргаликда моддий маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш

ва улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўтказилган текширувларда, давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етказилгани аниқланган. Жумладан, ўтказилган текширувларда Самарқанд туманидаги VI-VII асрларга оид Номсизтепа археология ёдгорлигининг бир қисми номаълум шахслар томонидан бузилиши оқибатида, давлат манфаатларига 1,5 миллиард сўмлик зарар етказилган. Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида жойлашган X-XII асрларга оид Чордангиттепа археология ёдгорлигининг бир қисми фуқаро М.Ф. томонидан бузиб ташланиб, ўрнида уй-жой қуриб юборилгани ва давлат манфаатларига 315 миллион сўмлик зарар етказилгани аниқланган. Қайд этилишича, текшириш натижаларига кўра, ҳар икки ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда[11].

Юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда Маданий мерос агентлиги кўрсатмаларига риоя қилмаган шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиши мумкин. Бунинг учун жарима фуқароларга БҲМнинг-5 бараваригача, мансабдор шахсларга-7 бараваригача этиб белгиланди. Шунингдек, моддий маданий мерос объектларини йўқ қилиш ва уларга зарар етказиш учун жиноий жазо кучайтирилди. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль 2022 йили Маданий мерос агентлигининг кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги қонунни имзолади.

Ҳужжатга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 198-5-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, Маданий мерос бўйича агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларига риоя қилмаслик фуқароларга БҲМнинг 1 бараваридан 3 бараваригача (810 минг сўм), мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 5 бараваригача (1млн 350 минг сўм) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга БҲМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 5 бараваридан 7 бараваригача (1 млн 890 минг сўм) миқдорда жарима солинади. Бундан ташқари, Маданий мерос агентлиги нафақат маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузган, балки агентлик кўрсатмаларини бажармаган шахсларга нисбатан ҳам мустақил равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқига эга бўлди.

Янги қонунда давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини йўқ қилиш ёки шикаст етказганлик учун жиноий жазо ҳам кучайтирилди. Унга кўра, юқоридаги ҳолат такроран ёки хавфли рецидивист, қолаверса, бир ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (илгари фақат катта зарар етказган ҳолда) содир этилган бўлса, эндиликда Энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима ё 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ё 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (илгари-300 дан 500 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 дан 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш [12].

Умуман олганда, маданий мерос объектлари ва археологик ёдгорликларга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни: биринчидан-илғор халқаро юридик тажриба ва замонавий талаблар асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, кадрлар тайёрлаш, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш; иккинчидан-ўқув-таълим жараёнига тажрибали олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиб, ушбу соҳага оид қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларни талабаларга кенгроқ тушунтириш; учинчидан-аҳолини маданий мерос объектлари ва археологик ёдгорликларга етказилган зарарни қоплаш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини янада ривожлантириш; тўртинчидан- маданий мерос объектлари ва археологик ёдгорликларга етказилган зарарни қоплаш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид қонунчиликни замон талаби асосида такомиллаштириш; бешинчидан-бугунлик кунда “Маданий мерос кодекси”ни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, жорий йилнинг 4 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси бошчилигида Маданий мерос агентлигида тегишли вазирликлар ва идоралар, соҳанинг етук мутахассис олимлари, хорижий экспертлар иштирокида “Маданий мерос кодекси”нинг дастлабки лойиҳаси ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилишида кўриб чиқилди. Ишлаб чиқиляётган кодекс лойиҳаси 6 та бўлим, 23 та боб ва 154 та моддадан иборат эканлиги жуда ижобий ҳол бўлиб ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2021
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. [tps://xabar.uz](https://xabar.uz).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 448-модда.
5. 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.03.2021 й., 09/21/119/0190-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 09/19/846/3881-сон
7. <https://uza.uz>.
8. <https://bugun.uz>.
9. Ўзбекистон бўйича жами 108 та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма қурилгани аниқланди. <https://daryo.uz>.
10. Нечта маданий мерос объектлари ўзбошимчалик қурбони бўлгани очиқланди.// <https://aniq.uz/yangiliklar>.
11. Самарқанддаги археология ёдгорлигига 1,5 миллиард сўмлик зарар етказилгани аниқланди.// <https://kun.uz/news>.
12. Президент Маданий мерос агентлиги ваколатларини кенгайтирувчи қонунни имзолади. <https://www.gazeta.uz/uz>.

# ФИЛОЛОГИЯ

## THE ROLE OF ALISHER NAVOI IN THE WORLD MUSIC CULTURE

Karimova Kamilla Vyacheslavovna,  
teacher of the department of music education,  
Termez State University.

**Annotation:** The article is devoted to the work of the great Turkic thinker, statesman, poet, musician, artist Alisher Navoi, who left a bright traits on the universal spiritual and cultural heritage. Navoi was a kind of national musicologist. Each of his works is associated with music. He created a whole system of melodies with words, he knew that the sound of the word is in harmony with the musical sound and uses it more effectively. Studying and analyzing the musical heritage of Alisher Navoi, it should be noted that the legacy of the scientist is that it is not only the heritage of traditional oriental music, but also the basis for creating new works in all genres of samples of world musical creativity.

**Key words:** poet, philosopher, thinker, scientist, musician, culture, musical art, musical instruments, harmony, renaissance.

**Аннотация:** Статья посвящена творчеству великого тюркского мыслителя, государственного деятеля, поэта, музыканта, художника Алишера Навои, оставившего яркий след в общечеловеческом духовном и культурном наследии. Навои был своеобразным национальным музыковедом. Каждое его произведение связано с музыкой. Он создал целую систему мелодий со словами, знал, что звук слова гармонирует с музыкальным звуком и использует его более эффективно. Изучая и анализируя музыкальное наследие Алишера Навои, следует отметить, что наследие учёного состоит в том, что оно является не только наследием традиционной восточной музыки, но и основой для создания новых произведений во всех жанрах образцов мирового музыкального творчества.

**Ключевые слова:** поэт, философ, мыслитель, учёный, музыкант, культура, музыкальное искусство, музыкальные инструменты, гармония, ренессанс.

**Annotatsiya:** Maqola umuminsoniy ma'naviy-madaniy merosda yorqin iz qoldirgan buyuk turkiy mutafakkir, davlat arbobi, shoir, sozanda, san'atkor Alisher Navoiy ijodiga bag'ishlangan. Navoiy o'ziga xos milliy musiqashunos edi. Uning har bir asari musiqa bilan bog'liq. U so'z bilan butun ohanglar tizimini yaratgan, so'zning tovushi musiqiy tovush bilan uyg'unligini bilgan va undan unumliroq foydalanadi. Alisher Navoiy musiqiy merosini o'rganar va tahlil qilar ekanmiz, shuni ta'kidlash joizki, olim merosi nafaqat an'anaviy sharq musiqasi merosi, balki jahon musiqa ijodi namunalarining barcha janrlarida yangi asarlar yaratishga asos bo'lib xizmat qiladi.

**Kalit so'zlar:** shoir, faylasuf, mutafakkir, olim, musiqachi, madaniyat, musiqa san'ati, cholg'u asboblari, garmoniya, uyg'onish davri.

**Introduction.** For 581 years, Alisher Navoi's gazelles have excited the hearts of many generations. Music occupies a special place in the life and work of Alisher Navoi. In his youth Navoi began to compose poetry, he was also seriously interested in music, he was a composer, and in one of his works he described the Turkic musical style and musical notation. Even his pseudonym was taken from musical terminology - "navo" means "melody". He is with gratefully recalls his music teacher, the famous composer Khoja Yusuf Burkhan.

The creator of immortal works, Alisher Navoi was also the inspirer of a number of interesting treatises on music. His ethically lofty and in-depth aesthetic interpretation of music as an art, knowledge in composition and the sciences of music (according to sources, on the advice of Navoi, the "Treatises on Music" by Jami and al-Husseini were written) were reflected in many poetic and scientific-philosophical works.

Being both a theorist and practitioner in music, Alisher Navoi demanded from his students the knowledge of the laws of versification in combination with the basics of musical composition, because they are closely related and knowledge of these rules improves the quality of created musical and poetic works. In his "Notes" Babur names the genres of *naksh* and *peshrav* in which Alisher Navoi created.

The image of Alisher Navoi himself - a poet, educator and humanist - inspired the composers of Uzbekistan to create a number of original musical stage (opera "Alisher Navoi" by M. Burkhanov, musical drama "Navoi in Astrabad" by Y. Rajabi and S. Jalil) and symphonic ("Love of the poet" by M. Tadjiev, the Second symphony "Navoi" by G. Muschel) works.

Having got acquainted with the works of the great Uzbek poet and thinker Alisher Navoi, we will meet with a number of issues related to the art of music. Being a cultural figure, he studied all aspects of the art very competently, with a deep knowledge of musical practice and theory. That is why there is a deep understanding of musical issues and musical terms in his works. These terms are connected with theoretical and practical problems of music.

Knowledge of Navoi is a valuable source of illumination of the musical life of that time. One of the most important topics in the works of Navoi is the description and use of musical instruments in music. Musical instruments are the main resource for determining the process of historical development of musical culture. Sometimes, when Navoi portrayed the words, it seems that their melodies ring in the ears. Navoi's work describes a number of musical instruments used in practice at that time. Among them we can meet *nai*, *chang*, *ghijjak*, *tanbur*, *ud*, *rubob*, *kubuz*, *daf*, *chagon*, *rud*, *musikor*, *ayolgu*, *nogora*, some of them were little known and some of these instruments have been transformed. The most important thing is that in Navoi's works he describes musical instruments very accurately. In his gazelles, he did not talk about any instrument, he understood its musical and philosophical nature.

The great poet and brilliant thinker of the Uzbek people Alisher Navoi made a huge contribution to the treasure of world science and culture, his multifaceted talent puts him on a par with world geniuses, his humane creative heritage has become the property of all mankind.

The genius of Navoi was almost universal: a poet, scientist, musician, great connoisseur and patron of architecture, painting and arts and crafts. But the main merit of Navoi, which puts him on a par with the great classics of world literature, is that he was the founder of Uzbek literature and the creator of the Uzbek literary language.

Being a man of high position, he made a significant contribution to the improvement of science, art, and literature; always tried to establish peace and harmony.

In the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the participants of the Sharq Taronalari International Music Festival, it was mentioned that music as an art phenomenon has great potential for the harmonious education of the younger generation.

Young people, introduced to art, begin to take a different attitude to life, honor national and universal values. The idea of the festival is based on the testament of the great poet and thinker Alisher Navoi: "People of the world, live in friendship with each other, decorate the face of your native land with your talent and work!" [1].

Main part. The actuality of this work is that, it is devoted to the study of the concept of musical science by the outstanding philosopher, scientist and musical theorist Alisher Navoi. The perception of Alisher Navoi and the scientific study of works created on the basis of his heritage have always been considered one of the important tasks facing Uzbek musicologists.

In the sources cited in the works of thinkers of the XV-XVII centuries, we can also observe that the work of Alisher Navoi is directly in harmony with music.

Zahiriddin Muhammad Babur said: "In the musical science, Navoi created many compositions, including patterns and *peshravs*". According to the musicologist of the end of the 16<sup>th</sup> century Dervish Ali Changi, of the 24 *maqoms* common in his time, some belonged to Ulugbek, 12 *Khusain Baikara* and 7 Alisher Navoi. The well-known scientist Iskhak Radjabov in his monograph "Makomlar" gave valuable comments that in *Shashmakom "usul"* depends on the "vazn" of gazelles and gave several specific examples. According to him, the

gazelles of Alisher Navoi are very easy to use in some parts of Shashmakom, like Sokiynom, Mugulcha and Nasre.

Having become acquainted with the works of the great Uzbek poet and writer Alisher Navoi, we will meet with a number of issues related to the music art. Being a cultural figure, he studied all aspects of the art very competently, with a deep knowledge of musical practice and theory.

His love for music was especially vividly manifested in the poem "Sabai Sayyer" ("Seven Planets"), which is part of the cycle of five "Khamsa" ("Five"). The main character of the poem, Dilorom, is a musician, endowed with an amazingly beautiful voice and playing the chang so beautifully that the listeners "lost their senses". Dilorom is the personification of the very spirit of music. Even during the life of the poet, his gazelles began to be used as song and makom texts.

The poetry of Alisher Navoi occupied and occupies a significant place in the traditional vocal performance practice of the older, middle and younger generations of hafiz. The depth of the philosophical content of Navoi's poems was also reflected in such traditional musical forms as yalla, ashula, katta ashula, Bukhara "Shashmakom", Khorezm and Ferghana-Tashkent makoms, Uighur makoms.

Over the years, the works of Alisher Navoi were translated into Russian by B. Pasternak, V. Rojdestvensky, K. Simonov, S. Shervinsky, N. Ushakov, and many other poets and translators.

The well-known Russian linguist, academician V.M. Jirmunsky put the personality of the poet on a par with the world's greatest cultural figures: "Navoi, like his western contemporaries such as Leonardo da Vinci, appears before us as a comprehensively developed and integral personality, combining science and art in his universalism, philosophical theory and social practice".

The purpose of the study is to provide a systematic historical and typological cultural-logical understanding of artistic development problem at different stages of the formation of culture and art. As a result, it is supposed to reveal the function of culture at different historical stages, in the development of the essential forces of a person at different stages of life. The inclusion of each individual in the past, present and future of culture. Today there is a need to understand education as a mechanism for the development of culture proceeding from both socio-cultural realities and cultural orientations. This can be evidenced by ancient written sources relating to the history of the musical art of the peoples of Central Asia, which prove the existence of a high culture of these peoples. Their best examples were covered in the works on music by the Central Asian scholars and thinkers of the Middle East Al-Farabi (9th-10th centuries), Ibn-Sina (10<sup>th</sup>-11<sup>th</sup> centuries), Al-Khorazmiy (11<sup>th</sup> century) and Fakhruddin Ar-Razi, Alisher Navoi (14-15 centuries), which became an integral part of European musical-theoretical science, which received brilliant development in the next era. A deep and comprehensive study of the heritage of Alisher Navoi began at the beginning of the 20<sup>th</sup> century. Since gaining independence in our country, consistent work continues to study the life and heritage that the great poet and thinker of the Eastern Renaissance left to subsequent generations.

Scientific interest in the cultural heritage of Alisher Navoi is of great interest today in Uzbekistan and abroad. In particular, it is being deeply studied by scientists from the USA, Japan, Korea, Iran, Afghanistan, India, Pakistan, and Bangladesh. Scientific works, stories, novels, feature films about our great ancestor have been created in these countries.

Conclusion. Thus, the name of Alisher Navoi has firmly entered the history of world science and culture. His works, having had a great influence on the European Renaissance, became a connecting bridge for the convergence of cultures and philosophies of the West and East.

Thanks to Alisher Navoi, a new direction in the development of sciences and arts of that time began. Being talented in everything, Alisher Navoi devoted a lot of time to musicology. Thus, in his works he gave the concept of the Turkic musical style and musical notation, described their nature and found out all aspects of art.

Honoring the memory of an outstanding philosopher, scientist and musical theorist on an international scale is evidence of the need to master the cultural heritage of the past as

the most important link in the struggle for social progress, for humanism. More than five centuries have passed, and the works of the great thinker, which have taken a worthy place in the treasure of world culture, in which encyclopedic knowledge is concentrated, serve new and new generations.

Alisher Navoi accomplished a real spiritual feat, fulfilled his duty to the Motherland and the people - he brought his native literature to the world level and rightfully took his place among such luminaries of culture as Homer, Nizami, Firdausi, Dante, Shakespeare, Goethe, Pushkin and Tolstoy.

As you can see, Alisher Navoi remained in world culture as a vivid example of a multifaceted creative personality. And for modern young people, his life can serve as an example of how a person should improve himself throughout his life.

## LITERATURE

1. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the participants of the twelfth International Music Festival “Sharq taronalari” August 27, 2019.

### O‘QUVCHILARNI TEXNOLOGIYA DARSLARI JARAYONIDA KREATIVLIGINI SHAKLLANTIRISH

Yakibova Dilorom Sharifovna,  
Termiz davlat universiteti Boshlang‘ich  
ta‘lim katta o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining kreativlik qobiliyatini shakllantirish. Shuningdek, texnologiya darslarida turli xil materiallar bilan ishlash asosida tashkil qilish va shu asosida o‘quvchilarga tushunchalar berish.

**Kalit so‘zlar:** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari va o‘qituvchilari, texnologiya, turli-xil materiallar, kreativlik qobiliyati, dars, integratsiya, innovatsiya.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается формирование творческих способностей учащихся начальных классов. А также организация технологических занятий, основанных на работе с разными материалами и дающих учащимся концепции на основе этого.

**Ключевые слова:** Учащиеся и учителя начальных классов, технология, различные материалы, творчество, урок, интеграция, инновации.

**Abstract:** In this article, the formation of creativity of primary school students. Also, organizing technology classes based on working with different materials and giving students concepts based on this.

**Key words:** Primary school students and teachers, technology, various materials, creativity, lesson, integration, innovation.

Respublikamizda innovatsion fikrlaydigan kreativ barkamol insonni tarbiyalash ta‘lim sohasida muhimdir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentyabrdagi “Ta‘limi tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3931- son qaroriga muvofiq:

- Respublikada texnik ijodiyot, badiiy ijodiyot maktablarini tashkil etish;
- o‘quvchi-yoshlarning ijodiy ishlarini ommalashtirish, shuningdek, bolalar maktablarining to‘garak a‘zolari tomonidan yaratilgan mahsulotlarni olib chiqish maqsadida “Art shop” elektron do‘konlarini tashkil etish va sotuvini yo‘lga qo‘yish;
- maktablarda “STEAM - ta‘lim” (Science - tabiiy fanlar, Technology - texnologiyalar, Engineering - muhandislik, Art - san‘at, Mathematics - matematika) dasturi joriy etish muhim vazifa etib belgilandi.

O‘quvchilarni mehnatga o‘rgatish va qobiliyatlarini rivojlantirish jarayonida ularning yosh xususiyatlari, imkoniyat darajalari va qiziqishlaridan kelib chiqqan holda murakkab bo‘lmagan yumushlarni bajarishlari ayni muddaodir. Zero, mehnat ta‘limi va tarbiyasini

qo'llash orqali o'quvchilarni kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish juda qo'l keladi. Ishlab chiqarishdagi mehnat faoliyati sharoitida mutaxassislikni egallash keng politexnik bilim va malakalar, qobiliyatlar mavjudligiga bog'liq bo'ladi. Bu borada birinchi qadamlar maktabda amalga oshiriladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini nafaqat ishlab chiqarish, balki mehnatning oddiy turlariga tayyorlashi va bundan uning har tomonlama o'quvchilarni kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirishini ko'zda tutish lozim.

Ma'lumki boshlang'ich sinf umumumiy o'rta ta'limning poydevori hisoblanib, unda bola shaxsini ilk ko'rinishlari shakllanadi. O'quvchilarni kreativlik qobiliyatini shakllantirishda turli materiallar bilan ishlashda oddiydan murakkabga yo'naltirilsa, yosh xususiyatlariga mos ravishda olib borilsagina o'quvchilarning kreativligi yanada shakllanib boradi.

1-sinf o'quvchilarining kreativlikka o'rgatishda tabiiy material bilan ishlashda ayrim kasblarda ishlatiladigan asboblarning nomlarini va nima maqsadda ishlatilishini bilish, yog'och materiallaridan olinadigan daraxtlarini tanishi va ularning nomlarini bilishi, ayrim gazlama turlari nomi, xususiyatlarini va ulardan tayyorlanadigan buyumlarni bilishi, pazandalikda ishlatiladigan maxsulotlarning turlari va nomlari nima maqsadda ishlatilishini bilishi; qandolatchilikda ishlatiladigan hom ashyolar va tayyorlanadigan maxsulotlarni bilishi; qurilish sohasida ishlatiladigan materiallar nomi, ayrim xususiyatlari va kartondan eng oddiy shakldagi buyumlarni qirqib tayyorlashi ularning rasmini chizish, bo'yash hamda eng oddiy naqshlar bilan bezash; tugma qadash, oddiy choklarni tikish, gazlamalarning qirqish kabi ko'nikmalarni bilishlari lozim.

2-sinfda turli materiallar bilan ishlashda ayrim kasblar mahsulotlari yoki tayyorlanadigan buyumlar eskizlarini chizish va oddiy bezaklar bilan ishlash, bir necha kasblar sohasida ishlatiladigan asboblarning tuzilishi hamda ishlatilishini bilish; ayrim tabiiy materiallardan oddiy tasvir va naqshlar tuzish; yog'och materiallarning qattiq-yumshoqligi, suvga, zahga va boshqa ta'sirlarga chidamliligini bilish; gazlamalarning haroratga saqlanishga chidamliligi, turli gazlamalarning har xil ta'sirlari natijasida o'zgarishlarini bilish; Tuproq, loy, sopol va boshqa materiallarning asosiy xususiyatlarini bilish; oziq-ovqat mahsulotlarining eng oddiy xususiyatlarini bilish; qog'oz va karton gazlamalarini qirqish va kesish asboblari bilan to'g'ri foydalanish; kashtachilik va tikuvchilikda qo'llaniladigan asosiy chok turlarida tikish; ayrim ekinlarni o'stirishning eng oddiy qoidalarini bilishlari kerak.

3-sinfda turli materiallar bilan ishlashda har xil oddiy buyumlar va mahsulotlar tayyorlash jarayonlari ketma -ketligi hamda xom ashyoning bilish; Ularni so'zlar va turli tasvirlar, jadvallar orqali ifodalay olish; ommaviy ishlatiladigan mehnat qurollarining turlarini va ulardan to'g'ri foydalanishni bilish; ayrim oddiy buyum va mahsulotlarni tayyorlash uchun eskizlar chizish, qog'oz va karton, gazlama va boshqa materiallardan oddiy shakldagi gullar yasash. Sopol buyumlar va kashtachilik buyumlari uchun oddiy naqshlar ishlash, eng oddiy applikasiya va mozaika ishlarini bajarish; ayrim milliy xunarmandchilik kasblarida ishlatiladigan materiallar hamda asboblarning nomi turlari va xususiyatlarini bilish, ulardan xavfsizlik qoidalariga muvofiq foydalanish milliy xunarmandchilik kasblariga oid eng oddiy iqtisodiy huquq va ekologik masalalarni bilish; loydan milliy o'yinchoqlar yasash, ularni bo'yash va naqshlar bilan bezash; yog'och va boshqa har xil materiallardan oddiy buyumlar va o'yinchoqlar yasash; gazlamalardan oddiy buyumlarni tikish va kashta naqshlar bilan bezash; pazandalik va qandolatchilikning ayrim texnologik jarayonlarini bajarish kabi vazifalarni bajarishda o'quvchilarni ijodkorlikka o'rgatishda juda ham qo'l keladi.

4-sinfda esa yog'ochdan oddiy buyumlar tayyorlash jarayoni uchun texnologik jadval hamda grafik tasvirlarni bajarish; oziq -ovqat tayyorlash jarayoni uchun texnologik jadval hamda ayrim oziq-ovqat mahsulotlarini turli shakllarda tayyorlash uchun eskizlar chizish, turli shakllarning bir -biriga nisbatan o'lchami, rang va bezaklar bo'yicha mutanosibligini tushunish va so'zlab bera olish; zargarlik, gilamdo'zlik, kulolchilik va boshqa kasblarda naqqoshlikdan foydalanishning eng oddiy usullarini bilish; ayrim kasblar sohasidagi materiallarga ishlov berishning zamonaviy usullari va asbob-uskunalarni bilish, ayrim ish harakatlarini bajarish ko'nikmalarini egallash:

Har xil materiallardan ko'p xunarmandchilik buyumlari va o'yinchoqlar tayyorlash, qo'g'irchoqlar uchun ko'ylaklar tikish va kashta gullari bilan bezash, taomlar pishirish uchun sabzavotlar tayyorlashni bilish o'quvchilarni ijodkorlikka o'rgatishda qulay deb bilamiz.

Turli materiallar bilan ishlash o'quvchilarning kreativlik qobiliyatlarini rivojlantiradi,

fantaziyasini va tasavvurlarini o'stiradi. Shuningdek, ta'lim-tarbiyani hayot bilan bog'lashning eng muhim vositalaridan biridir. Mehnat ta'limini amalga oshirishda o'quvchilarning har tomonlama o'sishiga ularni ijodkorlikka o'rgatishga yordam beradi. Turli materiallar bilan ishlash o'quvchilarning bilimlarini aniqlashtirishga yordam beradi, tarbiyaviy jihatdan muhim bo'lgan materiallarni solishtirishda keng imkoniyatlar yaratadi, dars va darsdan tashqari mustaqil ishlarni tashkil etishga sharoit yaratadi, tabiatga nisbatan muhabbat uyg'otadi. Tabiiy materaillar bilan ishlash jarayonida o'quvchini ona tabiat bilan yaqinlashuviga, unga tejamkorlik va mehribonlik, ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishga o'rgatadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentyabrdagi "Ta'limi tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3931-son qarori
2. Sh.M. Mirziyoyev "Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligi garovi" mavzusidagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. - Toshkent: O'zbekiston, 2017. -48 b.
3. G.Quttibekova, D.Kulboeva. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarni kasb tanlashga yo'naltirishning nazariyasi va amaliyoti. -Toshkent: O'zbekiston, 2020.
4. Sanaqulov X.R., Xodiyeva D.P. Satbayeva. Mehnat va uni o'qitish metodikasi. Darslik. Toshkent: "TDPU", 2015.
5. Mavlonova R.A., Sanaqulov X.R., Xodiyeva D.P. Mehnat va uni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent: "TDPU", 2007.
6. Sanaqulov X.R., Xodiyeva D.P. Boshlang'ich sinflarda qog'ozdan amaliy ishlar. O'quv-metodik qo'llanma. Toshkent: "Navro'z" 2013.

# ФАЛСАФА

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Саматов Шомат Бердиевич,  
Термиз давлат университети  
Фалсафа кафедраси профессори,  
фалсафа фанлари доктори,

Аннотация: Мақолада чуқур таҳлилий асосда, буюк ўзбек мутафаккири ва маърифатчиси Абдулла Авлониёнинг маънавий-ахлоқий қарашлари моҳияти анализ қилинган. Мақола ўқувчиларда, ўйлаймизки, илиқ таассурот қолдиради, тафаккур кенгликлари яна кучая боради.

Калит сўзлар: Инсон, тарбия, комил инсон, комиллик мезонлари, баркамол авлод, баркамол жамият, инсонпарварлик ғояси, маънавият, маърифат, руҳ, ақл, фикр, тафаккур, дунёқарашлик, ғоявий эътиқод, ахлоқ, ахлоқ қоидалари, ахлоқий сифатлар, ахлоқий одам, сабр-тоқат, яхшилик, яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ, адолат, ижтимоий адолат.

Аннотация: В данной статье в контексте анализа рассматривается сущность духовно-нравственные взгляды великого узбекского мыслителя и просветителя Абдуллы Авлони.

Ключевые слова: Человек, воспитание, совершенный человек, критерии совершенства, совершенное поколение, совершенное общество, гуманистические идеи, духовность, просвещение, дух, ум, мысль, мышление, мировоззрение, идейная убеждения, мораль моральные устои, моральные качества, моральный человек, терпение, добро, доброе слово, добротное знание, добрый нрав, справедливость, социальная справедливость.

Annotation: In the article, on a deeper analytical basis, the essence of the spiritual and moral views of the great Uzbek thinker and enlightener Abdulla Avloni is analyzed. We think that the article will make a warm impression on the readers, and the breadth of thinking will increase again.

Key words: Man, education, perfect person, criteria of perfection, perfect generation, perfect society, idea of humanity, enlightenment, spirit, mind, thought, thinking, worldview, ideological belief, morality, moral rules, moral qualities, moral person, patience, kindness, good word, good deed, good behavior, justice, social justice.

Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкид-лаганидек: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” [11]. Чунки биз янги Ўзбекистонни барпо этишга азму қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз.

Биринчиси-бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт.

Иккинчиси-аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият.

Зеро, Шарқ донишмандлари айтганидек: “Энг катта бойлик бу-ақл-заковат ва илм, энг катта мерос бу-яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу-билимсизликдир”. Шу сабабли жаҳон аҳли учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз тарбия ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак.

Бу қайта-қайта жаҳон тажрибасидан ўтган объектив ҳақиқатдир. Объектив ҳақиқат эса бизнинг хоҳиш иродамизга мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилувчи

билимлар системасидир. Бунинг учун фикр тарбияси керак. Шу асосда жамият тараққиётининг объектив ривожланиш қонунларини билиб олиш имкониятига эга бўламиз. Ўз фаолиятимизни шунга мувофиқлаштирамиз. Ана ўшандагина инсон фаолияти онгли фаолият бўлади. Буни унутиш, қўпол, кечириб бўлмайдиган хатоларга олиб келади.

XIX-асрнинг иккинчи ярмида Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларида рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий, маданий ўзгаришлар турли йўллар билан Туркистон ҳаётига ҳам аста-секин кириб келди ва ўзининг айрим аломатларини кўрсата бошлади.

У асосан халқни янги маданият, маърифатга чақиришга, миллатни уйғотишга, янгиланаётган маънавиятни эгаллашга йўналтирилган эди. Аста-секин маърифатчиликдан жадидчилик ўсиб чиқди ва у маълум даражада сиёсий масалаларни олға сура бошлади.

Янги таълим-тарбия, янги мактаб, янги маориф, уни бошқариш, маданий тарғибот, ташкилотчилик масалалари асосий ўринга кўтарилди. Янгиликларга асосланган ҳолда рус ва эски феодал маорифидан фарқ қилувчи фикр-ғоялар олдинга сурилди, улар ерли матбуот, турли китоблар орқали кенг тарғиб этилди.

Жадидлар XX-аср бошидаёқ янги асрнинг маънавий ҳаётида нималар инқирозга учраб, нималар танқис бўлишини яхши билганлар. XX-аср бошларида Туркистон маданий ҳаётида юз берган энг муҳим ўзгаришлардан бири мактаб-ўқув ишларида юз берди. Буюк маърифатчи Абдулла Авлоний (1878-1934 й.й.) бу даврда жадидчилик ҳаракатига қўшилиб Тошкентдаги жадидларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб танилди. У янги усулда, янгича мактаб очиб дарс берди ва дарсликлар ёзди. А.Авлоний асос солган мактаб гуманистик (инсонпарварлик) ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий илғор илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. У ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаблари учун дарсликлар тузди. Ахлоқий-дидактик мазмундаги “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” дарслиги (1913 йил) XX-аср бошлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи маротаба XX асрнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Муаллиф Платон, Сократ, Аристотель ва ҳатто Искандар Макдуний ҳамда Ибн Сино, Румий, Бедил фалсафасининг ўзаро уйғунлигини асослашга ва уларнинг қарашлари тўғрилигини Қуръон оятлари билан исботлашга, шу тариқа мусулмонлар учун мукамал ахлоқ тамойилларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Бу ахлоқ, унинг фикрича, инсонпарварликка асосланиши ва амалий йўналиш касб этиб, тараққиётга хизмат қилиши лозим эди.

А.Авлоний хулқларни анъанавий яхши ва ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил фикрлари билан асослаган тарзда замонавийликни асосий мезон қилиб олади. Унинг фикрича, ахлоқ бу-хулқлар мажмуи. Хулқ эса, эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олийжанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинадилар. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишидан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия “ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур” [15.14].

Тарбия туғилган кундан бошланади ва умрнинг охирига қадар давом этади. У икки босқичдан-уй ва мактаб тарбиясидан ташкил топган.

А.Авлоний инсон тарбиясида ҳаётнинг ролига алоҳида аҳамият қаратади. Унинг фикрича, ҳаё деб ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилур. Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождур. Шариат буюрмаган, одамлар суймаган ишларни ишламак-ғийбат, ҳажв, масхара, сафсата, сўқув каби одамларнинг нафсига, иффатига тегадурган адабсиз сўзларни сўзламак зўр ҳаёсизликдур. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдур.

Шунинг учун ҳар бир ҳаракатимизда, сўзимизда ҳаёни қўлдан бермаслик лозимдир. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Ва

бу чодир шундай муборақдурки, анча-мунча саҳв-хатоларни беркитиб, йўқ қилур.

А.Авлоний ўз фикрларини исботлаш мақсадида Ибн Сино, Муҳаммад пайғамбар, Муҳйиддин ва Суқрот ҳикматларидан намуналар келтиради.

“Ибн Сино ҳаким: “Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила ифбатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур”, - демиш.

Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз: “Ал-ҳаё минал-имони”-ҳаё имондандир; “Иза лам тастаҳ фааснаъ мошиъта”-ҳаё қилмас эсанг, истаган ишингни ишла”,-демишлар.

Муҳйиддин: “Инсоннинг суратидаги қизиллик секин-секин кетар, ҳаё қизиллиги асло кетмас. Ёшлик ҳуснининг қизил ранги ҳаё ила зийнат-латофатга эга бўлурлар”,-демишлар.

Суқрот ҳаким: “Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва ифбат пардасига ўралганларидур”, - демиш.

Юқоридаги ҳикматларга хулоса ясаркан А.А.авлоний демишлар:

Ҳаё, номус имона далилдур,  
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.  
Уялма маърифат ҳосил қилувдан,  
Маорифсиз кишилар мурда дилдур.

А.Авлоний инсон маънавиятида қаноатнинг ролига алоҳида аҳамият қаратади. Унинг фикрича, қаноат деб жаноби Ҳақ (Худо-Ш.С.) тарафидан эҳсон бўлган аҳволга етушдиғимиз-неъмату молға шукр, бошимизга келган факр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилур. Қаноат ҳасад, тама, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг ғиносидур.

Қаноат бир хазинадирки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини шавқу роҳатда кечирурлар. Бунинг бирла баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг энг зўр душманидин қутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишатина ҳасад қилмас, қаноатдин айрилмас, умрини роҳатда ўткарур. Инсон ҳар бир ишга кучи етгунча чолишмоқ, жаноби Ҳақ тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга қаноат қилмоғи лозимдур.

Зероки, инсон ўз маишатини, номусини сақламоқ учун фидойи жон даражасига боргунча саъй-ҳаракат қилмоқға буюрилмишдур, лекин бу саъйнинг машруи ҳар бир ишда қаноатни қўлдан бермасликдур. Одамда қаноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур.

Жаноби Ҳақнинг амрига итоат қандай саодат эрса, тақдирига қаноат зиёда бахтиёрликдур. Ҳазрати Али афандимиз: “Дунёда саъй-жадал ила маишат ўткарган қаноат эгаси ҳеч кимга муҳтож бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар”, - демишлар.

Афлотун ҳаким: “Инсоннинг саодати қаноатини қўлда тутмақда, сарват ва маишат тўғрисида жаноби Ҳақнинг тақдирига рози бўлмақдадур”,- демишлар.

Неча минг йиллар давомида яратилган жаҳон донишмандларининг ҳикматларига таянган ҳолда А.Авлоний томонидан илгари сурилган қаноат, сабр тўғрисидаги эзгулик ғояси бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлидир. Ҳусусан, бу ғоя ХХI- асрнинг бутун инсоният бошига туширган энг даҳшатли фожеаси бўлмиш пандемия фалокати ва ҳалокатини бартараф этишда ўзига хос дастурил амалдир, маънавий озуқадиур.

А.Авлонийнинг ахлоқий қарашларида “Адолат” масаласи алоҳида ўрин тутати. Унинг фикрича, адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмақни айтилур. Адолат яхши хулқларнинг фоили, зулмнинг муқобилидур. Адолатли ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғуз ўзи бузук ишлардан сақланмақ ила адо қилмас “Балки ўзи ила баробар жинсдошларини хато ва фанолиқларини тузатмақ ва яхши йўлга саъй қилмақ ила адо қила билур. Адолатни риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулмни хоҳламас ва жонлик нарсаларга бекорга озор бермас. Ақл ва шариятга

мувофиқ равишда ҳаракат қилур. Жабру зулм ила бошқаларнинг дилига озор берган кишиларнинг ёқалари жазо қўлидан қутила олмас. Зеро, жаноб Ҳақнинг адолати золимларнинг жазо ва сазосини бермақдадур. Расули акрам Саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: “Аллоҳ ризосини истар эрсангиз болаларнинг ҳаққинда ҳам адолат қилингиз! Яна мазлум кишининг дуосиндан, кофир бўлса ҳам, сақланингиз! Чунки мазлумнинг дуоси доимо мақбулдур”, - демишлар.

Ана шунинг учун ҳам, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаган эдики: “Ижтимоий адолат-бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу-таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу-кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу-кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрликдир” [7,35].

Буюк мутафаккир А.Авлоний адолатни ҳар бир миллатнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқуқини дунёнинг асоси деб билди. “Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси,- деган эди А.Авлоний,-давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлидур. Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлиб, тарих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиги ҳаммага билгулидур” [14,38-39].

Бу тарихда исботланган йўл!

А.Авлоний инсон тарбиясида “Муҳаббат” категориясининг аҳамиятига алоҳида аҳамият берган эди. Унингча, муҳаббат деб бир нарсани суймакни айтилуру. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясида яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакка ғайрат ва жасорат қилолмас. Дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳа ила ўқумаса, мақсудиға етолмас. Ер юзидаги инсонларни урушма, талошмаларга қовушдирган, сийналарини душман ўқиға нишона қиладурган нарса дин ва миллатларнинг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидир.

А.Авлоний тарбиянинг доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. “Соғ танда соғ ақл”,-деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. Гапни, биринчи навбатда, боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигидан бошлайди. А.Авлоний масаланинг фалсафий асосига кўчди. Жисм билан руҳнинг узвий бирлиги ҳақида фикр юритади.

“Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур.

Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур” [14,15]. Яна бир ўринда эса “бадан элак каби кўзликдур” деган ибора қўлланилади. Жисм билан руҳ, шакл билан мазмуннинг узвий бирлиги ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласи хусусида сўз юритилади. Айниқса фикр тарбиясига алоҳида урғу берилади. А.Авлонийнинг фикрича, фикр инсоннинг шарофатлиқ, ғайратлиқ бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамиға сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур.

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бириға бойланган жон ила тан кабидур. Буюк маърифатчи А.Авлоний демишлар:

Фикр агар яхши тарбият топса,  
Ханжар, олмосдан бўлур ўткир.  
Фикринг ойинаси олурса занг,  
Руҳи равшан замир ўлур бенур.

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”да ақл ва илмнинг маънавий-ахлоқий оламнинг фавқулудда эҳтирос билан улуғланиши А.Авлоний маърифатчилигининг бевосита мазмунидан келиб чиқади. Унинг фикрича: “Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидур...”. Илм ҳам “инсонларнинг мадо-

ри ҳаёти, раҳбари нажоти”, боринги, “дунёнинг иззати”. У “инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилят”. А.Авлоний бу фазилятларни шунчаки қайд этиш билан чекланмайди. Унинг конкрет ҳаётӣ, амалий аҳамияти хусусида ҳам тўхталиб ўтади. Унинг инсонни камолотга етказишда бош омил эканлигини атрофлича далиллашга ҳаракат қилади.

А.Авлонийнинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон-ақл ва тафаккур мезони.

А.Авлонийнинг таъкидлашича, Ватан туйғуси энг инсонӣ, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш билан чекланиш мумкин эмас. Балки, унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Ватан онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи.

А.Авлонийнинг фикрича, тилга, адабиётга, маданиятга муҳаббат эса ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир. “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур”, - деган эди мутафаккир.

А.Авлонийнинг фикрича, жаҳолат билимсизлик ва нодонлик демакдир. Шу сабабли у маърифатни жаҳолатга қарши кўяди. “Илм ва маърифат соҳиблари фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини мушоҳада қилурға ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпарастдан иборатдур:

Шу сабабли А.Авлоний жаҳолатни “инсоният номина ярашмаған бир сифат” деб атаган эди.

Бугунги кунда масаланинг долзарблиги шундаки, Ўзбекистонда “Жаҳолатга қарши-маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибидаги доимий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Буюк маърифатчи дангасалик ва ялқовликни қаттиқ қоралайди. Унинг фикрича, бахтга, барча муваффақиятга фақат саъй-ҳаракат ва меҳнат билангина эришиш мумкин.

А.Авлонийнинг ҳали 1913-йилдаёқ иқтисодиёт ва иқтисодий билим тўғрисида билдирган фикрлари ва башорати бугунги кунда ҳаммани ҳайратга солмоқда. “Ҳозирги замонда, -деган эди А.Авлоний, мақсудға етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқға мақбул бўлмак учун илм ва мол (иқтисодиёт Ш.С.) лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанадур...

...Мол топмоқнинг энг баракатли йўллари: хунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонимизда билим лозимдур. Боболаримизнинг “бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтуб, ўрнига “билган битар, билмаған йитар” замони келди. Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, ёвруполиклар ўзимиздан олған беш тийинлик пахтаминизни кетуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз осиеликлар, хусусан, туркистонликлар, думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиёмиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз. Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур” [14,33-34.].

Бу айнан бугунги куннинг талабидир. Чунки мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида бошланған ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш бош мақсад этиб белгианған.

Модомики, бугун жаҳон эътироф этаётған янги Ўзбекистон “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилятларни шакллантириш-ўта шарафли вазифадир, деб белгилаган экан уни муваффақиятли амалга оширишда Абдулла Авлонийнинг маънавий, маърифий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик қарашлари ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан

айтганда: “Умуман, биз жадиличлик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансақ, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”. [8,37.]

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида.-Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // “Халқ сўзи”, 2019 йил 30 октябрь.
2. Таълим тўғрисида. –Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 сентябрь.
3. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида. –Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // “Халқ сўзи”, 2021 йил 21 январь.
4. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида.-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2020 йил 29 октябрь // “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 октябрь.
5. Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида.-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2020 йил 26 май // “Янги Ўзбекистон”, 2020 йил 28 май.
6. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2021 йил 26 март// “Халқ сўзи”, 2021 йил 27 март.
7. Мирзиёев Ш.М. Конституция-эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Тошкент-“Ўзбекистон”-2018. НМИУ, 2-жилд., 4-41-б.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан- миллий юксалиш сари.-Тошкент.-“Ўзбекистон”. НМИУ-2020, 4-жилд, 4-50-б.
9. Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун умумиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур // Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2020, 4-жилд, 142-160-б.
10. Мирзиёев Ш.М. Коронавирусга қарши кураш тартиб-интизом ва сабр-тоқатни талаб қилади // Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Тошкент: “Ўзбекистон”. НМИУ-2020, 4-жилд, 199-205-б.
11. Мирзиёев Ш.М. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // “Халқ сўзи”, 2021 йил 20 январь
12. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. 20 декабрь 2022 йил // “Янги Ўзбекистон”. 2022 йил 21 декабрь.
13. Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима) Тошкент.-“Чўлпон” нашриёти, 1992.
14. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.-Тошкент: “Камалак”-1991э
15. А.Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент.-“Ўқитувчи”- 1992,
16. А.Авлоний Танланган асарлар: Шеърлар, ибратлар. Т.: “Маънавият”, 1998, 1-жилд.
17. А.Авлоний Танланган асарлар:2 жилдлик 2-нашри, 2-жилд. –Т.: “Маънавият”, 2006.
18. А.Авлоний Маданият тўлқунлари // Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд.-Т.: “Маънавият”, 2006., 216-220.б
19. Алишер Навоий. “Маҳбуб-ул-қулуб”-Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2019.
20. Ватан ва миллат муқаддасдир. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
21. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. –Тошкент, “Маънавият”, 1997.
22. Маънавият юдузлари. –Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти-1999.
23. Улуғларнинг сўзлари сўзларнинг улуғлари. “Насаф” нашриёти, 2010.
24. Ш.Ризаев, Б.Каримов, Э.Абдирашидов. Жадиждлар фаолияти-ибрат мактаби

(ёхуд Халқаро жадидчилик академиясини ташкил этишга доир айрим мулоҳазалар)  
// “Янги Ўзбекистон”-2022 йил 28 декабрь.

## САИД ШЕРМУҲАМЕДОВ ФЕНОМЕНИГА ХОС ФАЗИЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Қорабоев Нодирбек Мамаражабович,  
Термиз давлат университети таянч докторанти

**Резюме:** В статье освещены высокие духовные качества, присущие феномену академика Саида Шермухамедова, характеризующие его как совершенной личности. Эти качества подразделены на следующие группы: 1) собственно-личностные качества, 2) качества общественника и руководителя, 3) уважение к наставникам, верность друзьям и родственникам, 4) забота об учениках. Изучение этих качеств имеет большое значение в воспитании молодёжи.

**Summary:** The article highlights the high spiritual qualities inherent in the phenomenon of academician Said Shermukhamedov, characterizing him as a perfect personality. These qualities are divided into the following groups: 1) self-personal qualities, 2) qualities of a social activist and leader, 3) respect for mentors, loyalty to friends and relatives, 4) concern for students. The study of these qualities is of great importance in the education of young people.

Буюк шахслар, жамоат арбоблари, олим ва ижодкорлар феноменига хос ноёб инсоний фазилатлар, юксак маънавият масалалари улар ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади, ёшлар тарбияси учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, йирик жамоат ва давлат арбоби, академик Саид Шермухамедов ҳам феноменал инсоний хислатлар соҳиби эди.

Феномен (кечки лотинчада *phaenomenen*, грекчада *phainomenen* – намоён бўлувчи) – муайян кўринишда рўй берувчи, намоён бўлувчи ғайриоддий, нодир ҳодиса, факт [1].

Баъзи манбаларда “Саид Шермухамедов феномени” деган махсус иборани учратиш мумкин. Бинобарин, таниқли сиёсатшунос, олим, публицист ва жамоат арбоби Нарзулла Жўраев бу иборани С.Шермухамедовнинг буюк хислатлари маъносига ишлатган [2].

Бутунжаҳон файласуфлар жамияти Федерацияси Президенти, профессор Иоанна Кучуради 1983 йил августида Монреаль (Канада)да XVII Бутунжаҳон файласуфлар Конгрессида С.Шермухамедов билан учрашиб, унинг юксак инсонийлик хислатлари қаторида олижаноблиги, камтарлиги, самимийлигини кўрсатган [3].

Россия Фалсафа жамиятининг биринчи вице-президенти, “Вестник Российского Философского общества” (“Россия Фалсафа жамиятининг ахборотномаси”) журналининг бош муҳаррири, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.А.Чумаков С.Шермухамедов сиймосига йирик олим, катта ҳаёт тажрибасига эга баркамол инсонни кўрганлиги, унда одамларга нисбатан пок муносабат, самимийлик ва катта ғамхўрлик ҳисси мавжудлигини сезганлиги ҳақида ёзган эди [4].

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов С.Шермухамедов тўғрисида фикр юритиб, “Домла ниҳоятда мард, бағрикенг, саховатли, адолат йўлида бир сўзли, дўстларга меҳр-оқибати юксак инсон”, деган, унга бағишлаб ўзининг “Зиё” шеърини ёзган эди [5].

Академик Саид Шермухамедовга хос бўлган ноёб фазилатларни, фикримизча, қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади:

1. Шахсий-индивидуал фазилатлари.
2. Жамоатчилик ва раҳбарлик фазилатлари.
3. Устозларга эҳтиром, дўстлар ва қариндошларга садоқатлилик хислатлари.
4. Шогирдларига ғамхўрлик хислатлари.
1. Шахсий-индивидуал фазилатлари.

С.Шермухамедовнинг шахсий-индивидуал фазилатлари қаторида энг аввало унинг меҳнатсеварлик хислатини қайд этиш лозим. У ҳаётида нима ютуқларга, лавозим ва унвонларга, мукофотларга эришган бўлса, уларнинг барчаси унинг самарали меҳнати, тиришқоқлиги туфайли қўлга киритилган.

Саид Шермухамедов ўта камтар, самимий, диёнатли инсон эди. Шу хислатлари уни каттаю кичик одамлар учун сеvimли, ҳурматли инсонга, раҳбар ва устозга айлантирган. У бировларга ўхшаб дабдабали бойлик, ортиқча мол-дунё, қўша-қўша машиналар, данғиллама ҳовли-жойларга эга бўлиш йўлини танламади, ўзининг ҳалол меҳнати эвазига оддий ҳаёт тарзини кечирди, умрининг охиригача давлат томонидан берилган кўп қаватли уйда жойлашган 4 хоналик квартирада истиқомат қилди.

С.Шермухамедов жуда самимий инсон бўлган. Қаерда ва қайси лавозимда ишлашига қарамасдан, одамлар билан самимий, мулойим мулоқотда бўлиб, муомала қилган, уларга моддий ва маънавий мадад кўрсатган [6].

С.Шермухамедов жуда меҳмондўст одам бўлган. Унинг уйига бирор иш билан келган одамларни Саид ака ва унинг рафиқаси Муҳаббат опа кийик ўти солиб дамланган хуштаъм чой ва ширинликлар, лаззатли таомлар билан сийлаган.

Саид Шермухамедов тўғри сўз, ҳақиқат ва адолатни ҳимоя қиладиган инсон бўлган, ёлғончилик, ваъдабозлик, ифво ва фитначилик, гиначиликни ёқтирмаган. Бировга яхшилик, ёрдам кўрсатса, ҳеч қачон миннат қилмаган, ёмонлик қилишни, ҳасадни билмаган. Ўзидан катталарга ҳам, кичикларга ҳам доим “ака” деб мурожаат қилган, хушчақчақ, зукко, ҳазилкаш одам бўлган [7].

Саид Шермухамедов маънавий дунёсида шарқона, ўзбекона миллий маданият ва ахлоқ намуналари байналмилал бағрикенглик, ҳақиқий инсонпарварлик, олижаноблик билан уйғунлашиб кетган, у байналмилалликни, халқлар дўстлигини эъзозлаган. И.Кучуради С.Шермухамедовда доим байналмилаллик руҳи уфуриб туради [3], деганда ҳақ эди. Олим тайёрлаган шогирдлар орасида ўзбеклардан ташқари йигирмадан ортиқ бошқа миллат вакиллари бўлиши, унинг дўстлари жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида фаолият кўрсатиб туриши бунинг ёрқин далилидир.

С.Шермухамедов феноменидаги ноёб хислатлар тўғрисида фикр юритиб, профессор Нарзулла Жўраев унинг одамларга нисбатан ўзбекона одобни ёрқин намоён этадиган зиёли сифатидаги ниҳоятда эътиборли, самимий, эҳтиром, меҳр-муҳаббат, беқиёс мурувватга тўла муносабати тўғрисида ёзади, бунинг учун одамнинг жисму жонига сингиб кетган, қон-қонига, ҳар бир хужайрасига қоришиб кетган улкан маданият, тарбия, эътиборлилик фазилатлари керак бўлади, дейди [2].

## 2. Жамоатчилик ва раҳбарлик фазилатлари.

Саид Шермухамедов феноменига хос энг муҳим хусусиятлардан бири унинг фазилатли раҳбар бўлганлигидир.

С.Шермухамедов нафақат Ўзбекистонда, собиқ Иттифоқда, балки жаҳон миқёсида танилган энг обрўли раҳбарлардан бири сифатида эътироф этилган. Масалан, Миср Араб Республикасининг собиқ Президенти Анвар Садат С.Шермухамедовнинг раҳбарлик фаолияти тўғрисида илиқ сўзлар билдирган эди.

Ўзбекистонда кўзга кўринган давлат, сиёсат, жамоат ва фан арбобларидан бири, академик О.У.Салимов С.Шермухамедовнинг раҳбарлик фазилатлари сифатида унинг ўз ишига ўта масъулиятлилиги билан ёндашиши, бошлаган ишини охиригача етказиши, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам ўта интизомли бўлишни талаб этиши атрофдагилар учун намуна бўлиши мумкин бўлган хислатлар эканлигини таъкидлайди. Юқори раҳбарлик лавозимларида ишлаган даврда С.Шермухамедовнинг қаттиққўллик, интизомлилиги талаб этиши билан бирга қўл остидаги ходимларига нисбатан меҳрибон бўлганлиги, шунинг учун ундан барча миннатдор эканлиги тўғрисида ёзади [8].

С.Шермухамедов раҳбарликни имтиёз эмас, балки унга жамият томонидан ишониб топширилган масъулият деб ҳис қилган. Шу боис у масъулиятни жамият ва инсонлар олдидаги ишончни оқлаш, уларнинг дардларини тинглаш, уларга қўлидан келганича ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиларди. У раҳбар бўлиб ишлаган даврларда

қабулига келган ҳар бир кексаю ёшни ўрнидан туриб, мулозимат, очиқ чехра билан кутиб олар, улардан ҳол-аҳвол сўрар, бир пиёла чой узатиб, арзларини тинглар, муаммоларини иложи борича тез, ижобий ҳал қилиб, қўнгилларини кўтариб, эшиккача кузатиб қўярди, “эрта келинг, индин келинг”, “кутинг” деган ибораларни мутлақо ишлатмас, сансалорликка йўл қўймасди. Шу сабабли С.Шермухамедов ҳузурига кирган бирор киши ундан норози бўлиб чиқмаган.

Саид Шермухамедов раҳбарлик ишларида, айниқса, маориф вазири бўлиб ишлаган вақтда ўз соғлиги, шахсий роҳатини ҳам аямай, вақтини чекламай, жону дили билан меҳнат қилган. Қабул маросимлари баъзан кечаси соат 12 га қадар давом этган, ҳатто кўпинча якшанба кунлари шогирдлар – аспирантлар ва докторантлар билан ишлаган. Қўл остидаги ходимларга “вазирлик жамғармаси” дан қўшимча маош белгилаб, моддий ёрдам берган. Шунинг учун ходимлар уни “ота” деб аташган, “Ота рози – Худо рози” иборасини тез-тез ишлатишган.

С.Шермухамедовнинг раҳбарлик фаолияти маъмурий-буйруқбозлик, расмиятчилик, тўрачилик, сохтакорлик ва дабдабазлик нишонларидан батамом холи эди. У ҳар бир учрашув ва қабул маросимларини таклифлар, арзу додлар, мурожаатларни атрофлича, чуқур ўрганиб чиқиб, уларни ўз жойида жамоа, одамлар иштирокида ижобий ҳал қилар эди. Раҳбарнинг қабул қарорлари, буйруқ ва кўрсатмалари тўғри, адолатли, аниқ, равшан ва тушунарли бўлиб, уларнинг ижроси ўз вақтида ва тўлиғича таъминланар эди [7:38-41].

3. Устозларга эҳтиром, дўстлар ва қариндошларга садоқатлилик хислатлари.

Саид Шермухамедовнинг ўз устозлари, дўстлари, яқин касбдошларига нисбатан эҳтироми ва садоқати каби хислатлари ибрат олишга арзийди. У ўзининг талабалик йилларидаги домласи, диплом иши, номзодлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилган устози Иброҳим Мўминович Мўминов хотирасини доимо ёдида сақлаб келди. Устознинг ҳаёти, илмий ижоди, жамоатчилик ва илмий фаолиятлари тўғрисида 30 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ишларни эълон қилди. С.Шермухамедов ташаббускорлигида И.Мўминовнинг танланган асарлари нашр этилди. 1978 йилда олим таваллудининг 70 йиллиги, 1983 йилда 75 йиллиги, 1993 йилда 85 йиллиги, 1998 йилда 90 йиллиги, 2008 йилда 100 йиллик юбилейларини ўтказишда бош-қош бўлди. С.Шермухамедов ташаббуси билан Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Тезгузар қишлоғида И.Мўминов номли мактабда устоз ҳаёти, илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятига оид музей ташкил қилинди. И.Мўминов илмий меросига бағишланиб 2 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. ЎЗР ФАнинг академик И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида деярли ҳар йили “Мўминов ўқишлари” ташкил этилди, уларда С.Шермухамедов фаол иштирок этди.

Саид Шермухамедов Ўзбекистон Республикасининг биринчи раҳбари, машҳур давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовни ўзининг севимли устозларидан бири деб биларди. Унинг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетида ишлаган йиллари (1964 – 1970) ва республика маориф вазири (1970 – 1984) сифатидаги фаолияти ҳам Шароф Рашидовнинг раҳбарлик йилларига тўғри келади, унинг юксак ишончи ва қўллаб-қувватлаши, ғамхўрликлари туфайли амалга ошди.

Ш.Рашидов вафотидан кейин республикада юқори раҳбарлик курсида ўтирган айрим ношуд раҳбарлар томонидан унинг номи ва фаолиятига нисбатан маломат тошлари отила бошланди. Ўшанда Ш.Рашидовнинг асл шогирдлари, жумладан, С.Шермухамедов виждонни сотишмади, иймону эътиқодга содиқ қолишиб, устознинг улуғ хизматлари ва номини унутишмади.

И.А.Каримовнинг республикада биринчи раҳбар лавозимига кўтарилиши шарофати билан миллатнинг асл фарзанди Шароф Рашидов шахси тикланди, унга нисбатан маломат тошларини отишга чек қўйилди. С.Шермухамедов устози Ш.Рашидовга бағишлаб қатор мақолалар эълон қилди, унинг фаолиятига объектив, холисона баҳо берди.

Саид Шермухамедов учун азиз устозлардан яна бири машҳур археолог олим, академик Яхё Ғуломов эди.

1965 йилда Самарқанд вилояти ва шаҳар ижроқўмлари “Термиз – Тошкент” йўналиши бўйича ўтувчи катта ўзбек тракти автомобиль йўлини Шоҳизиндадан сал на-

рироқдан, яъни Афросиёб тепалигини кесиб ўтадиган ҳолда ўтказиш ҳақида қарор қилган. Бу қарорга қарши академик Я.Ғуломов ўз тахминига кўра, эски шаҳар маркази айнан Афросиёб тепалигида бўлганлиги, шу боис бу ердан автомобиль йўли ўтказиш режаси бекор қилинишини сўраб, республиканинг юқори партия ва ҳукумат ташкилотларига, шахсан республиканинг биринчи раҳбари Шароф Рашидовга мурожаат қилиб, талабномалар ёзган. Шу баҳсли масалани ҳал қилиб келиш учун Шароф Рашидов С.Шермухамедовни Самарқандга сафарга жўнатган.

С.Шермухамедовнинг оқилона маслаҳатларига кўра, “Термиз – Тошкент” автомобиль йўли қурилиши бошланиб, у Яхё Ғуломов таклиф этганидек, Афросиёбдан нарироқдан ўтказилиб, қуриб битказилган. Афросиёб жаҳонга машҳур археологик марказга айланган. Академик Яхё Ғуломов бу ишлардан фахрланиб, “Саиджон менинг дипломатим”, дер эди. С.Шермухамедов ўз навбатида Ўзбекистонда кўп йиллар давомида “Яхё Ғуломов ўқишлари”ни ўтказишнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлган.

Саид Шермухамедов ҳуқуқшунослик фани соҳасида ўзбек аёллари орасида биринчи академик, жаҳонга машҳур олима Хадича Сулаймонова ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбирларни ўтказиш, у киши тўғрисида мақолалар тўпламларининг юзага келишида жонбозлик кўрсатган.

Ўзбекистон файласуфлари сардори сифатида С.Шермухамедов касбдош дўстлари ва бошқа фан вакиллари хамжиҳатликка даъват этиб, уларни ягона мақсад – Ватан равнақи йўлида астойдил хизмат қилишга сафарбар этди. Чунончи, профессор Ҳайдар Пўлатов республикадаги йирик файласуф, Саид аканинг энг яқин дўстларидан бири эди. Ҳ.Пўлатов вафотидан кейин С.Шермухамедов у кишининг миллий истиқлол ғоясига бағишланган қимматли мақолаларини жамлаб, “Сизни яхши кўрар эдим, одамлар” номи билан китоб қилиб нашр эттирди. Бу билан ўз қадрдон дўсти хотирасига муносиб ҳайкал қўйди, дейиш мумкин.

2010 йилда С.Шермухамедов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан унинг “Қалбим изҳорлари” номли китобининг 1-қисми нашр этилди. Китобдан муаллифнинг ўз устози академик И.М.Мўминов, қадрдон дўстлари, ЎЗР ФА академиклари М.М.Хайруллаев, Э.Юсупов, А.Қ.Валиев, Р.Бекжонов, ЎЗР ФА мухбир-аъзолари Ҳ.Пўлатов, А.Аъзамхўжаев, фанимиз арбоблари ва ташкилотчилари Ш.Абдуллаев, О.Файзуллаев, М.Болтаев, Ҳ.Шайхова, М.Ҳакимов, М.Абдуллаев, С.Мирзаев, Н.Раҳмонов, Э.Холиқов, Х.Раҳимов, П.Мусаев, шоир ва ёзувчилардан Тилак Жўра, Ш.Ризаев ижодий мероси ва фаолияти тўғрисидаги мақолалар ўрин олган. Шунингдек, китобда инсон муаммоси ёритилган Чингиз Айтматов ва М.Шохонов асарларининг фалсафий таҳлили берилган. Ушбу китоб ёшлар тарбияси учун ибратли материалларга бойдир [9].

Саид Шермухамедов феноменига хос фазилатлардан энг муҳимлари дўстларни авайлаш, самимий кўмаклашиш орқали уларни камол топтириш, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишга ундаш эди. Масалан, у забардаст адабиётшунос олим Ориф Икромовнинг докторлик диссертациясини ҳимоя қилишида кўмаклашган. Академик В.Зоҳидовнинг ишини ҳал қилишда ҳожатбарорлик қилган. Машҳур адабиётшунос олим Ғайбулло ас-Салом маълум сабабларга кўра ишсиз қолиб кетганда уни Тошкент давлат университетининг журналистика бўлимида янги очилган таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудирлиги лавозимига ишга ўрнашишига ёрдам берган. Талантли шоир ва журналист Султон Акбарийни қўшниси билан жанжаллашиб қолганида муросага келтириб, жинойий жазодан сақлаб қолган [10:80-90].

Педагогика фанлари соҳасида Ўзбекистонда биринчи фан доктори, республика педагоглариининг отахони, академик Сиддиқ Ражабов С.Шермухамедовни “Ўзбекистон педагоглариининг бош кўмондони”, деб эътироф этган [10:75-76].

Саид Шермухамедов ўз қариндошларига садоқатлилик, вафодорлик, ғамхўрлик хислатларини намоён этган.

Буюк инсон ва олимнинг турмуш ўртоғи Муҳаббатхон Шермухамедова Саид ака билан биргаликда кечирган бахтли 45 йиллик умрларидан мамнунликларини баён этиб, “у киши ҳаётимнинг мазмуни, илк муҳаббатим олови, кўзларим нури, қалбим чечагидирлар” [11], деб ёзган.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Зоя Арисланбаева домланинг рафиқаси Муҳаббатхон опа билан биргаликдаги бахтли, пок, самимий, фаровон ибратли ҳаётлари тўғрисида илҳомланиб ёзади [12].

Фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Шарипов таъкидлашча, устоз инсонпарварлик ва севги-муҳаббатни уйғунликда деб билган ва унинг кучини инсонларни бегоналаштиришдан, бир-бирига қарши туришдан сақлашда деб тушунган. Шу боис севги эҳтиёжи ғамхўрлик ва масъулиятни ҳис этишни тақозо этади, дейди муаллиф, Саид ака ва унинг рафиқаси Муҳаббатхон опаларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати, муҳаббати, бир-бирига ғамхўрлик қилиши ҳавасни келтиради [13], деб ёзади.

Саид Шермуҳамедовнинг ўз оғайнилари, қариндошларига меҳрибонлиги, меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги, ёрдамлари тўғрисида унинг укалари Аслан Шермуҳамедов, Баҳодир Шермуҳамедов, Равшан Раҳмонов, сингиллари Нигора Шермуҳамедова, Жамила Шермуҳамедова, жияни Нигина Шермуҳамедова, ўғли Бахтиёр Шермуҳамедов, неваралари Диана, Саида, Ширин, Амалия, Малика Шермуҳамедовалар илиқ қалб сўзларини баён этишган [14].

#### 4. Шогирдларига ғамхўрлик хислатлари.

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби О.Файзуллаев ёзганидек: “Саид Шермуҳамедов ўзига ҳам, шогирдларига ҳам талабчан инсон. У ҳамма вақт истеъдодли ёшларга ғамхўр, талабалар, аспирантлар ва докторантларга доно маслаҳатгўй, жонқуяр устоз” [15] бўлган.

Саид Шермуҳамедов илмий раҳбарлиги остида 1968 йилда биринчи бўлиб Анвар Мансуров санъатда бадий ҳақиқат муаммоси мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Иқтидорли шогирд жоиали тарзда бевақт оламдан ўтди. Устоз С.Шермуҳамедов шогирдининг хотирасига бағишлаб махсус мақола ёзди, 1971 йилда унинг монографиясига сўзбоши ёзиб, нашр эттирди.

Устоз С.Шермуҳамедов феноменига хос ибратли фазилатлардан бири шундаки, деб ёзади домланинг шогирди, профессор Ш.Саматов, шогирдлари тақдим этган диссертацияни кечиктирмай, қисқа муддатда ўқиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини алоҳида қоғозга қайд этарди, қўлёзмани чизмасди, диссертация ҳимояси пайтида эса одил ҳакам ва ишончли ҳимоячи вазифасини бажарарди [10:22].

С.Шермуҳамедов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетида кафедра мудири бўлиб ишлаган йилларда унинг раҳбарлигида ташкил этилган “Тафаккур шайдолари” гуруҳининг сардори Бунёдбек Маматюсупов устознинг ноёб фазилатлари тўғрисида ёзиб, унинг “... синчков нигоҳи қаъридаги инсонпарварлик, миллатпарварлик, садоқат, адолатгўйлик, камёб ташкилотчилик, ўз ўрнидаги самимий ҳазил, шунингдек, талабчанлик ва ишга масъулият каби фазилатларни ўқиб олиш қийин эмас” [16], деган эди.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент, С.Шермуҳамедовнинг шогирдларидан бири Рухсора Рўзиеванинг қайд қилишча, устоз ўз шогирдларига қуйидаги уч қонидани қайта-қайта такрорлаган: биринчидан, ўзи шуғулланадиган фан соҳасини чуқур билиши, иккинчидан, шу соҳада изчиллик билан тадқиқот олиб бориши, янги ғояларни илгари суриши, учинчидан, шу ғояни ҳаётга кенг тарғиб этиб, илмий жамоа ва шогирдларига раҳбарлик қила билиши лозим [17].

Устознинг яна бир шогирди Беҳзод Қобулов хотирлаганидек, С.Шермуҳамедов доимо ёшларга ватанпарвар бўлишни, бунинг учун ўз юртининг тарихий обидалари, муқаддас жойларини яхши билишни таъкидлаган, унинг ўзи бунинг яққол намунасини кўрсатган [18].

Саид Шермуҳамедов шогирдларига нисбатан чексиз ғамхўрликни ўзининг улуғ устозларидан, дўстларидан ўрганган, шу туфайли ўзи ҳам буюк устоз даражасига кўтарилган эди. Буюк инсон ва алломанинг маънавияти, ноёб хислатлари илм аҳли ва ёшлар тарбияси учун ўзига хос тарбия мактаби бўлган. Бу фикрни фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуд Абдуллаев ва доцент Бахтиёр Толипов ўзларининг устоз С.Шермуҳамедовга бағишланган “Устозлар устози” сарлавҳали шеърларида ёрқин ифодалашган [19].

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол академик Саид Шермухамедовни барча эзгу хислатлари билан бирга мустақкам илдиз отиб турган қудратли чинор дарахтига ўхшатиб, унга бағишлаб “Чинор” шеърини ёзган [20].

Хулоса қилиб айтганда, йирик жамоат ва давлат арбоби, академик Саид Шермухамедов феноменига хос бўлган ноёб фазилятлар унинг комил инсон бўлганлигини кўрсатади. Бу фазилятлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, улар ёшлар тарбияси учун ибратли материаллар беради.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Философская энциклопедия. Гл. ред. Ф.В.Константинов. – Москва: Советская энциклопедия, 1970. 5-т., с. 313.
2. Жўраев Н. Суянч тоғи //Қалб изҳорлари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 87-88-бетлар.
3. Кучуради Иоанна. Величие простого философа //Қалб изҳорлари, 8-бет.
4. Чумаков А.Н. К юбилею профессора С.Ш.Шермухамедова //Қалб изҳорлари, 10-бет.
5. Орипов А. Қутлуғ ёш // Қалб изҳорлари, 6-7-бетлар.
6. Жўраев Р. Дунё фаровонлиги яхши одамлар билан //Қалб изҳорлари, 27-28-бетлар.
7. Бобобеков Ҳ.Н., Олимов А.Ҳ. Замонамизнинг етук олими //Қалб изҳорлари, 41-бет.
8. Салимов О.У. Эзгу мақсадли олим //Қалб изҳорлари, 11-бет.
9. Шермухамедов Саид. Қалбим изҳорлари. Биринчи китоб. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010, 164 б.
10. Саматов Шомат. Илму маърифат боғбони. – Тошкент: Extremum press, 2010, 136 б.
11. Шермухамедова М. Орзуларим армон бўлмади //Қалб изҳорлари, 56-бет.
12. Арисланбаева З. Устоз оиласидан ибрат //Қалб изҳорлари, 123-бет.
13. Шарипов М. Комил инсон ҳақида ўй //Қалб изҳорлари, 118-бет.
14. Қалб изҳорлари, 56-68, 133-135-бетлар.
15. Файзуллаев О. Маданиятшунослик фалсафасининг сардори //Қалб изҳорлари, 13-бет.
16. Маматюсупов Б. Донишмандлик сари //Қалб изҳорлари, 129-бет.
17. Рўзиева Р. Ҳақиқий олим бўлиш учун... //Қалб изҳорлари, 126-бет.
18. Қобулов Б. Бу мактабни битирмаймиз... //Қалб изҳорлари, 131-бет.
19. Маҳмуд Абдуллаев, Бахтиёр Толипов. Устозлар устози //Қалб изҳорлари, 115-116-бетлар.
20. Жамол Камол. Чинор. Қадрдон акамиз, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Саид Шермухамедовга //Қалб изҳорлари, 107-бет.

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХ

- Муҳаммадиев Раҳмон Омонович.** Ўзбекистон қаҳрамони, Тошкент давлат тиббиёт академиясининг Термиз филиали офтальмология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори. Иброҳимбек. .... 3
- Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудир, тарих фанлари доктори, профессор. Совет режимининг «Катта қирғин» вақтида миллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонлик сиёсати. .... 9
- Рахимов Баҳодир Саидмусаевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти. Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасида тарихий-маданий меросимизнинг илмий ўрганилиши ... 14
- Турсунов Анвар Сайпуллаевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Сурхондарёда спортнинг тараққий етиши ва унда урбанизацион жараёнларнинг тугган ўрни (Мустақиллик йилларида)..... 18
- Кузикулов Икромжон Умаралиевич.** Наманган давлат университети “Тарих” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Қўқон хонлиги мингбошилари. .... 22
- Дилфуза Жўраева.** Сурхондарё вилоят давлат архиви директори. Архив биноларининг маълумотларни сақлаш ва юртиш фаолияти тарихидан. .... 25
- Eshonqulov Umurzoq Absamat o‘g‘li.** Jizzax davlat pedagogika universiteti ijtimoiy-gumanitar fanlarda masofaviy ta’lim kafedrasida o‘qituvchisi. O‘zbekiston hududida antik davrida kechgan migratsion jaryonlar (Yuejilar misolida). .... 29
- Raimov Mamasoat Safar o‘g‘li.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida o‘qituvchisi. Termiz XIII-XVIII asrlarda: tiklanish va tanazzul. .... 32
- Сангинова Иродахон Неъматуллаевна.** Денов тадбиркорлик ва педагогика институти таянч докторанти. Маҳаллаларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни..... 35
- Нуриев Санжар Махмудович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Мамлакатимизда диний ишлар бўйича қўмитанинг амалий-ташқилий ишлари..... 40
- Каримов Ақбар.** Термиз давлат университети жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Ҳукуматнинг эътибори туфайли бугун ёшлар эътирофда..... 43
- Аллаёров Бекзод Еркинович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Сурхондарё милициясининг ташкил топиши ва шаклланиши. .... 46
- Бобожонов Дилшод Бахтиёрович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Сурхондарё вилоятида ёшлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил етиш борасида амалга оширилаётган ишлар..... 50
- Чориев Жамшид Шокиржанович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Урбанизацион жараёнларнинг Термиз шаҳри иқтисодий-ижтимоий ҳаётига таъсири (XIX аср охири - XX аср бошларида). .... 54
- Қаюмов Алишер Тожиевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Чингизхонани Хоразим шоҳлар давлатига қарши сиёсий режалари ва унинг мақсадлари..... 57
- Худойбердиев Ўткир Тошмурадович.** Термиз иқтисодиёт ва сервис университети мустақил тадқиқотчиси. Мамлакатимизнинг иқтисодий соҳада ривожланишида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ўрни..... 62

## ЭТНОГРАФИЯ

**Очил Бўриев.** Қарши давлат университети профессори, тарих фанлари номзоди. Фотима Тўхтамишева. Қарши давлат университети ўқитувчиси. Қашқадарё воҳаси анъанавий гиламдўзлигида трансформация жараёнлари. .... 67

**Ақчаев Фаррух Шавкатович.** Проректор Жиззахского ГПУ, доктор философии по историческим наукам, доцент, Шералиев Жамшидjon Умидjon ўғли, студент Жиззахского ГПУ. Воспитание детей в системе национальных и религиозных традиций узбеков..... 73

**Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович.** Жиззах давлат педагогика университетини ўқитувчиси, тарих фанлари бойича фалсафа доктори (PhD). Чорвадорлар маданиятининг археологик материалларда акс этиши (Жиззах воҳаси мисолида)..... 77

**Дуланов Отабек Юлдашевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. Сурхон воҳасидаги юзларнинг худудий жойлашуви ва этник тарихидан лавҳалар. .... 86

**Эшмўминов Озодбек Зиёдулла ўғли.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. Сурхон воҳаси аҳолиси ва кўчиб келган фарғоналикларнинг уй-жой қурилишида ўзига хослик ва анъанавийлик ..... 89

**Қаршиев Ислон Махмараҳим ўғли.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. Миллий халқ ўйинларининг тарихий-ижтимоий ва маиший-хўжалик хусусиятлари. .... 92

**Mallayev Dilmurot Tursunmurodvich.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasini o'qituvchisi. Gilamchilik san'ati tarixi va rivojlanish bosqichlari. .... 95

**Шамсиева Зилола Аскарровна.** Термиз давлат университети таянч докторанти. Қиз уйидаги тўйолди анъанавий маросимлари этнографик таҳлили (бухоро воҳаси мисолида) ..... 98

## ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

**Пўлатов Баҳодир Абдуназарович.** Термиз давлат университети Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси. Ов қилиш ва ов хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ..... 102

**Шоймардонов Ботиржон Норкелдиевич.** Термиз давлат университети Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси. Маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик ..... 106

## ФИЛОЛОГИЯ

**Karimova Kamilla Vyacheslavovna.** Teacher of the department of music education, Termez State University. The role of Alisher Navoi in the World Music Culture ..... 112

**Yakibova Dilorom Sharifovna.** Termiz davlat universiteti Boshlang'ich ta'lim katta o'qituvchisi. O'quvchilarni texnologiya darslari jarayonida kreativligini shakllantirish..... 115

## ФАЛСАФА

**Саматов Шомат Бердиевич.** Термиз давлат университети Фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори. Абдулла авлонийнинг маънавий-маърифий қарашлари ва ҳозирги замон ..... 118

**Қорабоев Нодирбек Мамаражабович.** Термиз давлат университети таянч докторанти. Саид Шермуҳамедов феноменига хос фазилатлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. .... 124

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

*Илм келажасгимиз равнақидир*

**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION**

*Илмий мақолалар журнали*

**N-1 2023**

## «СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ваҳизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шарти билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.